Анализ существующих источников показывает, что основное строительство в Самарканде в XVII в. было сосредоточено на центральной площади города – Регистан, а также вокруг святых могил исламского теолога X в. Абу Мансура аль-Мотуриди на кладбище Чокардиза, а также у святилища Ходжа Ахрара (1404–1490 гг.), где было построено медресе. На площади Регистан в начале XVII в. находились медресе Мирзо Улугбека (рис. 1: 15), его ханака, караван-сарай, соборная мечеть крупного сановника Алике Кукельташа. К востоку от Шер дора располагалось медресе Джавзания (Каттаев, 2017, с. 69).

Наместник бухарских ханов в Самарканде – Ялангтушбий бахадур был инициатором строительства в Самарканде медресе Шер-Дор, возведённого на месте обветшавшей ханаки Мирзо Улугбека (Массон, 1929, с. 15) (рис. 1: 16). Позже на площади Регистан на месте пострадавшего от времени караван-сарая Мирзо Улугбека было построено медресе Тилля-кари (1646–1660 гг.) (рис. 1: 17), причём согласно вакфному документу строительство завершала дочь Ялангтуш бия Бури биби (Мах бану) (Массон, 1942, л. 59). В XV в. в центре Регистана был построен большой каменный бассейн шириной 28 м и длиной 70 м (Бурякова, Мерщиев, 1976, с. 526).

На площади Регистан с южной стороны находилась соборная мечеть, упоминаемая источниками ещё в XIV в. Она называлась Масжиди Кабуд (Голубая мечеть) или мечеть Умара. В 1-й пол. XV в. Алике Кукельташем была построена новая мечеть или перестроена старая.

Религиозным учреждениям принадлежит выдающееся место и среди самаркандских построек Улугбека. Для построек была избрана базарная площадь Самарканда, носящая теперь название «Регистан». Из надписей видно, что постройка была начата 820(1417) и окончена 823(1429)г. Медресе, построенные Улугбеком в Самарканде, оказалось самыми долговечными из его построек.

На той же площади, напротив медресе, Улугбеком была построена ханака для дервешей; в 1028(1619) г. На месте ханаки было построено медресе Ширдар, ханаки, очевидно уже там не было (Рис. 2).

В Самарканде в царствование Улугбека, возникла новая соборная мечеть. В последующем Улугбеком прорыт Мирза –арык из Зерафшана (нынешная территория в Джамбае).

Рис. 2 Генеральный план Самарканда

Обсерватория Улугбека в Самарканде, созданная в 1420-х годах тимуридским астрономом Мирзо Улугбеком (1394—1449 гг.), является историческим памятником и одной из лучших обсерваторий в исламском мире. В свое время здесь работали такие ученые, как Кази-заде ар-Руми (1364—1437 гг.), Аль-Каши (1380—1429 гг.) и Али аль-Кушчи (1403—1474 гг.).

Возведение монументального строения, продолжавшееся 4 года, началось в 1420 году. Во главе мастеров, участвовавших в этом грандиозном проекте, Улугбек поставил своего учителя Руми. После завершения основных строительных работ перед проектировщиками стояла задача оборудовать здание приборами для наблюдения за звездным небом. Выполнение этого ответственного дела было возложено на известного ученого Джемшида Каши, ставшего управляющим обсерватории после начала ее работы. Следует отметить, что Улугбек часто посещал звездный дом, проводя в его стенах все свободное время. Властитель проявлял благосклонность к ученым, поощряя

их исследования, и стремился к личному участию в изысканиях.

Привлекая лучших астрономов из Персии Улугбеку удалось достичь немалых успехов — и это при том, что он как правитель не мог уделять много времени исследованиям. Разумеется, его имя носило титульный характер, но это едва ли умаляет его заслуги: так, в обсерватории был создан один из самых обширнейших на тот момент каталогов звездного неба, включавший в себя 1018 светил. Помимо этого, в обсерватории Улугбека была определена продолжительность астрономического года — она отличалась от подтвержденной сегодня всего на 58 секунд (365 дней и 8 часов). Для инструментов и знаний того времени это был неслыханный по точности результат.

При строительстве монументальных зданий Регистана XV в. здесь же были построены кирпичеобжигательные печи (Массон, 1942, л. 59).

К сожалению, время почти не донесло остатков дворцов и садов, когда-то опоясывавших Самарканд; на долю археологов, в лучшем случае, приходятся котлованы былых фундаментов и фрагменты великолепного архитектурного декора, упавшего при разборке стен ради кирпича. Составить приблизительное суждение об их облике позволяют лишь эти остатки, изображения на миниатюрах и случайные описания очевидцев.

Богча - интимный садик Улугбека, неподалеку от Боги Майдана. Здесь по приказу Улугбека был построен павильон Чиннихона с интерьерами, отделанными фарфоровыми расписными плитками (кобальт по синему фону) из Китая или под Китай, отсюда и название Чиннихона

Обсуждение

Растущее в обществе стремление быть достойными потомками наших великих предков, замечательными людьми, внёсшими большой вклад в сокровищницу человеческой культуры, осознание этого каждым гражданином - все это хороший знак нового времени. Исторический опыт, преемственность традиций - все это должно стать ценностями, на которых воспитываются новые поколения. Неслучайно наша культура стала центром притяжения для всего человечества: Самарканд, Бухара, Хива - места паломничества не только учёных и любителей искусства, но и всех людей земли, интересующихся историей и историческими ценностями.

Заключение

Таким образом, культура Самарканда в эпоху Улугбека претерпела новый взлёт и трансформации, коснувшиеся градостроительства, формирования новых архитектурных комплексов. Строительство обсерватории имело мировое значение. Основное строительство было направлено на возведение культовых и образовательных зданий. Был построен новый Намазгах, что говорит о многочисленности населения города и его тесных связях с сельским населением, которое, очевидно, собиралось в Самарканде во время общественных праздников. Кроме знаменитых медресе, построенных Улугбеком на площади Регистан, были возведены другие медресе на прилегающей к площади территории. Некие монументальные сооружения, украшенные изразцами разных цветов, могли быть построены в цитадели, и дальнейшие археологические исследования могут выявить новые, ранее неизвестные, памятники. Благоустраивались различные крупные святилища – мазары.

Литература:

1. Ахмедов Б.А. «Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра в 15 веке». «Из истории эпохи Улугбека». 1965г.
2. Абрамов М.М. Гузары Самарканда. Ташкент: Узбекистан, 1989. 56 с.
3. Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов: По материалам персид ского исторического сочинения Бахр ал-асрар. СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2006. 229 с.
4. Бартольд В.В. История Туркестана, Ташкент, 1922

Буряков Э.Ю., Лебедев Т.И. Оборонительная система цитадели Тимураю ИМКУ, вып. 22,Ташкент, 1988

5. Бобурнамэ, Ташкент, 1958
6. Бородина И.Ф. «Декоративная система внутреннего пространства мавзолея Амира Темура.« История и культура народов Средней Азии ». 1976.
7. Бурякова Э.Ю. Новые данные к стратиграфии цитадели средневекового Самарканда // Археологические работы на новостройках Узбекистана / Отв. ред. М.И. Филанович. Ташкент: Фан, 1990. С. 67–71.
8. Бурякова Э.Ю., Буряков Ю.Ф. Новые археологические материалы к стратиграфии средневекового Самарканда (по раскопкам площади Регистан в 1969–1971 гг.) // Афрасиаб. Вып. II / Отв. ред. Я.Г. Гулямов. Ташкент: Фан, 1973. С. 174–223.
9. Бурякова Э.Ю., Мерщиев М.С. Исследования на Регистане Самарканда // Археологические открытия 1975 года / Отв. ред. Б.А. Рыбаков М.: Наука, 1976. С. 525–526.
10. Бухари, Хафизи Таныш. Шараф-намайи шахи (Книга шахской славы). Ч. 1 / Пер. с перс., введ., примеч. и указ. М. Салахетдиновой. М.: Наука, 1983. 299 с.
11. Вяткин В. Васики сиджият и утверждение продаж / ЦГА РУз. Ф. Р-2773. Оп. 1. Д. 1104. 1929 г.
12. Вяткин В.Л. Отчет о раскопках, произведенных в октябре 1904 года в местности Намазгох близ г. Самарканда // Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. № 7. 1907, С.12–20.
13. История Узбекистана. Муминов И.М., Т., «Тема», 1974.
14. Каттаев К. Самарқанднома. Тўртинчи тўплам. Тошкент: Mashhur-press, 2017, 308 с.
15. Кочнев Б.Д. Средневековые загородные культовые сооружения Средней Азии. Ташкент: Фан, 1976. 84 с.
16. Лебедева Т.И. Позднесредневековый Арк Самарканда // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 32 / Отв. ред. Т.Ш. Ширинов. Ташкент: Фан, 2001. С. 202 217.
17. Маликов А.М. История Самарканда (с древних времен до середины XIV века). Т.1. Ташкент: Paradigma, 2017. 336 с.
18. Маньковская Л.Ю. Ансамбль Абди Дарун // ЦГА РУз. Ф. Р-2810. Оп. 2, Д. 152. 1978 г.
19. Маньковская Л.Ю. Ансамбль Регистан // ЦГА

РУз. Ф. Р-2810. Оп. 2. Д. 149. 1976 г.
20. Массон М.Е. Историческая топография г. Самарканда // ЦГА РУз. Ф. Р-2773. Оп. 3. Д. 22. 1942 г.
21. Массон М.Е. Карты и план города Самарканда // ЦГА РУз. Ф. Р-2773. Оп. 3. Д. 27. 1921 г.
22. Массон М.Е. Регистан и его медресе. Самарканд, 1929. 32 с.

ХОЖА АХМАД ЯССАВИЙ МАЖМУАСИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

Салимов О., профессор – Тошкент архитектура қурилиш университети

Маълумки, 1389-1399 йилларда Амир Темур буйруғига биноан XII асрда яшаб ўтган, ўз даврининг буюк мутафаккири Хожа Ахмад Яссавий қабри устига Туркистон шаҳрида (Қозоғистон Республикаси) улкан бино қурилиши бошланган эди, афсуски, бу ноёб иншоот қурилиши охиригача етказилмаган . . .

Аннотация: Буюк бобомиз Амир Темур томонидан 600 йил аввал – X1У асрда қурилган салобатли иншоот ҳозирги кунга келиб, Туркиянинг "Вакиф Иншаат" фирмаси томонидан айрим саводсиз турк "усталари" томонидан нотўғри таъмирланганлиги сабабли, вайрон бўлиши арафасида турибди...
Калит сўзлар: таъмирлаш, қайта тиклаш, тузатиш, гумбаз, муқарнас, бетон қозиқ, оқлаш ва ҳ.к...

Аннотация: Грандиозное сооружения построенный великим Амиром Темуром 600 лет тому назад, с X1У до настоящего времени дошел не теряя своё величие. По причине некоторыми неграмотными турецкими "специалистами-мастерами" из фирмы "Вакиф Иншаат", сегодня находится в аварийном состоянии...
Ключевқе слова: реставрация, реконструкция, ремонт, побелка, бетонные сваи,купол, сталактит и т.п...

Abstract: The grandiose structure built by the great Amir Temur 600 years ago, from the 14th century to the present day has reached without losing its grandeur. Due to some illiterate Turkish "specialist-masters" from the company "Vakif Inshaat", today it is in an emergency condition...
Key words: restoration, reconstruction, repair, whitewashing, concrete piles, dome, stalactite, etc.

Мақбарани таъмирлаш тарихидан:

Ўтган асрнинг 90-йилларидаги эътиборга лойиқ воқеалари Туркистон шаҳри аҳолиси хотирасида сақланиб қолганини эътироф қилиш лозим... Уларнинг орасида Қозоғистон ва Туркия Республикаси ўртасидаги Хожа Ахмад Яссавий мақбараси тўғрисидаги келишувни таъкидлаш мумкин. 1990 йил 5 декабрда имзоланган келишувга кўра "Вакиф Иншоот" фирмаси "Хазрати Султон" мақбарасини таъмирлаш билан шуғулланиши ва мавзолей пойдеворини мустаҳкамлаш бўйича ишларни олиб бориши керак эди.

Шу шартномага асосан, "Вакиф Иншоот" фирмаси бошқа турк фирмаларини жалб қилган ҳолда, сизот сувларини оқизиб чиқариш ва дренаж системасини тартибга келтириш ҳамда Туркияда рангсиз сирланган кошинлар тайёрлаш билан шуғулланган.

Маълумотларга қараганда, 1993 йилда бошланган ишлар 2000 йилда якунланган, ва шартномада кўрсатилмаган бошқа ишлар ҳам бажарилган. Улар орасида мақбара тадқиқотчиларини анча йиллардан бери безовта қилиб келаётган муаммолардан бири, мавзолей алоҳида қисмларининг чўкиши ва сизот сувлари мақбаранинг гумбазигача бўлган қисмига таъсир этиши каби масалалар батамом ҳал қилинмаганлиги. Айниқса совет даврида "илдизсимон қозиқоёқлар" деб аталувчи технологияларининг қўлланилиши ўзбек олимларининг алоҳида эътиборини ўзига тортмоқда...

Турк фирмаларининг кучи билан мақбара барча, ички ва ташқи деворларининг икки томонидан ҳар бир метрда махсус бурғу билан 15 метр чуқурликгача, яъни, 10-12см. диаметрга эга бўлган чуқур қудуқлар қазилганлиги, унинг 7 метри тупроқдан, қолган қисми тош қатламидан ўтган. Ҳаммаси бўлиб 1500та шурф қазилган, уларнинг ичига металл штирлар ўрнатилиб, 350-400 атмосфера босими остида у ерга суюқ бетон юборилганлиги тўғрисида маълумотлар берилган...

Бундай босимдагим куч остида тош қатламидаги шурф диаметри 20-40 см, тупроқ қатламидаги шурф диаметри эса 80-90 см.гача кенгайиши мумкин. Бетон қозиқлар орқали сувнинг таъсири мавзолей деворларининг юқорига чиқишини бартарф этиш учун сульфат кислота ва тузларга қарши чидамли цемент қўлланилган. Шу билан бирга деворлар асоси узунасига бўйлаб, икки томондан чуқур тешилган - девор қалинлигининг учдан бири ва 80 см. баландликкача ва ўша ерда юпқалашган деворда ҳар бир чуқурнинг олдига иккита рельсли балкалар бемалол сиғадиган тешиклар қилинганлиги ҳамда рельслар темир қозиқлар устини тўлдирган бўлиб, арматурали бетон пойдеворларга ўрнатилганлиги тўғрисидаги шов-шувли маълумотлар берилди (1).

Айнан ҳозирги кунларда, нафакат, Ўзбекистон ва Қозоғистон мамлакатларида, балки барча чет эл Германия, Россия, Хитой олимлари орасида ҳам ВАКИФ ИНШААТ турк фирмаси томонидан 30 йил аввал нотўғри "усул"ларда бажарилган Хожа Ахмад Яссавий мажмуаси устида олиб борилган "РЕКОНСТРУКЦИЯ" ва "РЕСТАВРАЦИЯ" ишлари тўғрисида кенг муҳокама ишлари олиб борилмоқда.

Қардош турк томони, мақбарани Туркистон шаҳрининг 1500 йиллик юбилейига тайёрлаган бўлсада, у пайтда, 1980 йилларда таъмирланган ва орадан 15 йил ўтгандан кейин бироз эскирган ва путурдан кетган иншоотлар ҳамда мақбара муҳофаза зонасини янгилаш зарурати пайдо бўлмаганди...

Катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари 1993-2000 йиллар давомида бажарилган. Бу даврда қозиқоёқли пойдеворлар ётқизилган, том қопламасини иситиш қопламаси ва пар ўтказувчи қатламга эга янги конструкцияга алмаштириш ишлари бажарилган. Интерьердаги гипс сувоқ ангидритли сувоққа алмаштирилган ва бир қатор бошқа ишлар ҳам бажарилган. Ёдгорликнинг сақланишига жиддий таъсир кўрсатган таъмир ишлари олиб борилган.

Қозиқларни қўйиш ишлари 1993-1994 йилларда турк ихтисослашган фирмаси томонидан бажарилган. Қозиқлар пуркаш технологияси - 400 атмосфера босими остида цемент қоришмани тўлдириш йўли билан қилинган, негаки қозиқни ўрнатиш иши катта миқдорда сувдан фойдаланиб бажарилган, иншоот атрофидаги тупроқ анчагина намланган. Қозиқли пойдеворларни бажаришда қатор сабаблар туфайли деворларнинг горизонтал гидроизоляцияси бажарилмаган (2).

Айтишларича, қозиқли пойдеворлар қўйилгандан икки йил ўтиб, 1996 йилнинг август ойида баъзи жойларда деворларнинг пастки қисмидаги материалларининг намлиги сезила бошлаган... 1993 йил билан таққослаганда (пойдеворлар қўйилгунча) материаллар намлиги бошланғич намликдан икки баробар ортиқ бўлган. Кейинги 20 йилгача бўлган лаврларда, ёдгорлик материалларининг намлик ўзгаришини ва ҳозтрги кундаги ҳолатини олимлар томонидан кузатиш ишларини олиб бориш учун давлат томонидан молиялаштириш йўқлиги сабабли ўтказилмаган.

1993-2000 йилларда ёдгорликда таъмир ишларини ўтказиш вақтида ишлатилаётган материаллар ва бажарилаётган ишларнинг сифатини назорат қилиш моддий маданий ёдгорликлар Илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти мутахассислари томонидан Маданият Вазирлигининг 1997 йил 10 июлдаги қарорига асосан амалга оширилган.

Таъмирлаш ишлари алоҳида турларининг қониқарсиз сифати моддий маданият ёдгорликлари НИПИ вакиллари томонидан қайд этилган бўлиб, жумладан, Қозонхона гумбазининг қопламасини бажаришда плиткалар орасидаги чокларни монтаж қилиш жараёнида қоришма билан тўлдирилмаган, плиткалар қўйилгандан кейин устидан ишқаланган. Чоклар кенглиги 3-5мм, чуқурлиги 5-7 см, бундай усул билан бутун чуқурлигини тўлдиришнинг имкони йўқ. Бундан ташқари чоклар тўлдирилган қоришма сифатсиз бўлган ва биринчи ёғингарчиликдан кейин чоклар орасидаги қоришма ювилиб кетган. “Вакиф-Иншоот” турк компанияси чокларни иккинчи марта тўлдириши керак эди, аммо чамаси бу ишлар бажарилмаган, чунки 2000 йилнинг кузида маҳаллий орган вакилининг, ишнинг бажарилиши устидан назоратни олиб борувчи иштирокисиз объект охиригача етказилмасдан, чала ҳолда топшириб кетилган, яқин кунларда бинонинг томидан маҳаллий усталар томонидан 5 тонна аҳлат олиб туширилганлиги маълум бўлди...

Таъмирлаш ишларини бажариш вақтида маҳаллий орган вакиллари материалларнинг паст сифатини юқори сув шимувчанлик, совуққа чидамсизлик ва шу кабиларни кўп марта таъкидлаганлар. Таъмирлаш ишларини бажаришда турк фирмаси гипс ўрнига носоз технология билан ишлаб чиқарилган агидрит ишлатган. Шу нарса маълум бўлдики, биринчи кузги ёмғирлардан кейиноқ кўпгина хоналарда равоқ ва гумбазларда нам доғлар пайдо бўлган. Иншоотнинг охирги текшируви 2005 йил апрелда бажарилган.

Мақбарани визуал текшириш вақтида ҳамма хоналар интерьерида равоқ ва гумбазларда нам доғлари борлиги қайд этилган. Гумбаз ва равоқларда оҳак қатлами кўчиб тушган (Ошхана, Катта Оқсарой, Кичик Оқсарой, Қудуқхона), алоҳида хоналарда эса сувоқ кўчиб тушган (Ошхана, том қопламаси равоқлари). Масжид хонасида муқарнасларда ҳам нам доғлар қайд этилган. Масжиднинг шимолий деворида таъмир вақтида ўрнатилган панелларнинг кошинкор қопламаси кўчиб тушган. Маълумки, бу бузилиш таъмирлашдан кейиноқ рўй берган ва баъзи қопламалар алмаштирилган. Қозондикда гумбаз муқарнасларида яққол кўриниб турган ёриқлар пайдо бўлган. Ёриқлар узунлиги ва уларнинг очилиш кенглиги муқарнасларнинг сақланиш хавфини туғдиради. Муқарнасларда ёриқлардан ташқари сариқ рангдаги нам доғлар кўриниб турибди. 1993-2000 йиллар таъмиригача муқарнаслардаги ёриқлар ва нам доғлар кузатилмаган.

Иншоотнинг баъзи хоналарида Ошхона, йўлаклар, Масжид, Қозонхона деворларининг пастки қисмида чакки ўтганлиги аниқланган (3).

Томдаги текшируви шуни кўрсатдики, бу ердаги таъмир ишлари паст сифатда бажарилган. Ҳар ерда горизонтал юзаларда таъмирлашда қўйилган ғиштлар кўчиб тушган. Бу ерда ғишт ангидрит қоришмада терилган, ғиштлар орасидаги чоклар бузилган, чоклар қоришмаси яхлит пластина ҳолида кўчиб тушган. Текис том юзасида ёриқлар кўп, у ерга ёмғир суви оқиб кирган (масалан Масжид, иккинчи қаватдаги йўлак равоқлари, миноралар, Бош пештоқ равоғининг юқори қирраси ва бошқалар).

Текис томни ишлашда турли қатламлар қўйилган, шу қаторда совуқ ўтказмайдиган материал (сув ўтказмайдиган) пластикдан буғ ўтадиган трубалар-паропровод. Бу қатламлар герметик бирикувга эга бўлиши керак эди, аммо томдан чакка ўтганлиги сабабли, бу қатламлар бирикувининг ёмон сифатда эканлигини кўрсатади (4).

Иншоот бориб текширилганда Катта Оқсарой томининг текис жойида, равоқларнинг кўп нам тортган жойида шурф қилинган. Бунда паропровод остидаги том ғишти юқори намликка эгалиги аниқланган. Паропровод конденсацион намликнинг буғланиши учун мўлжалланган. Аммо ғишт тахламига ёмғир суви кираётгани учун (турли қатламлар чокларининг ёмон сифати сабабли) шунча намликни паропровод орқали чиқариб юбораолмайди, чунки барча намликлар ашёларда тўпланиб қолади.

Бош пештоқ текис томининг ғарбий қанотида

сув оқиб кетиши учун бортик йўқ ва ёмғир суви жанубий фасад ғишт тахлами юзасига оқяпди, чунки, сув оқаётган жойдаги ғишт тахлами туз билан қопланган (5).

Қозонхона гумбази конструкциялари ва муқарнасларнинг текшируви қоплама плиткалар орасидаги чоклар ичига ёмғир суви кираётганини кўрсатди. Қазонхона гумбази муқарнасларидаги намлик доғлари эса, бу ёмғир суви оқиб тушганлиги сабабидан. Гумбаз ораси қисмларида муқарнаслар конструкцияси юзаларида сув излари кўриняпди, шунингдек, ғишт тахламларида нам доғлар ва сарғайган жойлар кўриняпди. Қазонхона гумбази тахламининг ички юзаси шўр билан қопланган бўлиб, бу ҳам ғишт тахламининг сув оқиб киргани кўрсатмоқда. Гумбаз оралиғида материаллар намлигини текшириш учун қоришмалар намуналари олинган. Баъзи жойларда гумбаз ғишт тахлами қоришмаси намлиги 60-67 фоизгача етади. Гумбаз ғишт тахлами қоришмасининг энг юқори намлиги илгари ёғоч балкалар бўлган жойларда аниқланган.

Тахламлар чоклари орқали сув оққани сабабли ғишт тахлам орасига беркитилган ёғоч тўсинлар намланган. Бундан ташқари чириган ёғоч тўсинларда ёғоч қурти (термит) излари кўриниб турибди, кўп тўсинлар қуртлар сабабли зарарланган бўлиб, Марказий Осиёдаги диаметри 19 метрлик энг катта гумбаз ҳозирги кунда авария ҳолатига келиб колган....,

Фасадлар деворларида тарновлар атрофида турли ўлчамлардаги нам доғлар аниқланган. Фасадларда тарновлар атрофида юза қопламларининг катта жойларида шўрланиш пайдо бўлган. Баъзи жойларда тузлар таъсиридан илгариги таъмир қопламалари бузилябди - қозонхонанинг саккиз ва тўрт қиррали, шарқий фасадда, Бош пештоқнинг ғишт тахламида тарновлар олдида ва сув оққан жойларда сарғайган доғлар кўринади (5).

“Вакиф Иншаат” компанияси томонидан олиб борилган таъмирлаш ишлари якунлангандан кейин беш йил ўтиб, таъмир ишлари алоҳида турларининг қониқарсиз сифати таъмир жараёнидаёқ аниқланган бўлсада, таъмирлашдан кейин иншоот ҳолатини кузатиш ишлари молиялаштириш йўқлиги учун компаниянинг олиб борилган ишлари устида текшириш ўтказилмаган. Иншоот ичига сув оқиб киргани сабабли таъмирдан кейин иншоотнинг техник ҳолати сезиларли ёмонлашган:

- Қозонхона гумбази муқарнасларида ёриқлар пайдо бўлган;
- Қозонхона гумбази ёғоч тўсинлари намланган ва путурдан кетган;
- тузлар пайдо бўлиши сабабли фасад қопламалари ва бошқа материаллар бузилган (6).

Хожа Ахмад Яссавий меъморий мажмуасини келажак авлод учун сақлаб қолиш учун юзага келган ҳолат сабабли қуйидаги биринчи галдаги тадбирларни бажариш тавсия қилинади:

- Тўпланган намликдан гумбаз тахламини қуритиш учун қозонхона гумбазининг кошинкор қопламасини, плиткаларни маркалаб ва тахлаб эҳтиёткорлик билан кўчириш, ўзининг асл тахламигача қоришмадан тозалаш ва тахлам чокларини гипс қоришма билан ёпиш;
- Текис томда сув кираётган ёриқларни гипс қоришма билан ёпиш Бош пештоқнинг ғарбий қанотида сув оқиб кетиши учун бортиклар ўрнатиш. Тарновлар ўрнатилган жойларга гипс қоришма билан ёриқларни вақтинча ёпиш;
- Қозонхона интерьери гумбазида муқарнасларни текшириш (хонага хавозалар қўйиш);
- Қозонхона гумбази муқарнасларида тахламни шамоллатиш ва қуритиш учун қўшимча туйнуклар;
- Қозонхона гумбазининг гумбаз оралиғидаги тўсинларда ёғоч қурт(термит)ларининг борлиги ва уларнинг турларини;
- Том конструкциясини алмаштириш учун материалларни тайёрлаш: Гипс олиб келиш ва анъанавий технология асосида 25х25х5см ўлчамли ғиштларни ишлаб чиқаришни бошлаш;
- Фасадлар қопламларини тузлардан тозалаш (хавоза қўйиш зарур).

Дастлабки тадбирларни бажаргандан сўнг сув ўтишини бартараф этиш учун ва иншоот эски материаллари бузилишининг олдини олиш учун томни таъмирлаш.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш лозим, Қозоғистон олимлари томонидан мақола муаллифига тақдим этилган маълумотларга асосланиб, мазкур ёдгорлик устида 40 йил давомида иш олиб бораётган “таъмиршунос”лар объектдаги

тадқиқотлар ҳақида “тўлиқ” маълумотга эга эмаслар. 1984 йилдан бери материаллар камлиги деярли бир хил ҳолатда деган тасдиқ жуда нотўғри. Қозонхона гумбазининг тахлам қоришмаси намлиги максимал қийматига эга бўлган. 1993 йилда турк компанияси томонидан таъмирлаш ишларининг бошланишидан олдин тахлам қоришмасининг намлиги бўлмаган. “Казреставрация”нинг 2011 йил 22 июлдаги илмий техник кенгашининг 3-сонли қарори ҳамда Қозоғистон Маданият Вазирлигининг 11.04.2013 йилги буйруғи асосидаги “Хулосалари”га қуйидаги таклифлар берилган:

- “КазНИПИ ” моддий маданий ёдгорликлар институти томонидан 2005 йилда ишлаб чиқилган бино томини реконструкция қилиш лойиҳасида инвентар ҳавозалар муқарнасларини текшириш назарда тутилган, шунинг учун илмий-техник кенгаш қарори бирмунча кечикган. Реставрация-консервация ишлари лойиҳасини мен кўрмадим, лекин айта оламанки, муқарнаслардаги ҳар қандай иш жуда эҳтиётқорлик билан олиб борилиши керак эди, чунки муқарнаслар материалининг намланиши мустаҳкамликни камайтириши ва деформацияни ошириши мумкин, бу эса муқарнасларнинг бузилишига олиб келади;

- Таъкидлаш лозим, Ўзбекистонда ёдгорликларни таъмирлаш учун ангидрит қоришма қўлланилмайди;

- Масжид шимоли-ғарбий бурчагининг намланиш сабабларини аниқлаш учун гидрогеологни жалб қилиш керак. У зарур маълумотларни йиғиши ва таҳлил қилиши, намланиш сабабларини аниқлаши зарур. Материаллар намланиши сабабларини аниқлаш учун биргина шурфларнинг ўзи етарли бўлмаслиги мумкин. Панел қопламаларини олиб ташлаш ва ҳаво алмашиш каналларини тозалаш учун ҳеч қандай асос йўқ;

- Дренаж системаси ҳолатини баҳолаш учун мутахассисларни жалб қилиш керак. Дренаж системаси юқори босим остида тозаланади, уни ювиб тозалаш катта миқдордаги сувни талаб қилиши, бу эса ёдгорлик атрофидаги ҳудуднинг ортиқча намланишига олиб келиши мумкин;

- Ҳамма хоналарда девор ва шифтларни сувоқдан тозалаш ишларини ўтказиш учун асос йўқ;

- Ёдгорлик фасадларини ўзгартириш бўйича ҳар қандай иш асосли далил сифатида ва ЮНЕСКО билан келишувни талаб қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозим, юқоридаги тадбирларни бажаришдан аввал, Тошкент архитектура-қурилиш университетининг етук олимлари билан биргаликда чет эллик мутаҳассисларни жалб қилиб мавзолейнинг ҳозирги ҳолатини текшириб, кейин аниқ тадбирлар асосида қабул қилинган таклифлар эътиборга олган ҳолда, Хожа Аҳмад Яссавий кошонасини келажак авлод учун сақлаб қолишда талабга жавоб берадиган мутахассислар томонидан қайта тиклаш ва таъмирлар ишлари олиб борилгани маъқул, чунки ҳалқ ибораси билан айтганда: “чумчуқни сўйса ҳам, қассоб сўйиш керак”.....

Адабиётлар:

1. Жантемир Алимов. Кошона учун кураш (қозоқ тилида) . Алмати. 2020. 168 бет.
2. Жунусов Т.Ж., Пустогачев В.А. Усиление основания и фундамента мавзолея Ходжа Ахмеда Яссави в г. Туркестане// Сохранение и развитие историко-культурной среды в природных и городских условиях современной Центральной Азии (Сборник статей и тезисов международной научно-практической конференции). Алматы, 2004. С. 185-190.
3. Дубровская Л.В., Куземцова Н.В. “Исследования температурно-влажностного режима памятника истории и культуры”.НИПИ ПМК. /Труды международной научно-практической конференции/. Алматы. 11-12 май 2004.
4. Дубровская Л.В. Заключение о техническом состоянии мавзолея Ходж Ахмеда Яссави. После реставрации 1993-2000гг. НИПИ ПМК. Алматқ. 2015.
5. Бровко И.С., Сарсембаев Н.А., Шукенов И.И. Отчет о вқполнении НИР на тему:
“Исследования температурно-влажностного режима в строительнқх конструкциях мавзолея Х.А.Яссави” Шымкент. 2011. 76 стр.
6. Заключение экспертной группы созданой по приказу Минкультуры Республики Казахстана от 11.04. 2013г.

O'ZBEKISTON QISHLOQ AHOLI HUDUDLARINI REJALASHTIRISHNING ARXITEKTURAVIY TAMOYILLARI

Mahmatqulov Ilhom Turdimurodovich arxitektura fanlari bo‘yicha falsafa doktori(PhD),dotsent
Berdiqulov Jasur Begimovich, bino va inshootlar arxitekturasi mutaxassisligi 1-bosqich doktoranti
Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti

Annotatsiya: Maqolada qishloqlar shaharlarga qaraganda aholi yashash joyining qadimdan shakllanganligi, qishloqlarning vujudga kelishi, ijtimoiy mehnat taqsimoti dehqonchilik madaniyati rivojlanishi bilan bog‘liqligi, qishloq joylarni o‘rganishda ular joylashgan hududning tabiiy sharoitiga alohida e’tibor berilishligi va joylarning iqlim sharoiti, relefi, suv va tuproq resurslari, o‘simlik dunyosi kabilarning muhimligi haqida ma’lumotlar keltirilgan.
Kalit so‘zlar: Qishloq, hudud, neotektonik, dehqonchilik, rekreatsiya, oromgoh, sihatgoh, muqobil, ko‘chalar, maydonlar.

Annotation: In the article, the villages are more ancient places of residence than cities, the emergence of villages, the social division of labor is connected with the development of farming culture, the study of rural areas pays special attention to the natural conditions of the area where they are located, and the climatic conditions, terrain, water of the places. and information on the importance of soil resources, flora, etc. is provided.
Key words: Village, territory, neotectonics, farming, recreation, recreation, sanatorium, alternative, streets, squares.

Qishloq aholi hududlari qishloq hududlari shahar va shaharchalardan tashqaridagi hududlar bo‘lib, ularda qishloq xo‘jaligida muntazam foydalanadigan erlar hamda doimiy aholi manzilgohlari (hududlari) mavjud.

Qishloqlar shaharlarga qaraganda aholi yashash joyining qadimiyroq shaklidir. Qishloqlarning vujudga kelishi ijtimoiy mehnat taqsimoti dehqonchilik madaniyati rivojlanishi bilan bog‘liq. Dehqonchilik avvallari tabiiy suv oqimidan foydalangan holda olib borilgan, keyinchalik sug‘orish inshootlari (to‘g‘on, kanal va b.) va vositalari asosida rivojlangan. Shunday qilib, jamoa, kishilarning hududiy birligi, turg‘un aholi manzilgohlari paydo bo‘lgan. Dehqonchilikning chorvachilikdan ajralib chiqishi, shu asosda hunarmandchilik va savdoning rivojlanib borishi natijasida ijtimoiy va hududiy mehnat taqsimotining navbatdagi muhim bosqichi boshlangan.

Qishloq joylarni o‘rganishda ular joylashgan hududning tabiiy sharoitiga alohida e’tibor bermoq lozim. Xususan, joyning iqlim sharoiti, relefi, suv va tuproq resurslari, o‘simlik dunyosi kabilar muhim ahamiyatga ega.

Shunday qilib, qishloqlar shaharlarga nisbatan tabiiy sharoit bilan chambarchas bog‘liq bo‘ladi. Qolaversa, mahalliy qurilish materiallari qum, shag‘al, ohak, tosh va boshqalar ham qishloq qiyofasining shakllanishida muhim rol o‘ynaydi(1-rasm).

1-rasm. Xususiy gidroelektr stantsiyalari bo'lgan Gelon tog'li qishlog'i.

Qishloqlar shakllanishi va rivojlanishining asosini iqtisodiyot tarmoqlari tashkil qiladi. Bu jihatdan qishloqlar uch toifaga bo‘linadi:

- qishloq xo‘jaligiga ixtisoslashgan;
- qishloq xo‘jaligiga ixtisoslashmagan;
- aralash qishloqlar.

O‘z navbatida, qishloq xo‘jaligiga ixtisoslashgan qishloqlar bog‘dorchilik va uzumchilik, sug‘orma dehqonchilik, chorvachilik bilan shug‘ullanadigan qishloqlardan tashkil topadi. Bu qishloq xo‘jalik tarmoqlarining “qishloq hosil qilish” qobiliyati ham har xil. Nisbatan katta qishloqlar sug‘orma dehqonchilik rivojlangan hududlarda vujudga keladi, chorvachilik bilan shug‘ullangan aholining yashash manzillari uncha katta bo‘lmaydi.

Aralash tipdagi qishloqlar yuqoridagi ikki sohalarning rivojlanishi yoki, odatda, qishloq xo‘jaligi va u bilan bog‘liq sanoat korxonalar negizida vujudga kelgan. Bunday qishloqlarning demografik salohiyati nisbatan katta bo‘lishi mumkin. Demak, qishloqlarning katta-kichikligini ularning bajaradigan funksiyasi belgilab beradi. Bu aholi punktlari geografiyasining eng muhim qonuniyatlaridan biridir.

Aholiga xizmat ko‘rsatish sohalari, masalan, ta’lim, sog‘liqni saqlash tizimi qishloq joylarda pog‘onasimon, ierarxiyali, tashkil etiladi. Mayda qishloqlarda ta’lim yoki sog‘liqni saqlash tizimlarining eng quyi bosqichi joylashadi, qishloqlar kattalashib borgan sari ularda tashkil etilgan bu sohalarga tegishli obyektlar ham kattalashib boradi. Masalan, eng katta qishloqlarning ba’zilarida kollej yoki akademik litsey, yirik kutubxona, kasalxona, ixtisoslashgan savdo do‘konlari, bank, supermarketlar tashkil etiladi(2-rasm).



2-rasm. 1-klub (yoshlar markazi), 2-mahalla markazi, 3-savdo markazi, 4-maktab, 5-bog'cha, 6-QVP, 7-issiqlik ta'minoti, 8-hammom, 9-10-11-12-kam qavatli turar joylar (uch ,to'rt va besh xonali), 13-14-15-16- o'rta qavatli turar joy binolari, 17-ishlab chiqarish hududi.

Qishloqlar dam olish maskanlari (rekreatsiya) va turizmni rivojlantirishda ham katta ahamiyatga ega. So‘lim va soya-salqin, go‘zal manzarali joylar respublikamizda ko‘plab topiladi. Xususan, soy va buloqlar bo‘yidagi qishloqlarda turli oromgoh va sihatgohlar tashkil etilgan. Ayni vaqtda qishloq joylarda mahalliy, diniy, agroturizm va ekoturizmni rivojlantirish imkoniyatlari ham katta. Turli xil qadamjolar, g‘or va sharsharalar, ajoyib tog‘ yoki voha landshaftlari, milliy xalq o‘yinlari, marosim va to‘ylari, taomlari va liboslari ham muhim turistik ahamiyatga ega. Jumladan, agroturizm mahalliy va mintaqaviy iqtisodiyotning rivojlanishida asosiy rol o‘ynaydi.

Qishloq aholi punktlari o‘rganilganda ular, eng avvalo, klassifikatsiyalashtiriladi. Bu jihatdan qishloqlar uch asosiy sinfga bo‘linadi: kichik qishloqlar (aholi soni 1000 kishigacha), o‘rta (1000-3000 kishi) va katta (3000 kishi va undan ortiq) qishloqlar.

Maxsus tadqiqotlar bu guruhlashtirish yanada aniqroq darajada bajariladi. Bunda, masalan,

qishloqlarning katta-kichikligi bo‘yicha quyidagi sinflarga ajratish mumkin:

- mayda qishloqlar-aholi soni 500 kishigacha;
- kichik qishloqlar – 500-1000 kishi;
- o‘rta qishloqlar -1000-3000 kishi;
- katta qishloqlar-3000-5000 kishi;
- yirik qishloqlar -5000 kishidan ziyod.

Qishloq aholi punktlarining yuqoridagi guruhlarga ajratilishi tasodifiy emas, albatta, turli bosqichdagi qishloqlar xo‘jaligining ixtisoslashuvi va mujassamlashuvi, ularda ta’lim, savdo, sog‘liqni saqlash, moliya tizimiga tegishli muassasalar, ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilma shahobchalari har xil bo‘ladi.

Qishloqlarning katta-kichikligi, avval ta’kidlanganidek, ularning qaysi sohaga ixtisoslashuviga bog‘liq. O‘z navbatida, qishloqlarda aholi sonining ko‘p yoki kamligi xizmat ko‘rsatish va servis sohasini joylashtirishga ta’sir ko‘rsatadi.

Qishloq aholi punktlarini geografik o‘rganish katta-kichikligiga ko‘ra guruhlashdan tashqari ularni bajaradigan vazifasiga (funksiyasi) bo‘yicha alohida tiplarga ajratishni nazarda tutadi. Qishloqlarning uch asosiy funksiyaga bo‘linishi haqida avvalroq aytilgan edi. Shu bilan birga qishloqlarni oddiy va qishloq fuqarolari yig‘inlari, ba’zan qishloq tumanlari markazi vazifasini bajaruvchi guruhlarga ajratish ham mumkin.

Sog‘liqni saqlash tizimida ham qishloq vrachlik punktlari (QVP), ularning zichligi, qancha aholiga xizmat ko‘rsatishi, ta’sir doirasi – radiusi kabi hududiy xususiyatlari o‘rganiladi.

Qishloq, odatda, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotda shaharga nisbatan passiv, zaifroq aholi punkti hisoblanadi. Shaharlarning ko‘p funksiyaligi, kattaligi, innovatsiya, investitsiya va infratuzilma salohiyatining kuchliligi, iqtisodiyotining ko‘p tarmoqliligi va yuqori darajada rivojlanganligi, aholi yashashi, o‘qishi, davolanishi, ishlashi uchun imkoniyatlarning keng ekanligi, ularning ta’sirchanligi hududiy, ijtimoiy-iqtisodiy tizim yoki majmualarda etakchi rol o‘ynashini ta’minlab beradi.

Qishloq shaharga ma’lum darajada bo‘ysunadi, uni qishloq xo‘jaligi xom ashyosi bilan, aholisini toza havo, suv, iqtisodiyotini ishchi kuchi bilan ta’minlab beradi. Shahar esa qishloqqa malakali kadrlar, qishloq xo‘jaligiga mashina, asbob-uskunalar, mineral o‘g‘itlar, qurilish materiallari, zamonaviy servis xizmatini etkazib beradi.

Darhaqiqat, bizning sharoitimizda qishloqqa e’tibor elga e’tibor demakdir. Binobarin, qishloq obod bo‘lsa, Vatan obod bo‘ladi. Chunki, mamlakatimiz madaniyati, xalqimizning asrlar davomida shakllangan mentaliteti, qadriyatlarimiz eng avvalo qishloqlarning kelib chiqishi va rivojlanishiga bog‘liq. hozirgi kunda ham qishloq xo‘jaligi milliy va mintaqalar iqtisodiyotini shakllanishida asosiy makroiqtisodiy tarmoqlaridan hisoblanadi. Yaqin yillargacha respublika aholisining ko‘pchiligi, ya’ni 2/3 qismi qishloqlarda yashar edi.

Respublika bo‘yicha 966 ta qishloq aholi punktlariga (QAP) shaharcha maqomi berilgan. Jumladan, Farg‘ona viloyatida 196 ta, Qashqadaryoda 118 ta, Namangan viloyatida 109 ta, Surxondaryoda 107 ta QAP shaharchaga aylantirilgan. Buning natijasida respublika aholi punktlari tarkibida va viloyatlar urbanizatsiya darajasida keskin o‘zgarishlar yuz bergan.

Odatda, qishloqlarga shaharcha maqomini berishda quyidagilar hisobga olinishi maqsadga muvofiq:

- aholi soni kamida 2000 kishidan ziyod bo‘lishi kerak;
- aholi sonining o‘sish darajasi va uning bandlik ko‘rsatkichlari;
- QAP ning geografik o‘rni;
- qishloqlarning bajaradigan funksiyasi;
- uy-joy qurilish holati, obodongarchiligi;
- transport va ijtimoiy infratuzilmasi;
- sanoati va maishiy xizmat ko‘rsatish sohalari;
- servis sohasining rivojlanganligi;
- investitsiya muhiti va qo‘shma korxonalar mavjudligi;
- ta’lim va sog‘liqni saqlash tizimi;
- bosh reja, loyiha hujjatlari bilan ta’minlanganligi va h.k.

Qishloq aholi hududlarini arxitekturaviy rejalashtirish loyihasi - har bir aholi punktini rivojlanish istiqbolining hal qilinishini asosi hisoblangan kompleks shaharsozlik xujjatidir. Bu loyiha qishloq fuqarolari yig‘ini yoki qishloq xujalik korxonasining butun hududi, shu jumladan qishloq aholi punktlari, ishlab chiqarish maydonlari, muxandislik inshootlari, ekinzorlar va boshqalar uchun ishlab chiqiladi. Bu kabi xujjat tasodifiy, ijtimoiy-iqtisodiy zarurati tasdiqlanmagan ob’ektlarning qurilishiga yo‘l qo‘ymaydi.

Qishloq aholi hududlarini arxitekturaviy rejalashtirish loyihasining vazifasi qishloq fuqarolari yig‘ini hududining kompleks rivojlanishini, funksional zonalashnig maqsadga muvofiq bo‘lishini belgilash va shuningdek, joylashtirish tizimini shakllantiruvchi barcha aholi punktlarining o‘zaro bog‘lik, ravishda rivojlanishini rag‘batlantirish, fermer xujaliklarini to‘laqonli faoliyat ko‘rsatishini va fermerlar hamda ularning oila a’zolarini qulay sharoitlar bilan, fermer xujaliklarini muxandislik, ijtimoiy va madaniy xizmat kursatish infratuzilmalari bilan ta’minlashdan iborat.

Qishloq aholi hududlarini arxitekturaviy rejalashtirish loyihasida turar joy, ishlab chiqarish va madaniy-maishiy obyektlarni qurish uchun zarur bo‘lgan territoriyalarning hisob-kitobi aholining zamonaviy demografik tuzilmasi va hisoblangan davr uchun aholi soni o‘sishi sur’atlarini o‘rganish asosida amalga oshiriladi.

Qishloq aholi hududlari 3 ta asosiy qismga bo‘linib loyihalanadi.

1. Aholi yashash xududi;
2. Ishlab chiqarish hududi;
3. Qishloq xo‘jalik ekin maydonlari;

Aholi yashash xududiga:

- turar joy binolari;
- jamoat binolari;
- ko‘chalar, maydonlar, avtostoyankalar va ko‘kalamzorlashtirilgan hududlar.

Ishlab chiqarish hududiga quyidagilar kiradi:

- QFYga qarashli bo‘lmagan ishlab chikarish

maydonlari, QFYga tegishli bo‘lgan ishlab chiqarish binolari, omborlar, qishloq xo‘jalik texnikasi garajlari, ustaxonalar, chorvachilik va parrandachilik fermalari, qishloq xo‘jalik maxsulotlarini qayta ishlash sexlari va xo‘jalik extiyoj mollari ishlab chiqarish.

Qishloq xo‘jalik ekin maydonlariga quyidagilar kiradi:

- Ekin maydonlari, bog‘lar, uzumzorlar, tutzorlar, o‘rmonlar, yaylovlar va pichanzorlar.

Qishloq aholi hududlarini arxitekturaviy rejalashtirishda qo‘ydagilar nazarda tutiladi:

1. Iqtisodiy tahlil va har bir aholi punkti, qishloq fuqarolari yig‘ini hududining yaqin 5-7 yil davomida umumiy va keyingi 10-15 yillar davomida istiqboli rivojlanishi bo‘yicha takliflarni ishlab chiqish;
2. Aholi sonining yaqin 5-7 yil davomida umumiy o‘sish va keyingi 10-15 yillar uchun istiqbolli o‘sish suratlarini loyihaviy hisob-kitobini bajarish;
3. Qishloq aholisini ish bilan ta’minlash, qo‘shimcha ish joylarini tashkil etish bo‘yicha takliflar;
4. Qishloq fuqarolari yig‘ini hududining muhandislik infratu-zilmasining takomillashtirishi, suv taminoti va kanalizatsiya, gaz va issiqlik ta’minoti, elektr energiya va tizimlarini amalga oshirish bo‘ycha bajariladigan ishlar hajmini aniqlash;
5. Uy joy obyektlari qurilishini rivojlantirish;
6. Ijtimoiy infratuzilma, maktab va maktabgacha talim muassasalarining tarmoqlarini tashkil etish;
7. Madaniy –ijtimiy xizmat ko‘rsatish tizimini shakllantirish;
8. Tibbiy xizmat ko‘rsatishini tashkil etish;
9. Rekreatsion muassasalari tarmoqlarini tashkil etish va territoriyaning estetik sifatini oshirish bo‘yicha takliflarini ishlab chiqish;
10. Transport – yo‘lovchi kommunikatsiyalarini takomillashtirish;
11. Ekologik vaziyatni yaxshilash, tarixiy va madaniy obidalar, qiymatiga ega landshaftlar va suv resurslarining muhofazasi erdan oqilona foydalanish bo‘yicha takliflarni ishlab chiqish.

Qishloq fuqarolarni yig‘ini hududini arxitektura-loyihaviy tashkillashtirish loyihasi. – Qishloq fuqorolar yig‘ini uchun kompleks shaharsozlik hujjati bo‘lib, bu hujjat shaharsozlik prinsipial masalalari echimini topadi.

Qishloq aholi punktlarining loyihaviy strukturasi, qishloq fuqarolari yig‘ini hududining kompleks rivojlanishi, funksional loyihalashtirish to‘g‘riga muvofiqligini hisobga olinishi, arxitekturaviy qiyofasini mukammallashtirish, aholi yashash sharoitini yaxshilash, qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishini rivojlantirish, atrof-muhit muhofazasi, tabiiy material va inson resurslaridan umumli foydalanish, rekreatsion xizmat shakllashtirishni tashkillashtirish va mavjudlarini rivojlantirish. Qishloq aholi punktlari perspektiv rivojlanishi va yaqin 15-20 yilga analiz qilinadi.

Xo‘jaliklar aro joylashishning shakllanishi. Qishloq aholi punktlari, joylashtirish sistemasining birligi elementi bo‘lib, asosida mavjud bo‘lgan hududiy struktura asosida shakllanadi:

- ma’muriy tuman;
- qishloq fuqarolar yig‘ini;
- fermerlik birlashmasi va agro firm;
- fermer xo‘jaligi;
- qishloq aholi punkti.

Qishloq aholi punktlari uchun shaharsozlik hujjatlar ishlab chiqishning ketma – ketligi.



Joylashtirishning ratsional sistemasi ishlab chiqarish rivojlanishi va qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishi rivojlanishi perspektivasiga javob berishi kerak. Shu bilan birga ijtimoiy ishlab chiqarish, injener-transport va boshqa infrastrukturalar va madaniy-maishiy, rekreatsion va mehnat aloqalarining qishloq fuqorolar yig‘ini chegarasida shakllanishini hisobga olish kerak.

Asosiy vazifalar. Qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishi obyektlarining er qurilishi loyihasi va qishloq xo‘jalik korxonasini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish prognozi bilan uyg‘unlashtirilgan holdagi istiqboldagi taraqqiyotini, ushbu obyektlar asoslarining joylashtirilishi va rejalashtirilishini belgilash;

- xo‘jalik ichida qaror topgan joylashuvning qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishining hududiy tashkil etilishi bilan uyg‘unlashtirilgan holdagi rekonstruksiyasi;
- qishloq xo‘jalik korxonasi aholisi, shu jumladan, har bir aholi punkti bo‘yicha aholining loyihadagi sonini belgilash;
- qishloq xo‘jalik korxonasi hududida madaniy-maishiy xizmat ko‘rsatish tizimini tashkil etish;
- fuqarolar uchun uy-joylar va ishlab chiqarish maqsadidagi qurilish uchun zarur hajmlarni va ular joylashtiriladigan joylarni belgilash;
- xo‘jalik ichidagi transport-piyodalar kommunikatsiyalarini tashkil qilish;
- aholi punktlarining qishloq xo‘jalik korxonasi doirasidagi muhandislik ta’minoti, obodonlashtirilishi va landshaftning shakllantirilishi bo‘yicha takliflarni ishlab chiqish;

- aholi sonidan qat'iy nazar aholi punktlarini rejalashtirishning prinsipial sxemalarini ishlab chiqish;

- atrof muhitni himoya qilish, tabiat, tarix va madaniyat yodgorliklarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish bo'yicha takliflarni ishlab chiqish.

Sanab o'tilgan vazifalarning hal etilishi variantli asosda bajarilishi lozim, tabiat va boshqa resurslarga eng kam zarar etkazgan holda qishloq aholisi turmushining yuksak ijtimoiy-iqtisodiy darajasiga erishish ularni baholash mezoni hisoblanadi.

Адабиётлар:

1. Mirzaev M.K. Tumanni rejalashtirish asoslari. O'quv qo'llanma. Toshkent, TAQI, 2000.

2. Isamuxamedova D.U. Adilova L.A. "Shaharsozlik asoslari va landshaft arxitekturasi" Toshkent-2009.

3. Umarov M.U. "Shahar va tumanlarning tarxiy tarkibi"moduli bo'yicha o'quv uslubiy majmua.

4. Adilova L.A. Landshaft arxitekturasi. Toshkent, TASI, 2000.

6.Ismoilov T., Bajanov A.R. Shahar va qishloqlardagi aholi punktlari loyihalarini tuzish va kurish asoslari.

5. О.К. Гурулёв Архитектура жилых и общественных зданий для села. М. 1988 .

6. Кончуров Н. Планировка сельских населенных месть. М. Высшая школа. 1992, стр.266.

7. Техническое обеспечение в животноводстве, курсовое и дипломное проектирование: Учеб. пособие / Ю.Т. Вагин и др. Минск: "Техноперспектива", 2007. - 546 с.

ЗАКОНОМЕРНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ КУЛЬТУРНЫХ ЛАНДШАФТОВ

Зубайдуллаев Улугбек Зиядуллаевич, и.о. доцента
Самаркандского государственного архитектурно-строительного университета имени Мирзо Улугбека

Аннотация. В работе рассматривается проблема изучения и включения культурных ландшафтов в процесс архитектурно-градостроительного освоения территорий. Обеспечение единства природной и антропогенной среды – наиболее актуальная задача, стоящая перед профессиональным архитектурным сообществом.

Ключевые слова: культурный ландшафт, региональная архитектура, градостроительство.

Annotatsiya. Maqolada madaniy landshaftlarni o'rganish va hududlarning arxitektura va shaharsozlik rivojlanishi jarayoniga kiritish muammosi ko'rib chiqiladi. Tabiiy va antropogen muhitning birligini ta'minlash professional arxitektura jamoatchiligi oldida turgan eng dolzarb vazifadir.

Kalit so'zlar: madaniy landshaft, mintaqaviy arxitektura, shaharsozlik.

Abstrakt. The paper examines the problem of studying and including cultural landscapes in the process of architectural and urban development of territories. Ensuring the unity of the natural and anthropogenic environment is the most pressing task facing the professional architectural community.

Key words: cultural landscape, regional architecture, urban planning.

Вступление.

Разнообразие природных характеристик, богатая история и традиции народа Узбекистана предоставляют обширный материал для изучения и использования в проектировании. Проблема взаимодействия природных и антропогенных ландшафтов рассматривается архитекторами и градостроителями как базовое требование при проектировании. Однако, игнорирование культурного контекста местности все еще – частое явление в архитектурно-градостроительной практике.

Массированное давление, которое испытывает природная среда со стороны искусственной, достигла критического уровня. Настало время остро ставить вопросы не только жизнеспособности ландшафтов нашей страны, но и их идентификации в качестве ведущих элементов формирования среды жизнедеятельности.

Основной текст.

Известно, что основой формирования архитектуры и градостроительства континентов и отдельных регионов, факторами сложения характерных черт региональной традиции являются природно-климатические

свойства географической среды, историческое развитие территории, традиции и этно-психологические особенности населения.

В процессе урбанизации естественные природные условия изменяются, создается искусственная среда обитания человека. В результате человеческой деятельности по преобразованию окружающей среды, сельско-хозяйственного, лесохозяйственного и промышленного использования земель, водных ресурсов, полезных ископаемых, градостроительного освоения в природу регионов «встраиваются» весьма сложные неоландшафтные комплексы, которые развиваются по своим законам. Познание этих законов и регулирование их развития есть то главное, что способствует созданию равновесия между первичной биосферой и урбанизированной средой.

Несмотря на то, что повышается значимость экономических, технологических, политических условий развития среды, в современной архитектурно-градостроительной практике факторы природной среды продолжают влиять на принятие тех или иных вариантов решений.

Разнообразие природных условий отражается в развитии производительных сил, формировании расселения и региональной архитектуры. Большую часть территории Узбекистана занимают равнины, что благоприятствует развитию сельского хозяй-

ства, строительству дорог и взаимосвязанной сети поселений.

Природа и климат – важнейшие факторы, которые влияют на формирование региональной среды: опыт и практика в специфических природно-климатических условиях приводит к выработке единых архитектурных и градостроительных приемов, адаптированных к хозяйственной деятельности населения, культурным и строительным традициям народа. Не требует особых доказательств положение о глубокой взаимосвязи природного ландшафта с историей и культурой народа, населяющего конкретные территории, что послужило основой формирования научного понятия «культурный ландшафт».

Международная практика уже более четверти века руководствуется концепцией культурного ландшафта, которая была разработана ЮНЕСКО. Согласно этой концепции, культурный ландшафт – исторически равновесная система, в которой «природные и культурные компоненты составляют единое целое, а не только являются фоном или фактором воздействия одного элемента этой системы по отношению к другому».

Природный ландшафт (в его естественном состоянии) сформировался без участия человека, и его основные составляющие – рельеф и почва. Рельеф земной поверхности – основа (и в буквальном, и в переносном смысле) природного ландшафта: любое изменение в рельефе влечет за собой изменения в балансе природных элементов (живые организмы, растения).

Антропогенный ландшафт создается человеком, который своей деятельностью изменяет природные компоненты (рельеф и почву, водный режим, фауну и флору) и включает в систему различные искусственные объекты (здания, сооружения), измененные рельеф и почву, культурные растения и др. Антропогенные ландшафты делятся на заповедные, рекреационные, сельскохозяйственные, урбанизированные и др.

В общем виде архитектура (в частности, градостроительство) занимается «соединением», «наложением» антропогенного ландшафта на ландшафт природный.

По уровню культурной освоенности и преобразованности исходного природного компонента, ландшафты можно разделить на три типа:

- целенаправленно созданные;
- естественно развившиеся;
- ассоциативные.

Культурный ландшафт признает единство естественного и искусственного компонента: наряду с природными процессами большую роль в его формировании играют интеллектуальная и духовная деятельность людей. Элементами культурного ландшафта являются топонимы, архивные и библиографические источники; артефакты, указывающие на связь ландшафта с историческими событиями, местные языки и сообщество.

Для архитектуры и градостроительства, кроме физических параметров рельефа территории, большое значение имеет сакральность ландшафта, «духовное» содержание географических объектов, рассматриваемое на фоне природных (стабильных во времени) компонентов. Градостроительство рассматривает культурный ландшафт в его прикладном значении – как элемент конкретной территории в пространственной иерархии.

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi ijtimoiy himoya milliy agentligi qoshidagi ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish respublika markazining Samarqand viloyati hududiy markazi binosi Samarqand shahridan 30 kilometr uzoqlikda Jomboy tumani, Farhod qishlog’ida joylashgan. Binodan 150 metr uzoqlikda temir yo’l, 300 metr uzoqlikda Toshkent-Samarqand-Termez magistral yo’li, 250 metr uzoqlikda Zarafshon daryosi joylashgan(1-rasm).

Bino hajmiy rejaviy tuzilishiga ko’ra to’g’ri to’rtburchak shaklida bo’lib, muassasa egallab turgan umumiy yer maydoni 410 metr kvadratga ega, binoning umumiy maydoni esa 220,7 metr kv. 2 qavatli binoning tomonlari 12x21 metr. Bino atrofi hovli bilan o’ralgan. 1 qavatning o’ng burchagida Samarqand viloyati “ Cho’pon –ota” mahalla fuqarolar yig’ini profilaktika inspektorining xizmat uyi joylashgan(2-rasm).

1-rasm. Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazining Samarqand viloyati hududiy bo’limi binosi bosh tarx ko’rinishi.

Binoga asosiy kirish yon tomondan bo’lib, kirish eshigidan o’ng tomonda zinapoya joylashgan, kengligi 2,4 metr, uzunligi 5,5metr. Zinapoya ro’parasida 9,4 metr kv maydonli xonada kotelniy joylashgan. Kotelniy yonida ayollar uchun umumiy maydoni 15,6 metr kv bo’lgan xonada tikuvchilik atelyesi bor bo’lib,

unda 2 ta tikuv mashinasi va unga mo'ljallangan stol, 4ta bichish stoli, dazmol qilish doskasi va averlog mashinasi o'z stoli, hamda matolar uchun javon bilan ta'minlangan.Tikuvchilik xonasiga 2,2 metr kv maydonli sanitar tugun biriktirilgan uni yonidagi 5,6 m^2 xona foydalanilmay omborxonaga aylantirilgan.

2-rasm. Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazining Samarqand viloyati hududiy bo'limi binosining umumiy ko'rinishi.

Tikuvchilik xonasi yonida yana bir sanitar tugun va unga biriktirilgan umumiy maydoni 13 metr kv bo'lgan xonada oshxona mavjud. Oshxona ro'pparasida umumiy maydoni 18 metr kv bo'lgan xonada ma'muriyat- direktor, psixolog, yurist va ijtimoiy ishchi xonasi joylashgan va 4ta ishchi stol stul va kitob javonlari bilan ta'minlangan. Ma'muriyat xonasi yonida 18 metr kv xonada ayollar uchun 2 kishilik turar joy xonasi joylashgan unga esa 2,6 metr kv hududda sanitar tugun va 11,2 metr kv hudud esa omborxonaga aylantirilgan (3-rasm).

Binoning 2 qavati ayollar turar joy xonalari uchun mo'ljallangan. Zinapoyada ko'tarilganda so'ng ropparada 9,4 metr kv xonada tibbiyot xonasi joylashgan. Bu xona vrach uchun stol va stul, tibbiyot anjomlari uchun javon va kushetka bilan jihozlangan.Tibbiyot xonasi yonida 2 ta ketma-ket bir xil o'lchamdagi turar joy xonalari bor. Bu xonalar umumiy o'lchami 15 metr kv bo'lib, unda 2 kishilik ayollar turar joy xonasi joylashtirilgan va 2ta to'shak, to'shak oldi kichik javoni va kiyimlar uchun javon bilan jihozlangan.



1-Kirish, 3,7 m^2; 2-zinopoya 12,9 m^2; kotelnaya 9,4 m^2; 4-sanitar tugun; 5-omborxona; 6-tikuv sexi; 7-oshxona, 10,2 m^2; 8-Ma'muriyat xonasi m^2;; 9-ikki kishilik turar joy binosi 18,0 m^2.

3-rasm. Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazining Samarqand viloyati hududiy bo'limi binosi mavjud holati 1-qavat tarxi

Binoning asl loyihasiga ko'ra har bir turar joy xonasi ichida sanitar tugun va ovqatlanish uchun xona biriktirilgan. Zinapoyadan o'ng tomonda 2 ta turar joy xonasi bor, ularning o'lchami 18 metr kv metr va har bir turar joy xonasida 2,5 metr kv maydonda sanuzel tuguni bor. Sanitar tugun yonidagi 11,4 metr kv xonada ovqatlanish uchun stol stullar joylashtirilgan. Bu 2 ta turar joy xonasi yonida, binoning o'ng burchagida 18,3 metr kv xonada ma'naviyat xonasi joylashgan. Xonada direktor stol va stuli,5 kishi uchun stul va stol, kitoblar uchun 2 ta javon mavjud (4-rasm).

Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazining Samarqand viloyati hududiy bo'limi binosi bugungi kunda ijtimoiy himoya agentligi topshirig'iga binoan rekonstruksiya qilinishi yoki qayta loyihalanishi kere. Horij tajribasini o'rgangan holda ayollar reabilitatsiya binolariga qo'yiladigan talablar, qurilish va loyihalashga oid normativlarni tahlil natijasida o'zimning taklif loyihamni tayyorladim. Taklif loyiha uchun Samarqand viloyati, Bulung'ur tumani Yangi O'zbekiston massivi tanlandi. Jahon normativ hujjatlariga binoan ayollar reabilitatsiya markazlari alohida yer uchastkalariga joylashtirilishi, markaz hududida o'z yashil hududi, dam olish uchun o'rindiqlar, aravachalar bilan yuradigan onalar uchun asfaltlangan yo'llar, kichik me'moriy shakllar, yomon ob-havoda yurish uchun shiyponlar bilan ta'minlanishi kerak[2]. Taklif loyihada shu talablarni inobatga olib, reabilitatsiya markazi hududida ayollar dam olishi uchun hudud, bolalar o'yingohi, sport maydoni loyihalandi(5-rasm).



1-tibbiyot xonasi 9,6 m²; 2-ikki kishilik turar joyi, 15,0 m² va 18 m²; 3-ovqatlanish xonasi, 14 m²; 4-sanitar tugun 2,2 m² va 2,6 m²; 5-ma'muriyat xonasi, 16,2 m².

4-rasm. Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazining Samarqand viloyati hududiy bo'limi binosi mavjud holati 2-qavat tarxi

5-rasm. Samarqand viloyati, Bulung'ur tumani Yangi O'zbekiston massivi uchun ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazi binosi uchun taklif loyihaning bosh tarxi.

1-taklif loyiha binosi;2-avtomobillar turar joyi;3-bolalar o'yingohi;4-sport maydoni; 5-dam olish hududi.

Ayollar reabilitatsiya markazlarining arxitektura-rejaviy loyihalashtirish binoning funksiyasi va unga bo'lgan talabalardan kelib chiqib loyihalanadi. Shunga ko'ra, markaz binosi tarkibiy tuzilishi quyidagi funktsional guruhlarni o'z ichiga oladi:

- vestibyul ;
- qabul bo'limi;
- ijtimoiy-huquqiy yordam bo'limi;
- zo'ravonlik qurboni bo'lgan ayollar bilan ishlash bo'yicha maslahat bo'limi;
- turar joy xonalari;
- reabilitatsiya (psixologik , tibbiy, jismoniy, madaniy va sog'liqni saqlash, mehnat terapiyasi) bo'limi;
- ovqatlanish bo'limi;
- tashkiliy-uslubiy va tarbiyaviy ishlar bo'limi;
- ma'muriy-maishiy bo'lim.

Ayollar reabilitatsiya qilish markazi binolarini qoida tariqasida 4 qavatdan yuqori bo'lmagan binoda loyihalash tavsiya etiladi. Tor qurilish maydonlari uchun balandlikni 5 qavatgacha oshirishga ruxsat beriladi. Binoning fazoviy-rejaviy tuzilmasi ularda sodir bo'layotgan funktsional jarayonlarni amalga oshirish uchun maqbul shart-sharoitlarni ta'minlashi, muassasaning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettirishi va qulay ish sharoitlarini va hudud bilan zarur aloqani ta'minlashi kerak. Taklif loyihada shu talablarni inobatga olgan holda, 1 qavatda vestibyul,qabul bo'limi, ijtimoiy-huquqiy yordam bo'limi, maslahat bo'limi, ovqatlanish bo'limi, ma'muriy-maishiy bo'lim, o'quv kurslari va to'garaklar bo'limi joylashtirildi(6-rasm).



6-rasm. Samarqand viloyati ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazi binosi uchun taklif loyiha (1 qavat tarxi).

Taklif loyihada 2-4 qavatlar turar joy xonalari joylashtirildi. Turar joy xonalari bo'limning asosiy maqsadi:

- oilasi tomonidan rad etilgan, ruhiy va jismoniy zo'ravonlikka uchragan ayollarga vaqtinchalik yashash joyini berish;
- zarur yashash sharoitlarini yaratish;
- zo'ravonlikka uchragan ayolning ahvoli ustidan kechayu kunduz tibbiy va ruhiy nazoratni amalga oshirish.

Turar-joy xonalarini bir-biriga va markazning qolgan qismiga yo'lak yoki yo'laklar tizimi orqali bog'langan 10 tagacha turar-joy xonalaridan iborat koridorli tipda loyihalash tavsiya etiladi.Turar-joy xonalari ko'p bilan 3 kishiga mo'ljallangan bo'lishi kerak. Xonalarning tarkibi quyidagilarni o'z ichiga oladi: yashash xonasi, kirish joyi, biriktirilgan sanitar tugun. Shuningdek, yosh bolasi borlar va bolalar soni 3-4tadan bo'lgan ayollar uchun xonalarni loyihalashni ko'zda tutish kerak. Yashash xonasini ko'rpa-to'shaklar, yotoqxona stollari, aholi soniga qarab

stullar, kiyim-kechaklarni saqlash uchun qismli shkaf bilan jihozlash tavsiya etiladi. Xona ichidagi yo'laklarda ustki kiyimlarni saqlash uchun ilgich bo'lishi kerak. Taklif loyihada barcha talablar inobatga olindi(7-rasm).



7-rasm. Samarqand viloyati ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazi binosi uchun taklif loyihan (2-4 qavatlari tarxi).

8-rasm. Samarqand viloyati ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazi binosi uchun taklif loyihaning umumiy ko'rinishlari.

Jahon standartlariga binoan ayollar markazlarini tashkil etishdan maqsad inqirozga uchragan, jismoniy va ruhiy salomatlik uchun xavfli bo'lgan hamda zo'ravonlikka uchragan ayollarga psixologik, ijtimoiy, huquqiy, tibbiy-pedagogik, maishiy yordam ko'rsatishdan iborat (og'ir jarohatlar va faol tibbiy aralashuvni talab qiladigan kasalliklar, ruhiy bemorlar, alkogol va giyohvandlik mastligi holatida bo'lganlar, jinoyatchilar, suddan qochgan yoki tergov ostida bo'lgan shaxslar bundan mustasno)[3]. Ushbu maqsaddan kelib chiqib bunday binolar zo'ravonlikka uchragan ayollarni himoya qilish uchun ko'zga yaqqol tashlanmaydigan, kishi e'tiborini tortmaydigan shu bilan birga markazga tashrif buyurgan ayollar ruhiyati, kayfiyatiga ijibiy ta'sir qiladigan estetik ko'rinishga ega bo'lishi kerakligi taklif loyihada e'tiborga oldik.(rasm)

Bugungi kunda dunyo miqyosida og'ir ahvolda qolgan, turli xildagi zo'ravonlikka uchragan ayollarni himoya qilish, qo'llab quvvatlash , kerakli sharoitlar yaratish maqsadida ayollar uchun boshpana "shelter" lar barpo etilmoqda[4]. Horij mamlakatlarida loyihalangan ayollar uchun binolarning normativlari, hajmiy-fazoviy tuzilishi, loyihaviy talablarini ilmiy tahlil qilish natijasida Samarqand viloyati uchun loyihaviy taklif ishlab chiqildi. Loyiha ayollar reabilitatsiya binosiga qo'yiladigan hududiy, arxitekturaviy-rejaviy talablarni inobatga olgan holda amalga oshirildi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 01.03.2022 yildagi PF-81-son farmoni.

2. ГУП МНИИП «Моспроект-4» (архитекторы Любомудрова К.И., Кряжевских М.А.,инженер Тихомирова И.Б.). "Рекомендации по проектированию Кризисных центров для женщин".Утверждены и введены в действие указанием Москомархитектуры от 14.03.03. № 14.

3. Учебно-методический комплекс по учебной дисциплине «Реабилитология» для специальности: 1-86 01-01 Социальная работа. Составитель: Г.Ф. Бедулина- доцент кафедры социальной работы УО «Белорусский государственный педагогический университет имени Максима Танка», кандидат социологических наук, доцент. 2019 год.

4. "Shelter for Women and Girls at Risk of or Survivors of Violence" Canadian Network of Women's shelters and transition houses. Shelter Module March 2013.

УДК: 725.945: 72.025.5

ХИВАДАГИ «САИДНИЁЗ ШОЛИКОРБОЙ» МАСЖИДИ БЎЙИЧА БАЖАРИЛГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

ДурдиеваГ. С., арх.ф.д., профессор; **Заргаров А.К**. к.и.х.
Хоразм Маъмун академияси

Аннотация: Ушбу мақолада Хива шаҳрининг Дешон Қалъа ҳудудида жойлашган "Саидниёз Шоликорбой" меъморий ёдгорлигининг техник ҳолатини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ёритилган.

Калит сўзлар: меъморий ёдгорлик, структура, масжид, томёпма, ёғоч устун, мониторинг, тадқиқотлар, термит, таъсирлар, зилзилабардошлик.

Аннотация: Для выявления технического состояния конструкций памятников архитектуры Саиднияз Шаликор-

бая, расположенного в Дешан Кале г. Хивы, производилось инженерное обследование его несущих конструкций.

Ключевые слова: памятников архитектры, мечеть, стены, деревянные колонны, структура, исследование, мониторинг, воздействия землетрясения.

Annotation: To identify the technical condition of the structures of the architectural monuments of Saidniyaz Shalikorbai, located in Deshan Kale, Khiva, an engineering survey of its load-bearing structures was carried out.

Keywords: architectural monuments, mosque, walls, wooden columns, structure, research, monitoring, earthquake impacts.

Бугунги кунда ер юзининг энг қадимий шаҳарлари, яъни дунё цивилизациясида Рим, Миср, Месопотамия каби қадим тарихга эга бўлган Хива шаҳрида меъморчилик, қурилиш нақадар юксак тараққий қилганлигини кўз-кўз қилиб турган жонли гувоҳларимиз – тарихий меъморий ёдгорликларга оид маълумотларни ўрганиш ҳар биримизнинг асосий вазифаларимиздан биттаси десак муболаға бўлмайди.

Энг асосийси, ҳозирда Хоразм Маъмун академиясида Хива шаҳридаги меъморий ёдгорликларни ҳолатини ўрганиш асосида уларни сақлаш ва таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқишга асосланган илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга меъморий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва фойдаланиш самарадорлигини оширишда илмий ходимлар томонидан тўпланган “маълумотлар банки” муҳим ўрин тутади [4].

Хивадаги тарихий меъморий ёдгорликларининг ер остки қисмларини техник ҳолатини ўрганиш бўйича мониторинг қилиш жараёнида шунга амин бўлдикки, табиий айниқса, техноген омиллар таъсирида вақтинча ва узоқ вақт давомида ривожланаётган ер ости сувларининг кўтарилиши ёдгорликлар пойдеворларининг намланиши ва деформацияланишига олиб келган. Жумладан, Хива шаҳридаги Дешон Қалъа ҳудудида жойлашган, 1842 йилда тикланган “Саидниёз Шоликорбой” масжидининг [2] пишган ғиштдан чиройли қилиб тикланган минораси табиий ва инсон фаолияти билан бўлган салбий таъсирлардан (ушбу ҳудудда ер ости сувларининг кўтарилиши, транспорт қатнови натижасида ва сув оқава тизимларининг носозлигидан) авария ҳолатига келиб қолганлиги аниқланди (1-расмга қаранг). Шундай бўлишига қарамасдан, Хиванинг фуқаролари масжиддан ҳозирда ҳам Жума намози ўқиш учун фойдаланмоқдалар.

Саидниёз Шоликорбой масжидининг 30,5 м узунликдаги, ўз вертикал ўқига нисбатан шимолий томонга 1,07 м га оғган. 2002 йилда минорани тагида шурф қазиб кўрганимизда 70-90 см дан сув чиқиб, пойдеворни умуман кўришни иложи бўлмаган эди. 2010 йил қурғоқчилик йили бўлганлиги боис биз минора тагидан чуқурлиги 2,5 м., эни 80 см ва узунлиги 1,80 м шурф қазиб миноранинг пойдеворини платформа қисмигача кузата олдик. Ўтказилган тажрибалардан аниқландики, Саидниёз Шоликорбой масжидининг минораси заминида намланиш жараёни борлиги электромагнит тадқиқот ўтказилиб аниқланди ва шурфлар қазилиб алоҳида текширишлар ўтказилди. Минора бугунги кунда ўта авария ҳолатида эканлиги, унинг қийшаши ва чўкиши давом этаётганлигини уларга ўрнатилган маяклар ёрдамида ва геодезик кузатув ишлари орқали аниқланди.

1-расм. Минора оғишини ва пойдеворини ўрганиш жараёнлари, 2002 йилда ер ости суви кўтарилганлиги; 2010 йилда пойдевор тўлиқ ўрганилди

Дешон Қалъа ҳудудида жойлашган Саидниёз Шоликорбой мажмуасининг олдида мавжуд бўлган табиий дренажларнинг ёпилиб кетганлиги ва оқава қувурларининг носозлиги сабабли масжид минораси авария ҳолатига келиб қолган, яъни минора ўз вертикал ўқига нисбатан 107 см га оғган. Ушбу ҳудудда техноген салбий таъсир ҳисобланган транспорт қатновини тўхтатиб қўйиш зарурлиги учун мутасадди раҳбарлар ёрдами билан Саидниязь Шоликорбой мажмуасининг муҳофаза зонаси тикланди. Натижада миноранинг техноген салбий таъсирдан деформацияланиш жараёнини камайишига эришилди. Шу жумладан, ушбу авария ҳолатидаги минорани оғишини тўхтатиш учун алоҳида муҳандислик тадбирлари, тавсиялари ишлаб чиқилди [1].

Саидниёз Шоликорбой мажмуаси тарихий ёдгорлигининг минораси транспортлар қатнови натижасида ва унинг заминида ер ости сувларининг таъсирини камайтириш мақсадида “хатаба” услуби жорий қилинди. Саидниёз Шоликорбой масжиди минорасининг деформациясини тўхтатиш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

- обиданинг ер остки қисми: - заминнинг геологик тузилиши, пойдеворларнинг техник ҳолатлари, деформацияланиш жараёнлари мукаммал ўрганилди;
- ёдгорликнинг ер устки қурилмаларининг физик, биологик ва техноген таъсирлар натижасида деформацияланганлик даражалари тўғрисидаги маълумотлар аниқланди;
- систематик равишда геодезик тадқиқотлар натижасида минора оғиши ўлчаб борилди, маяклар, индикаторлар ўрнатилди;
- масжид минорасини оғишини (кренини) тўхтатиш учун махсус илмий тавсияномалар ишлаб чиқилди;
- меъморий обиданинг пойдевор қисмига янги инновацион “хатаба” усули ишлатилди.

Хива меъморий ёдгорликларида таъмирлаш ишларида қўлланилаётган инновацион усул - бу хатабанинг илгариги бошқа иморатларда қўлланилмаган туридир. Хатаба шу пайтгача бизнинг ўрта асрлар меъморчилигимизда ер ости сувлари билан бино деворлари ва ёпмасига зах ҳолида сизиб чиқиб, уни емирадиган тузларини махсус ҳаво ўтиш каналлари воситасида шамоллатиш қурилмаси сифатида ишлатилган. Биз эса ушбу услуб билан иншоотларнинг замин ва пойдевор қисмига девор оралиғи бўйлаб, бутун периметрига ишлатилади. Бу тадбир бинонинг асл ҳолидаги девор қисмига янгидан ғишт терилмасдан барпо этилади. Яъни, ораликда ҳосил бўладиган ҳаво (30см) камерасининг бир томонида меъморий обиданинг асл девори мавжуд бўлса, иккинчи томонида хатаба қурилмасининг девор ғишти терилади. Меъморий обиданинг асл девори очиқ холда (шамоллатиш мақсадида) сақланади (2-расмга қаранг). Қуйидаги 2- расмларда таъмирлаш ишларига доир юқоридаги барча жараён замонавий компьютер дастурлари ёрдамида (АвтоСАД, 3дсМАХ) ишлаб чиқилган хатаба услуби ёритилган.

Ўтказилган тадқиқотлардан шундай хулосага келамизки, Саидниёз Шоликорбой мажмуаси атрофида нима сабабдан ер ости сувларининг кўтарилиши максимум даражага ошганлигига аниқлик киритилди.

Биринчидан ушбу обида жойлашган ҳудуд, гипсометрик жиҳатдан атрофдаги ҳудудларга кўра пастроқда жойлашган. Атмосфера ёғинлари ва бу ҳудудларнинг суғорилиши ҳам шунингдек, грунт сувларининг кўтарилишига имкон туғдирмоқда.

Иккинчидан, Ичан Қалъа атрофидаги табиий зовурнинг ёпилиб кетилиши бу обиданинг замин қисмига жуда кўп ҳажмда ер остки сувлари тўпланишига сабаб бўлган.

Учинчидан, инсон фаолияти билан бўлган салбий таъсирлардан - ушбу ҳудудда транспорт қатнови натижасида ва сув оқава тизимларининг носозлигидан авария ҳолатига келиб қолганлиги исботланди. Натижада минора пойдевори ўта намланишдан кучли деформацияланган ва оғган.



2-расм. Саидниёз Шоликорбой мажмуаси пойдевор қисмига ишланган хатаба услуби

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулосага келамизки, Хивадаги Дешон Қалъа меъморий обидалари бўйича шакллантирилган “Маълумотлар базаси” асосида 44 та меъморий ёдгорликларнинг “паспортлари” ишлаб чиқилди, бунинг натижасида ушбу обидаларни сақлаш ва таъмирлаш лойиҳаларини тайёрлаш жараёни 30%га қисқаришига замин яратади.

Адабиётлар:

1. Дурдиева Г.С. Хива меъморий ёдгорликларининг техник ҳолатлари. Урганч. Т.: “Тезкор матбаа”, 2017/

2. Худойберганов К. Хива – дунёдаги энг кўҳна қалъа. Тошкент, 2012. 347 б.

3. Ноткин И.И. Минареты Хивы. Ташкент, Узбекистан, 1978. С.6.

4. «Хива шаҳридаги Ичан-Қалъа меъморий обидаларининг мониторингини олиб бориш ва улар бўйича маълумотлар базасини яратиш» мавзусидаги илмий-техник ҳисобот. Ўзбекистон Республикасининг илмий-техник Давлат дастури, грант, ИД-4-3, инновация лойиҳаси. Хива-2007.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ В ИССЛЕДОВАНИИ, СОХРАНЕНИИ И ПОПУЛЯРИЗАЦИИ ИСТОРИЧЕСКОГО КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ УЗБЕКИСТАНА

Садикова С.Н. - ведущий научный сотрудник
Международный исследовательский института «Шёлковый Путь», Самарканд

В статье освещаются возможности использования географических информационных систем в научно-практических исследованиях исторических памятников архитектуры и садово-паркового искусства, подчёркивается эффективность ГИС в научно-картографическом анализе и в последующих проектно – реставрационных работах. Многоплановость и универсальность этих систем обусловлена их высокоэффективностью для решения сложных задач археологии, градостроительства, реконструкции и реставрации архитектурных памятников исследуемого региона. Особенно в обработке большого объема собранного и изученного исторического материала для последующего архитектурно-проектного возрождения исторического объекта.

Ключевые слова: Географические информационные системы, проектирование, реставрация, архитектурные памятники, исторические города, сады, хиабаны, Темуриды, Узбекистан, Самарканд.

Maqolada arxitektura va landshaft san’atining tarixiy yodgorliklarini ilmiy va amaliy tadqiq qilishda geografik axborot tizimlaridan foydalanish imkoniyatlari yoritilgan, ilmiy va kartografik tahlil va keyingi loyihalash va restavratsiya ishlarida GIS samaradorligi ta’kidlangan. Bu tizimlarning ko‘p qirraliligi ularning arxeologiya, shaharsozlik, o‘rganilayotgan hudud me’moriy yodgorliklarini rekonstruksiya qilish va restavratsiya qilishning murakkab muammolarini hal etishdagi yuqori samaradorligi bilan bog‘liq. Ayniqsa, tarixiy ob'ektni keyingi me'moriy va dizayn qayta tiklash uchun to'plangan va o'rganilgan katta hajmdagi tarixiy materiallarni qayta ishlashda.

Kalit so'zlar: Geografik axborot tizimlari, loyihalash, restavratsiya, me'moriy yodgorliklar, tarixiy shaharlar, bog’lar, hiyobonlar, Temuriylar, O'zbekiston, Samarqand.

The article highlights the possibilities of using geographic information systems in scientific and practical studies of historical monuments of architecture and landscape gardening, emphasizes the effectiveness of GIS in scientific cartographic analysis and in subsequent design and restoration work. The versatility and universality of these systems is due to their high efficiency for solving complex problems of archeology, urban planning, reconstruction and restoration of architectural monuments of the region under study. Especially in processing a large volume of collected and studied historical material for the subsequent architectural and design revival of a historical object.

Key words: geographic information systems, design, restoration, architectural monuments, historical cities, gardens, hiaban-boulevards, Temurids, Uzbekistan, Samarkand.

Введение. Сегодня геоинформационная система и ГИС технологии используются не только людьми, профессионально связанными с географией, кадастром и земельными ресурсами, но и «являются необходимым инструментом для научного исторического анализа» [1], т.к. ГИС широко применима во всех сферах жизни Человечества: от медицины до экономики, от сельского хозяйства до минимализации урона во время чрезвычайных происшествий. Использование возможностей географических информационных систем в исторических исследованиях сегодня, даже сформировало некоторую традицию.

Следует отметить, что ГИС эффективна для решения сложных задач археологии, градостроительства, архитектуры и ландшафтной архитектуры исследуемого региона. Особенно тех, что связаны с обработкой в исследовательском процессе большого объема собранного и изученного исторический материала, данных в различных формах представления. Например: материалы по истории исследования, топографические планы, описание садов Темуридов средневековыми историками-летописцами, отчёты и записки археологических раскопок и чертежи реконструкций остатков фундаментов садовых дворцов и ограждающих сад стен. Геоинформационные технологии, обеспечивающие пространственно-временную привязку археологических объектов, представляют большую ценность для археологических исследований, так как именно благодаря географической привязке данных в ГИС возможно в двух- или трехмерном пространстве с высокой степенью вероятности определять расположение исторических объектов на местности. Кроме того, элементы географической (археологической) карты снабжаются семантикой, которая может быть проанализирована дляв выявления объектов, представляющих научный интерес. Более всего ГИС удобны и полезны при создании археологических информационных систем отдельных географических регионов, планов раскопок археологических памятников, изучении древних карт, палеорельефа. Современные ГИС позволяют одновременно анализировать векторные и растровые, а также текстовые данные.

Применение ГИС-технологии даёт возможность анализировать размещение и параметры, и расположение памятника в целом, его структуру и динамику развития, а также структуру археологических комплексов, планировку элементов памятника, структуру отдельных археологических объектов, определять количественные и качественные параметры объектов, входящих в состав археологического комплекса. Реконструкция исторического ландшафта. Хозяйственная деятельность древних людей менялась в зависимости от окружающей среды, и именно ГИС может облегчить анализ множества параметров, характеризующихся пространственным изменением. Таким образом, по имеющимся картам конца XIV, картам начала XX вв. на исследуемую территорию (рис.1) можно реконструировать древний ландшафт. По старым

картам предполагается создание слоев "дорог", "поселений" и "гидрографии" ("арыков" и "каналов").

В результате данная археологическая ГИС позволяет создавать, дополнять и редактировать векторные слои в формате Shapefile - рабочем формате пространственных данных проекта. ArcGIS также является основной ГИС-системой, применяемой локальными пользователями для работы с ГИС-ресурсами проекта. Благодаря этому в процессе работы были обнаружены точные месторасположения садов Амира Темура и его потомков - парковые резиденции, в центре которых (в нескольких садах) всё ещё сохранились платформы, на которых раньше возвышались роскошные дворцы Амира Темура. Данные объекты были выделены на основании комплексной информации всех тематических блоков по снимкам и топографическим картам» [3], а парковые резиденции были определены по историческим и литературным источникам.

Для районов Самаркандской области, как упоминалось выше, уже разрабатываются археологические ГИС. К примеру, научный проект «Археологические ГИС в Центральной Азии, проводимый в 2009 году учёными Padwa M., Stride. S, который в основном был ориентирован на описании количества археологических памятников и изучение их распределения на территории – плотность их размещения» [2].

Медоты. Поэтому для данной научной работы было принято решение использовать метод сбора исторических данных, их обработки и картографирования, разработав интерактивную ГИС карту, включающую в себя и другие области исследования и применения, к примеру, градостроительство и ландшафтную архитектуру. В результате полученный ГИС инструмент ландшафтно-рекреационными, эко туристическими характеристиками может иметь прикладной характер. Например, использоваться для образовательных целей в школах и ВУЗах, внутреннего и внешнего туризма, для более наглядного изучения культурного архитектурного наследия эпохи Темуридов в Самаркандской области. Созданная диссертантом интерактивная карта «сады Темуридов» - открытая «story telling map», которая позволяет в дальнейшем дополнять в ее структуру, обогащая карту новыми историческими данными.

В процессе поиска исторического местоположения Темуридских садов для их дальнейшего архитектурного возрождения была проведена масштабная работа, выбрана стратегия, включающая в себя следующие этапы и методы (рис.1):



Рис. 1. Инфографика стратегии архитектурного возрождения садов Темуридов в Самаркандской области

Стратегия архитектурного возрождения садов Темуридов в Самаркандской области:

1. Сбор данных средневековых, советских и современных литературных источников.

2. Анализ, сравнение данных старых аналоговых карт и идентификация мест расположения:

2.1 Поиск описаний исторических локаций садов;

2.2 уточнение размеры садов;

2.3 уточнение, на каком стратегическом маршруте Амира Темура располагался каждый сад.3. Создание карт в QGIS, ArcGIS от компании Esri, Google Earth Google maps.

3.1. Нанесение на карту географических доминант, археологических объектов, архитектурных памятников в качестве ориентиров для поиска исторических локаций садов;

3.2. поиск и анализ природно - географических ландшафтов на богарных землях, подходящих под исторические описания летописцев и археологов;

3.3. нанесение на карту всех садов, создание «всплывающих окон» на английском языке с краткой исторической информацией о каждом саде и 3Д фрагментами архитектурных проектов по их возрождению.

К сожалению, сегодня ни одного из семнадцати садов Темуридов в Самаркандской области не сохранилось, они постепенно разрушались в течение XVI – XVII веков в связи со сменой правящей династии, последующим политическим и экономическим упадком, опустошительными набегами кочевников и продолжительным мородёрством местных жителей, поэтому на сегодняшний день у нас нет точных сведений об их точном историческом местоположении, размерах, площади.

Проблема, с которой столкнулась автор статьи, заключалась в том, что эти археологические объекты - культовые «тепа» и «курганы» настолько часто встречаются на ландшафте Самаркандской области, что, несомненно, затрудняли поиски и идентификацию Темуридских садов (точнее, остатков садовых дворцов, обычно возводившихся на насыпных платформах). Google Earth использует данные цифровой модели рельефа, что создает впечатление трехмерного рельефа даже на двухмерном изображении. Эффект «трехмерного рельефа» карты Google Earth эффективно помог отличить археологические объекты (тепа, курганча) от искомых остатков платформ садовых дворцов. Это дало основу для создания интерактивной карты садов Темуридов и бульваров «Хиабанов». Последние соединяли тенистым зеленым коридором сады между собой и с Самаркандской цитаделью, служили социально-общественными центрами для общения и рекреации народа, прогулочными улицами Самарканда.

Результаты и их обсуждение. С целью создания интерактивной карты «Сады и Хиабаны Темуридов» с помощью платформы ArcGIS и Google Maps автором были собраны данные из различных историко-литературных источников, таких как: вакуфные документы, юридические средневековые записи, сведения историков придворных литографов Тимуридов, красочно описывающих дворцы и сады Темура и Темуридов; записки путешественников и послов ко двору Амира Темура в Самарканде XIV-XV вв.



Рис. 1. Интерактивная карта «Сады и Хиабаны Темуридов» выполненная в ArcGIS от компании Esri [4]

В результате обобщения всех собранных материалов была разработана интерактивная карта «Сады и Хиабаны Темуридов», которая состоит из десяти тематических блоков – слоёв карты. Сравнительный анализ полученных слоев позволяет интерпретировать изменения ландшафта со второй половины XIX в. по 70-е гг. XX в. Обращает на себя внимание тот факт, что система расселения на ландшафтах раннего средневековья и даже раннего железного века часто совпадает с системой расселения на картах XIX-XX вв. Таким образом, можно получить картину древнего расселения без проведения трудоемких и длительных по времени археологических раскопок (Рис.2).

Благодаря тому, что в «Google Earth» детализация снимков варьируется от 15 метров до 15см, автору удалось более детально изучить особенности рельефа и ландшафта Самаркандской области. Далее автор тщательно сопоставила все свои наблюдения с историческими описаниями из литературных источников летописцев и несколькими архивными отчетами об археологических раскоп-

ках советских ученых. Ранее их местонахождение не устанавливалось и было расплывчатым и неточным (поскольку сведения о расположении садов в разных литературных источниках были противоречивы и не увязывались с картой местности).

В ходе сбора данных были обработаны и систематизированы данные о размерах, расположении на маршрутах походов, функциях, архитектурных особенностях каждого сада Темуридов вокруг Самарканда с целью их архитектурного возрождения. «Идентификация исторического месторасположения исчезнувших садов Амира Темура, для разработки проектного предложения по их архитектурному возрождению в Самаркандской области имеет глобальную цель – создание, в результате возрождения нескольких садов Темуридов, новых туристических достопримечательностей и, таким образом, развития устойчивого туризма региона» [4].

Выводы. Возрождаемые сады Темуридов в Самаркандской области на их исторических местах, будут в полной мере отвечать требованиям агро и эко туризма. Сады Темуридов могут служить туристическими центрами в ландшафтно-рекреационных зонах [5]. Входя в составе «туристических махаллей», сады могут стать новыми достопримечательностями для удовлетворения потребностей в рекреации местного населения, в полной мере поспособствуют ускоренному развитию устойчивого внутреннего и въездного туризма Самаркандской области.

Литература:

1. Деревянко А.П., Холюшкин Ю.П., Воронин В.Т., Бердников Е.В., 2002. ГИС "Палеолит Северной Азии" // Статистические методы и ГИС-технологии в археологических исследованиях. Вып. 2. Новосибирск.
2. Padwa M., Stride. S., 2009. Archaeological GIS in Central Asia // The Silk Road, News Letter, Vol. 2, num. 2
3. https://www.archaeolog.ru/media/periodicals/agis/AGIS-6/Dmitrieva/dmitrieva.html
4. Садикова Ситора-Бону Нематджоновна Сбор, обработка и визуализация исторических данных о саде Амира Темура Баги Дилкушо с помощью ГИС // SAI. 2024. №Special Issue 34. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/sbor-obrabotka-i-vizualizatsiya-istoricheskih-dannyh-o-sade-amira-temura-bagi-dilkusho-s-pomoschyu-gis.
5. Садикова Ситора-бону Нематджоновна. (2024, May 19). Сбор, обработка и визуализация исторических данных о саде амира темура "Баги Дилкушо" с помощью ГИС. https://doi.org/10.5281/zenodo.11216660

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ МАҚБАРАЛАР ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ

Жураева Сарвиноз 3-босқич докторанти (PhD)
Тошкент архитектура-қурилиш университети

Аннотация. Ушбу мақолада юртимиздаги барпо этилган мақбаралар ҳақида маълумотлар тўпланиб, янги изланишлар асосида ўқувчиларга тақдим этилмоқда. Уларни ҳудудлар кесимида сони қанча ва қайси даврларда мақбараларга эътибор ортгани ва қурилишлар моҳияти ҳақида сўз боради.

Аннотация. В этой статье собрана информация о построенных мавзолеях в нашей стране и представлена читателям на основе новых исследований. Читателям рассказывается о том, сколько их в разрезе территорий и в какие периоды усиливался акцент на мавзолеях, а также о характере сооружений.

Annotation. This article contains information about the mausoleums built in our country and is presented to readers based on new research. Readers are told about how many of them there are in the context of territories and during which periods the emphasis on mausoleums increased, as well as about the nature of the structures.

Калит сўзлар: илк мақбаралар, мақбара, аср, чортоқ, рўйхат.

Кириш. Ислом даври кириб келгандан сўнг албатта мақбараларга бўлган эътибор янада кўчайди. Юртимизда маъданий ёдгорликларни асраб авайлаш уларни ўрганиш бўйича кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда тарихий обидалар бўйича бир қанча қарорлар қабул қилинганлиги, ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги, уларни келажак авлодларга яхши ҳолатда етказиб беришга хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида[1]”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4-октябрдаги 846-сон “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ ҳолда мақбаралар архитектурасини кўриб чиқишни олдимизга мақсад қилдик.

Асосий. Мақбара (арабча, марқад, турбат) – бирор майитнинг жасади жойлашган меъморий иншоот ёки тош тобут (дахма, сағана) маъносини беради. Мақбара усти қуббали чортоқли бино бўлиб, рамзий ғояларни ўзида ифода этган. Чортоқ – ер куррасини ифода этувчи барқарор шакл, қубба – осмон гумбази рамзи, булар биргаликда Коинотни англатган. “Коинот модели”нинг бу тарзда барпо этилиши борлиқнинг Аллоҳ томонидан яратилгани ҳақидаги ақидага мувофиқлаштирилган[2].

Бир хонали мақбаралар туркумига кирувчи ёдгорликларнинг икки кўриниши мавжудлигини М.Қ. Аҳмедов яққол мисоллар орқали кўрсатиб берган. Бир хонали мақбараларнинг биринчи кўринишига мисол тариқасида Сомонийлар мақбараси (IX аср) ни кўрсатиш мумкин. Ушбу мақбара Бухорода жойлашган ва чортоқ услубида қурилган. Бино асоси куб ҳажмдаги шаклдан ва унинг устидаги гумбаздан ташкил топган. Тарҳи квадрат кўрини-

шида. Бинонинг тўрт тарафи бир хил. Бино тарзи нафис оддий ғиштдан (23х23х4 см) фойдаланиб ишланган ва ажойиб гўзаллик наъмунаси яратилган.[3] Бир хонали мақбараларнинг иккинчи кўриниши гумбазли - пештоқли бинолардир. Бу турдаги биноларнинг фарқи - чортоқ кўринишидаги тўрт томони бир хилда қурилмаслигидадир. Уларнинг асосий кириш қисми алоҳида маҳобатли тарзда қурилган ва пештоқ орқали ажратилган. Кўп хонали мақбараларнинг типологик асосларини Г.А. Пугаченкова ва Л.Ю. Маньковскаялар таҳлил этганлар. Икки ва ундан ортиқ хонали мақбаралар туркумига нафақат гўрхона балки зиёратхона, махсус даҳлиз, ҳовли, айвон, айримларига хонақоҳ ва масжидлар ҳам кирган. Кўп хонали мақбаралар кўпинча гуруҳ қилиб эмас, балки алоҳида-алоҳида бинолар сифатида бунёд этилган.[4]

"Марказий Осиё мақбараларига хос меъморий - режавий хусусиятларни умумлашган ҳолда қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Бир хонали мақбаралар, уларнинг тарҳи квадрат шаклида бўлиб, ҳажми кубсимон, гумбазли, кўринишидан тўрт томони бир хил.
2. Бир хонали мақбаралар, уларнинг чортоқ (тўрт томонида тоқ - равоқли бўлган тўртбурчак хона) кўринишидан тўрт томони бир хилда қурилмаган, гумбазли - пештоқли.
3. Кўп хонали мақбаралар, уларнинг тарҳи тўғри тўртбурчак бўлиб, гумбазли - пештоқли.
4. Мақбара бир гумбазли, қўш гумбазли ва гумбазларнинг турлари: балхи, чархи, думалоқ, конуссимон, кулоҳий шакллардан иборат.
5. Мақбара безакларида, оддий ғиштин, рангбаранг ўймакор ва сиркор безаклардан, куфий ёзувлардан кенг фойдаланилган бўлиб, бетакрор меъморликни шакллантирган".[5]

Гумбазли зал билан бирга кўп гумбазли композициялар ҳам шаклланган. Бу устунлар устидаги гумбазли заллар ва девор бўйлаб ёки ҳовли атрофи бўйлаб бир ёки бир неча қаторда гумбазли галереялардир.[6]

Шарқда дастлаб кабр устига бирор тош қўйиш, иморат қуриш ман этилган бўлсада IX асрдан халифалар шарафига мақбаралар курила бошланган. Мовароуннаҳрда ҳам IX асрдан махсус мақбаралар қуриш одат тусига кирган. Кейинчалик, асосан, машҳур кишилар (подшоҳлар, руҳонийлар, олимлар) қабри устига турли мақбаралар қурилган. Оддий мақбара гумбазли чорси хонадан иборат бўлган, унга пештоқли эшик орқали кирилган. Баъзан хонанинг 4 томони равоқли-чордара шаклида бўлган. (Исмоил Сомоний мақбараси), кейинчалик мақбара қурилиши тобора мураккаблаша бориб, унда зиёратхона, гўрхона, тагхона сардоба каби махсус хоналар пайдо бўлган (Яссавий мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Тож маҳал мақбараси, Шоҳизинда ансамбли ва б.)[7].

Қуйида биз ҳозирга қадар ўрганилган мақбараларнинг сонини жадвал кўринишида келтириб ўтдик (1-жадвалга қаранг). Вазирлар Маҳкамасининг 846-сонли қарори асос сифатида олиниб, кўриб чиқилди. Илк мақбаралар милоддан аввалги даврда Хоразм вилоятида шаклланганлигини кўришимиз мумкин. I асрдан то ислом дини кириб келгунгача бўлган асрларда асосан Қашқадарё вилоятида мақбаралар сақланиб қолганлигини кўриши мумкин. Жиззах, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида эса кам мақбаралар намунасини кўриш мумкин.

IX асрга келиб **Қашқадарё вилоятида** мақбаралар қурилиши янада авж олиб, бошқа ҳудудлардан мақбаралари яхши сақланганлиги ва кўплиги билан ажралиб туради. XI-XIII асрлар мақбаралари яхши сақланмаган. XIV асрдан то ҳозирги кунга қадар кўплаб мақбаралар қурилиши бўлганлиги, ва энг қизиқарлиси XVIII-XIX асрларда кўплаб янги мақбаралар пайдо бўлган. Қурилиш даври аниқланмаган мақбаралар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунга қадар вилоят ҳудудида 75 та мақбара рўйхатда мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган мақбаралар ҳам ўзига хослиги билан алоҳида эътиборга моликдир. X асрда 2 та мақбара, XII-XIII асрларда эса 11 та мақбара, XVIII асрдан то XX асрларда кўплаб мақбаралар қурилган ва ҳозирда ҳам яхши сақланиб қолган. Ҳозирги кунга қадар 46 та мақбара рўйхатда мавжуд.

Андижон вилоятида XVIII асрларга келиб бир нечта мақбаралар борлиги 1-жадвалда кўриниб турибди. Бу ҳудудда кам мақбаралар бизгача сақланганлигидан далолатдир. 1 та даври аниқланмаган мақбара, умумий эса 4 та мақбара мавжуд.

Бухоро вилоятида мақбаралар қурилишига ислом дини кенг ёйилгандан сўнггина эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. XVI асрда 8 та мақбара бошқа даврларда эса бир нечта мақбаралар мавжуд бўлиб, рўйхатда умумий сони 22 тадир.

Рўйхатда мавжуд мақбаралар сони бўйича энг етакчи ҳудудлардан бири **Фарғона вилоятидир**. Умумий ҳисобда 77 та мақбара мавжуд бўлиб, уларнинг кўпроқ қисми XIX-XXI асрларга тегишли.

Жиззах вилоятида эса умумий рўйхат бўйича 3 та мақбара мавжуд. Энг кам мақбаралар мавжуд бўлган ҳудудлардан яна бири **Навоий вилояти** ҳисобланиб, 2 та мақбара мавжуд. **Сирдарё вилоятида** ҳам IX асрда 4 та мақбара мавжуд. **Тошкент вилоятида** умумий 6 та мақбара мавжуд ва уларнинг 2 тасининг қурилиш даври маълум эмас.

Хоразм вилоятида ҳам мақбаралар қайсидир вақтлар оралиғида яъни XIV асрда 6 та, XVI асрда 7 та, XIX асрда эса 6 та мақбаралар рўйхатда мавжуд. Уларнинг умумий сони 23 тани ташкил этади.

Наманган вилоятида даври аниқланмаган, яъни қайсидир даврга тегишли мақбаралар сони бўйича етакчи ўринда туради. Уларнинг умумий сони 9 тани ташкил қилади. Асосан XVIII асрдан сўнг қурилган мақбаралар сони кўп ва умумий ҳисобда 27 та мақбарани ташкил этган.

Самарқанд вилояти ҳудуди бўйича умумий 29 та мақбара мавжуд. Улар асосан XV асрда 6 та, XVII асрда 5 та, XIX асрга келиб эса 12 та мақбаралар мавжуд.

Сурхондарё вилоятида ҳам умумий рўйхатда

17 та мақбаралар ҳар хил даврларда тарқоқ ҳолда қурилган.

Тошкент шаҳрида эса умумий ҳисобда 19 та мақбара мавжуд. Улар ҳам асосан XVI асрдан сўнг қурилган[8].

1-жадвал.

Ўзбекистон ҳудудидаги мақбараларнинг ҳудудий жойлашуви ва даврий шаклланиши

	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Фарғона вилояти	Жиззах вилояти	Хоразм вилояти	Наманган вилояти	Навоий вилояти	Қашқадарё вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри
Давр/	**1**	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**	**7**	**8**	**9**	**10**	**11**	**12**	**13**	**14**
Мил.ав.						1								
I									5					
II									1					
III														
IV									2					
V					1				7			1		
VI						1			6					
VII														
VIII									1					
IX				1					7		4	1		
X	2								4			2		
XI								1	1	1		5		
XII	9		1				1	1	1			2		
XIII	2												1	
XIV	1		1		1	6			11	1			1	1
XV			2	1					4	8		1		
XVI			8	2		7			4			4	2	4
XVII	1	1	3			2			3	5				2
XVIII	11	1				1	7		8			1		2
XIX	10		2	27	1	6	4		8	12				6
XX	10	1	1	30			2		1	1				1
XXI			3	17			1			1				2
Даври аниқланмаган		1					9		1				2	1
Жами	**46**	**4**	**22**	**77**	**3**	**23**	**27**	**2**	**75**	**29**	**4**	**17**	**6**	**19**
Умумий														353

Умумий рўйхатда 353 та мақбара мавжуд бўлиб, бу сон яна ортиши мумкин. Сабаби мажмуалар таркибидаги мақбаралар сони бу рўйхатга киритилмаган.

Тадқиқ қилинган ушбу мақбаралар ҳудудлар бўйича миқдори албатта кўпгина изланувчиларни қизиқтирса ажаб эмас. Ўзбекистон ҳудудида қурилиши бунданда кўп мақбаралар бўлганлиги, аммо уларни кўплари сақланиб қолмаганлиги, ёки рўйхатдан четда қолган бўлиши ҳам мумкин. Адабиётларда, манбаларда яна ўрганиш лозим бўлган кўплаб мақбаралар мавжуд ва биз яна бу мавзуга алоҳида қайтамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида мақбаралар инвентаризацияси ва уларнинг типологияси мавзусида изланиб қуйидаги илмий асосларни илгари суриш мумкин:

- Пештоқ-гумбазли композицияда қурилганлиги;
- Тарҳда бир ва икки камерали типологияда режалаштирилганлиги;
- Мақбараларда безак элементлари кам қўлланилган;
- Пишиқ ғиштдан қурилганлиги.

Хуллас, турли даврларда қурилган мақбараларнинг ҳудудлар кесимида баҳоланиши бугунги кун учун ниҳоятда аҳамиятли.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон қарори.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Т., 2002.
3. Ўролов А., Қодирова Т. Ўрта Осиё архитектура ёдгорликларининг типологик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2011.26-бет
4. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т.: “Ўзбекистон” 1995. 56-бет.
5. Ўролов А., Қодирова Т. Ўрта Осиё архитектура ёдгорликларининг типологик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2011.26-30 бетлар
6. Назаров У.О. Сурхондарё воҳаси меъморий ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. 18.00.01. (PhD) диссертацияси.
7. Маньковская Л., Булатова В ., Памятники зодчества Хорезма, Т., 1978; Ўзбекистон: Ислом обидалари, Т., 2002.
8. Jurayeva S. Central Asian journal of arts and design. “Inventory of Tombs in the Territory of Uzbekistan”. Volume: 4 issue: 7 | Jul – 2023.

IXTISOSLASHTIRILGAN SAN’AT MAKTABI DIZAYNI VA RANGLARNI O’QUVCHILARNING PSIXOLOGIYASIGA TA’SIRI

To’xtayeva Sevara Asatullo qizi – magistrant
“Toshkent irrigatsiya va qishloq xo’jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti”
Milliy tadqiqot universiteti

Annotatsiya. Ushbu maqola talabalar o'rtasida ijodkorlik, innovatsiya va umumiy farovonlikni rivojlantiruvchi ixtisoslashtirilgan san'at maktabini yaratish uchun dizayn masalalarini o'rganadi. Xususan, maktabning arxitektura va interyer dizaynida ranglardan foydalanish va uning o‘quvchilar psixologiyasiga ta’sirini chuqur o‘rganadi. Rang psixologiyasi va uning hissiyotlarga, diqqat markazida va ijodkorlikka ta'sirini hisobga olgan holda, dizaynerlar o’quvchilarning badiiy rivojlanishi va ruhiy salomatligini qo'llab-quvvatlaydigan muhitni yaratishi mumkin.

Kalit so’zlar: Rang psixologiyasi, hissiyot, kasbiy fakultet, portfolio, funktsional bo'shliqlar, raqamli media laboratoriyalari, texnologiya integratsiyasi, vizual qiziqish, trening, ko’rgazma, biofil dizayn elementlari, vizualizatsiya, ijodkorlik, kreativlik.

Аннотация. В этой статье рассматриваются соображения по поводу создания специализированной художественной школы, которая способствует творчеству, инновациям и общему благополучию учащихся. В частности, он глубоко изучает использование цвета в школьной архитектуре и дизайне интерьера и его влияние на психологию учащихся. Принимая во внимание психологию цвета и его влияние на эмоции, внимание и творчество, дизайнеры могут создавать среду, которая поддерживает художественное развитие и психическое здоровье учащихся.

Ключевые слова: Психология цвета, эмоции, профессиональный факультет, портфолио, функциональные пространства, лаборатории цифровых медиа, интеграция технологий, визуальный интерес, обучение, выставка, элементы биофильного дизайна, визуализация, творчество, креативность.

Annotation. This article explores the design considerations for creating a specialized art school that fosters creativity, innovation, and overall well-being among students. Specifically, it delves into the use of color in the architectural and interior design of the school and its influence on the psychology of students. By considering color psychology and its impact on emotions, focus, and creativity, designers can create an environment that supports students' artistic development and mental health.

Key words: Color psychology, emotion, professional faculty, portfolio, functional spaces, digital media labs, technology integration, visual interest, training, exhibition, biophilic design elements, visualization, creativity, creativity.

Kirish. Ixtisoslashtirilgan san’at maktabining dizayni o’quvchilarning o’quv tajribasi va badiiy amaliyotini shakllantirishda hal qiluvchi rol o’ynaydi. Ushbu maqolada maktab dizaynida ranglardan foydalanish o’quvchilarning psixologiyasiga qanday ta’sir qilishi, ularning kayfiyati, konsentratsiyasi va ijodiy ilhomiga ta’sir qilishi ko’rib chiqiladi. Ranglarning psixologik ta’sirini tushunib, dizaynerlar o’quvchilarning badiiy ifodasini va umumiy farovonligini oshiradigan muhitni yaratishi mumkin.San’at kolleji yoki san’at instituti sifatida ham tanilgan ixtisoslashtirilgan san’at maktabi asosan tasviriy va sahna san’atini o’rganish va o’qitishga qaratilgan ta’lim muassasasidir. Ushbu maktablar tasviriy san’at, dizayn, media san’ati, sahna san’ati va boshqalar kabi turli xil badiiy fanlar bo’yicha maxsus dasturlarni taklif qiladi. Ixtisoslashtirilgan san’at maktablarida tahsil olayotgan o’quvchilar odatda o’zlari tanlagan badiiy soha bo’yicha intensiv ta’lim, amaliy mashg’ulotlar va amaliy tajriba oladilar.

Ixtisoslashtirilgan san’at maktablarining o’ziga xos xususiyatlariga quyidagilar kiradi:

1. **“Badiiy fanlarga e’tibor qaratish”**: Ixtisoslashtirilgan san’at maktablari rasm, haykaltaroshlik, fotografiya, grafik dizayn, moda dizayni, animatsiya, kino, musiqa, raqs va teatr kabi muayyan badiiy fanlarga moslashtirilgan dasturlarni taklif qiladi. Ushbu dasturlar tanlangan soha bo’yicha chuqurlashtirilgan ta’lim va maxsus kurs ishlarini ta’minlaydi.

2. **“Kasbiy fakultet”:** Ixtisoslashtirilgan san’at maktablarida ko’pincha rassomlar, dizaynerlar, ijrochilar yoki sanoat mutaxassislari bo'lgan professor-o’qituvchilar mavjud. O’quvchilarning ijodiy qobiliyatlari va badiiy qarashlarini rivojlantirishga yordam berib, san’at bo’yicha murabbiylik, yo’l-yo’riq va tajribani ta’minlaydi.

3. **“Amaliy trening”:** Ixtisoslashtirilgan san’at maktablari sinfda o‘qitishdan tashqari amaliy mashg‘ulotlar, studiya amaliyoti va tajribaviy o‘rganishga ham urg‘u beradi. O’quvchilar o’zlarining ijodiy loyihalari va badiiy rivojlanishini qo’llab-quvvatlash uchun eng zamonaviy jihozlar, jihozlar va resurslardan foydalanishlari mumkin.

4. **“Ijodiy muhit”:** Ixtisoslashgan san’at maktablari ijodiy va hamkorlik muhitini rivojlantiradi, unda o’quvchilar tajriba o’tkazish, kashf qilish va badiiy amaliyot chegaralarini kengaytirishga undaydi. Maktab jamoasi badiiy ifoda, tanqid va yangilik madaniyatini tarbiyalaydi.

5. **“Ko‘rgazma va spektakl o‘tkazish imkoniyatlari”:** Ixtisoslashtirilgan san’at maktablari o‘quvchilarga ko‘rgazmalar, spektakllar, namoyishlar va ommaviy tadbirlar orqali o‘z ishlarini namoyish etish imkoniyatini beradi. Ushbu platformalar talabalarga ta’sir qilish, fikr-mulohazalarni olish va kengroq badiiy jamoa bilan bog’lanish imkonini beradi.

6. **“Sanoat aloqalari”:** Ixtisoslashgan san’at maktablari ko’pincha san’at va ijodiy sohalar bilan mustahkam aloqaga ega bo’lib, talabalarga tarmoq imkoniyatlari, amaliyot o’tashlari va kasbiy rivojlanish resurslarini taqdim etadi. Maktabning san’at galereyalari, dizayn firmalari, media kompaniyalari va sahna ko‘rinishlari bilan hamkorligi o‘quvchilarning martaba istiqbollarini oshiradi.

Недостатком этого типа пересечения является загрузка проездов вокруг прилегающих кварталов транзитным движением. Поэтому если в кварталах есть жилые, культурно-бытовые и общественные здания, использование прилегающих к ним проездов нецелесообразно, так как приводит к ухудшению условий для окружающей среды и нарушает безопасность движения пешеходов. В условиях современной планировки и застройки городов, предусматривающей организацию микрорайонов значительной площади, использование проездов вокруг них создает большие перепробеги транспорта, что не всегда может быть экономически оправдано.



Рис.7 Пересечение типа «клеверный лист» с раздельным движением правых и левых поворотов



Рис. 8. Пересечение в двух уровнях типа «полный клеверный лист» с объездом вокруг кварталов застройки



Рис. 9. Схема пересечения на Московской кольцевой дороге (цифрами на плане обозначен километраж по кольцевой дороге) [1]

Учитывая указанные обстоятельства, такие пересечения в местах, прилегающих к перекрестку жилой, культурно-бытовой и общественной застройки, можно строить только в исключительных случаях при условии обеспечения безопасности движения пешеходов. Пересечения с объездом вокруг кварталов лучше строить там, где не стесняет застройка и движение пешеходов незначительно.

Литература:

1. Дубровин Е.И., Ланцберг Ю.С., Лялин И.М., Турчихин Э.Я., Шафран В.Л., “Пересечения в разных уровнях на городских магистралях”. Издательство литературы по строительству, Москва-1968.

ТОШКЕНТ МАСЖИДЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ

Хасанова М.А., таянч докторант. Тошкент архитектура-қурилиш университети

Аннотация: Ушбу мақола Тошкентнинг маҳалла ва жомеъ масжидлари тарихига, уларнинг архитектуравий ечимларига бағишланган. Қадимий масжидларнинг сони ва режавий тузилишлари, бино тарзлари ўрганилган. Шу билан бир қаторда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган масжидлар, уларнинг туманлараро сони, номланиши ва жойлашуви келтирилган.

Калит сўзи: масжид, маҳалла, тарҳи, гумбаз, жоме, архитектура, ибодат.

Аннотация: Данная статья посвящена истории ташкентских окрестностей и мечетей-мечетей, их архитектурным решениям. Изучены количество и планировочные строения древних мечетей, стиль застройки. Кроме того, указаны мечети, действующие в городе Ташкенте, их межрайонный номер, наименование и местонахождение.

Ключевые слова: мечеть, маҳалла, план, купол, жами, архитектура, молитва.

Abstract: This article is devoted to the history of Tashkent's neighborhood and mosque mosques, their architectural solutions. The number and plan structures of ancient mosques, building style have been studied. In addition, mosques operating in Tashkent city, their inter-district number, name and location are listed.

Key word: mosque, neighborhood, plan, dame, jame, architecture, prayer.

Кириш. Тошкент қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, ўзининг икки минг йилдан ортиқ ўтмишига эга. Олимларнинг таъкидлашича, шаҳар Чоч, Шош, Бинкент, Тошкент каби турли номлар билан тилга олинган. Асрлар давомида Мовароуннаҳрдаги йирик сиёсий, иқтисодий-маданий марказ шаҳарлардан биридир. Азим пойтахтимизда кўплаб бино ва иншоотлар маданий мерос обидалари ва муборак қадамжолар жойлашган. Ислом динининг улуғлиги ва мусулмонларнинг ибодат қилишлари учун яратилган шароитларда масжидларнинг ўрни беқиёсдир [1].

Асосий қисм. Масжидлар – мўмин мусулмонлар учун энг муқаддас ва қадрли жой ҳисобланади. Фақатгина ибодат маскани сифатида эмас, ўзаро меҳр оқибат, ҳамжиҳатлик ва дўстлик ришталарини боғловчи жой сифатида ҳам эътиборга моликдир. Шунга кўра масжидларни бунёд этиш ва мавжудларини қайта таъмирлаб гўзал ҳолатга келтириш савоби улуғ амаллардан ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кўплаб ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан юртимизда янгидан очилган масжидлар сони кундан-кун ортиб бормоқда. “Ўрта Осиёда ўрта асрларда масжидлар қурилиши кенг кўламда олиб борилган. Масжидлар турли хил ҳажмларда қурилиб, бу бевосита аҳоли сонига боғлиқ бўлган. Маҳаллаларда маҳаллий масжидлар шаклланиб, улар қишки хонақоҳ ва унинг бир, икки ёки уч тарафида қурилган айвондан иборат бўлган. Айвонлар устун-тўсинли конструкцияда қурилган бўлса, хонақоҳларнинг айримлари гумбаз конструкциясида, бошқалари эса устун-тўсинли конструкцияда шаклланганлигини кўриш мумкин. Маҳалла масжидларидан ташқари жума номозлари, ҳайит номозлари жамоа бўлиб ўқиладиган жомеъ масжидлари ҳам қурилган”[2].

Тошкент шаҳрида дастлабки масжид Бинкатда бунёд этилган. Лекин бу ҳақида батафсил маълумотлар етиб келмаган. IX–X аср араблар тарихчилари Истахрий, Мақдисий ва ибн Ҳавқал шаҳар арки ёнидаги жоме масжидини тилга олиб ўтган. XIII аср муаллифи Жамол Қарший ўзининг “Мулҳақат би-с-сурох” асарида Шошда кўплаб масжидлар бўлганлигини ифодалаш учун “маҳаллаларида минглаб масжидлар бор” дея таъриф берган эди. XIII–XVIII-асрлар давомида Тошкент муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий шаҳарлардан бири бўлиб, шаҳарда олдингига қараганда кўпроқ масжидлар фаолият юритган [3].

XIX асрга келиб шаҳарда масжидлар сони янада ортган. Сабаби, шаҳарнинг кенгайиб бориши ва ундаги маҳаллалар сонининг ортиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам XIX асрда Тошкент шаҳридаги масжидлар сони тўғрисида манбаларда турлича маълумотлар берилган. Хусусан, 1866–1868 йилларда Тошкентда бўлган рус сайёҳлари П.И. Пашино ва А.П. Хорошхин ёки уларнинг маълумотларига таяниб изланиш олиб борган немис тадқиқотчиси Ф. Ҳеллвалд XIX асрнинг 60-йиллари 2-ярмида Тошкентда 280–310 та атрофида масжид бўлганлигини қайд этган. Тошкент шаҳри тадқиқотчиларидан Н. Маев 1876 йилда эълон қилган “Осиё Тошкенти” номли мақоласида Бешёғоч даҳасида 68 та, Шайхонтоҳур даҳасида 60 та, Кўкча даҳасида 51 та, Себзор даҳасида 10 та масжид борлигини қайд қилган. Тадқиқотчилардан А.И. Добросмислов эса XX аср бошида Тошкентдаги масжидлар сони 400 га яқинлигини таъкидлаган. Бу даврда шаҳардаги масжидлар сони аввалгига қараганда тез ўзгариб турган. Буни архив ҳужжатларида қайд қилинган 1868 йилда 297 та, 1873 йилда 248 та, 1889 йилда 180 та (фақат вақфли

масжидлар), 1911 йилда 345 та, 1912 йилда 333 та масжид бўлганлигидан билиш мумкин. XIX асрнинг бошларидан шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисмида ҳам масжидлар кўпайиб бориб, 1911 йилда уларнинг сони 12 тага етган [4].

Масжидларнинг асосий қисми анъанавий тарзда тўғри тўртбурчак ёки тўртбурчак тарҳда, усти ёпиқ иншоот – хонақоҳ, минора, мезана, айвон ва дарвозахонадан иборат бўлган. Тошкентда Қаноат оталиқ қурдирган Баландмасжид, Гулбозор, Ўразалибой, Фўлодбой Тинчбофий, Шарофбой, Қаффол Шоший мозоридаги жомеъ масжид, Хожа Аҳрор Валий жомеъ масжиди ва бошқа аксарият жомеъ масжидлар катта гумбазлар билан ёпилган. Жумладан, Баланд масжиднинг гумбази 8 буржли ҳашаматли қилиб ишланган. П.И. Пашинонинг ёзишича, шаҳардаги масжидларининг аксарияти минорали бўлган[5]. Аммо кўплаб масжидлар руслар даврида бузилиб кетган ва масжид биносидан турли мақсадларда фойдаланилган.

Мустақиллик даврига келиб тарихий обидаларимизга катта эътибор қаратилиб кўплаб тарихий масжидларимиз ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олиниб, қайта таъмирланди. Маданий мерос фондига киритилган масжидлар жами 48та бўлиб, шундан Чилонзор туманида 2та, Юнусобод туманида 2та Шайҳонтоҳур туманида 21та ва Олмазор туманида 23 тани ўз ичига олади, номлари қуйида келтирилган[6].

ТОШКЕНТ МАСЖИДЛАРИ (Маданий мерос объектлари рўйхати бўйича, 2019 й.)

№	Чилонзор тумани (2 та)	Юнусобод тумани (2)
1.	Ҳайробод Эшон масжиди. (Ҳайробод Эшон мажмуаси) XVIII аср.	Чуқур (Камолиддин Бухорий) масжиди XIX аср.
2.	Новза масжиди 2017-2018 йиллар XX аср.	Мирза Юсуф масжиди XIX аср
№	**(Олмазор тумани 23 та)**	**Шайҳонтоҳур тумани (21 та)**
1.	Тинчоб масжиди XVIII аср	Занги ота масжиди XVIII аср
2.	Охунгузар 1 масжиди (Лайлаклик) XVIII аср	Азлархон Эшон масжиди XVIII аср
3.	Каллахона масжиди XVIII-XIX асрлар	Орифжонбой масжиди XIX аср
4.	Махалла масжиди XVIII-XIX асрлар	Оби Назир масжиди XIX аср
5.	Мадкаримбой мадрасаси (Мадкаримбой мажмуаси) XVIII-XIX асрлар	Чақар масжиди XIX аср
6.	Тиллашайх масжиди (Хазрати Имом мажмуаси) 1890 йил	Дўстмухаммад қассоб масжиди XIX аср
7.	Намозгоҳ масжиди (Хазрати Имом мажмуаси) XIX аср	Темирчилик масжиди (Уккоша масжиди) XIX аср
8.	Шарофиддинбой масжиди XIX аср	Кўк масжид XIX аср
9.	Лангар ота масжиди XIX аср	Султонхожи масжиди XIX аср
10.	Маҳалла масжиди (Иброҳимбой ва Орифжонбой масжиди) XIX аср	Эшонгузар 1 жоме масжиди XIX аср
11.	Аллон масжиди XIX аср	Хўжа Ахмадбой масжиди XIX аср
12.	Лангар масжиди XIX аср	Баланд масжид 1857 йил
13.	Қумлоқ гузар масжиди XIX аср	Гулбозор масжиди XIX аср
14.	Ғайрат махалла масжиди XIX аср	Ахмадбойвачча масжиди XIX аср
15.	Охунгузар 2 масжиди XIX аср	Зангжарлик масжиди1866 йил
16.	Лайлаклик масжиди XIX аср	Шайх Зайниддин бобо жоме масжиди 1997-1998 йиллар
17.	Шоқосимбой масжиди XIX аср	Кох ота жоме масжиди 2017-2018 йиллар
18.	Азиз Халфа бобо масжиди XIX аср	Сузук ота мажмуаси (Мақбара, масжид, зиёратгоҳ) 2017-2018 йиллар
19.	Ёв (Исматулла Хожи) масжиди 1865 йил	Фирдавс жоме масжиди 2000 йиллар боши
20.	Тўхтабойвачча масжиди XIX аср	Шайх Муҳаммад Сиддиқ Муҳаммад Юсуф мажмуаси 2018 йил
21.	Работ масжиди XX аср	Эшонгузар 2 Масжид
22.	Ҳофиз Кўҳакий масжиди	
23.	Ҳофиз Кўҳакий 2 масжиди	

Масжидларни таҳлил қилиш давомида эътиборимизни гумбазли масжидлардан бўлмиш Самарқанд дарвоза ва Оби-Назир масжидларига қаратдик. 2та масжиднинг ҳам кириш қисми бир бирига ўхшаш бўлиб, пештоқ билан ажратилган. Дарвозахона, ҳонақоҳ ва айвон қисмидан иборат.

Ҳозирги кунга келиб Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган масжидлар сони 135 тани ташкил этади. Жумладан Учтепа туманида 20 та, Шайхонтохур туманида 23 та, Олмазорда 21 та, Юнусободда 13 та, Мирзо Улуғбек туманида 11та, Яшнабод туманида 10 та, Миробод туманида 4 та, Яккасарой туманида 4 та, Чилонзор туманида 16 та, Сергели туманида 6 та, Бектемир туманида 3та, Янги ҳаёт туманида 4 та масжидлар фаолият юритиб келмоқда.

Қуйида масжид номлари келтирилган.

1-жадвал

Объект номи / Чизма тури	Самарқанд дарбоза жомеъ масжиди		Оби-Назир жомеъ масжиди	
	Кириш қисм	Асосий қисм	Кириш қисм	Асосий қисм
Тарз				
Қирқим				
Тарх				

1-расм. Самарқанд дарвоза ва Оби-Назир жомеъ масжидлари чизмалари (тарҳ, қирқим, тарз). (Архив матраллари асосида)

2-жадвал

№	УЧТЕПА ТУМАНИ (20 та)	№	ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ (23 та)	№	ОЛМАЗОР ТУМАНИ (21 та)
1.	Маҳкам ота жоме масжиди	21.	Султон Хожи Жоме масжиди	44.	Чимир ота жоме масжиди масжиди
2.	Маҳкамбой ҳожи ота жоме масжиди	22.	Обидхон Махдум	45.	Иброҳимбой Орифжонбой жоме масжиди
3.	Бурҳониддин Марғилоний жоме масжиди	23.	Оқ илон жоме масжиди	46.	Исматилло хожи жоме масжиди
4.	Абу Ҳурайра жоме масжиди	24.	Ислом-нури жоме масжиди	47.	Сафарбой ота жоме масжиди
5.	Абдулхамид ҳожи жоме масжиди	25.	Фирдавс жоме масжиди	48.	Мевазор жоме масжиди
6.	Мирбобо ота жоме масжиди	26.	Баланд жоме масжиди	49.	Иброҳим ота жоме масжиди
7.	Ҳазрати Али Жоме масжи	27.	Мўйи муборак (Уккоша)	50.	Абу Бакр Қаффоли Шоший жоме масжиди
8.	Бешқайраҳғоч жоме масжиди	28.	Кох ота бузрук жоме масжиди жоме масжиди	51.	Оҳунгузар жоме масжиди
9.	Азиз ота жоме масжиди	29.	Яхё қори жоме масжиди	52.	Сирож-солиҳ жоме масжиди
10.	Абу Ҳанифа жоме масжиди	30.	Имом Хасан жоме масжиди	53.	Ҳофиз Кўҳакий жоме
11.	Маҳаммад Умар ўғили Зокир жоме масжиди	31.	Ҳувайдо жоме масжиди	54.	Аҳьаджон қори жоме масжиди
12.	Кўкча оқтепа жоме масжиди	32.	Оқ тунка жоме масжиди	55.	Искандар хўжа жоме масжиди
13.	Саид Ваққос ота жоме масжиди	33.	Эшонгузар жоме масжиди	56.	Дўстжонбой жоме масжиди
14.	Ҳазрати Умар жоме масжиди	34.	Сузук ота жоме масжиди	57.	Исломобод жоме масжиди
15.	Чўпон ота жоме масжиди	35.	Фотимаи Захро жоме масжиди	58.	Тўлқин Акром ўғили жоме масжиди
16.	Абдулла ибн Масъуд жоме масжиди	36.	Абдуллоҳ ибн Хузофа жоме масжиди	59.	Мирза Ғолиб жоме масжиди
17.	Ҳазрати Билол жоме масжиди	37.	Хўжа Аламбадор (Камолон) жоме масжиди	60.	Имоми Бухорий жоме масжиди
18.	Лаби зах жоме масжиди	38.	Дорус салом жоме масжиди	61.	Тўхтабой жоме масжиди
19.	Файзуллахўжа ўғили Муродҳожи жоме масжиди	39.	Занги ота жоме масжиди	62.	Ҳазрати Имом жоме масжиди
20.	Абу Талха жоме масжиди	40.	Мунаввар қори жоме масжиди	63.	Имом ат-Термизий жоме масжиди
		41.	Хўжа Аҳрор Вали жоме масжиди	64	Масжидус-салом жоме масжиди
		42.	Эшон- Бобохон жоме масжиди		
		43.	Шайх Зайниддин жоме масжиди.		
№	ЮНУСОБОД ТУМАНИ (13 та)	№	МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ	№	ЯШНОБОД ТУМАНИ (10 та)

			(11та)		
65.	Минор жоме масжиди	78.	Шайх Зиёвуддинхон жоме масжиди	89.	Ҳолид ибн Валид жоме масжиди
66.	Омина жоме масжиди	79.	Файз ота жоме масжиди	90.	Имоми Аъзам жоме масжиди
67.	Мирза Юсуф жоме мажиди	80.	Тўра бува жоме масжиди	91.	Ислом ота жоме масжиди
68.	Муҳаммад Носир жоме масжиди	81.	Авайхон жоме масжиди	92.	Пул емас ота жоме масжиди
69.	Ҳасанбой жоме масжиди	82.	Олтин тепа жоме масжиди	93.	Ахмад Яссавий жоме масжиди
70.	Кулол-қўрғон жоме масжиди	83.	Мулла Қосим жоме масжиди	94.	Ал-Худайбия жоме масжиди
71.	Масжидул- хайр жоме масжиди	84.	Оққўрғон жоме масжиди	95.	Али ибн Абу Толиб жоме масжиди
72.	Юнусобод оқтепа жоме масжиди	85.	Мулла Холмирза жоме масжиди	96.	Гўзал жоме масжиди
73.	Умар ибн Хаттоб жоме масжиди	86.	Дорул Омон жоме масжиди	97.	Дорул ислом жоме масжиди
74.	Юнусобод жоме масжиди	87.	Тепа жоме масжиди	98.	Абдураҳмон ибн Авф жоме масжиди
75.	Камолиддин Ориф ал-Бухорий жоме масжиди	88.	Тўқай тепа жоме масжиди		
76.	Жобир ибн Абдуллох жоме масжиди				
77.	Юнус ота жоме масжиди				
№	МИРОБОД ТУМАНИ (4 та)	№	ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ (4 та)	№	ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ (16 та)
99.	Валихўжа ўғили Норхўжа жоме масжиди	103.	Раҳимжон ота жоме масжиди	107	Тинчлик жоме масжиди
100	Қўйлиқ ота жоме масжиди	104	Ракат жоме масжиди	108	Абу Сахий жоме масжиди
101	Ал-Бадр жоме масжиди	105	Яккасарой жоме масжиди	109	Бўта-бува жоме масжиди
102	Оқ уй жоме масжиди	106	Усмон бин Маъзун жоме масжиди	110	Чош-Тепа жоме масжиди
				111	Мухсимхон-тўра жоме масжиди
				112	Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад
				113	Собитхон жоме масжиди
				114	Носирхон жоме масжиди
				115	Олтинхон-тўра жоме масжиди
				116	Қатортол жоме масжиди
				117	Убай ибн Каъб жоме масжиди
				118	Дўмбиробод жоме масжиди
				119	Катта Қозиробод жоме масжиди
				120	Кўзи ожизлар жоме масжиди
				121	Ҳасанқори жоме масжиди
				122	Новза жоме масжиди
№	СЕРГИЛИ ТУМАНИ (6 та)	№	БЕКТЕМИР ТУМАНИ (3 та)	№	ЯНГИ ҲАЁТ ТУМАНИ (4 та)
123	Маъруф-ота жоме масжиди	129	Хутон жоме масжиди	132	Қуддуси шариф жоме масжиди
124	Нуғой қўрғон жоме масжиди	130	Алибек жоме масжиди	133	Ниёзмат ота жоме масжиди
125	Абдуллоҳ ибн Зубайр жоме масжиди	131.	Бектемир жоме масжиди	134	Бердиёр ота жоме масжиди
126	Қўшқўрғон жоме масжиди			135	Қора соқол жоме масжиди
127	Иттифоқ жоме масжиди				
128	Нурул Ислом жоме масжиди				

Хулоса. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг динга ва диндорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ҳукумат томонидан тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва асл ҳолида таъмирлаш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар натижасида, кўплаб масжидлар таъмирланди. Шу билан бирга шаҳарда янги масжидлар қурилиб, ишга туширилди. Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, уларни келажак авлодларга етказиш бугуннинг долзарб вазифаларидандир.

Адабиётлар:

1. Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. Ташкент,1965. С.26

2. Meliqulov G‘.A.”Tarixiy yodgorliklar asosida hududlarning turizm imkoniyatlarini oshirish yo‘llari (Qashqadaryo viloyati misolida)”, (PhD) dissertatsiyasi. 2023 yil, 18.00.01–Arxitektura nazariyasi va tarixi. Arxitektura yodgorliklarini ta’mirlash va tiklash., Архив манба: Маньковская Л.Ю. Мечеть Зул-Кифл 1980 г.

3. (https://aniq.uz/uz/yangliklar/2019-yilda-uzbekiston-da-nechta-masjid-ochildi).

4. https://shosh.uz/toshkent-masjidlari-tarihidan/

5. https://uz.wikipedia.org/wiki/Tillashayx_masjidi

6. Маданий мерос объектлари рўйхати бўйича, 2019 й.

7. Arxiv manba Samarqand darvoza masjidi 1982yil (T 5007 M92)

8. Arxiv manba Obi-Nazir masjidi 1982yil (T 5421 M92)

Н.К.РОМАНОВ САРОЙИ -ТУРКИСТОН ГУБЕРНИЯСИ ШАҲАРСОЗЛИГИНИНГ ЭНГ ЖОЗИБАДОР ИНШООТИ

Абдуллаев Ж.С. катта ўқитувчи, мустақил тадқиқотчи
Тошкент архитектура қурилиш университети

Аннотация: Туркистон меъморлари Тошкентда ва вилоятнинг турли шаҳарларида замонавий мода ва буюртмачининг хоҳишига кўра услубларда ишлаган. 1865-1917 йилларда минтақа меъморлари томонидан қурилган маъмурий, жамоат бинолари ва турар-жой бинолари Европа ва Россиянинг марказий шаҳарлари меъморчилигида мавжуд бўлган услубларда яратилган. Бироқ, улар эклектик ёки провинциал меъморчилиги намуналари сифатида баҳоланган.

Ва натижада, бундай адолатсиз баҳо туфайли, катор колониал шаҳарсозлик иншоотлари бузиб ташланди. Бу инқилобдан олдинги Тошкентнинг янги қисми структурасидаги меъморчиликнинг яхлит тизими бузилишига олиб келди.

Калит сўзлар: Туркистон губернияси маркази, Спасо-Преображения собори, Александро Невский черкови, Сергей Радонежск собори, Герцог Николай Константиновичнинг саройи, Меъморлар А.А.Бенуа ва В.С.Гейнцельман, Таниқли олим В.Нильсен, И. И. Краусе, Кауфман хиёбони, “Неорус” услуби, Санъат музейи.

Дворец князя Н. К. Романова - наиболее примечательное здание в градостроительстве Туркестанской губернии

Аннотация: Архитекторы Туркестана работали в Ташкенте и в различных городах области согласно современной моде и стилям согласно пожеланиям заказчика. Административные, общественные и жилые здания, построенные региональными архитекторами в 1865-1917 годах, были созданы в стилях, встречающихся в архитектуре центральных городов Европы и России. Однако они считаются образцами эклектичной или провинциальной архитектуры.

И в результате из-за такой несправедливой оценки многие колониальные городские постройки были снесены. Это привело к разрушению всей системы архитектуры в структуре новой части Ташкента до революции.

Ключевые слова: Туркестанский губернский центр, Спасо-Преображенский собор, церковь Александра Невского, собор Сергея Радонежского, дворец князя Николая Константиновича, архитекторы А.А. Бенуа и В.С. Гейнцельман, известные учёный, В. Нильсен, И. Я. Краузе, проспект Кауфмана, стиль Неорус, Художественный музей.

The Palace of Prince N.K. Romanov is the most remarkable building in the urban development of the Turkestan province

Abstract: Turkestan architects worked in Tashkent and in various cities of the region according to contemporary fashion and styles according to the wishes of the customer. Administrative, public and residential buildings built by regional architects in 1865-1917 were created in styles found in the architecture of the central cities of Europe and Russia. However, they are considered examples of eclectic or provincial architecture.

And as a result, due to such an unfair assessment, many colonial city buildings were demolished. This led to the destruction of the entire system of architecture in the structure of the new part of Tashkent before the revolution.

Keywords: Turkestan provincial center, Spaso-Preobrazhensky Cathedral, Alexander Nevsky Church, Sergius of Radonezh Cathedral, Prince Nikolai Konstantinovich Palace, architects A.A. Benois and V.S. Heintselman, famous scientist, V. Nielsen, I. Ya. Krause, Kaufman Avenue, Neo-Russian style, Art Museum.

Маълумки, Ўрта Осиёдек кенг маконда, илк бор Европа шаҳарсозлиги тизими юзага келиши ва мазкур шаҳарсозлик тизимининг юртимиз замонавий архитектураси анъаналари шаклланишидаги қадрияти жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этади. Европа тенденцияларидаги шаҳарсозлик анъаналарининг Ўрта Шарқдаги жозибадор жараёнлари Чор Россиясининг Туркистон губернияси маркази бўлган Тошкент шаҳарсозлиги структурасида нақадар режали тарзда шакллантирилганида намоён бўлади.

Тошкент**,** губерниянинг энг йирик шаҳарларидан эканлиги, иқтисодий ва маданий жиҳатдан эътиборлиси боис, янги шаҳар қисмида кўплаб маъмурий, черков, жамоат ва турар-жой бинолари қурилишига олиб келди: “Радиал ҳалқа тизими режасига кўра, янги шаҳар марказида учта майдон худуди бунёдкорлиги амалга оширилди, улар: ҳарбий, савдо ва черков майдонлари”. Ушбу учта майдонда жойлашган черковлар – Собор майдонидаги Спасо-Преображения собори; Константин майдонидаги Александро Невский черкови ва Пушкинск проспектидаги Сергей Радонежск соборлари янги шаҳарнинг марказида бунёд этилганлиги сабабидан, шаҳар структурасида доминантлик касб этадиган майдонлар пайдо бўлишига олиб келди.

Ушбу майдонлардан кичикроғи, ҳозирда бузиб юборилган Иосиф-Георгий черкови бўлиб, унда ҳозирда ҳам мавжуд - князь Н.К.Романовнинг 1889-90 йиллар мобайнида қуриб битказилган саройи жойлашган (меъморлар А.А.Бенуа ва В.С.Гейнцельманлар томонидан лойиҳаланган). Архитектура назарияси бўйича таниқли олим В.Нильсеннинг таъкидлашича, мазкур: “Герцог Николай Константиновичнинг саройи Спасо-Преображенск соборидан кейинги шаҳримиздаги иккинчи - колониал меморчиликнинг кўзга кўринган иншооти ҳисобланади. Бу бино кўплаб императорлик хонадони аъзоларига тааллуқли Санкт-Петербург саройларидан анчагина кичикроқ бўлган сарой иншооти эди”[1]. Тошкентдаги Спасо-Преображенск собори атеистик жазава авжга чиққан 30-йилларда бузиб юборилгандан сўнг Н.К.Романов саройи юртимиз колониал меморчиликнинг энг кўзга кўринган иншоотига айланди.

Меъморлар А.А.Бенуа ва В.С.Гейнцельманлар томонидан лойиҳаланган Сарой биноси бош корпуси икки қаватли, қанотлари бир қаватдан иборат пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, ертўласида ёз иссиғида салқин бўлган, истиқомат учун қулай махсус жиҳозланган бино бўлган. Таниқли олим В.Нильсеннинг таърифлашича Герцог Николай Константиновичнинг саройи: “Сарой биноси асосан бир қаватдан иборат бўлиб, баланд пойдевор устида қад кўтарган. Мажмуадаги боғ майдони

бурчакларида собор кўчасидан кириш дарвозаси ёнида бир қаватдан иборат иккита хом ғиштдан қурилган бинолар мавжуд бўлиб, улар ҳўжаликка оид юмушлар ва хизматчилар учун хоналар сифатида фойдаланилган" [1]. Сарой атрофига машҳур тошкентлик ботаник ва фармацевт И. И. Краусе томонидан боғ барпо этилган. Бу майдон кўчадан иккита дарвозаси бўлган чиройли, баланд панжара билан ўралган эди. Хиёбонининг ўртасида тўсиқ шаклида кесилган ўсимликлар билан ўралган думалоқ гул боғи бор эди. Кириш зинапоясининг икки томонида, мармар плинтусларда улкан шохли бронза кийиклар ҳайкали жойлаштирилганди.

Сарой боғнинг ичкарисида металл панжара билан ўралган кенг кўламдаги гулзор ўртасида жойлаштирилган. Марказидаги икки қаватдан иборат иншоот устидаги гумбаз флагшток билан якунланган. Ва бино ичкарисидаги вестибюлнинг асосий кириш қисмига пандус орқали кўтарилган. Бинонинг ён қисмлари меъморий жиҳатдан иккита ризалит билан якунланади, улар шунга мос учта - нисбатан яссироқ гумбазлар билан қопланган.

Лойиҳага биноан бино мутлақ симметрия қонуниятига бўйсундирилган. Кириш даҳлизидаги йўлка марказий вестибюль томон олиб боради, у ердан тўғридан-тўғри яшаш хонасига киришингиз, шунингдек ён галереяларга чиқишингиз ҳамда кичик кабинетга спирал зинапоя орқали кўтарилишингиз мумкин. Кабинетдан эса, асосий кириш тепасида жойлашган балконга чиқишингиз мумкин ва шу балкондан уйнинг шимолий томонига, яшаш хонасига ўтиш мумкин. Ён галереялар бошқа барча яшаш хоналарини марказий тизим билан боғлашга ҳизмат қилади. Кўп қиррали гумбаз остида бўлган бурчак хоналарида эски декор ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Бинонинг чап (ғарбий) қисми маҳаллий тасвирий санътнинг ранг-баранг безакларини намоён қилади, иккинчисида (шарқий) декор Европа ўрта аср безакларининг ўзига хос кўринишини намоён қилади. Бундан ташқари, ҳар иккала ҳолатда ҳам декор безакларида ўша давр қурилишидаги замонавий изланишларини кузатиш мумкин, шу билан бир қаторда хонанинг шакли ва ўлчами билан муваффақиятли ечим воситасида боғланган.

Бино меъморий композициясидаги этиборли жиҳати унинг ҳажмий ечими муваффақиятидадир. Бинога турли нуқталардан қаралганда унинг барча қисмлари – фасаднинг марказий қисми, ён ва орқа тарафлардан тенг муносабатда бўлишни талаб этарди. Мазкур мўжазгина саройда кўплаб қизиқарли ва меъморий ёндошувларни кўриш мумкин. Бинонинг ўлчами кичиклигидан қатъий назар унинг жойлашуви нуқтаи назаридан яшил, серсоя боғда жойлашганлиги ва бунга ён қанотларнинг олдида жойлаштирилган ов итлари, кийикларнинг декоратив хайкаллари саройи меъморчилигига ўзига хос кўринишини намоён этарди. Сарой биноси архитктуравий ечими жиҳатидан В.Нильсен таърифлашича Рим-Византия шакл ечимлари воситасида ҳамда бино шакл ва силуэти нуқтаи назаридан эса модерннинг "Неорус" услубида бажарилган иншоот сифатидаги қадриятини намоён этади.

Совет ҳокимияти даврига келиб, вафоти олдидан 1918 йилда Николай Константинович Романов Европа ва Россия рассомлари сара асарларидан иборат бўлган коллекциясини сарой биноси экспонатлари қаторида сақланиб қолиниши истагини амалга оширилишини кўзлаган холда, музейни ташкил этиш шарти билан ўз коллекциясини Тошкент шаҳрига ҳадя қилган эди.

Николай Константинович томонидан Санкт-Петербургдан олиб келтирилган коллекцияси таркиби жиҳатидан кенг қамровли бўлиб, сара асарларидан иборат бўлган – дастгоҳли рангтасвир, хайкалтарошлик ва амалий санъат асарлари коллекцияси негизида 1919 йилда Н.К.Романов саройи биносида - Санъат музейи ташкил этилишига асос бўлган эди.

В.Нильсен томонидан айтилганларни таъкидлаган ҳолда - Н.К.Романовнинг Тошкентдаги саройи, колониал меморчиликнинг энг кўзга кўринган иншооти зканлигини инобатга олган ҳолда, халқаро туризмдаги жозибадорлигини юксалтириш вақти келган кўринади ва шу мақсадда:

Биринчидан - мазкур коллекциянинг ўз ўрнида - Н.К.Романов саройи интерьерларида экспозициясини намойиш этилиши Ўзбекистон довруғини Нукус шаҳридаги Савицкий музейи каби, дунё санъати оламида янада машҳур бўлишига ҳизмат қилган бўлар эди.

Иккинчидан - Сарой архитектуравий силуэтини янада бойитиш мақсадида гумбазларининг туника қопламасини мис қопламаси билан алмаштириш;

Учинчидан - Сарой атрофига машҳур тошкентлик ботаник ва фармацевт И. И. Краусе томонидан барпо этилган боғнинг аввалги қиёфасини тиклаш.

Юртимиз шаҳарсозлигидаги "XIX аср охири - XX аср бошлари Европага ҳос меъморчилиги анъаналари трансформацион жараёнлари замонавий архитектураси қадрияти нуқтаи назаридан айниқса Ташкент шаҳри мисолида, В.Нильсеннинг таъкидлашича: ""XIX аср охири - XX аср бошлари Европа архитектураси ва шаҳарсозлиги анъаналарини ўрганишнинг аҳамияти беқиёс, чунки бу замонавий шаҳарсозликнинг пойдевори ва архитектуравий бунёдкорликнинг келгусидаги фаолияти учун ўзига хос архитектуравий фон" [1].

Адабиётлар:

1. Нильсен В.А. У истоков савременного градостроительства Узбекистана (XIX-начало XX веков) -Т.: «Гафур Гулям» 1987.

2. История народов Узбекистана. Том 2. -Т.: Изд.АН Узб. с. 351.

3. Булатова В., Маньковская Л. Памятники зодчества Ташкента. -Т.: Изд. лит. и искусства, 1983. – 144 с. 43 стр.

4. Салимов О. Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш. -М: Наврўз. 2020 6; 36. бетлар.

AGROSANOAT MAJMUALARINING FUNKSIONAL VA KOMPOZITSION YECHIMLARI

Eliboyev Sheroz Shakarboy o'g'li. Mustaqil izlanuvchi doktarant (PhD)
Salimov O.M., arx.fan.doktori, professor

Qishloqlarning hajmiy–rejaviy tuzilishida agrosanoat majmualarining hajmiy-fazoviy kompozitsiyasi katta ahamiyat kasb etadi, qurilishning badiiy ko'rkamligini boyitadi. Qishloq aholi punktlari arxitektraviy – rejaviy tuzilishining tashkil topishida tabiiy sharoit – iqlim, relef, mavjud ko'kalamzorlar, daryolar, hovuzlar va ko'llar juda muhim ahamiyat kasb etadi. Releflar xarakteri va ko'kalamzorlar joylashuvi aholi punktlarining ayrim qismlarini birlashtirishi yoki umuman ajratishi mumkin. Daryolar va ko'llar esa qurilishning chegarasini hamda tuzilishini aniqlab beradi.

Kalit so'zlar: Texnologik, ishlab chiqarish, funksional, kommunal, kompozitsion yechim, landshaft, ko'kalamzorlashtirish, sanitar himoya qismi

Объемно-пространственный состав агропромышленных комплексов имеет большое значение в размерно-планировочной структуре поселений и обогащает художественную красоту застройки. Природные условия - климат, рельеф, растительный покров, реки, озера и озера имеют большое значение в формировании архитектурно-планировочной структуры сельских поселений. Характер рельефа и расположение зеленых насаждений могут объединять отдельные части населенных пунктов или полностью их разделять. Реки и озера определяют границы и структуру здания.

Ключевые слова: Технологическое, производственное, функциональное, коммунальное, комплексное решение, ландшафт, озеленение, санитарно-защитная часть.

The volumetric-spatial composition of agro-industrial complexes is of great importance in the size-planning structure of settlements and enriches the artistic beauty of the development. Natural conditions - climate, relief, vegetation, rivers, lakes and lakes are of great importance in the formation of the architectural-planning structure of rural settlements. The nature of the relief and the location of green spaces can unite individual parts of settlements or completely separate them. Rivers and lakes determine the boundaries and structure of development.

Key words: Technological, production, functional, communal, complex solution, landscape, landscaping, sanitary protection part.

Agrosanoat majmuasining rejaviy va fazoviy tuzilishi deganda uning barcha qismlari va unsurlarining uyg'unlashgan birligi, ularni tashkil etish tamoyillari va qonuniyatlari tushuniladi.

Agrosanoat majmuasi xududi aholi yashaydigan va ishlab chiqarish qismlaridan iborat. Ishlab chiqarish qismida esa qishloq xo'jajigi ishlab chiqarish majmualari, qishloq xo'jaligi maxsulotlarini saqlash va qayta ishlash korxonalari, energetika, transport va komunal-xo'jalik ob'ektlari joylashadi. Aholi yashaydigan qism turar-joy binolari, jamoat markazi, ko'chalar va maydonlar, bog'lar, xiyobonlar, madaniy-maishiy xizmat ko'rsatish muassasalaridan tashkil topadi (Bular xaqida keyingi loyihalarda batafsil to'xtalib o'tiladi).

Agrosanoat majmualarini loyihalash jamoaning birgalikdagi ijodiy faoliyatidir, turli kasb mutaxasislarining ko'p qismini o'zida mujassamlashtiruvchi: texnologlar, arxitektorlar, konstruktorlar, santexniklar, energetiklar, klimatologlar, vrachlar, sotsiologlar dizaynerlar bularni xar biri aniq o'ziga yarasha vazifalarni echadilar. Lekin arxitektor bu jamoada o'zining kasb mazmuni bo'yicha muhim xususiyatga ega, ya'ni mehnat muhitini komfort sharoitini yaratish va qurilishni tashkillashtirishda katta rol o'ynaydi.

Unga qurilishni hajmiy rejaviy shakllantirishda, uni strukturasini tashkillashtirishda, loyiha g'oyasini hamma isht irokchilari tomonidan loyiha jarayonlarini koordinatsiyalashda bosh rol ajratiladi. Agrosanoat majmualarini hajmiy-fazoviy kompozitsiyasini yaratish juda mas'uliyatli ijodiy jarayondir. Bunda me'moriy-badiiy echim bilan bog'liq masalalar konstruktiv echim bilan uzviy bog'lik holda hal qilinishi talab qilinadi. Binoning intereri (ichki ko'rinishi), binoda qo'llaniladigan ko'tarish va transport vositalari, texnologik uskunalarning echimlari muhim ahamiyatga ega. Agrosanoat majmualarida mehnatni ilmiy asosda tashkil qilish, xonalarda zarur sanitariya va gigiena talablariga javob beradigan muhitni yaratish ham juda muxim kam moddiy va mehnat resurslari sarflab katta ishlab-chiqarish quvvatlarini yaratish, ishlab — chiqarish hajmini oshirishga imkon beruvchi texnologiyalarni va hajmiy-plan echimlarini qo'llash texnik progressning hal qiluvchi yo'nalishidir.

Texnologik jarayon har qanday agrosanoat majmualarining hajmiy- plan echimini belgilab beradi. Ishlab-chiqarish-texnologiya sxemasi o'z navbatida texnologik jarayonni belgilaydi. Korxonaning texnologik sxemasi binolar va inshootlarning bosh planda o'zaro joylashishini, binolar orasidagi masofani, transport va injenerlik tarmoqlarining joylashish tartibini ko'rsatib beradi. Hozirgi paytda qurilayotgan agrosanoat binolarining kariyb 75 foizi bir qavatli binolardir. Bunga, albatta, funksional-texnologik, iqtisodiy, shaharsozlik va ekologik jihatdan asos bor. Agrosanoat binolaridagi texnologik jarayonlarning turli-tumanligiga karamay, plan echimida va konstruktiv echimida unifikatsiyalash koidalaridan foydalanish mumkin. Loyihalash jarayonini engillatish va tezlashtirish omillari va yo'llarini izlash natijasida, tashkillashtirishni yangi usullari va ayrim hollarda, avtomatlashtirish vositalarini joriy qilish shuning bilan birga elektron hisoblash texnikalarini harakatga keltirish imkonini beradi.

SHunday qilib yangi tipdagi agrosanoat korxonalarini paydo qilishda me'mor yuqori natijalarga faqat ilmiy asoslangan va kompleks echimga, funksional texnik, ijtimoiy iqtisodiy va kompozitsion badiiy sanoat arxitekturasi muammolarini echishga erishadi.

Agrosanoat majmuasining funksional shakllanishi ishlab chiqarishni qishloqda rivojlanishining progressiv shakli sifatida ularning ishlab chiqarish hududlaridan funksional foydalanish tamoyiliga amal qilishni ko‘zda tutadi, bunda quyidagilar ajratiladi:

- ishlab chiqarish korxonalari, omborlari va yordamchi xo‘jaliklari;
- kommunal ob’ektlar, transport inshootlari, ma’muriy, madaniy-maishiy va boshqa xizmat ko‘rsatish ob’ektlari;
- sanitar-himoya va zahira hududlar.

Agrosanoat majmuasini rejalashtirish va qurish – loyixasida joyning rejaviy tuzilishi, funsional va qurilish zonalariga ajratish, arxitektura-rejaviy tuzulishini tashkil etish, sanoat ob’ektlari va majmualarini tashkil etish xal qilinadi; kommunikatsiyalar, muxandislik jixozlash, ko‘kalamzorlashtirish va obodonlashtirish tizimi echiladi. SHular bilan birga loyixada ijtimoiy-iqtisodiy, arxitektura-badiiy va boshqa masalalar xal etiladi.

Loyixamni bajarishga kirishdan avval Agrosanoat majmuani loyihalashning o‘ziga xos tomonlarini anglab olmoq kerak. Ish metrlarda emas, balki gektarlarda va kvadrat metrlarda olib boriladi.

Biz avvalo turli xil funksional xududlarni tashkil etish va obodonlashtirish bilan shug‘ullanamiz:

-asosiy ishlab chiqarish hududi, turarjoy xududi, bog‘-rog‘lar xududi, sanoat omborxonalar xududi va boshqalar. SHuningdek, yuqorida nomlari zikr etilgan xududlarni o‘zaro bog‘lab turuvchi yo‘l-transport tizimini ishlab chiqamiz, suv-issiqlik-gaz ta’minoti, oqava suvlar, elektrlashtirish, telefon tarmoqlari va boshqa vositalarni loyixalashtiramiz. Bularning barchasi biz me’morlar kasbining o‘ziga xos tomonlarini ifodalaydi.

Agrosanoat majmuasi bir maydonda joylashgan va qishloq xo‘jalik mahsulotining yakuniy yoki oraliq turlarining ishlab-chiqarishning umumiy texnologik jarayoni bilan birlashtirilgan ishlab chiqaruvchi ob’ektlarining yig‘indisidir.

Agrosanoat majmuasining hududiy (mintaqaviy) tuzilishi - bu ma’lum bir hudud (respublika, viloyat, tuman) doirasidagi tarmoqlar majmuidir.

Tegishli mintaqada qishloq xo‘jaligining ixtisoslashishi agrosanoat majmuasining ixtisoslashuviga ta’sir qiladi.

Ishlab chiqarish qurilishi funksional zonalari, muhandislik va transport infratuzilmalari tarkibiga quyidagilarni kiritish mumkin:

kommunal zonalar - kommunal va omborxona ob’ektlari, uy-joy-kommunal xo‘jaligi ob’ektlari, transport ob’ektlari, ulgurji savdo ob’ektlari joylashgan zonalar;

sanoat zonalari - atrof-muhitga ta’sir me’yorlari har xil bo‘lgan ishlab chiqarish ob’ektlari, shuningdek temir yo‘lning kirish yo‘llari joylashgan va odatda, eni 50 metrdan katta bo‘lgan sanitariya-himoya zonalari tashkil etilishini talab qiladigan zonalar;

ishlab chiqarishning boshqa turlariga oid, muhandislik va transport infratuzilmalari .

Qishloq hududlarining ishlab chiqarish zonalarida ushbu zonada joylashgan korxonalarga xizmat ko‘rsatuvchi avariya-qutqaruv xizmati ob’ektlarining binolari va inshootlari, zona hududida joylashgan ob’ektlar faoliyatini ta’minlash bilan bog‘liq bo‘lgan muhandislik va transport infratuzilmalari ob’ektlari, ishlab chiqarishda band bo‘lgan aholiga xizmat ko‘rsatuvchi ob’ektlarni va boshqa turdagi ob’ektlarni joylashtirish mumkin**.**

Ishlab chiqarish bino va inshootlari mavjud funksional zonalar va korxonalarning sanitariya-himoya zonalari chegaralarida ishlab chiqarish bilan bog‘liq bo‘lmagan turar-joy uylari, mehmonxonalar, yotoqxonalar, bog‘-dala hovli qurilmalarini, maktabgacha va umumta’lim muassasalari, sport inshootlari, boshqa jamoat binolarini joylashtirishga yo‘l qo‘yilmaydi.

Korxonalar va boshqa ob’ektlarni joylashtirishda ekologik me’yorlar va qoidalarni, shuningdek er osti suvlarini muhofaza qilish to‘g‘risidagi nizom talablarini hisobga olgan holda erlarning, er usti va er osti suv-larining, hovuzlar suv yig‘gichlari yuzalarining, atmosfera havosining ifloslanishiga yo‘l qo‘ymaslik bo‘yicha choralarni nazarda tutish lozim.

Qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishini tashkil etishda turar joy va ijtimoiy-amaliy zonalarini ishlab chiqarish majmualarining salbiy ta’siridan, shuningdek, bu majmualarning o‘zlarini, agar ular oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish bilan bog‘liq bo‘lsa, boshqa ishlab chiqa-rish, transport va kommunal inshootlari ifloslanishidan va zararli ta’siridan himoya qilish bo‘yicha choralarni nazarda tutish zarur.

Aholi punktlarining yangi ishlab chiqarish zonalarini joylashtirish va amaldagilarini rivojlantirish uchun joy tanlashda quyidagilarni hisobga olish lozim: geologik sharoitlar; seysmik mikrorayonlashtirish, er osti chuchuk suvlarining tozaligini himoya etish zonalari, mo‘ljaldagi korxonalar va ishlab chiqarishlarning tusi va turlari; aholi punktining umumiy rejaviy tuzilmasiga muvofiqligi; transport xizmat ko‘rsatishining qulayligi; mavjud korxonalar bilan ishlab chiqarish va texnologik aloqalarning oqilona tashkil etilishi; texnik-iqtisodiy, sanitariya-gigienik ko‘rsatkichlar, yoqilg‘i-energetik, suv va hududiy zaxiralar, atrof muhit holatining me’moriy-rejaviy echimlari turlarini qiyoslash asosida oqilona funksional foydalanish; tabiiy va boshqa sharoitlarning kelajakdagi o‘zgarishi taxminlari.

Ishlab chiqarish jarayonida asosiy jarayonlar bilan bir qatorda xom ashyo, materiallar va buyumlarni yuklash, tushirish, ularga birinchi ishlov bsrish va ishlab chikarish sexlariga eltib berish, shuningdek, xom ashyo, yarim fabrikatlar, buyumlar, tayyor maxsulotlarni tashish va joylash, tayyorlash jarayoni va maxsulot sifatini nazorat etish, o‘rash va jo‘natish, ishlab chiqarish chiqindilarini yig‘ib olish va ish joylarini tozalash va boshqa yordamchi jarayonlarni xam o‘z ichiga oladi.

SHuning uchun xar kaysi sanoat korxonasining tarkibida yordamchi ishlab chikarish sexlari, bo‘linmalar va xizmat ko‘rsatuvchi xo‘jaliklar tashkil etilishi kerak.

Barcha ishlab chiqarish tarmoqlaridagi og‘ir qul mehnat ishlarini va barcha texnologik jarayonlarni har tomonlama to‘la mexanizatsiyalashtirish ishlarini

amalga to‘liq oshirish kerak.

Agrosanoat majmuasini kompozitsiyasi loyixasida qishloq aholi yashash joyining rivojlanish ko‘lami va tavsifi xo‘jalik va tumanning umumiy rivojlanishi bilan bog‘liq xolda belgilanadi. Unda qishloq aholi yashash joyining rejaviy tuzilishi, funsional va qurilish zonalariga ajratish, arxitektura-rejaviy tuzulishini tashkil etish, axoliga madaniy-maishiy xizmat ko‘rsatish tizimini, sanoat ob’ektlari va majmualarini tashkil etish xal qilinadi; kommunikatsiyalar, muxandislik jixozlash, ko‘kalamzorlashtirish va obodonlashtirish tizimi echiladi. SHular bilan birga loyixada ijtimoiy-iqtisodiy, arxitektura-badiiy va boshqa masalalar xal etiladi.

Axoli yashash joyining rejaviy va fazoviy tuzulishi deganda uning barcha qismlari va unsurlarining uyg‘unlashgan birligi, ularni tashkil etish tamoyillari va qonuniyatlari tushuniladi. Qishloq posyolkasining rejaviy tuzilishi asosini uning hududini funksional qismlarga ajratish tashkil etadi. Bu funksional qismlarni o‘zaro tartibga solingan, ular orasida qulay piyodalar va transport aloqalarini ta’minlagan xolda joylashtirishdan iboratdir. Qishloq posyolkasi xududi aholi yashaydigan va ishlab chiqarish qismlaridan iborat. Aholi yashaydigan qism turar-joy binolari, jamoat markazi, ko‘chalar va maydonlar, bog‘lar, xiyobonlar, madaniy-maishiy xizmat ko‘rsatish muassasalaridan tashkil topadi. Ishlab chiqarish qismida esa qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish majmualari, qishloq xo‘jaligi maxsulotlarini saqlash va qayta ishlash korxonalari, energetika, transport va komunal-xo‘jalik ob’ektlari joylashadi.

Agrosanoat majmuasining me’moriy-rejalashtirish tarkibi uning kattaligi, ishlab chiqarish va texnologik jarayonning tabiati, foydalaniladigan binolarning turlari, qurish usullari, shuningdek, aholi punktiga nisbatan majmuaning joylashish xususiyatlari, boshqa majmualar, yo‘llar tarmog‘i va qurilish maydonining tabiiy landshaftining o‘ziga xos xususiyatlari.

Agar mavjud bo‘lgan fermer xo‘jaliklarini kengay-tirish amalga oshirilsa, mavjud binolarning joylashishi va xususiyatlari katta ahamiyatga ega. SHartlarning xilma-xilligi tufayli komplekslarni kompozitsion echimi uchun juda ko‘p variantlar mavjud.

Agrosanoat majmualarini loyihalashda, qishloqning turar-joy maydoni bilan bog‘langan holda, me’moriy ekspresivlik vositalaridan foydalanishni hisobga olish kerak.

Kompozitsion yechim.

Me’morchilikda ijod kompozitsiyadan boshlanadi. Klauzurada birlamchi kompozitsion fikr ifodalanadi. Klauzura darajasida asosiy prinsipning yuzaga kelishi uning asosiy grafik belgisi — «emblemaga» yaqin kelishi kerak. Kompozitsiya bir modul turida oddiy bo‘lishi va turli proporsional qatorlar asisida murakkab bo‘lishi mumkin.

Agrosanoat majmuani loyihalash davrida rejaviy tuzilmaning modullik prinsipiga amal qilish lozim. Ushbu chizmalarning asosiy vazifasi agrosanoat majmua qanday kilib tashkil topishi va qanday bo‘laklarga kvartal bo‘linishini ko‘rsatib berishdir, qanday qilib oddiy tuzilmadan (xovli rejasi) biroz murakkab tashkil topadi, undan esa yanada - murakkabrog‘i — agrosanoat majmua tashkil topadi.

Loyihalashtirilayotgan ob’ektning ma’muriy rejaviy echimiga ta’sir etuvchi asosiy omillardan biri joyning tabiiy-iqlimiy sharoitlaridir. O‘zbekiston xududidagi agrosanoat majmualarini loyihalash asosan sug‘oriladigan erlarda amalga oshirilar ekan, bunday loyihanint alohida tomonlarini ko‘rib chiqamiz. Alohida tomonlari esa tabiiy muhitdan boshlanadi. Kuchli shamollar, xaroratning keskin o‘zgarishi, o‘simliklarning yo‘qligi, tuproq g‘ovakligi, tuproqning sho‘rligi, tekis relef — bularning barchasi kishloq axoli punktini loyihalash va qurishda katga ta’sir o‘tkazuvchi omillardir. Umumiy kompozitsiyaga xarorat rejimining ta’siri sezilarlidir.

Landshaft. Relef sharoitiga ko‘ra barcha xududlar qurilishga yaroqligi buyicha 3 guruxga bulinadi: 10% gacha nishabli yaroqli sharoit; 20% nishabli yaroqli sharoit, tog‘ sharoitida 30% gacha; 30% nishabli qurilishga yaroqsiz xudud. Loyihalashda xududni muxandislik tayyorlash masalasi ko‘pgina qiyinchiliklar keltirib chiqaradi. 0,003 nishabdan kam bo‘lgan tekis relefda suv tarmoqlari masalasini hal etish murakkab vazifa bo‘lib qoladi. Boshqaruv garizontini barpo etish uchun sug‘orish tarmoqlarini temirbeton ariqlar tarzida va sug‘oriladigan er satxidan yuqori qilinadi.

Ko‘kalamzorlashtirish. Sug‘oriladigan xududlar-da ko‘kalamzorlashtirish xam o‘z xususiyatlariga ega — tuproqning kuli minerallashtirilishi va boy bo‘lmagan tarkibi tufayli qurg‘oqchil va sho‘r erlarda o‘simliklarning o‘sishi uchun zarur bo‘lgan ekin ekishga yarokli materialga ega bo‘lish lozim.

Birinchi guruxga bog‘lar, xiyobonlar, yo‘l chekkasidagi ekinlar, ma’muriy va jamoat binolar xududidagi ko‘kalamzorlar kiradi.

Ikkinchi guruxga maktablar, kasalxonalar, kommunal binolar, turar-joy oldi xududlaridagi ko‘kalamzorlar kiradi.

Uchinchi guruxga qolgan turdagi ximoya ko‘kalamzorlarini o‘z ichiga oladi — turar-joy xududi va ishlab-chiqarish xududi oralig‘idagi sanitariya ximoya xududi, shamoldan saqlovchi, suvni ximoya qiluvchi va boshqa yashil ekinzorlar.

Sanitar himoya qismi - axoli joyining axoli yashaydigan va ishlab chiqarish qismlari orasidagi muxofaza qismi;

Hozirgi vaqtda agrosanoat majmualarining har xil turlari: chorvachilik, parrandachilik, baliqchilik, meva va sabzavotni qayta ishlash kabi ishlab chiqarish majmualari tekis hududlarda va murakkab relefli hududlarda loyihalanyapti. bunda agrosanoat majmualari muhitini shakllantirishning ko‘p turdagi talablariga (shaharsozlik, demografik, tabiiy-iqlim, estetik) javob berishi kerak. Qishloq hududlarida agrosanoat majmualari qurilishining hajmiy-fazoviy kompozitsiyasi, elementlari tarkibi, miqdorlari va me’moriy rejalashtirilishi va tashkil etilishi bilan belgilanadi. Qishloq hududlaridagi agrosanoat majmualarining hozirgi ahvolini baholash quyidagi jihatlarga tegishli bo‘ladi:

- Agrosanoat majmualarining sanitariya-gigiena

xususiyatlari;

- Agrosanoat majmualarining qurilish tamoyillari (hajmiy-fazoviy kompozitsiyasini, qishloqdagi qurilishning moddiy-texnika bazasi, muhandislik ta’minoti darajasi);
- Qishloq hududida agrosanoat majmualarini qurish uchun erning mavjudligi.

Agrosanoat majmualari qat’iy talablarga muvofiq bo‘lishi lozim. Agrosanoat majmualarining binolarining hajmiy-fazoviy kompozitsiyasi, maromi va ranglar jilosiga ega bo‘lishi, har xil iqlimli zonalarda (I - sahrolar ta’siridagi tekislikdagi tumanlar; II - tog‘lar etaklaridagi vohalar, vodiylar va qulay landshaftli-iqlimli sharoitga ega tog‘ tumanlari; III - toq tepalaridagi, ekstremal qishki sharoitlarga ega tumanlar) joylashishiga qarab keng qo‘llanilishi kerak.

Adabiyotlar:

1. Dotsent. M.A.Sadiqova Agrosanoat majmuasi O‘quv qo‘llanma. Toshkent,2004.
2. To‘ychieva Dilnoza Xolmamatovna, Mavzu: “Qoramolchilikda sut ishlab chiqorish texnologiyasi va uni iqtisodiy samaradorlikka ta’siri”. Samarkand 2012
3. Ubaydullaev X.M., Korobovsev G.I., Abduraxmonov Y.I., Mansurov YA.M. “Arxitekturaviy loyihalash”, o‘quv qo‘llanma. TAQI, T. 2010 y.
4. Sodiqova M. A. Agrasanoat majmuasi.O‘quv qo‘llanma, TAQI nashri, Toshkent, 2007.
5. www.dissertant.com

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ, БИНО ВА ИНШООТЛАР СТРОИТЕЛЬНЫЕ КОНСТРУКЦИИ, ЗДАНИЯ И СООРУЖЕНИЯ

BAZALT ARMATURALI EGILUVCHI BETON TO‘SINLARDA QIYA YORIQLARNING HOSIL BO‘LISHI VA RIVOJLANISHINI EKSPERIMENTAL TADQIQ ETISH

Razzakov Sobirjon Jurayevich, **Mirzaaxmedova O‘g‘iloy Abduxalimjonovna**

Namangan muxandislik qurilish instituti, t.f.d. professor
Farg‘ona politexnika instituti, tayanch doktorant

In this article, based on the results of experimental studies, the stress-strain state of beams, the formation and expansion of cracks in the cross-section of an element are investigated, the strength of beams under the action of a bending moment and longitudinal force are calculated by testing a concrete beam with basalt reinforcement under static forces for bending, information on the test work carried out is provided for inclined sections to its longitudinal axis.

Keywords: basalt reinforcement, bending beams, inclined section, stress-strain state, destructive force, transverse force, crack formation, development, loading stages, shear interval, deformations.

В данной статье по результатам экспериментальных исследований исследовано напряженно-деформируемое состояние балок, образование и расширение трещин в сечении элемента, произведен расчет прочности балок под действием изгибающего момента и продольное усилие путем испытания на изгиб бетонной балки с базальтовой арматурой под действием статических сил, для наклонных сечений к ее продольной оси приведены сведения об проведенных испытательной работе.

Ключевые слова: базальтовая арматура, изгибающие балки, наклонное сечение, напряженно-деформированное состояние, разрушающая сила, поперечная сила, образование трещин, развитие, стадии нагружения, интервал сдвига, деформации.

Ushbu maqolada eksperimental tadqiqot natijalariga ko‘ra, bazalt armaturali egiluvchi beton to‘sinlarning statik kuchlar ta’siriga sinash orqali to‘sinlarda kuchlanganlik-deformatsiyalanuvchanlik holati, element kesimida yoriqlarning hosil bo‘lishi, kengayishi, to‘sinlarni eguvchi moment va bo‘ylama kuch ta’sirida mustahkamlik bo‘yicha hisoblash, uning bo‘ylama o‘qiga nisbatan qiya kesimlar uchun amalga oshirilgan sinov ishlari haqida ma’lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: bazalt armaturalar, egiluvchi to‘sinlar, qiya kesim, kuchlanganlik-deformatsiyalanuvchanlik holati, buzuvchi yuk, ko‘ndalang kuch, yoriqlarni hosil bo‘lishi, rivojlanishi, yuklanish bosqichlari, qirqilish oralig‘i, deformasiyalar.

Kirish. Bugungi kunda jahonda nometall kompozit materiallar asosida tayyorlangan uglerod, shisha va bazalt armaturali beton konstruksiyalarini bino va inshootlar qurilishida foydalangan holda ularning ustuvorligini, mustahkamligini va umrboqiyligini ta’minlashga yo‘naltirilgan ko‘plab ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

Qurilish amaliyotida nometall kompozit armaturalardan foydalanib, betonlarning olovbardoshligi va elastiklik modulini oshirish yo‘nalishlarida tadqiqotlar olib borish va egiluvchi elementlarni kuchlanganlik - deformasiyalanganlik holatini, mustahkamligini va yoriqbardoshlik hususiyatlarini yaxshilash masalalari dolzarb vazifalardan biri bo‘lib kelmoqda.

Shu sababli, bazalt armaturali egiluvchi beton to‘sinlarning tashqi kuchlar ta’sirida kuchlanganlik - deformasiyalanganlik holatini, mustahkamligini, konstruksiyalarida yoriqlar hosil bo‘lishi, rivojlanishi, buzilish shakllari va bikrligini aniqlash uchun kompleks eksperimental-nazariy tadqiqotlar o‘tkazilishi maqsadga muvofiqdir.

Asosiy qism. Eksperimental tadqiqotini o‘tkazish uchun ko‘ndalang kesimi to‘g‘ri to‘rtburchak shaklida bo‘lgan sinov namuna to‘sinlar tayyorlandi. To‘sinlar uchun oddiy og‘ir beton ishlatildi. Bog‘lovchi sifatida Farg‘ona viloyatidagi “Yasin” sement zavodining portlandtsementi qo‘llanildi. To‘ldiruvchilar sifatida granit chaqiqtoshi va kvarsli daryo qumi ishlatildi. Betonning tarkibi kubik mustahkamligi B20-B25 sinfiga mos keladigan siqilishdagi mustahkamlikka teng qilib tanlandi.

Kesim o‘lchamlari $b \times h = 16 \times 30sm$, uzunligi $l = 240sm$, tayanchlar oralig‘i $l_o = 210sm$ bo‘lgan 12 dona namuna to‘sinlari maxsus tayyorlangan sinov stendida sinaldi (1-rasm).

Ishchi armatura sifatida cho‘ziluvchi sohaga Ø12, Ø14, Ø16 BPA, siqiluvchi sohaga Ø10 BPA, xomutlar sifatida Ø 4, Ø8 BPAlar, 15 (10)sm qadam bilan qo‘yildi.

Bazalt armaturali egiluvchi beton to‘sinlarning mustahkamligi element tayanch lari orasidagi masofaga, yuk miqdoriga, betonning mustahkamligi va to‘sinlarning armaturalanishiga bog‘lab olindi.

Yoriqlarni hosil qiluvchi eguvchi moment betonning noelastik deformatsiyalanishini inobatga olgan holda quyidagi holatlarga muvofiq aniqlanadi:

- kesim deformatsiyalangandan keyin yassi holatda qoladi;
- kuchlanishlarning beton siqilish zonasidagi epyurasi xuddi elastik jism uchun qabul qilinganidek, uchburchak shaklda qabul qilinadi (2-rasm);
- kuchlanishlarning beton cho‘zilish zonasidagi epyurasi betonning cho‘zilishdagi $R_{bt,ser}$ qarshiligining hisobiy qiymatlaridan katta bo‘lmagan kuchlanishlar bilan trapesiyasimon shaklda qabul qilinadi;



1-rasm. Namuna to‘sinlarni sinash stendining umumiy ko‘rinishi

- betonning chetki cho‘zilgan tolasining nisbiy deformatsiyasi yuklarning $\varepsilon_{bt,ult} = 0.00015$ ga teng bo‘lgan qisqa muddatli yuklar ta’sirida shu deformatsiyaning chegaraviy qiymatiga teng qilib qabul qilinadi;

- armaturadagi kuchlanish xuddi elastik jism uchun qabul qilinganidek, nisbiy deformatsiyalarga bog‘liq holda qabul qilinadi [1,2].

Egiluvchi to‘sin konstruksiyalarini qiya kesimlar (2-rasm) bo‘yicha ko‘ndalang kuchlar ta’siriga hisoblash quyidagi formula orqali aniqlanadi:



2-rasm. Egiluvchi beton to‘sinlarni mustahkamlikka hisoblashda bo‘ylama o‘qqa nisbatan normal kesimdagi kuchlar sxemasi va kuchlanishlar epyurasi

$$Q \le Q_b + Q_{fw} \qquad (1)$$

bu yerda: Q – konstruksiyaning bo‘ylama o‘qiga nisbatan proeksiyasining uzunligi S bo‘lgan qiya kesimdagi ko‘ndalang kuch;

Q_b – beton qiya kesimida qabul qilinadigan ko‘ndalang kuch;

Q_{fw} – kompozit armatura qiya kesimida qabul qilinadigan ko‘ndalang kuch;

Ko‘ndalang kuch $Q_b$quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$Q_b = \frac{1{,}5 \cdot R_{bt} \cdot b \cdot h_0^2}{C} \qquad (2)$$

lekin, $2{,}5 \cdot R_{bt} \cdot b \cdot h_0$ dan katta bo‘lmagan qiymatda va $0{,}5 \cdot R_{bt} \cdot b \cdot h_0$ dan kichik bo‘lmagan qiymatda qabul qilinadi.

Konstruksiya bo‘ylama o‘qiga nisbatan ko‘ndalang kuch Q_{fw} kompozit armaturalar uchun quydagi formula orqali topiladi [3,4,5,7]:

$$Q_{fw} = \varphi_{fw} \cdot q_{fw} \cdot C \qquad (3)$$

bu yerda:

φ_{fw} -0,75 ga teng bo‘lgan koeffitsient;

q_{fw} – ko‘ndalangarmaturada yuzaga keladigan ichki kuch, u quyidagicha topiladi:

$$q_{fw} = \frac{R_{fw} \cdot A_{fw}}{S_w} \qquad (4)$$

Ko‘ndalang armaturani hisoblashda hisobga olinadigan qadam $\frac{S_w}{h_0}$, quyidagi qiymatdan katta bo‘lmaslik sharti bilan aniqlanadi:

$$\frac{S_{w,max}}{h_0} = \frac{R_{bt} \cdot b \cdot h_0}{Q} \qquad (5)$$

bu yerda:

$$S_{w,max} = \frac{R_{bt} \cdot b \cdot h_0}{Q}.$$



3-rasm. Qiya kesim bo‘yicha egiluvchi elementni ko‘ndalang kuch ta’sirga hisoblashda kuchlar sxemasi

Tadqiqot natijalari va muhokamalar. O‘tkazilgan sinov tadqiqotlar natijalariga shuni ko‘rsatadiki, tashqi kuchlar ta’sir ostida sinalgan bazalt armaturalar bilan armaturalangan egiluvchi beton to‘sin konstruksiyalari po‘lat armaturali egiluvchi konstruksiyalari bilan deyarli sifat jihatidan bir-birga yaqinligi tajriba sinovlarida aniqlandi.

Sinov tadqiqot jarayonida beton va armaturadagi deformasiyalarning qiymatlariga ko‘ra, namuna to‘sinlarda yoriqlar hosil bo‘lishi aniqlandi. Shu bilan birga, to‘sinlarning yuzalari, yon sirtlari yuk berish vaqtida sinchiklab kuzatib borildi. Bunda kuzatuv va yuklanish bosqichlarida yukning nisbatan kichik qiymatga ega ekanligi (~ $0{,}05F_{ult}$), sinov vaqtida yoriqlar hosil bo‘lishidagi yukning miqdorini aniqlash imkonini berdi.

Sinalgan barcha namuna to‘sinlarda dastlab sof egilish sohasida tik yoriqlar hosil bo‘ldi, yuklanish bosqichlaridagi yuk miqdori ortgani sayin tayanch bilan yuk oralig‘i (qirqilish oralig‘i)da to‘sin bo‘ylama o‘qiga nisbatan qiya yoriqlar ham hosil bo‘ldi (4-rasm).

Olib borilgan eskperimental sinov jarayonlarida namuna to‘sinlarga yuk berilishi boshlangandan keyin,

yuklashlarning dastlabki bosqichlarida beton va armaturalar elastik ishlaydi, ularda yoriqlar paydo bo‘lganicha yo‘q. Beton va armaturalardagi kuchlanishlar miqdori kichik bo‘lganlig sababli noelastik deformatsiyalar rivojlanmaydi.

Yuk miqdori ortib borishi bilan to‘sinlarning cho‘ziluvchi sohasidagi betonda kuchlanishlar, uning cho‘zilishga bo‘lgan hisobiy qarshiligiga yetadi va dastlabki yoriqlar hosil bo‘ladi. Sinovning shu jarayonidan boshlab namuna to‘sinlarda sifat jihatdan mutlaqo boshqa kuchlanganlik-deformatsiyalanganlik holati boshlanadi, beton va armaturadagi kuchlanishlar qayta taqsimlanishi kuzatiladi.

Dastlabki yoriqlar hosil bo‘lgan keyin, beton cho‘ziluvchi sohada deyarli qarshiligini yo‘qotadi, armatura bilan faqatgina yoriqlar orasidagi uchastkalardagina betonning birgalikda ishlashi kuzatiladi.

Namuna to‘sinlarda yoriqlar hosil bo‘lishi vaqtidagi eguvchi momentlar M_{crc} ning miqdori yuk bilan tayanch oralig‘idagi masofa “***a***” (qirqilish oralig‘i)ning qiymatiga bog‘liqligi kuzatildi.



4-rasm. Namuna to‘sinlarida tik va qiya yoriqlarning hosil bo‘lishi va rivojlanishi

Qiya kesimlari bo‘yicha buziluvchi bazalt armaturalar bilan jihozlangan egiluvchi beton elementlar qiya kesimining mustahkamligini baholashda ularning qiya kesim bo‘yicha mustahkamligi $\frac{Q_{ult}}{R_{bt,ser}bh_0}$ va maksimal eguvchi momentning nisbiy qiymati $\frac{M_{ult}}{Q_{ult}h_0}$ hisoblanadi.

Tajribalarda namuna to‘sinlarida, maksimal eguvchi momentning nisbiy qiymati ortishi bilan element qiya kesimining nisbiy mustahkamligini pasayishi kuzatildi. $\frac{M_{ult}}{Q_{ult}h_0}$ ning qiymati 1,48 va 1,67 dan 2,59 gacha ortishi to‘sinlar qiya kesimlarining nisbiy mustahkamligi mos ravishda 1,30 va 2,30 marta kamayishiga olib kelgan.

Bazalt armaturali egiluvchi beton elementlarning mustahkamligi, yukning qo‘yilish joyi va uning qiymatiga, shuningdek, konstruksiyaning buzilish xarakteriga bog‘liq bo‘lishi aniqlandi. Qirqilish oralig‘i $\frac{a}{h_0} = 0{,}5 \div 1{,}5$ bo‘lganda egiluvchi elementning ishlashi va kuchlarga qarshiligi uchun nisbatan qulay sharoitlar yaratiladi.

$\frac{a}{h_0}$ nisbatning kamayishi element buzilishidan oldin qabul qiladigan kuchning ortishiga olib keladi. Bu holda maksimal eguvchi moment miqdori sezilarli darajada o‘zgarmaydi.

Buzilish siqiluvchi zona betonida yuz berib, bo‘ylama cho‘ziluvchi armaturalardagi kuchlanishlar o‘zining maksimal qiymatiga erishgan vaqtida egiluvchi elementning mustahkamligi yuqori bo‘ladi [6].

Agar buzilish vaqtida montaj armaturalarining bog‘lanishlari mustahkamligini yo‘qotishi, uzilishi va bo‘ylama armaturaning beton bilan tishlashishining buzilishi natijasida ro‘y bersa, to‘sinning mustahkamligi sezilarli darajada pasayadi.

Sinov tajriba jarayonida yuk ostida sinalayotgan namuna to‘sinlarning element bo‘ylama o‘qiga nisbatan qiya yo‘nalgan yoriqlar tik yoriqlarga nisbatan birmuncha kechroq hosil bo‘lgani kuzatildi. Yuklanish bosqichlarining dastlabki bosqichlarida tik yoriqlar hosil bo‘lgan edi, shu bosqichlardan 2-3 bosqich o‘tib, ya’ni yuk miqdori ortib borgani sari, namuna to‘sinlar kesimlarida qiya yoriqlar hosil bo‘lishni boshladi.

O‘tkazilgan tajribalar mobaynida qiya yoriqlarning hosil bo‘lishi, yoriqlarning intensiv rivojlanishi, ochilish kengligi, kesim yuzasida yoriqlar sonini ko‘payishi, namuna to‘sinlarning montaj armaturalar bilan armaturalanish miqdori, ko‘ndalang montaj armaturaning diametri, qadami, qirqilish oralig‘i $\frac{a}{h_0}$, bo‘ylama ishchi armaturaning miqdori va diametri, betonning mustahkamligiga bog‘liq ekanligi kuzatildi.

Qiya yoriqlarni hosil qiluvchi ko‘ndalang kuch nazariy hisoblarda quyidagi formula orqali aniqlandi:

$$Q_{crc}^{h} = 0{,}6\, R_{bt,ser}\, b\, h_0 \qquad (6)$$

Qirqilish oralig‘i $a > 1{,}5h_0 = 70 > 40{,}5$ bo‘lgan hollar uchun (6) formuladagi 0,6 koeffitsent o‘rniga $\frac{h_0}{a}$ nisbatni kiritish maqsadga muvofiqdir [8]. Buning natijasida tajribaviy va hisobiy qiya yoriqlarni hosil qiluvchi kuchlarning nisbatlari sezilarli darajada yaxshilanishi kuzatildi.

Bu holda qiya yoriqlar hosil bo‘lishidagi ko‘ndalang kuchlarni topish formulasi quyidagicha

aniqlanadi:

$$Q_{crc}^{h} = \frac{R_{bt,ser} b h_0^2}{a} \qquad (7)$$

lekin, $0{,}6R_{bt,ser}bh_0$ dan ortib ketmasligi kerak.

I-seriya namuna to‘sinlarida (a=70sm) dastlabki qiya yoriqlar $Q_{crc}^{h} = 13{,}1 - 13{,}7\ kN$ yuklarda hosil bo‘ldi, bunda $\frac{Q_{crc}^{t}}{Q_{ult}^{t}}$ nisbati 0,39 ni tashkil etdi. II va III-seriyalarning to‘sinlarida (a=70sm) Q_{crc}^{t} ning qiymatlari 11-13,1 kN oralig‘ida bo‘ldi, bunda yoriq hosil bo‘lishiga mos keluvchi ko‘ndalang kuchning buzuvchi yukka nisbati 0,35-0,38 miqdorga teng bo‘ldi (1 -jadval).

Qirqilish oralig‘ining qiymati 70 smdan 40smga kamayishi, yoriq hosil bo‘lishiga mos bo‘lgan kuchning ortishiga olib keldi. Bunda, Q_{crc}^{t} ning qiymati o‘rtacha 2,15 marta ortishi kuzatildi.

Qiya yoriqlar paydo bo‘lishi qirqilish oralig‘i bog‘liqligi tajribalarda kuzatildi. Masalan, a=40 sm bo‘lganda to‘sinlarda asosan 1ta, a=70 smda esa 2-3 ta qiya yoriq hosil bo‘lishi aniqlandi. Yukning ortgani sari, qiya yoriqlarning shiddat bilan ochilishi ro‘y berdi. Ayniqsa, yuk miqdori $0{,}8Q_{ult}$ va undan yuqori bosqichlarda qiya yoriqlar rivojlandi, ularning ochilish kengligi 1,0mm va undan katta qiymatlarga erishdi. Qiya yoriqlar kritik yoriqlarga aylandi va namuna to‘sinlarning buzilish holatlari kuzatildi. Yuklarning $(0{,}5\text{-}0{,}7)Q_{ult}$ miqdorlarida to‘sinlarda qiya yoriqlarning ochilish kengligi 0,25-0,55mm oralig‘ida bo‘ldi.

Namuna to‘sinlarida qiya yoriqlarning hosil bo‘lishi
1-jadval.

Namuna to‘sinlar shifri	Kuchlar orasidagi masofa, sm	Qiya yoriqlar hosil bo‘lishidagi ko‘ndalang kuch, kN		Q_{ult}^{T}, kN	$\frac{Q_{src}^{T}}{Q_{src}^{x}}$	$\frac{Q_{src}^{T}}{Q_{ult}^{T}}$
		Tajribaviy Q_{src}^{T}	Hisobiy Q_{src}^{x}			
BBPA I-1	70	13,7	18,50	36,2	0,74	0,38
BBPA I-2	70	13,1	18,00	35,8	0,73	0,37
BBPA I-3	40	18,6	26,25	48	0,71	0,39
BBPA II-1	70	13,1	18,00	36,2	0,72	0,36
BBPA II-2	70	12,9	18,66	33,4	0,69	0,39
BBPA II-3	70	12,7	19,00	31,8	0,67	0,40
BBPA III-1	70	11,0	15,08	29,6	0,73	0,37
BBPA III-2	70	12,3	14,41	31,4	0,85	0,39
BBPA III-3	70	11,5	14,16	28,7	0,81	0,40
BBPA IV-1	40	29,1	27,35	67,7	1,06	0,43
BBPA IV-2	40	31,3	29,68	74,5	1,05	0,42
BBPA IV-3	40	32,02	30,68	74,2	1,04	0,43

Qiya yoriqlarning ochilish kengligini nazariy hisoblash natijalari ko‘ra, hisoblash formulalari tajribalardan olingan qiymatlar bilan qoniqarli darajada mos keluvchi qiymatlarni olish imkonini yaratdi (5-rasm).



5-rasm. Namuna to‘sinlarda qiya yoriqlarni ochilish kengligi. 1,2- yoriqlarning tartib raqamlari

 - tajribaviy hisobiy

Xulosalar.

1) Sinov tajriba natijalaria ko‘ra, M_{crc}^{t}ning qiymatlari betonning cho‘zilishdagi mustahkamligi $R_{bt,ser}$ning qiymatlariga mos holda o‘zgarishi kuzatildi. Misol tariqasida, III-seriyadagi namuna to‘sinlarini keltirishimiz mumkin. Bunga ko‘ra, shu seriyadagi namuna to‘sinlarining betoni mustahkamligi past bo‘lgan betondan tayyorlanganligi uchun, yoriqlar hosil bo‘lishidagi momentlar, huddi shunday sharoitda sinalgan boshqa seriyalardagi to‘sinlarnikidan o‘rtacha 1,74 barobarga kichikligi aniqlandi.

2) Yuklarning kichik qiymatlarida, ya’ni cho‘zilish sohasida $\sigma_{bt} < R_{bt}$ bo‘lganda to‘sinlarda asosan elastik deformatsiyalar va kuchlanishlar hosil bo‘ladi, elementlar yoriqlarsiz ishlaydi. Cho‘zilish sohasida $\sigma_{bt} \to R_{bt}$ qiymatlarga erishgach, dastlab to‘sinlarning sof egilish sohasida kesim bo‘ylama o‘qiga nisbatan normal yoriqlar hosil bo‘ldi, keyinchalik, yuk ortib borgani siri Q va M lar birgalikda ta’sir etadigan qirqilish oraliqlarida qiya yoriqlar ham hosil bo‘ldi.

Dastlabki hosil bo‘lgan normal va qiya yoriqlarni ochilish kengligi (α_{crc}) 0,05-0,1 mm ni tashkil etdi. Ta’sir etuvchi yuklar ortib borgani sari, normal va qiya yoriqlarning rivojlanishi, siqiluvchi soha balandligining qisqarishi, yoriqlar ochilish kengligining 0,1-0,3 mm gacha yetishi kuzatildi. Yuklashlar darajasi (0,6-0,85) Q_{ult} oralig‘ida bo‘lganda yoriqlarning intensiv rivojlanishi, ular ochilish kengligining $\alpha_{crc} = 0{,}4 \div 0{,}7mm$ gacha yetishi ro‘y berdi. Bundan so‘ng yuklarning ortishi to‘sinlarda chegaraviy holatlarning vujudga kelishiga olib keldi.

3) Element bo‘ylama o‘qiga nisbatan tik yo‘nalgan yoriqlarning ochilish kengligini ShNQ 2.03.14.18 “Kompozit polimer armaturali beton konstruksiyalar”da keltirilgan usul bo‘yicha hisoblash natijalari tajribalarda olingan o‘zgarish qonuniyati va miqdorlari bilan qoniqarli darajada mos tushishi aniqlandi.

Adabiyotlar:

1. ГОСТ 32492-2013. Арматура композитная полимерная для армирования бетонных конструкций. Методы определения физико-механических характеристик. М.: Изд-во Стандартинформ, 2014, с. 4-6.
2. Babayev V.N., Adilxodjayev A.E. “Эффективные железобетонный конструкция”. Toshkent, 2019 yil.
3. ShNQ 2.03.14.18 «Kompozit polimer armaturali beton konstruksiyalar»
4. ГОСТ 31938-2012. Арматура композитная полимерная для армирования бетонных конструкций. Общие технические условия. М.:Изд-во Стандартинформ, 2014., с.26-28.
5. Brik V.B., Advanced Concept Concrete Using Basalt Fiber/BF Composite Rebar Rein-forcement, Washinton: Transportation Research Board, 2003.
6. Razzakov S.J., Mirzaakhmedova U.A. Composite Physical-Mechanical Properties Of Bazalt Reinforcement And Comparison With Steel Reinforcement And Inspection For Flammability //Texas Journal of Engineering and Technology. – 2024. – Т. 29. – С. 6-10.
7. Савин В.Ф. Прогнозирование прочностных свойств стекло и базальтопластиковых стержней на основе полимерных матриц из эпоксидных компаундов. Автореферат диссертатsii к.т.н, Бийск, 2009.
8. Кустикова Ю.О. Исследование свойств базальтопластиковой арматуры и ее сцепления с бетоном/ Ю.О. Кустикова // Строительство: наука и образование. – 2014. – №1. –С.31-42.

ОЦЕНКА СЕЙСМОСТОЙКОСТИ МНОГОЭТАЖНЫХ ЗДАНИЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СОВРЕМЕННОГО ПК ЛИРА-САПР

Исаев Г.У., Аскарходжаев. Ш.И., Шамсиев Д.К., Усанов Ф.А.

Аннотация. В данной статье приводятся результаты оценки сейсмостойкости высотных зданий по реальным записям акселерограмм и по данным нормативных документов с использованием ПК ЛИРА-САПР. Определены значения максимальных и минимальных значений изгибающих моментов, продольных сил, касательных напряжений и определены наиболее уязвимые участки, где возможно образование трещин в несущих конструкциях. Было выявлено, что значения внутренних силовых факторов, возникающие в зданиях под действием внешних сил, значения которых определяются из реальных акселограмм, оказались в 2 раза меньше, чем значения, полученные по данным нормативных документов. Наряду с этим установлено, что результаты расчета на сейсмостойкость высотных зданий по реальным акселерограммам и по нормативным документам показали, что чем выше высота здания, тем больше величина смещений, изгибающих моментов и продольных сил на верхних этажах зданий. Это требует разработки соответствующих мер по уменьшению колебаний верхних этажей многоэтажных зданий.

Ключевые слова: Высотное здание, динамический расчет, сейсмостойкость, акселерограмма, землетрясение, нормативный метод, внутренние силы.

Замонавий ЛИРА-САПР дастуридан фойдаланган ҳолда кўп қаватли биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш

Аннотация. Ушбу мақолада кўп қаватли биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини реал акселерограмма ёзувларида ва ЛИРА-САПР дастуридан фойдаланган ҳолда меъёрий ҳужжатларга мувофиқ баҳолаш натижалари келтирилган. Эгувчи моментларнинг максимал ва минимал қийматлари, бўйлама кучлар, уринма кучланишлар ҳисобланган ва юк кўтарувчи конструкцияларнинг ёриқлар ҳосил бўлиши мумкин бўлган энг заиф жойлари аниқланган. Қийматлари реал акселерограммадан олинадиаган ташқи кучлар таъсиридаги биноларда пайдо бўладиган ички кучларнинг қийматлари меъёрий ҳужжатларга мувофиқ олинган қийматлардан 2 баравар кам бўлиши аниқланган. Шу билан бирга, юқори қаватли биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини реал акселерограммалар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, бинонинг баландлиги қанчалик юқори бўлса, унинг юқори қаватларидаги силжишлар, эгувчи моментлар ва бўйлама кучлар миқдори шунчалик катта бўлади. Бу кўп қаватли биноларнинг

юқори қаватларидаги тебранишларни камайтириш чораларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Калит сўзлар: кўп қаватли бино, динамик ҳисоблаш, сейсмик мустаҳкамлик, зилзила , акселерограммаси, меъёрий усул, ички кучлар.

Seismic resistance evaluation of multi-story buildings using the modern LIRA-SAPR SP

Abstract. This article presents the results of evaluating the seismic resistance of high-rise buildings on real records of the accelogram and on regulatory documents using the LIRA-SAPR SP. The maximum and minimum values of bending moments, longitudinal forces, shear stresses are determined, and the most vulnerable areas where cracking in load-bearing structures is possible are determined. It was found that the values of force factors arising in buildings under the action of the accelogram turned out to be 2 times less than the values obtained from the data based on regulatory documents. Along with this, it was found that the results of the calculation for the seismic resistance of high-rise buildings according to real accelerograms and according to regulatory documents showed that the higher the building, the greater the magnitude of displacements, bending moments and longitudinal forces on the upper floors of buildings. This requires the development of appropriate measures to reduce the vibrations of the upper floors of multi-story buildings.

Keywords: High-rise building, dynamic calculation, seismic resistance, accelerogram, earthquakes, normative method, internal forces.

Введение: В связи с тем, что Республика Узбекистан расположена в сейсмически активной зоне, необходимо обеспечить безопасную эксплуатацию зданий и сооружений, чего можно достичь путем поэтапного решения задач по проектированию, строительству и эксплуатации. Значительная часть населения проживает на территории республики, которая, по прогнозу возможных сильных землетрясений, имеет интенсивность 9 баллов и выше. Однако на сегодняшний день эта проблема не решена полностью. В настоящее время в связи с увеличением частоты землетрясений в регионе и массовым строительством многоэтажных зданий возникает необходимость систематических научных и практических исследований по разработке усовершенствованных методов расчета таких зданий на сейсмическое воздействие, хотя некоторые из этих работ проводились раньше. Этим объясняется актуальность статьи.

Здания являются сложными объектами изучения строительной механики. На сегодняшний день не существует универсальных подходов к их расчету, охватывающих весь динамический процесс. Существующие методы динамического расчета напряженно-деформированного состояния из-за большого количества элементов и сложной конструкции высотных крупногабаритных зданий представляют собой сложную задачу. Известно, что в современной практике проектирования зданий и сооружений существуют различные линейные и нелинейные статические и динамические методы решения задачи [1]. Поэтому теория сейсмостойкости зданий и сооружений продолжает развиваться как одно из актуальных направлений строительной механики. В развитых странах продолжаются многочисленные исследования по развитию теории сейсмостойкости зданий и сооружений, полностью охватывающие динамический процесс и поведение сложной конструкции [2].

Разработаны различные методы расчета зданий и сооружений на сейсмическое воздействие с учетом важных факторов сейсмической нагрузки, почвенных условий площадки и конструктивных особенностей строительных конструкций. Эти исследования рассмотрены в [3-7].

Статья [8] посвящена динамическим проблемам деформированного состояния земляных плотин при сейсмических воздействиях. Разработан метод решения волновых задач для определения напряженно-деформированного состояния земляных сооружений, в частности земляных плотин. С использованием метода конечных разностей были разработаны формулы расчета и алгоритм решения задач.

В исследовании [9] рассмотрена проблема сейсмостойкости многоэтажных зданий с скользящей опорой. В расчете учитывается вертикальная составляющая сейсмического воздействия в виде реальных акселерограмм. В результате расчета определены динамические характеристики здания с сейсмоизоляцией.

В [10] представлены результаты оценки технического состояния существующих зданий дошкольных учреждений, построенных в сейсмически активных районах республики в разные годы; они учитывают требования различных стандартов сейсмостойкого строительства. В результате даны соответствующие рекомендации по усилению конструкций и обеспечению сейсмостойкости несущих конструкций.

В [11] представлена организация и проведение динамических испытаний многоэтажного жилого панельного дома в Красноярске. Разработан программно-аппаратный комплекс для динамических испытаний, реализующий метод стоячей волны, позволяющий определять динамические характеристики здания путем регистрации микросейсмических колебаний строительных конструкций. По результатам динамических испытаний определены реальные собственные (резонансные) частоты и формы колебаний строительных конструкций. На основе анализа распределения пиковых значений амплитуд собственных колебаний определены опасные зоны возникновения разрушительных процессов в грунте фундамента здания, влияющих на его безопасное функционирование.

Исследование в [12] посвящено статическому рассмотрению высших форм колебаний в задачах динамики строительных конструкций при внешней гармонической нагрузке. С помощью компьютерного комплекса были определены перемещения узлов и внутренние силы в элементах рассматриваемых конструкций. Влияние смещений, переломов осей стеновых панелей при их монтаже на эксплуатацию крупнопанельных конструкций рассмотрено в [13]. Анализ расчетных схем выполнен с уче-

том различных типов ошибок монтажа. Определены усилия в элементах конструкции, превышающие допустимые, с учетом погрешности установки деталей.

В [14] разработан метод расчета конструкций с самоизоляцией при сейсмических воздействиях в рамках нелинейной динамики с использованием метода конечных элементов (МКЭ). Статьи [15, 16] посвящены динамическим проблемам напряженного состояния земляных плотин при сейсмических воздействиях. Разработан метод решения волновых задач по определению напряженно-деформированного состояния земляных сооружений, в частности земляных плотин. С использованием метода конечных разностей разработаны расчетные формулы и алгоритм решения задач.

В [17] предложен метод использования полимерного реагента ПОЛЯНС в бетоне; его производят из отходов производства полиакрилонитрильного волокна. Представлены результаты влияния реагентов на капиллярное всасывание бетона, которые способствуют высокой стойкости цементного бетона в соленых средах. В исследованиях [18, 19] предложен метод экспериментального исследования гнутых железобетонных балок из обычного тяжелого бетона, снабженных стеклокомпозитной арматурой. Представлены данные о методах измерения возникающих деформаций, трещин и прогибов прототипов балок под действием поперечных сил.

Статьи [20-22] посвящены теоретическому расчету коробчатой конструкции крупнопанельных зданий на динамические воздействия с учетом пространственной работы поперечных и продольных стен при динамическом воздействии, задаваемой перемещением основания по закону синусоидальный закон. Разработаны методы численного решения задачи контактного взаимодействия балочных и пластинчатых элементов коробчатой конструкции здания.

Исследование в [23] посвящено численному решению задачи о поперечных колебаниях многоэтажного здания в рамках модели сплошной плиты при сейсмическом воздействии. В качестве динамической модели здания предлагается консольная анизотропная плита. Модель разработана в рамках трехмерной динамической теории упругости и учитывает не только структурные силы и моменты, но и бимоменты.

В статьях [24, 25] рассмотрено развитие теории и метода расчета толстых пластинчатых структур. Дан подробный анализ известных публикаций, посвященных этой проблеме. Разработаны теория и метод оценки напряженно-деформированного состояния толстопластинчатых конструкций в рамках трехмерной теории упругости. В данном исследовании представлены результаты расчета многоэтажного здания на сейсмостойкость, полученные с помощью линейно-спектрального метода (ЛИРА-САПР СП). Выбор конструктивных решений зданий, их проектирование и расчет на сейсмостойкость должны проводиться с участием специализированных научно-исследовательских и проектных организаций. В соответствии с действующими нормами и принципами обеспечения сейсмостойкости многоэтажных жилых зданий особое внимание необходимо уделять интерпретации закона сейсмического воздействия на основе расчетов. Применяя ЛИРА–САПР СП при решении новых задач сейсмостойкости зданий, необходимо выбрать один из шести признаков, приведенных в расчетных схемах (версия 2018 и выше, приложение П4).

В [26] исследованы четырехэтажные и девятиэтажные здания с набором из трех записей землетрясений и показано, что применение скользящего фундамента не всегда приводит к существенному уменьшению сдвигающей силы на перекрытиях. здания и что вертикальная составляющая сейсмического воздействия оказывает существенное влияние на сдвиговые колебания здания.

В [27] исследовано влияние линейной и нелинейной моделей взаимодействия фундамента с грунтом основания на колебания многоэтажного здания при сейсмических воздействиях. В исследованиях здание проектировалось на сейсмические воздействия с учетом жесткой, упругой, упругопластической и вязкоупругой моделей взаимодействия фундамента с грунтом основания.

Методы: При проектировании мнгоэтажных или высотных зданий особое внимание обращается на полное представление о всей сложной конструктивной системе и работе несущей работающей системы «основание - фундамент - здание». С доступной компьютерной технологией, основные аналитические расчеты для простых и сложных высотных конструкций выполняются с помощью программных комплексов. Упрощенные (ручные) расчетные методики применять в настоящее время не рекомендуется.

При расчете на сейсмостойкость зданий с использованием ЛИРА- САПР возможно решение задачи двумя методами расчета:

а) динамическим - по реальным или смоделированным сейсмическим воздействиям;

б) спектральным - на сейсмические воздействия для идеально упругих систем.

К зданиям высотой более 40 м или к массовым зданиям жилого типа с новыми конструкциями следует применять динамический метод расчета. Необходимые параметры для отдельных регионов выбираются из специальных таблиц.

Известно, что в нормативном документе [1] в пункте 2.7 написано, что "для зданий (сооружений) с принципиально новыми, конструктивными решениями зданий высотой более 40м следует, а при проектировании объектов массового строительства высотой до 40м рекомендуется использовать динамический метод расчета". Выбор конструктивной системы, проектирование и расчет зданий (сооружений) на реальные или синтезированные сейсмические воздействия должны производиться при участии научно-исследовательской организации,

специализирующейся в области сейсмостойкого строительства. В данной статье приведены численные результаты сейсмического расчета 20-ти этажного высотного здания на основе динамического метода расчета на сейсмические воздействия в виде реальной акселерограммы, записанные в сейсмоактивной зоне г.Ташкента на строительной площадке высотного здания.

Синтезированная акселерограмма и ее спектры отклика соответствуют квазисинусоидальному колебательному процессу с непрерывной и возрастающей (определенным образом) частотой. Скорость ее изменения, заданная в разных частотных интервалах, обеспечивала необходимую глубину резонанса генератора для выбранных частотных зон. При этом спектры отклика в этих зонах плавно и непрерывно возрастали (без значительных спадов и пиков), выходили на постоянный уровень и, наконец, снижались. В начале процесса амплитуда акселерограммы была максимальной, а затем быстро уменьшалась вдвое до нового значения [28].

Акселерограмма не избирательна к собственным частотам высотного здания при отклонениях их значений в ту или другую сторону, из-за конструктивных изменений или погрешностей моделирования, уровни ответа объекта (в том числе, поэтажных акселерограмм и спектров ответа) на это воздействие не будут иметь резких изменений. Аналоговые акселерограммы, напротив, являются частотно-избирательными. Ответная реакция объекта при таких воздействиях может сильно изменяться в зависимости от его собственных частот.

С помощью трех ортогональных акселерограмм можно моделировать синхронное трехкомпонентное сейсмическое воздействие для консервативных расчётов сложных пространственных высотных зданий. Применение в этом качестве аналоговых акселерограмм сопряжено со значительными неопределенностями в подборе компонент по их частотным характеристикам, длительностям, интенсивностям, фазовым сочетаниям, моментам времени проявления наибольшего влияния. Использование группы совместных трехкомпонентных записей акселерограмм устраняет перечисленные выше неопределенности. Однако такие записи чрезвычайно редки, и они не решают проблемы достаточной консервативности (надежности) расчёта.

Ниже приведена оцифровка спектра ускорений для 8 балльного региона г.Ташкента, которая в таком виде может быть использована для динамического анализа сейсмостойкости объекта с помощью различных методов численного интегрирования. Оцифровка дается с постоянным шагом времени (0.01 с), в ней используется два масштабных коэффициента: первый (множитель) - преобразует ее к исходной физической норме ускорений (в долях g); второй - масштабирует акселерограмму к расчетному уровню.

Масштабный множитель к акселерограмме RM=0.01
A, cm/s2 0 -6,79945 -2,91589 -0,87408 0,32685 1,87581 3,20597 3,78898 2,39764 -1,03577 -5,24415 -8,55219 -10,26675 -10,50885 -10,382 -10,65944 -11,46016 -12,17498 -12,22266 -11,3495 -10,08052 -9,37254 -10,05656 -11,78509 -12,73287 -10,31278 -3,11543 7,6181 18,19471 24,60862 24,8671 19,90296 12,57611 5,88072 1,73183 0,83189 3,13821 -248,51137 -193,54057 -129,13869 -73,19337 -31,58348 -6,02845 4,82913 5,92771 4,50612 5,96236 11,21583 16,73863 17,86521 11,76906
-8,58643 -11,13676 -13,45225 -15,57634 -17,65816 -19,83244 -22,14356 -24,47337 -26,57287 -28,06752 -28,59883 -27,88813 -25,91017 -22,87122 -19,28957 -15,72722 -12,58465 -9,70501 -6,74982 -3,51514 -0,33183 2,4512 4,51225 6,10094 7,58989 9,68359 12,88235 16,6823 19,43296 21,20136

Шаг оцифровки DTA= 0.01 с. Масштаб оцифровки RMA= 0.01, Amax=0.25g, T=10.06 с.

Ниже приведены акселерограммы в виде графика в горизонтальном и вертикальном направлениях (рис.1-2).

Рис.1. Акселерограмма по направлению X и У

Рис.2. Акселерограмма по направлению Z

Объект исследования - 20-этажное высотное здание - имеет сплошной фундамент толщиной 1,2 м из арматуры класса А-III, класс бетона составляет В20. Площадь поперечного сечения колонн 0,4х0,4; 0,4х0,6; 0,5х0,6 м. Продольные колонны с сечением 0,4х1,6 и 0,4х1,8 м выполнены из арматуры класса А-III. Класс бетона вертикальных конструкций составлял В25. Размер поперечного сечения несущех балок составляет 0,4х0,5 м, они выполнены из арматуры класса А-III. Класс бетона балок В25. Толщина перекрытия составляет 0,16 м и состоит из продольной арматуры А-III и поперечной А-I. Класс бетона перекрытия В25. Толщина диафрагмы жесткости, воспринимающе й горизонтальные сейсмические нагрузки, на уровне цокольного этажа составляет 0,4 м, от первого этажа до верха 0,3 м. Продольная арматура диафрагмы жесткости из класса А-III и поперечная - А-I. Стены подвала выполнены из железобетона, их

толщина составляет 0,4 м. Наружные перегородки выполнены из легких газоблоков, их толщина составляет 0,3 м. Наружные стены выполнены с теплоизоляцией с помощью ткани из минерального базальтового волокна.

В качестве внешних нагрузок выделяют постоянную нагрузку (собственный вес конструкций), длительные временные нагрузки (нагрузка оборудования, мебели и людей), кратковременные нагрузки (снеговая нагрузка, ветровая нагрузка в горизонтальном направлении), мгновенную нагрузку (ветровая нагрузка). пульсация) и сейсмические эффекты в виде акселерограмм были получены в направлениях X, Y и Z. В результате расчета приводятся численные значения коэффициентов внутренних сил по динамическому методу на основе реальной акселерограммы и по методу нормативного документа КМК 2.01.03-19 в несущих конструкциях высокой -высотное каркасное здание.

Результаты и обсуждение: Ниже приведены численные результаты напряженно-деформированного состояния 20 этажного высотного здания на основе динамического расчета в виде трехкомпонентной акселерограммы эквивалентной интенсивности 8 баллов. Амплитуда перемещения верха здания составила 0,16 м в продольном направлении по X, в поперечном направлении 0,21 м, в вертикальном направлении 0,03 м по Z, угловое перемещение относительно оси UY составило 2,97 рад, относительно UX - 4,09 рад, а также относительно оси UZ - 1,23 рад. В стержневых элементах, в том числе в колоннах в середине подвального этажа максимальное значение нормальной силы N при сжат**ии 50,4 тс, перерезывающая сила Q_y по направлению Y равна 58,6 тс, по направлению Z равна 96,4** тс, изгибающий момент M_x по X равен 6,74 тс*м, изгибающий момент M_y по Y равен 44,8 тс*м, крутящий момент M_z относительно Z равен 20,2 тс*м.

Расчет 20-этажного высотного дома на сейсмическое воздействие выполнен по методике нормативной документации КМК 2.01.03-19.

Амплитуда перемещения и внутренние силовые факторы в несущих конструкциях здания по КМК оказались почти в 2 раза больше, чем результаты динамического метода, полученные по акселерограмме.

Заключение

1. Предложена усовершенствованая методика расчета высотного здания на сейсмостойкость по спектральной теории с использованием программного комплекса ЛИРА-САПР.

2. Проведены расчеты на сейсмостойкость высотных зданий на акселерограммы землетрясения и по методу нормативных документов и было выявлено, что значения силовых факторов, возникающих в зданиях под действием акселограммы оказались в 2 раза меньше, чем значения, полученные нормативным методом. Это объясняется применением дополнительных коэффициентов, которые учитывают геометрические параметры и конструктивные особенности зданий.

3. Результаты расчета 20 этажного высотного здания на реальные акселерограммы позволили определить значения максимальных и минимальных значений изгибающих моментов, продольных сил, касательных напряжений и определить наиболее уязвимые участки, где возможно образование трещин в несущих конструкциях.

4. Результаты расчета на сейсмостойкость высотных зданий, полученные по реальным акселерограммам и по нормативным документам, показали, что чем выше высота здания, тем больше величина смещений, изгибающих моментов и продольных сил на верхних этажах зданий. Это требует разработки соответствующих мероприятий по уменьшению колебаний верхних этажей многоэтажных зданий.

Литература:

1. КМК 2.01.03 – 19. Строительство в сейсмических районах / Минстрой Республики Узбекистан. Ташкент, 2019. – 111 с.

2. ASCE Standard ASCE/SEI 7-05. Minimum Design Loads for Buildings and other Structures. Published by the American Society of Civil Engineers. 2018. - pp.419.

3. Boscato G. A. Dal Cin Email author Ientile Russo S. S. Optimized procedures and strategies for the dynamic monitoring of historical structures // Journal of Civil Structural Health Monitoring. Vol. 6. – 2016. – Issue 2. – P. 265–289. doi10.1007/s13349-016-0164-9

4. Kh.S. Sagdiev*, Z.R. Teshabayev, V.A. Galiaskarov, A.S. Yuvmitov. Centrifugal modeling of underground polymer pipes under temperature effect// Magazine of Civil Engineering. 2020. 98(6). Article No. 9801 DOI: 10.18720/MCE.98.1

5. Keyvan Ramin, Foroud Mehrabpour. Study of Short Column Behavior Originated from the Level Difference on Sloping Lots during Earthquake (Special Case: Reinforced Concrete Buildings) // Open Journal of Civil Engineering, USA, 2014. – Vol. 4. – P. 23 – 34. doi:10.4236/ojce.2014.41003

6. Corchete Victor. The Analysis of Accelerograms for the Earthquake Resistant Design of Structures // International Journal of Geosciences. – USA, 2010. – P. 32 – 37. doi: 10.4236/ijg.2010.11004

7. Mohammed S. Al-Ansari. Reliability Index of Tall Buildings in Earthquake Zones // Open Journal of Earthquake Research. – USA, 2013. – Vol. 2. – P. 39 – 46. doi: 10.4236/ojer.2013.23005

8. Sultanov, K., Umarkhonov, S., & Normatov, S. (2022). Calculation Of Earth Dam Strain Under Seismic Impacts. AIP Conference Proceedings, 2637. https://doi.org/10.1063/5.0118430

9. Ibrakhim Mirzaev, A.S.Yuvmitov, Malikjon Turdiev and Jakhongir Shomurodov. Influence of the Vertical Earthquake Component on the Shear Vibration of Buildings on Sliding Foundations. E3S Web of Conferences 264, 02022 (2021). CONMECHHYDRO-2021. https://doi.org/10.1051/e3sconf/ 202126402022.

10. Kh.S. Sagdiev, A.S.Yuvmitov, B.B. Uktamov, G.M. Qodirov. Assessment Of Seismic Resistance Of Existing Preschool Educational Institutions And Recommendations For Their Provision Seismic Safety. The American Journal of Applied Sciences (ISSN – 2689-0992). Published: December 27, 2020 | Pages: 90-99. Doi: https://doi.org/10.37547/tajas/ Volume02Issue 12-15. IMPACT FACTOR 2020: 5. 276. OCLC – 1121105553.

11. Khoroshavin, E.A. / Dynamic tests and monitoring of the dynamic state of buildings and structures based onmicroseismic vibrations. // Magazine of Civil Engineering. 2021. 104(4). Article No. 10410.pp. 110-123.DOI: 10.34910/MCE.104.10

12. Le, T.Q.T., Lalin, V. V., Bratashov, A.A. Static accounting of highest modes in problems of structural dynamics. Magazine of Civil Engineering. 2019. DOI:10.18720/MCE.88.1.

13. Vatin, N.I., Kuznetsov, V.D., Nedviga, E.S. Installation errors in calculating large-panel buildings. Magazine of civil engineering. 2011. DOI:10.5862/mce.24.3.

КАТТА РАВОҚЛИ ОҒИР ПЎЛАТ ФЕРМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ СОҲАЛАРИ

Аслиев Сирожиддин Аслиевич, доцент, т.ф.н.
Балгаева Муҳайё Абдисаматовна, докторант.
Самарқанд давлат архитектура қурилиш университети

Ушбу мақолада катта равоқли оғир фермаларни ишлатилиш соҳалари, уларнинг конструктив кўринишлари ва уларда қўлланиладиган стерженларининг кесим юзалари кўринишлари ҳақида маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: Катта равоқли оғир фермалар, юк кутариш кобилияти, стержен устиворлиги, юқори мустаҳкамли болтлар, парчинмих, пайванд, олдиндан зўриқтириш.

В данном статьи представлено информация о примение большепролетных фермах, конструктивные виды и о использованиях в них сечениях.

Ключевые слова: Большепролетные фермы, грузоподъемность, устойчивость стержня, высокопрочные болты, заклёпка, сварка.

Жаҳон меъморчилили олдида катта равоқли конструкцияларни барпо этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳозирги замон талабига айланди. Бу муаммо ўтган замонлардан бошлаб меъморлар ва муҳандис-қурувчиларни қизиқтириб келган. Катта равоқли бино ва иншоотларни барпо этиш конструкцияларни бир жойга мужассамлаш бино ва иншоотларни майдонидан унумли фойдаланиш демоқдир. Бунда бино ички майдонида равоқларни кенглиги туфайли устунлар мавжуд бўлмайди. Катта равоқли конструкцияларни қўллаш, енгил , ишончли ва иқтисодий жиҳатдан қулай том ёпмаларни барпо этишга олиб келади ва бунда конструкция учун ишлатиладиган материални юк кўтариш қобилиятидан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади.

Катта равоқли конструкциялар юқори қуввати ва вазни билан ажралиб туради , бу ички таянч устунларига эҳтиёж йўқлиги сабабли катта ораликларни яратишга имкон беради ва бу кўрсатгич бино ёпмаларини самарадорлигини сезиларли даражада оширади, бинодан фойдаланиш майдони юзасини кўпайтириш имкониятини беради.

Катта равоқли фермалар деворларда , ғиштин ва темирбетон устунларга ётқизилади. Катта равоқли фермалар рамани ва аркали конструкциялардан оғир бўлиб, аммо тайёрлаш ва монтаж қилиниши анча осон кечади. Яна бир қулайликлари уларни ўтқазиладиган конструкцияларда ҳавон пайдо бўлмайди, шу сабабли уларнинг пойдеворлари деярли унча катта ҳажмга эга бўлмайди.

Катта равоқли фермалар асосан равоғи катта. бўлган бино ва иншоотларга ишлатилади, бу равоқларда тўсинлардан фойдаланишда материал сарфи кўпроқ бўлиб, самарадорлик пасаяди.

Катта равоқли оғир фермалар асосан катта равоқлар ва баланд бино ва иншоотларни ёпма конструкциялари сифатида ишлатилиб , буларга асбоб ва ускуналар ишлаб чиқариш заводлари, самолётсозлик заводи, кемасозлик заводи , ангарлар, бозорлар , кўргазма заллари, спорт саройлари ва кўприклар мисол бўла олади.

Катта равоқли конструкциялар хилма-хил бўлиб, уларга тўсинли конструкциялар, рамали конструкциялар, аркали коснтрукциялар, фазовий конструкциялар ва осма конструкциялар мисол бўла олади.

Тўсинли конструкцияларда , агар равоқ катта бўлса фермалардан фойдаланадилар. Катта равоқли тўсинли қурилмалар , оғир фермалардан иборат бўлиб, уларни узунлиги 36 м.дан катта бўлиб 100 м.гача етади. Катта равоқли оғир фермалар конструктив ечим бўйича қўйидагилар билан фарқ қилади: конструктив кўринишлари, панжара турлари, статик схемаси ва панжараларни кўндаланг кесим турлари билан. Оғир фермалар баъзан оғир шароитда ишлайдилар , масалан, кўприкларда , оғир режимли кранлар таъсирида , қайсиким, фермалар узлуксиз равишда динамик куч таъсири остида бўлади. Бундай фермалар динамик юклар остида ишлаганлари сабабли бирикмалари парчинмих ёки юқори мустаҳкамли болтлар билан бажарилади.

Ташқи кўринишига қараб катта равоқли фермалар: трапеция шаклида, кўп бурчакли , сегментли ва параллел камарлига бўлинадилар. (1-расм)



Расм-1. Катта равоқли ферма кўринишлари.

Катта равоқли фермалар қадами 6 м, 12 м, 18 м ва 24 м гача қабул қилинади.

Панжараларига қараб учбурчакли, учбурчакли устунчали, учбурчакли шпренгелли , раскосли , ярим раскосли , ромб шаклида ва хоч шаклида бўлади.

Фермалар таянчга ётқизишига қараб шарнирли ёки бикр бўлиб, улар статик аниқ ва статик ноаниқ фермаларга бўлинади. Одатда катта равоқли фермалар таянчда шарнирли бириктирилади. Катта равоқли оғир фермалаларнинг яна бир устунлиги шундаким, уларнинг таянчларида ховон пайдо бўлмайди.

Катта равоқли фермаларга равоқлари 36 м дан катта бўлган фермалар киради. Бу фермаларни тайёрлашда юқори мустаҳкамли пўлатдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва бу билан ферма хусусий оғирлигини камайтириш имконияти мавжуд бўлади. Бундан ташқари фермалар стерженлари кесимларини эгилувчанлик шартидан эмас, мустаҳкамлик ва устиворлик шартларидан танлашга тўғри келади. Ферма самарадорлигини уларни олдиндан зўриқтириш йўли билан ҳам амалга ошириш мумкин.

Катта равоқли фермаларнинг конструктив шакли меъмори талаб, равоқ катталиги, том қурилмаси ва осма шипларнинг конструкциясига қараб танланади. Бу фермаларни баландликлари (1/6-1/8) *l* оралиғида олинади, бу ерда *l* - ферма узунлиги, ферма баландлиги hф > 3,85 м.дан катта, стерженларни узунлиги узун бўлганлиги сабабли уларни транспортда ташиш мумкин бўлмай қолади, шу сабабли уларнинг стерженлари алоҳида монтаж жойига олиб келинади ва шу ерда йиғиб йириклаштирилади. Ферма юқори камар панелининг узунлиги ҳам 3 м.дан катта бўлганлиги учун бу камар устиворлиги таъминлаш учун шпрингеллардан фойдаланадилар, бу бир мунча меҳнат ва материал сарфини оширишга олиб келади. Катта равоқли фермаларда битта таянчи шарнирли қўзғалмас ва биттаси шарнирли қўзғалувчи қилиб бажарилади ва бунда ферма пастки камарида ҳосил бўладига эластик деформацияни шу таянч орқали қабул қилиниб таянчда ҳавонни ҳосил қилишни олдини олади.

Катта равоқли оғир фермаларнинг стерженлари енгил фермаларнинг стерженларидан кескин фарқ қилади, бунга сабаб бу стерженлардаги зўриқиш қиймати анча катта қийматга эга бўлгани ва уларни узунликлари катта бўлгани сабаб бўлади. Бу стерженлар одатда икки деворчали бўлиб, уларни икки текисликдаги фасонкалар билан бирлаштирилади.

Ферма стерженлари одатда ҳар хил кесимга эга бўлади, лекин уларни тугунга бирлаштириш анча ноқулайликка сабаб бўлади, шунинг учун уларни лойиҳалашда энларини бир хил ўлчамли қабул қилинади.

Ферма камарлари учун икки симметрия ўқига эга бўлган кесимни танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки бу уларни бириктиришга анча қулай бўлиб , бирикмада қўшимча момент ҳосил бўлмайди, яъни бирикмада эксцентриситет ҳосил бўлмайди.

Ферма стерженлари тугунларда парчинмих билан , юқори мустаҳкамли болтлар ва пайванд билан бириктирилади. Агар ферма динамик таъсир остида бўлса, у вақтда бирикмани парчинмихли ёки юқори мустаҳкамли болтда бажариш лозим бўлади. Бу динамик юклар таъсир кўприклардаги ва кран юкларидан ҳосил бўладиган юклар ҳисобланади.

Ферма стерженларини қуйидаги типдаги кесимлари мавжуд : Н-шаклидаги кесим, бу иккита вертикал ва битта горизонтал листларни бириктириб ёки тўртта бурчаклик ва листдан ҳосил қилинади. (расм-2. а,б)

Ҳозирги вақтда бу шаклдаги кесим сифатида кенг токчали қўштаврлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ , бу кесимлар юзаси силлиқ бўлгани ва иккита симметрия ўқга эга бўлгани учун буларга фасонкали бириктириш бир мунча осон кечади. Шунинг учун бу типдаги кесим бошқа типдаги кесимлардан анча қулай ҳисобланади.



Расм-2. Катта равоқли ферма кесим юзалари.

Коробка шаклидаги кесимлар (расм-2.в) иккита вертикал листларни устидан битта горизонтал лист билан бириктириб ҳосил қилинади, ва булар асосан кўприксозликда ишлатилади. Агар пастидан ҳам решеткалар билан маҳкамланса, уларни бикрликлари анча ошади. Бир деворчали қўштавр кесимли (расм-2. г) кенг токчали прокат профилдан ёки тузма қўштаврдан ташкил топган бўлиб, бунда бу кесимни ферма текислигига перпендикуляр текисликдаги устиворлиги бир мунча паст бўлгани сабабли уларни бу текислик бўйича узунликларини боғламлар билан камайтиришга тўғри келади.

Ёпиқ коробкали кесимлар (расм-2.д,е) эгилишда ҳамда буралишдаги бикрлиги анча юқори бўлиб, бу кесимлар фермани узун стерженлари сифатида қўлланса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу кесимлар тўртта листни бир-бири билан бирлаштириб ҳосил қилинади.

Труба шаклдаги кесимлар оғир ферма стерженлари сифатида пайванд ёрдамида бирлаштирилади ва тайёрлашда бирмунча қулайликларга эга ҳисобланади. (расм-2.ж)

Замонавий қурилишда катта равоқли оғир фермаларнинг роли ва аҳамияти катта бўлиб улар қуйидаги устунликларга эга :

- катта равоқли пўлат фермаларни қўллаш майдондан максимал даражада фойдаланишга имкон

беради.

- катта равоқли пўлат фермалар саноат корхоналари ва аэропортлардан тортиб спорт ареналари , кўргазма залларигача бўлган турли соҳаларда қўлланилиши мумкин. Бу уларни шаҳар инфратузилмаси ва саноати ривожлантириш учун муҳим ҳисобланади.

- пўлат конструкциялар , одатда, бетон каби оғир конструкцияларга нисбатан қуриш ва монтаж қилишда янада тежамли бўлиб, бино ва иншоотларни қуришда самарали ҳисобланади.

- пўлат фермалари бир жинсли бўлгани учун ташқи статик ҳамда динамик таъсирларга чидамли ҳамда ишончли ҳисобланади.

- пўлат фермаларни йиғиш ва монтаж қилиш нисбатан тез бажарилади, бу қурилиш вақтини қисқартириш ва шу жиҳатдан ресурсларни тежаш, корхона ва иншоотларни тез ишга тушуришга имкон беради.

- замонавий технологиялар, юқори мустаҳкамли пўлат ва янги усуллардан фойдаланган ҳолда қурилишнинг экологик таъсирини камайтиришга олиб келади.

- пўлат фермалардан ноёб архитектура ечимлари ва дизайнларни яратиш учун кенг имкониятга мавжуд.

Катта равоқли пўлат фермалари қурилишда муҳим ўрин эгаллайди, турли тармоқларда майдондан самарали фойдаланиш, иқтисодий ва ишочлилигини таъминлайди, шаҳарларни инфратузилмасини қуриш ва ривожлантириш учун имкон беради. Ва ниҳоят, қурилиш технологияларининг ривожланиши билан пўлат фермаларни олдиндан йиғиш ёки осонгина ўрнатиш вақтини сезиларли даражада қисқартиришга олиб келади.

Адабиётлар:

1. ШНҚ 2.03.05-13 ―Пўлат конструкциялар. Лойиҳалаш меъёрлари‖ /Ўзбекистон Республикаси Давлат Комархитеккурилиш. Тошкент,2013.

2. ҚМҚ 2.01.03-19 ―Строительство в сейсмических районах ― /Министерство строительства Республики Узбекистан/, Ташкент, 2019.

3. Кудишин Ю.И. ―Металлические конструкции/ Москва,2011.

4. Беленя Е.И. ―Металлические консрукции ./ Специальный курс. Москва, 1991.

5. Аслиев С.А., Балгаева М.А., Бойматов Б. Катта равоқли пўлат фермалар. “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий-техник журнал. 2022, №3 [1-қисм]. 74-75 бетлар. Самарқанд.

УДК 624.159.1

ИЗУЧЕНИЕ О ПОВЫШЕНИИ СЕЙСМОСТОЙКОСТИ ВЫСОТНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В СЕЙСМИЧЕСКИХ ЗОНАХ

Бузруков Закирё Саттиходжаевич к.т.н., профессор
Наманганский инженерно-строительный институт (НамИСИ).

Аннотация: В статье рассмотрены анализ современные методы сейсмогашения и сейсмоизоляции на основе ранее опубликованных работ исследователей. Простой подход к решению вопроса сейсмозащиты – увеличение жёсткости и армирования конструкций можно использовать для большинства зданий простой конструктивной схемы, однако, применение специальных методов позволяет снизить стоимость строительства при сохранении высокой надёжности. Кроме того, для зданий сложной конструкции, уникальных и высотных бывает практически невозможно использовать традиционный подход. Необходимы новые действенные методы сейсмозащиты. Подобные решения предполагают изменение веса и жесткости, демпфирование системы в зависимости от её перемещений и скоростей.

Ключевые слова: высотные здания, сейсмостойкие сооружения, сейсмостойкость, демпфирование, сейсмоизоляция, сейсмогашение, сейсмозащита, сейсмические воздействия, системы сейсмоизоляции, резинометаллические сейсмоизолирующие опоры, горизонтальные сдвигающие сейсмические силы, максимальные перемещения.

Аннотация: Мақолада тадқиқотчиларнинг аввал чоп этилган ишлари асосида биноларда сейсмик ҳимоялаш ва сейсмик тўлқинларни ютиш хусусиятига эга бўлган замонавий усулларни қўллашга оид ишлар таҳлил қилинган.Сейсмик ҳимоялаш муаммосини ечишга оид энг содда ёндашув, бу кўпгина биноларда уларни бикрлигини ошириш ва конструкцияларни арматуралаш орқали оддий конструктив схемани қўллаш орқали амалга оширилади.Лекин,махсус усулларни қўллаш орқали биноларни юқори ичончлилигини таъминлаган ҳолда, қурилиш таннархини камайтириш имкониятига эга бўламиз.Бундан ташқари,мураккаб конструкцияли юқори қаватли бинолар учун амалда сейсмик ҳимоялашнинг анъанавий усулларини қўллаб бўлмайди.Бунинг учун албатта,сейсмик ҳимоялашнинг янги усулларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Ушбу турдаги ечимлар силжиш ва тезликка боғлиқ ҳолда тизимни сейсмик куч таъридаги демпфирлаш қобилиятини оширади ва биноларни оғирлиги ҳамда бикрлигини ўзгаришига олиб келади.

3. Бабков В.Ф. Дорожные условия и безопасность движения / Бабков.В.Ф.-М Транспорт,1993.-271 стр.

4. F.Babkov, O.V.Andreyev “Avtomobil yo’llarini qidiruv va loyihalash” I-qism. Toshkent – 2014 yil. 526 b.

5. С.И.Булдаков “Особенности организации полосы отвода на автомобилных дорогах” Лесной вестник 2/2005 115-119 стр..

6. ШНҚ 2.05.02-07 Автомобиль йўллари Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси, Тошкент ш., 2007 й., 68 бет.

7. SHNQ 2.10.09-10 “Avtomobil yo'llari va yo'l servisi ob'ektlarini joylashtirish uchun ajratiladigan yer maydonlarining normalari”. “Давархитектқурилиш” қўмитаси, Тошкент ш., 2010 й., 82 бет.

УДК: 625.122

УКРЕПЛЕНИЕМ ОТКОСОВ ЗЕМЛЯНОГО ПОЛОТНА ГЕОМАТЕРИАЛАМИ

Таджибаев Ш.А. PhD., доцент**, Хальфин Г.Р**. PhD., доцент
Ташкентский государственный транспортный университет

Аннотация: В статье рассмотрены основные области применения объемных георешеток при строительстве, реконструкции и ремонте земляного полотна железных и автомобильных дорог. Приведен процесс проведения и результаты экспериментальных исследований по укреплению откосов земляного полотна на железнодорожной линии Бухара – Мискен.
Ключевые слова: методика, эксперимент**,** технология, откос, георешетка, земляное полотно, грунты.

Аннотация: Мақолада темир йўл ва автомобил йўлларининг ер полотносини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашда ҳажмий геопанжаралар асосий йўналишлари муҳокама қилинган. Шунингдек Бухоро – Мискен темир йўл линиясида ер полотноси ёнбағирларни мустаҳкамлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш жараёни ва натижалари келтирилган.
Калит сўзлар: усул, тажриба, технология, ёнбағир, геопанжара, ер полотноси, грунтлар.

Abstract: The article discusses the main areas of application of volumetric geogrids in the construction, reconstruction and repair of the roadbed of railways and highways. The process of conducting and the results of experimental studies on strengthening the slopes of the roadbed on the Bukhara – Misken railway line are presented.
Keywords: methodology, experiment, technology, slope, geogrid, roadbed, soils.

ВВЕДЕНИЕ. В целях повышения экономической эффективности реализуемого проекта «Строительство железнодорожной линии Бухара–Мискен» а также практического задействование туристического потенциала Хорезмского региона на основе формирования туристических маршрутов, объединяющих в единое транспортное направление городов Ташкент, Самарканд, Бухара и Хива, а также дальнейшего развития транспортной инфраструктуры Республики Каракалпакстан, Бухарской и Хорезмской областей в декабре 2017 г запущена в эксплуатацию новая железнодорожная линия Бухара – Мискен протяженностью 355 км. С запуском новой линии расстояние между Ташкентом и Ургенчем сократилось на 75 км. Новая железнодорожная линия проходит через пустынные регионы Узбекистана. Земляное полотно железной дороги возведено 80-90 % из местных грунтов , т.е. песчаных грунтов.

При строительстве на различных грунтах меняются их физические свойства, что может потребовать изменения не только технологии, но и конструкции сооружений. Качество земляного полотна определяет уровень комфорта пользования железными дорогами. Исходя из этого повышения устойчивости и увеличение срока службы земляного полотна железной дороги, а также для запуска в дальнейшем скоростных и высокоскоростных движения поездов на железнодорожном участке Бухара–Мискен применение современных инновационных технологий и материалов является целеособразным [2].

АКТУАЛЬНОСТЬ ПРОБЛЕМЫ. Для достижения требуемой надежности земляного полотна необходимо разработка методов выбора типа противодефляционного и противодеформационного (ПДПД), обеспечение как общей, так и местной устойчивости откоса с ПДПД укреплением. Разработанная конструкция и технология ее создания особенно будут целесообразны при строительстве новых и уширении полотна существующих железных дорог, где нет неразвеваемого грунта. Надо отметить, что именно для таких условий конкурентоспособными становятся несколько типов из числа новых перспективных геосинтетических материалов [3].

При этом окончательное решение, очевидно, должно быть принято на основе технико-экономического сравнения новых конструкций между собой, с учетом имеющихся в наличии местных материалов. Рекомендации по выбору параметров технологических схем являются результатами экспериментального этапа. При разработке технологии укрепления откосов земляного полотна железных дорог из песчаных грунтов с применением геосинтетических материалов учтены требования нормативных документов [4, 5].

При укреплении откосов земляного полотна применяются объемные георешетки. Основные области применения объемных георешеток при строительстве, реконструкции и ремонте земляного полотна автомобильных и железных дорог:

– укрепление подтопляемых и неподтопляемых откосов, склонов взамен традиционных типов укрепления или в сочетании с ними;

– образование усиленных конструктивных слоев;

– возведение земляного полотна в сложных условиях строительства и усиление рабочего слоя земляного полотна [6].

На совещании и.о. председателя правления АО «Узбекистон темир йуллари» от 12 марта 2019 года «О дополнительных мерах ускорения проектирования и строительства инвестиционных объектов АО «Узбекистон темир йуллари» [7] рассмотрены актуальные задачи по объекту «Вынос железнодорожного участка Дунгулюк-Бургутли –Мискен из зоны затопления водохранилища Шурбулок» [8].

Сотрудниками Ташкентского государственного транспортного университета (ТГТУ) проводятся исследования по теме «Ресурсосберегающие конструкции и организационно-технологические решения усиления земляного полотна скоростных и высокоскоростных железных дорог» на основе хо-

зяйственного договора с управлением стратегического развития АО «УТЙ».

Известно, что в любой сфере перед применением на практике новых инновационных технологии проводятся теоритеческие и экспериментальные исследования. Экспериментальные исследования по применению современных энергосберегающих и ресурсосбергающих материалов для земляного полотна железной дороги проведены на перегоне Кийикли – Хизирбобо км 4199 ПК 1 железнодорожной линии Бухара – Мискен.

ОСНОВНАЯ ЧАСТЬ. Для проведения экспериментальных исследовании разработана «Программа и методика экспериментальных исследований по укреплению откосов земляного полотна железных дорог». Разработанная программа и методика согласована соответствующими службами и утверждена и.о.председателем правления АО «Узбекистон темир йуллари».

Основные задачи программы и методики экспериментальных исследований:

– разработка технологии по укреплению откосов земляного полотна с применением перспективных геосинтетических материалов производимого из местного сырья представителями частного сектора;

– определение эффективности применения инновационных материалов и конструкции объектов земляного полотна;

– выбор конструктивно-технологических решений по реализации рекомендуемых способов;

– разработка практических рекомендаций по укреплению откосов земляного полотна железных дорог.

Для проведения экспериментальных исследований выбран железнодорожный участок Бухара – Мискен перегон Кийикли –Хизирбобо. Изучены и анализированы природно-климатические и грунтовые характеристики выбранного участка. Проведены исследования прочностных и фильтрационных характеристик геосинтетических материалов для оценки их пригодности в качестве геосотовых прорезных конструкций. По результатам конкурсного отбора для проведения эксперимента были приняты геосинтетические материалы производимые ООО «GEOTEXTILE”.

Комплексные многовариантные исследования и эксперименты по совершенствованию существующих и разработке новых конструкций земляного полотна и инновационных технологии укрепления его откосов, для реализации приоритетных проектов по строительству и реконструкции железных дорог с использованием перспективных энергоэффективных и ресурсосберегаемых материалов выполнены на основе приказа и.о. председателя правления АО «Узбекистон темир йуллари» от 29 октября 2020 года № 729-Н «О проведении экспериментальных исследований по укреплению откосов земляного полотна на участке ж.д. линии Бухара–Мискен» [9].

Экспериментальные исследования были проведены в период 7-12 ноября 2020 года сотрудниками ТГТУ согласно «Программа и методика экспериментальных исследований по укреплению откосов земляного полотна железных дорог».

Наиболее сложными процессами в технологии укрепления геосотовыми конструкциями являются процессы укладки и уплотнения грунта. В зависимости от объёмов работ по противоэрозионной защите, сложности конструкции и свойств материала засыпки - можно применять либо ручную, либо механизированную технологию производства работ. В нашем случае принята ручная технология производства работ.

Технологическая последовательность (этапы) проведения экспериментов на перегоне Кийикли – Хизирбобо км 4199 ПК 1 приведены на рисунках:

– процесс укладки гетекстиля на откосы земляного полотна (рис. 1);

– процесс установки георешеток на откосы земляного полотна (рис. 2);

– процесс заполнения местным грунтом ячеек георешеток с паралельным посевом семян песколюбивых трав (рис. 3);

– окончательный вид укрепления откосов земляного полотна геосинтетическими материалами (рис. 4)

По результатам проведенных экспериментальных исследований составлен акт о проведении экспериментальных исследований и протокол экспериментальных исследований по пункту № 3 Программы и методики экспериментальных исследований по укреплению откосов земляного полотна железных дорог.

Рис. 1. Процесс укладки гетекстиля на откосы земляного полотна (перегон Кийикли – Хизирбобо км 4199 ПК 1)



Рис.2. Процесс установки георешеток на откосы земляного полотна(перегон Кийикли – Хизирбобо км 4199 ПК 1)

Рис. 3. Процесс заполнения местным грунтом ячеек георешеток с паралельным посевом семян песколюбивых трав (перегон Кийикли – Хизирбобо км 4199 ПК 1)

Рис. 4 Окончательный вид укрепления откосов земляного полотна геосинтетическими материалами (перегон Кийикли–Хизирбобо км 4199 ПК 1)

ВЫВОДЫ.

Проведенные экспериментальные исследования по укреплению откосов земляного полотна на железнодорожной линии Бухара – Мискен позволяют сделать следующие выводы:

1. Разработана «Программа и методика экспериментальных исследований по укреплению откосов земляного полотна железных дорог» для обеспечения технического состояния земляного полотна железных дорог;

2. Разработаны технологии по укреплению откосов земляного полотна с применением перспективных геосинтетических материалов производимого из местного сырья представителями частного сектора;

3. Определены эффективности применения инновационных материалов и конструкции объектов земляного полотна;

4. Предложены конструктивно-технологические решения по реализации рекомендуемых способов;

5. Даны практические рекомендаций по укреплению откосов земляного полотна железных дорог.

Литература:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 13 марта 2017 года №ПП-2827 «О мерах по строительству железнодорожной линии Бухара — Мискен».

2. Программа и методика экспериментальных исследований по укреплению откосов земляного полотна железных дорог. Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта. Ташкент., ТашИИТ, 2020.-30 с.

3. Лесов К.С., Таджибаев Ш., Кенжалиев М.К. Технология укрепление откосов земляного полотна железных дорог из песчаных грунтов с применением геосинтетических материалов Проблемы архитектуры и строительства (научно-технический журнал. №4, 2019, Самарканд, СамГАСИ, С. 15-18.

4. Свод правил СП 78.13330.2012. Автомобильные дороги, Актуализированная редакция СНиП 3.06.03-85.

5. ОДМ 218.5.003-2010 «Рекомендации по применению геосинтетических материалов при строительстве и ремонте автомобильных дорог» от 01 февраля 2010 г. №71-р.

6. ОДМ 218.3.032-2013 Методические рекомендации по усилению конструктивных элементов автормобильных дорог пространственными георешетками (геосотами).

7. Протокол совешания по вопросам ускорения проектирования и строительства инвестициционных проектов АО “Узбекистон темир йуллари” от 12 марта 2019 года.

8. Проект АО «BOSHTRANSLOYIHA» «Вынос существующего железнодорожного участка Дунгулюк-Бургутли-Мискен с зоны затопления Шурбулакского водохранилища», 2019 г.

9. Приказ председателя правления АО “УТЙ” от 29 октября 2020 года №729-Н «О проведении экспериментальных исследований по укреплению откосов земляного полотна на участке ж.д. линии Бухара–Мискен».

РАСЧЕТ ТРЕХПЛАТФОРМЕННОЙ СТАНЦИИ МЕТРОПОЛИТЕНА МЕЛКОГО ЗАЛОЖЕНИЯ

Шожалилов Ш.Ш. – доцент
Ташкентский государственный транспортный университет.

Аннотация: В данной статье важной частью проектирования подземных сооружений является расчет сейсмических нагрузок. Поэтому мы проанализировали сейсмостойкость существующей конструкции Ташкентского метрополитена.

Ключевые слова: Грунт, трехплатформенной, инженерно-геологических, отпор.

Annotatsiya: Ushbu maqolada, yer osti inshootlarini loyihalashning muhim qismi seysmik yuklarni hisoblash hisoblanadi. Shu bois, biz Toshkent metropolitenining mavjud inshootining seysmik chidamliligini tahlil qilingan.

Kalit so‘zlari: Grunt, uch platformali, muhandislik-geologik, jins g‘ovakligi.

Abstract: In this article, an important part of the design of underground structures is the calculation of seismic loads. Therefore, we analyzed the seismic resistance of the existing structure of the Tashkent metro.

Keywords: Soil, three-platform, engineering-geological, repulse.

Тоннельная обделка, работающая совместно с окружающей грунтовой средой представляет собой сложную многократно статическую неопределимую конструкцию. Под действием активных внешних нагрузок, тоннельная обделка деформируется, изменяя своё положение, появляются отпорные и неотпорные зоны. В отличие от трубопроводов тоннельная конструкция имеет большое пустое внутреннее пространство и при рассмотрении деформации в поперечном направлении оси тоннеля, некоторые точки соприкосновения с грунтом могут перемещаться в сторону грунта и наоборот. Важной частью проектирования подземных сооружений, является расчет на сейсмическую нагрузку. Поэтому исследуем сейсмостойкость действующей конструкции станции Ташкентского метрополитена. Из анализа работ [2, 3] для конструкции принята следующая расчетная схема обделки станции (рис.1).

Исходными данными для расчета являются размеры элементов конструкций станции, нагрузка (рис.2) и данные инженерно-геологических изысканий.



Рис.1. Расчетная схема обделки.



Рис. 2. Синусоидальная станции А. Кодирий сейсмическая волна.

В собственный вес конструкции добавляются присоединенные массы грунта в верхней и боковой части станций. Отпор породы будем учитывать с лотковой и стеновой части тоннельной конструкции.

Расчеты показали, что наибольшие усилия возникающих от воздействия сейсмической силы появляются при t=0,25с. Максимальные усилия внутренних сил возникают в местах соединения сборной железобетонной конструкции (рис.3). В местах соединения сводчатых перекрытий со стенами конструкции изгибающий момент меняет своё значение. Максимальные перемещения получаются в верхней части конструкции. Силы трения действительно влияет на уменьшение перемещений и усилий в нижней лотковой части конструкций. Анализы показывают, что от воздействия сейсмической нагрузки, наибольшие усилия возникают в местах соединения сборных элементов перекрытий с элементами стеновой части.

а)



б)



в)



Рис.3. Результаты расчета на горизонтальную сейсмическую нагрузка: а) эпюра моментов, б) эпюра поперечных сил, в) эпюра прогиба

При этом отпор грунта существенно снижает эти усилия. Для увеличения сейсмостойкости станции предлагается применение продольных сейсмических поясов по длине станции в местах соединения сводчатых элементов. При проектировании таких особо ответственных сооружений рекомендуется суммировать полученные усилия от сейсмической нагрузки в усилия от статической нагрузки.

Литература:

1. Барбакадзе В. Ш., Мураками С. Расчет и проектирование строительных конструкций и сооружений в деформируемых средах. - М.: Стройиздат, 1989, с. 472.
2. Булычев Н. С., Фотиева Н. Н. Оценка устойчивости породы, окружающей горные выработки. Шахтное строительство, 1977, №3, с.15-21.
3. Гарбер В.А. Научные основы проектирования тоннельных конструкций с учетом технологии их сооружения. НИЦ "Тоннели и Метрополитены". АО "ЦНИИС", 1996, часть 1, с. 169, часть 2, с.220.

SOVUQ FREZALANGAN ASFALTBETON QOPLAMALARIDAN HOSIL BO'LGAN MATERIALLARNI QAYTA ISHLAB CHIQISH.

Kurbonov S.Z., AYITI DM bo'lim boshlig'i; **Xoliqov U.Q.,** AYITI DM yetakchi mutaxassisi

Annotatsiya: Maqolada yo'l to'shamasi sovuq frezalangan asfaltbeton qoplamalaridan hosil bo'lgan materiallarni qayta ishlab chiqish, eski asfaltbeton qoplama, sovuq frezalangan asfaltbeton mustahkamlash bo'yicha tadqiqotlar va qurilgan tajriba-sinov uchastkasi natijalari, hamda qurilish texnologiyalari yoritilgan.

Annotatsiya: article covers the development of materials formed from cold-milled asphalt concrete coatings of the road bed, research on old asphalt concrete coating, cold-milled asphalt concrete reinforcement, and the results of the built-in pilot plot, as well as construction technologies.

Annotatsiya: В статье описаны реконструкция материалов дорожного покрытия из холодно фрезерованных асфальтобетонных покрытий, старых асфальтобетонных покрытий, холодно фрезерованных асфальтобетонных покрытий, исследования армирования холодного фрезерования асфальтобетона и результаты построенного испытательного полигона, а также технологии строительства.

Kalit so'zlar: tajriba-sinov yo'llari, suv shimuvchanligi, donadorlik tarkibi va tarkibidagi bog'lovchi miqdori, Sovuq frezalangan asfaltbeton.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026 yillarda O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini amalga oshirish bo'yicha tashkiliy choratadbirlar to'g'risida" 2022 yil 06 iyul sanasidagi №PQ-307-sonli Qarori,(1) Avtomobil yo'llari qo'mitasining 2024-yilgi pragnoz ko'rasatkichlarga chiqish bo'yicha "Yo'l xaritasi"ga asosan.(2)

Avtomobil yo'llari mamlakatimiz iqtisodiyotida ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilmaning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Ayni vaqtda umumiy foydalanishdagi avtomobil yullarini boshqarish tizimi, avtomobil yo'llarini saqlash, ta'mirlash, rekonstruksiya qilish va qurish ishlariga yo'naltirilagan mablag'lardan foydalanish samaradorligini oshirish muhim ahamiyatga ega. Shu sababli, Avtomobil yo'llari ilmiy-tadqiqot instituti unitar korxonasi yo'l qoplamasini texnik-iqtisodiy samarador texnologiyalar yordamida qurish bo'yicha ilmiy izlanishlar olib bormoqda, hamda laboratoriya sharoitida aniqlangan tarkiblar asosida tajriba-sinov yo'llari qurilmoqda.

Shunday yo'llardan biri Toshkent viloyati mahalliy ahamiyatdagi 4K736 "Parkent sh.-Navbahor q" avtomobil yo'lining 7-km qsmi, asfaltbeton qoplama ustki qatlamining 200 m^2 yuzasi ta'mirlash talab etiladi Qorishma miqdori -25 tonna. Ilmiy-tadqiqot ishini amalga oshirish uchun qurilgan tajriba-sinov yo'li uchun 1-jadvalda ko'rsatilgan mashina-mexanizmlardan foydalanildi.

Qorishmani yotqizish texnologiyasi - qoplama osti chang va loylardan yaxshilab tozalandi. Suv bilan yuvilib, quritildi. Undan keyin qo'lda bitumli emulsiya bilan asfaltbeton yuzalarga ishlov berildi. Maqsad qatlamlar orasida yopishishni ta'minlash. Yuzaga 0,3-0,4 1/m^2 bitumli emulsiya sepildi.

Asfaltukladchik plitalarining zichlash darajasi 60 % qilib yotqizildi.

Asfaltukladchikning tezligi 2 km/soat. Qorishma asfaltukladchik bunkeriga to 'kilgandan keyin yaxshi aralashtirgan holda yotqizildi.

1-jadval

Foydalanilgan mashina-mexanizmlar nomi

№	Ish turi	Mashina-mexanizmlar nomi	Markasi	Soni, dona	Ishlagan vaqti, h-min
1	Qoplama ostki qatlamini tozalash	Suv tashuvchi mashina	ISIZU	1	15 min
2	Bitumli emulsiya sepish	Qo'lda sepildi	ISIZU	1	30 min
3	Asfaltbeton qorishmani ishlab chiqarish	Asfaltbeton sexi	TELTOMAT	1	15 min
4	Asfaltbeton qorishmani tashish	Avto-samosval	MAZ, 25T	1	45 min
5	Asfaltbeton qorishmani yotqizish	Asfaltukladchik	SUPER BOMAG BF 800C	1	30 min
6	Asfaltbeton qorishmani zichlash	Yengil katok 3t	XCMG 303	1	15 min
		O'rta katok 8,0 t	XCMG XD 83	1	30 min
		Og'ir katok valetsli 16 t	XCMG XP163	1	25 min

Qorishm ani zichlash texnologiyasi - har bir qatlamni zichlash uchun 1 dona yengil, 1 dona o'rta og'irlikdagi valtsli va 1 dona og'ir shinali katokdan foydalanildi. Qorishmani zichlash ishlari qorishma harorati 140-145 °C da boshlanib, 80-90 °C da yakunlandi.(3) Zichlash ishlarini yengil 4 t og'irlikdagi katoklar bir izdan 2-3 marta boshlaydi, o'rta 8 t og'irlikdagi katoklar esa bir izdan 14-16 marta, og'ir shinali 16 t og'irlikdagi katoklar 10-12 marta yurish bilan yakunland

Asfaltbetonning fizik-mexanik xossalari tahlil qilinganda, deyarli barcha yo'l-iqlim mintaqalarida qo'llanilayotgan asfaltbeton qorishmalari GOST 9128-2013 (3) standarti talablariga mos keladi. Ammo,

asfaltbeton qoplamaning texnik-foydalanish ko‘rsatkichi bo‘lgan 60 °C haroratdagi g‘ildirak izi (koleya) 1-rasmda chuqurligi ko‘rsatkichi xalqaro standart talablaridan (GOST R 58406.2-2020 (4) standarti bo‘yicha ko‘pi bilan 4,0 (7,0) mm bo‘lishi lozim) 3,5-6,0 marta yuqoriligini ko‘rsatmoqda. Bu esa GOST 9128-2013 (3) standarti asosida ishlab chiqarilayotgan asfaltbeton qorishmalarini mutloq barcha obyektlarda qo‘llab bo‘lmasligini ko‘rsatadi. Asfaltbeton qoplamalardagi nuqsonlarni aksariyat hollarda sovuq frezalash orqali olib tashlanadi. Kesib olingan eski asfaltbeton yo‘l qoplamasi (asfaltogranolobeton - sovuq frezalangan asfaltbeton) chiqindisini qayta ishlatish usuli esa butun dunyoda keng qo‘llaniladi. Bugungi kunda Avtomobil yo‘llari ilmiy-tadqiqot institutida sovuq frezalangan asfaltbeton asosida issiq va sovuq asfaltbeton, g‘ovak-mastikali asfaltbeton va kompleks bog‘lovchilar (bitumli emulsiya va sement) asosida yo‘l qoplamasi ostki qatlamini qurish rejalashtilgan.

1-rasm. G’ildirak izi (koleya) chuqurligi, mm. Chapda mayda donali zich B turdagi asfaltbeton (Sovuq frezalangan asfaltbeton), o’ngda CHMA.

1-jadval

Issiq, mayda donali zich B turli I tamg‘ali asfaltbeton qorishmasining fizik-mexanik xossalari

Ko’rsatkichlar nomi	Yo’l-iqlim mintaqalari		
	Ohangaron	Toshkent	Xovos
Suv shimuvchanlik, %	4,0	2,5	2,4
Mineral zarralarning g‘ovakligi, %	18,8	16,9	15,1
Qoldiqli g‘ovaklik, %	4,3	3,7	2,5
Siqilishdagi mustahkamlik	1,3	1,4	1,7
chegarasi, 50°C haroratda, MPa			
Siqilishdagi mustahkamlik chegarasi, 20°C haroratda, MPa	2,9	3,4	4,7
Siqilishdagi mustahkamlik chegarasi, 0°C haroratda, MPa	12,7	11,3	9,5
Suvga chidamlilik	0,85	0,89	0,95
Siljishga qarshiligi: ichki ishqalanish koeffitsiyenti	0,88	0,91	0,99
Siljishdagi yopishuvchanlik, 50°C haroratda, MPa	0,36	0,39	0,42
Yoriqbardoshlilik, 0°C haroratdagi egilishdagi mustahkamlik chegarasi, MPa	6,6	5,3	4,5
G‘ildirak izi (koleya) chuqurligi, 60 °C haroratda, mm	20,5	14,6	12,9
Ilashish koeffitsienti, ko’pi bilan	0,40	0,44	0,49
O‘rtacha zichlik, g/cm^3	2,30	2,36	2,45

Shu maqsadda, birinchi navbatda sovuq frezalangan asfaltbeton ning fizik-mexanik xossalari aniqlandi. Sinov natijalari 1- jadvalda keltirilgan.

XULOSA

Xorijda sinovdan o’tgan va vaqt bilan sinalgan texnologiyaning qo’llanilishida yo’lning xizmat qilish muddatining uzaytirilishiga olib keladi. Ishini amalga oshirishdan olinadigan texnik-iqtisodiy samaradorlik natijalari: Sovuq frezalangan asfaltbeton qoplamadan hosil bo'lgan materiallarni qayta ishlanga qorishmasini qo’llash orqali avtomobil yo’llarining quruq issiq-iqlim sharoitlarida g’ildiraksimon izlar hosil bo’lishi 3-4 marta kam, issiqga chidamliligi 30-40 % yuqori. Iqtisodiy tomondan kamida 15- 20% samara keltiradi.

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori 2022 — 2026-yillarda O‘zbekiston Respublikasining Innovatsion Rivojlanish Strategiyasini Amalga Oshirish Bo‘yicha Tashkiliy Chora-Tadbirlar To‘g‘risida
2. Avtomobil yo’llari qo’mitasining 2024-yilgi pragnoz ko’rasatkichlarga chiqish bo’yicha.
3. GOST 12801-98 “Materiali na oanove organicheskix vyajushix dlya dorojnogo I aerodromnogo stroitelstva. Metodi ispitaniya”.
4. GOST R 58406.2-2020

UDK 625.745.1

AVTOMOBIL YO‘LLARIDAGI UZLUKSIZ TEMIRBETON KO‘PRIK VA YO‘L O‘TKAZGICHLARNING ZILZILABARDOSHLIGI

Karimova Anora Baxtiyerovna, katta o‘qituvchi
Toshkent davlat transport universiteti

Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasidagi zamonaviy uzluksiz temirbeton ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlarda seysmik tebranishlar ta’sirining o‘ziga xos xususiyatlari sharhi keltirilgan.
Tayanch iboralar: uzluksiz temirbeton ko‘priklar, zilzila, tayanch qismi, seysmoizolyatsiya, oraliq qurilma, tayanch.

В данной статье представлен обзор особенностей воздействия сейсмических колебаний на современные неразрезные железобетонные мосты и путепроводы в Республике Узбекистан.
Ключевые слова. неразрезные железобетонные мосты, землетрясение, опорная часть, сейсмоизоляция, промежуточное устройство, опора.

This article presents an overview of the specific characteristics of the effect of seismic vibrations on modern continuous reinforced concrete bridges and overpasses in the Republic of Uzbekistan.
Keywords. continuous reinforced concrete bridges, earthquake, support part, seismic isolation, intermediate device, support.

Kirish. Ma‘lumki, zamonaviy shaharlarda transport inshootlarini loyihalash va qurish ishlari jadal suratlar bilan olib borilmoqda. Bu transport va yo‘lovchilar harakatida jiddiy muammolar yuzaga kelishiga, tirbandliklar hosil bo‘lishiga olib kelmoqda. So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasi transport infrastrukturasini yanada rivojlantirish maqsadida ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlarni monolit usulda qurilishiga o‘tildi. Xorijda qurilgan ko‘priklarning solishtirma tahlili monolit oraliq qurilmalardan foydalanganda, ularning tannarxi po‘lattemirbeton oraliq qurilmali estakadalarga nisbatan 15-20% kam bo‘lishini ko‘rsatdi [1, 5].

1-rasm. Monolit yo‘l o‘tkazgichlarning qurilish jarayoni

Shu davrgacha qurilishda keyingi oqibatlarni inobatga olmagan holda O‘zbekiston Respublikasi seysmik sharoitlarida uzluksiz temirbeton ko‘priklar va yo‘lo‘tkazgichlarning fazoviy konstruksiyalarining seysmodinamikasi masalalarini sonli hisoblash usullari, haqiqiy zilzila yozuvlari asosida avtomobil yo‘llaridagi uzluksiz temirbeton ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlar tebranishini so‘ndirishda seysmohimoyaviy tayanch qismlarining parametrlarini tanlash hamda uning ta’sirini baholash bo‘yicha muammolar yetarli darajada o‘rganilmagan.

Asosiy qism. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024 yil 17 apreldagi PQ-161-sonli “Bino va inshootlarning zilzilabardoshligini oshirish hamda seysmik xavfni monitoring qilish faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarorida seysmik faol zonalardagi temir yo‘l ko‘priklari va avtomobil yo‘llaridagi uzluksiz temirbeton ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlarning zilzilabardoshligi bo‘yicha ilmiy nazariy tadqiqotlar olib borish va dasturiy majmuini yaratish “Yo‘l xaritasi”ga kiritilgan.

Bunday keng ko‘lamli vazifalarni amalga oshirish maqsadida olimlar tomonidan temir yo‘l ko‘priklari va avtomobil yo‘llaridagi uzluksiz temirbeton ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlarning seysmik mustahkamligini ta’minlash bo‘yicha yaratilgan ilmiy ishlanmalarini ishlab chiqarish jarayoniga tatbiq etish bo‘yicha tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

Hozirgi kunda dunyoning ko‘pgina rivojlangan davlatlarida, jumladan, Germaniya, Fransiya, Italiya, Turkiya, Koreya, Xitoy kabi turli mamlakatlarida avtomobil yo‘llardagi transport inshootlarining zilzilabardoshligi ko‘prik konstruksiyalarida seysmoizolyatsiya va seysmoso‘ndirish usullarini qo‘llash orqali ta’minlanadi [2-4].

Transport inshootlari qurilish sohasida, mamlakatimizdagi loyihalash institutlarida ko‘priklarni zilzilabardoshlikka hisoblash ishlarida xaqiqiy zilzilalarning yozuvlaridan foydalanmaydilar hamda chiziqli-spektral hisob-kitoblar bilan kifoyalanadilar. Shuning uchun, ko‘prik inshootlarining kafolatlangan seysmik xavfsizligini ta’minlash uchun, eng katta chastotalari qurilish maydonchasi tavsiflariga yaqin keladigan avvalgi zilzilalarning yozuvlari to‘plamlaridan foydalangan holda hamda grunt va tayanchlarning o‘zaro ta’sirini hisobga olib uzluksiz temirbeton ko‘priklarning loyihaviy hisoblash ishlarini amalga oshirish kerak bo‘ladi. [6].



2-rasm. Uzluksiz temirbeton ko‘priklarning loyihaviy hisoblash

Haqiqiy zilzila yozuvlari asosida avtomobil yo‘llaridagi uzluksiz temirbeton ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlarining fazoviy konstruksiyalarining seysmodinamikasi masalalarini sonli hisoblash usulini takomillashtirilganligi hamda uzluksiz temirbeton ko‘priklarning ekspluatatsiya jarayonida ishonchliligi va samaradorligini iqtisodiy asoslash bilan izohlanadi. O‘zbekiston Respublikasining ko‘priksozlik sanoatining imkoniyatlari va seysmik sharoitlaridan kelib chiqqan holda, shaharlarda uzluksiz temirbeton monolit ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlarni loyihalash va qurish zarurati muayyan tadqiqot ishlarini amalga oshirilishini hamda ratsional yechimlarni ishlab chiqilishini talab etadi. Monolit temirbeton konstruksiya mustahkam va uzoqqa bardoshli, shuningdek yuqori mustahkamlik ko‘rsatkichlarga ega [7, 8].

2023 yilning 6 fevral Turkiyaning janubi-sharqida 7,8 magnitudali hamda Suriyada ham kuchli zilzilalar sodir bo‘ldi. Turkiyada “Asr falokati” deb atalayotgan yer silkinishi oqibatida 100 mingdan ortiq bino va inshootlar vayron bo‘lgani aniqlangan. Zilzila oqibatida vafot etganlar soni Turkiyada 46000 nafar, Suriyada esa 9112 nafardan oshgan. Tan jarohati olganlar soni (Turkiya – 108 068 nafar, Suriya – 27642 nafar) deb qayd etildi. Jahon avtomobil yo‘llaridagi ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlarning zilzilabardoshligini ta’minlash, seysmik xavfli hududlarda yirik ko‘priklarni hisoblash va loyihalash usullarini takomillashtirish muammolarini yanada chuqurroq tadqiq etishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu borada yo‘l infratuzilmasidagi ko‘priklarining o‘zaro ta’sir qiluvchi elementlarini “asos – poydevor – tayanch – tayanch qismi – oraliq qurilma” konseptual ilmiy yondashuvida o‘zaro ta’sir etuvchi yaxlit tizim sifatida ko‘rilib, seysmoizolyatsiyani qo‘llash imkoniyatlarini asoslash va haqiqiy zilzila yozuvlari asosida uzluksiz temirbeton ko‘priklarning seysmohimoyaviy tayanch qismlarining parametrlarini tanlash usullarini ishlab chiqish nazariy va amaliy tadqiqotlarning asosiy zarur

masalalaridan biri bo‘lib hisoblanmoqda.

3-rasm. Uzluksiz temirbeton ko‘priklarning 3D ko‘rinishi

Hozirgi kunga kelib Toshkent va Samarqand shaharlari Markaziy Osiyoning megapolislaridan bo‘lib, eng yirik shaharlari qatorida turadi. Bu shaharlarda transportning harakat tezligi va oqimi 2-3 barobar oshgan, ko‘chalarida esa har kuni 700-800 mingdan ortiq avtomobillar harakatlanadi. Buning samarasida, yo‘l infrastrukturasi, transport inshootlari obyektlari, shu jumladan ko‘priklar, yo‘lo‘tkazgichlar va metropolitenlar qurilishi hozirgi zamon talablarini tashkil qiladi.

4-rasm. Samarqand shahridagi uzluksiz temirbeton ko‘prikning 3D umumiy ko‘rinishi

Zilzilalar akselerogrammalari bo‘yicha inshootlarni dinamik hisoblashlarni bajarish masalasi zilzilabardosh qurilishni dunyo amaliyotidagi bugungi kunining eng asosiy masalasidir [9]. Shunga ko‘ra seysmogrammalarning mavjud yozuvlari asosida ko‘prik va yo‘lo‘tkazgichlarni zilzilalar ta’siriga hisoblash ishlarini bajarish uchun mo‘ljallangan tegishli uslub va dasturiy vositalarni ishlab chiqishga katta zarurat yuzaga kelgan. Shuni ta’kidlash joizki, bunday hisoblashlar seysmoso‘ndirish va seysmoizolyatsiyalash tizimlarini loyihalashda, ko‘p oraliqli yirik ko‘priklarni, noyob binolar va boshqa muhim obyektlarni hisoblashda, inshootlarning shikastlanuvchanligini baholashda ahamiyatiulkandir.

Hozirgi vaqtda hisobiy akselerogrammalarni modellashtirishda ikkita qarama-qarshi yondashuv hosil bo‘lgan: birinchisi, qurilish maydonchasi uchun seysmik ta’sirni modellashtirish; ikkinchisi, inshoot uchun ta’sirni modellashtirish. Seysmoizolyatsiya parametrlarini tanlab olish maqsadida, ko‘rib chiqilayotgan seysmik himoya tizimlari samaradorligini aniqlashga imkon yaratuvchi zilzilalar akselerogrammalari bo‘yicha turli xil tizimlarni hisoblash ishlarini bajarish talab qilinadi.

Ma’lumki, Respublika hududining aksariyat qismi seysmik xavfli zona hisoblanadi. Shuning uchun ko‘prik, yo‘lo‘tkazgich va estakadalarni loyihalash va qurish ishlariga yuqori talablar qo‘yilmoqda [10]. Toshkent zilzilasidan so‘ng seysmik nuqtai nazardan xavfli hududlarning yer qa’ridagi tuzilishini o‘rganishga oid kompleks izlanishlar, hamda bino va inshootlarning buzilish darajalarini tahlili amalga oshirildi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, kelgusida barcha shahar sharoitidagi yo‘l o‘tkazgichlar oldindan zo‘riqtirilgan temirbetonning yangi texnologiyalaridan foydalangan holda qurilishi ko‘zda tutilgan. Bunday konstruksiyalar egilishga yaxshi ishlashi, darzbardoshliligi, yuqori sifatli beton markalari va armatura sinflaridan foydalanganligi bilan boshqa an’anaviy yig‘ma ko‘prik konstruksiyalaridan farqlanadi.

Afsuski, transport inshootlari qurilish sohasida, mamlakatimizdagi loyihalash institutlarida ko‘priklarni zilzilabardoshlikka hisoblash ishlarida xaqiqiy zilzilalarning yozuvlaridan foydalanmaydilar va O‘zbekiston hududining tafsilotli seysmikligiga oid ma’lumotlar bo‘lmagani sababli chiziqli-spektral hisob-kitoblar bilan kifoyalanadilar. Shuning uchun, ko‘prik inshootlarining kafolatlangan seysmik xavfsizligini ta’minlash uchun, eng katta chastotalari qurilish maydonchasi tavsiflariga yaqin keladigan avvalgi zilzilalarning yozuvlari to‘plamlaridan foydalangan holda, loyihaviy hisoblash ishlarini amalga oshirish kerak bo‘ladi.

Adabiyotlar:

1. U. Shermukhamedov, I. Mirzaev, A. Karimova & D. Askarova. Calculation of the stress-strain state of monolithic bridges on the action of real seismic impacts // 1st Internatio nal Scientific Conference “Modern Materials Science: Topic al Issues, Achievements and Innovations” (ISCMMSTIAI-2 022), (Tashkent, Mart 4-5, 2022). pp. 314-321. (Scopus).

2. Shermukhamedov, U., Karimova, A., Abdullaev, A., & Hikmatova, I. (2023). Calculation of monolithic bridges ta king into account the seismic conditions of the Republic of Uzbekistan // The international scientific conference “Constr uction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Enginee ring – CONMECHYDRO 2022”, August 23-24. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 365, p. 02005). EDP Sciences.

3. Shermukhamedov, U., Karimova, A. (2022). Соврем енные подходы проектирования и строительства мостов и путепроводов в Республике Узбекистан. Science and in novation, 1(A8), 647-656.

4. Shermuxamedov U.Z, Karimova A.B., Hakimova Ya .T. Real seysmogramma yozuvlari ta’sirida uzluksiz monolit ko‘prik konstruksiyalarining dinamik tahlili // Международ ный научный журнал «Научный импульс», №3 (100), час

ть 1, Октябрь, 2022. – с. 291-296.

5. Shermuxamedov U.Z., Karimova A.B. & Abdullayev A.R. Shahar yo‘l transporti infrastrukturasini rivojlantirishda zamonaviy monolit ko‘priklar va yo‘l o‘tkazgichlarni loyihal ash va qurishning o‘ziga xos xususiyatlari // Transportda res urs tejamkor texnologiyalar. Xorijiy olimlari ishtirokidagi re spublika ilmiy – texnika anjumani maqolalari, TDTrU. 2021, 18-19 dekabr. – 210-215 b.

6. Шермухамедов У.З., Каримова А.Б. & Солижонов М.М. Анализ динамики конструкций монолитных мосто в на действие реальных записей сейсмограмм // “Yosh il miy tadqiqotchi” I xalqaro ilmiy-amaliy anjumani, TDTrU. 2 022-yil 1-2 Aprel, - 117-121 б.

7. Шермухамедов У.З., Каримова А.Б., Тайиров Ш. Ш. Пространственный расчет неразрезных железобетон ных мостовых конструкций на действие сейсмических в оздействий // Журнал “Проблемы механики”, №1, Volum e 31. Ташкент, МИСМИ. 2023. – с 75-84.

8. Каримова А.Б. Uzluksiz temirbeton ko‘prik va yo‘lo ‘tkazgichlar fazoviy konstruksiyalarining seysmodinamikasi da chekli elementlar usulini qo‘llash // Журнал “The scientif ic journal of vehicles and roads”, №3, Issue 3. Ташкент, 202 3. – с 32-38.

9. Шермухамедов У.З., Зокиров Ф.З., Абдуллаев А.Р ., Каримова А.Б. Обоснование эффективности неразрезн ых (монолитных) мостов и путепроводов в условиях Рес публики Узбекистан // Научные труды международной н аучно – технической конференции с участием зарубежн ых ученых “Ресурсосберегающие технологии на транспо рте”, ТГТрУ. 2022, 2-3 декабрь. – с. 290-295.

10. Каримова Анора Бахтиеровна, Озоджонов Жавоҳ ир Турсунназар ўғли. Шахар ра транстпорташ инфрастр уктуреша уровенаша балан кадан баруй замонба земонда алиш намешудаги манолит куприко рая мегузарондаги п роект и сохтана худашба мос хосиятош // Educational Res earch in Universal Sciences. (ISSN 2181-3515 volume 2, sp ecial issue 4 june 2023, pp. 188-193).

TRANSPORT INSHOOTLARI EKSPLUATATSIYASIDAGI KAMCHILIK VA NUQSONLAR. TAHLILLAR, MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

Shermuxamedov Ulugbek Zabixullayevich, texnika fanlari doktori, professor
Barotov Ashurali Ixtiyor o‘g‘li, magistratura talabasi
Toshkent davlat transport universiteti

Maqolada zamonaviy ko‘priklarning ekspluatatsiyasiga xavf tug‘duruvchi omillar va ularning ta’siri natijasida sodir bo‘ladigan nuqson va shikastlanishlar haqida ma’lumotlar va tahlillar keltirilgan. Bundan tashqari ko‘priklar gidroizolyatsiyasining barcha turlari, shuningdek uni tartibga solish uchun ishlatiladigan materiallar va texnologiyalar, bugungi kundagi gidroizolyatsiya tizimidagi kamchiliklar va ularni oldini olish maqsadida tavsiyalar yoritilgan.

Tayanch iboralar: ko‘priklar va yo‘l o‘tkazgichlar, deformatsiya, nuqson, gidroizolyatsiya.

В статье представлена информация и анализ факторов, угрожающих эксплуатации современных мостов, а также дефектов и повреждений, возникающих в результате их влияния. Кроме того, освещены все виды гидроизоляции мостов, а также материалы и технологии, используемые для ее регулирования, недостатки современной системы гидроизоляции и рекомендации по их предотвращению.

Ключевые слова. Мосты и путепроводы, деформация, дефект, гидроизоляция.

The article contains information and analysis about the factors that threaten the operation of modern bridges and the defects that occur as a result of their influence. In addition, all types of waterproofing of bridges, as well as materials and technologies used for its regulation, shortcomings of today’s waterproofing system and recommendations for their prevention are covered.

Keywords. Bridges and overpasses, deformation, defect, waterproofing.

Kirish. O‘zbekistonda yangi tranport inshootlarini loyihalash va qurish hamda ularni ekspluatatsiya qilish ishlari jadal sur’atlar bilan amalga oshirilmoqda. Oxirgi yillarda yurtimizda zamonaviy usulda qurilayotgan ko‘prik inshootlari shaharlarimiz arxitekturasini yanada rivojlantirishga katta turtki bo‘layapti. Shuni aytishimiz mumkinki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tashabbusi bilan mamlakatimiz aholisiga yanada qulaylik yaratishga xizmat qiladigan yangi transport inshootlari, jumladan, ko‘priklar va yo‘l o‘tkazgichlar barpo etishga katta e’tibor qaratilmoqda. Bugungi kunda yurtimizda 1512 ta yaroqsiz va avariya holatidagi ko‘priklar mavjud.

Bunday ko‘priklar rekonstruksiyasi uchun O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Avtomobil yo‘llari va ko‘priklarini, yo‘l o‘tkazgich va boshqa sun’iy inshootlarini qurish hamda foydalanishni tashkil etish tizimini takomillashtirish to‘g‘risida”gi PQ-3309-sonli qarori qabul qilindi. Bu esa o‘z navbatida shahrimizning zamonaviy qiyofasini shakllantirishda o‘zining munosib o‘rnini qo‘shmoqda [1].

Bundan tashqari buning yana bir muhim jihati shuki, hozirgi vaqtda loyihalanib qurilayotgan ko‘prik inshootlarining yangi turdagi, ya’ni qurilishi jihatidan noan’anaviy uslubda bo‘lib statik sxemasiga ko‘ra monolit, arkali, vantli va shunga o‘xshash turdagi ko‘priklar qurilishi bu sohadagi islohotlarning besamar emasligini ko‘rsatmoqda.

Ko‘prik oraliq qurilmasi va tayanchlari betoni atrof-muhitdagi namlikdan va sizib chiquvchi suvlardan himoyalanadi, buning natijasida betonda buzilishlar bo‘lmaydi, armaturani zanglashdan saqlaydi. Zamonaviy qurilishda ko‘prik inshootlarini qurish uchun turli xil materiallar qo‘llaniladi, masalan, metall, po‘lat, beton. Mamlakatimizda aksariyat konstruksiyalar po‘lat va temirbeton elementlar asosida ishlab chiqariladi. Shuni ta’kidlash kerakki, har qanday materiallar suv ta’sirida sezilarli darajada shikastlanishi mumkin. Yog‘och, namlik bilan aloqa qilganda, yumshoqroq bo‘ladi va chiriy boshlaydi, metall konstruksiyalar korroziyaga uchraydi va g‘ovakli tuzilishi tufayli beton turli zararli moddalarni

o‘tkazib yuborib shikastlanishi mumkin [2].

Asosiy qism. Hozirgi davrda yurtimizda ekspluatatsiya qilinayotgan ko‘priklar va yo‘l o‘tkazgichlarning asosiy qismi XX-asrning oxirlarida qurilib foydalanishga topshirilgan. Bugungi kunda avtomobil ko‘prik inshootlarning umumiy soni 14863 tani tashkil etadi. Bu ko‘priklarning aksariyati (5500 ta) o‘zining mustahkamlik, chidamlilik va yuk ko‘tarish qobilyatini yo‘qotib bo‘lganligiga qaramasdan hali hanuzgacha ulardan foydalanish davom etmoqda (1-rasm). Undan tashqari, bu ko‘prik inshootlari uchun asosiy muammolardan biri esa gidroizolyatsion tizimning tezda shikastlanishi hisoblanadi. Buning natijasida ko‘prik o‘zining turg‘unligini saqlay olmaydi.



1-rasm. Ekspluatatsiyadagi ko‘priklar holati diagrammasi

Yuqorida ta’kidlab o‘tilganidek, ekspluatatsiyadagi ko‘priklarning aksari o‘tgan asrda foydalanishga topshirilgan. Ulardagi nuqsonlarning yana biri oraliq qurilmaga o‘qdan tushadigan yuk miqdorining ortishi hisoblanadi. Turli yillar oralig‘ida oraliq qurilmaga tushadigan vaqtinchalik yuk miqdori turlicha bo‘lgan, yillar davomida bu miqdor oshishni davom etmoqda (1-jadval). Bu esa o‘z navbatida shikatlanishlarning yana bir sababi bo‘lib xizmat qilmoqda.

1-jadval

O‘qdan tushayotgan vaqtinchalik yuk sinfining yillar kesimidagi miqdori

Qabul qilingan yili	Yuk sinflari	Amaldagi vaqti
1891	8.2t	1902–1906
1906	22t, 15t, 530	1906–1913
1910	22t, 15t, 530 Kd = (1 + μ)	1910–1913
1913	9t, 15t, 530	1913–1922
1922	10.7t, 15t, 530	1922–1927
1926	H1, H8	1927–1931
1931	H10, H8, H6, H4, H2.5, H1.5, T20	1931–1938
1938	H13, H10, H8, T60 va T25	1938–1943
1943	H13, H10, H8, T60 va T25	1943–1948
1948	H13, H10, H8, NG60 va NG30, T-13 va T-11	1948–1953
1953	H13, H10, H8; H18 НГ60 va НГ30, T-13 va T-11	1953–1962
1962	H30 va НК-80, N10 va НГ60	1962–1984
1984	A11 va НК-80, A8 va НГ60	1984-1997
1997	A11 va НК-80, A8 va НГ60	1997-2012
2012	A14 va НК-100	2012-2022
2022	A14 va НК-100	2022- h.v.



2-rasm. Oraliq qurilmaga ta’sir etuvchi yuk miqdorining o‘sish gistogrammasi

Beton qoplamaning holati ***tashqi va ichki omillarga*** ta’sir qiladi. **Birinchi turga** kimyoviy, fizik va biologik ta’sirlar, ya’ni shamol, suv oqimlari, kimyoviy moddalar yoki mikroorganizmlar bilan yuzaki aloqa qilish kiradi. **Ikkinchi xil omillarga** materialning chuqurligida sodir bo‘ladigan jarayonlar kiradi. Avvalo, biz ba’zi moddalar o‘rtasida sodir bo‘ladigan kimyoviy reaksiyalar haqida gapiramiz. Materialga chuqur kirib borgan modda qanchalik tajovuzkor bo‘lsa, zarar shunchalik aniq bo‘ladi. Betonning korroziyasi atmosferadan bo‘lishi yoki suyuq muhitda paydo bo‘lishi mumkin, bu konstruksiyaning yaxlitligi uchun bir xil darajada xavflidir. Ko‘prik konstruksiyasi ishlab chiqarilgan materialga gidrofobik ishlov berish turli omillar ta’sirida buzilishini oldini oladi. Shu bilan birga, qo‘llaniladigan gidroizolyatsiya muntazam ravishda shikastlanish uchun tekshirilishi va kerak bo‘lganda yangilanishi kerakligini unutmaslik kerak. Gidroizolyatsiyani ta’mirlash murakkabligi uchun zarur bo‘lgan vaqt ichida, u yoki bu ixtisoslashtirilgan uskunadan foydalanishda farq qilishi mumkin va uning xususiyatlari, birinchi navbatda, ko‘priklarni gidrofobik ishlov berish uchun tanlangan materiallar bilan bog‘liq. Buning uchun qanday materiallardan foydalanish kerak? Ko‘prik konstruksiyalarini gidrofobik tozalash juda murakkab jarayon bo‘lib, u konstruksiyada harakatlanishni to‘xtatish va og‘ir uskunalardan foydalanishni o‘z ichiga oladi [3].

Qurilish hududining klimatik sharoitlariga bog‘liq holda gidroizolyatsiyaning turli tiplari qo‘llaniladi. Masalan, **bitum mastikali BM–1** indeksli gidroizolyatsiya barcha klimatik zonalarda qo‘llanilishi mumkin. Bu gidroizolyatsiya qaynoq holda surtiladigan to‘rt qatlam bitum mastikasidan va uch qatlam shishamato yoki lyon jun-kanop matosidan iborat. Bitum mastikasining oxirgi (tekislovchi) qatlami ustiga sement-qum qorishmasi yoki mayda donali betondan iborat himoya qatlami yotqiziladi. Bu qatlam diametri 2÷4mm, yacheyka o‘lchamlari 45÷75mm bo‘lgan simdan tayyorlangan setka bilan armaturalanadi [4].

Izol rulonli gidroizolyasiya (indeksi IR) yumshoq iqlimli hududlarda qo‘llaniladi. Bu izolyatsiya asosiy bo‘lmagan rulonli izol va sovuq izol mastikadan iborat. Izol mastikaning ichida armaturalangan qatlam bo‘ladi va u rulon qatlamlari orasiga yopishtiriladi [5].



3-rasm. Izolyatsiya qilishning variantlari: a) bitum mastika (BM–1); b) rulonli izolyatsiya (IR); 1-himoya qatlami; 2-bitumli gruntovka; 3-bitumli mastika; 4-armaturalovchi material; 5-izolli gruntovka; 6-rulonli izol; 7-izolli mastika

Ballast koritasining izolyatsiyasi quyidagi talablarni bajarishi shart:

b)

d)

4-rasm. Ko‘priklar va yo‘l o‘tkazgichlardagi nuqson va shikastlanishlar (Buxoro viloyati) gidroizolyatsion tizimning yaxshi ishlamasligidan kelib chiquvchi ta’sir; b) ishchi armaturaga ta’sir etuvchi nuqson va shikastlanishlar; c) sho‘rlanishning konstruksiyaga ta’siri; d) ko‘prik plotnosining buzilishi

2-jadval

Tekshiruv hisoblari uchun asosiy hisobiy formulalar jadvali

Element material	Metall	Yog‘och	Tosh	Beton	Temirbeton
Cho‘zilishga	$N \le A_n R_n \gamma_c$	$N < A_n R_p$	$N < A_n R_p$	$N < A_\delta R_{bt}$	$N < R_a A_a$
Mustahkamlikka	$N \le A_n R \gamma$	$N \le A_n R_c$	$N < m_g \varphi R A$	$N < \alpha A_b R_b$	
Ustuvorlikka	$N \le \varphi A R \gamma$	$N < \varphi A_p R_c$			
Egilishga	$M < W_{min} R_y \gamma_c$ $Q \le (It R_s \gamma_c)/S$ $f < [f]$	$M < WR\mu$ $Q \le (I_{бр} b R_{ck})/S_{бр}$ $f < [f]$	$M \le R_{tb} W$ $Q \le 2/3(R_{tw} bh)$	$M < \alpha R_{bt} W_p$ $W_{pl} < bh^2/3{,}5$	$M \le R_b b_h (h_0 - 0{,}5x) + R_a A_a (h_0 - a')$ $Q \le 0{,}34 \varphi_{wl} \cdot \varphi_{bl} \cdot R_b \cdot bh_0$ $f < [f]$
Nomarkaziy cho‘zilishga	$(N/A + R\gamma)^n + M/cW \cdot R\gamma < 1$ $N/A + M/W \le R\gamma$	$N/A + MR_p/WR_\mu < R_p$			$N_e < R_a A'_a (h_0 - a')$ $N_{e'} < R_a A_a (h_0 - a')$
Mustahkamlik sharti	$N/A + M/W \le R\gamma$	$N/A + M/W \le R_c$	$N < m_g \cdot \varphi_1 \cdot R \cdot A_c \cdot a$ $A_c < A(1 - 2l_0/h)$	$N \le R_b \cdot A_b$	$N_e = Rbx\,(h_0 - 0{,}5x) + R_a A'_a (h_0 - a')$
Ustuvorlilik sharti	$N < \varphi_e \cdot A \cdot R_y \cdot c$				

Izoh: N, M – tegishli elementning hisob-kitob qilinayotgan kesimidagi kuch va moment; h_0- tegishlicha kesimning balandligi; A, W – tegishlicha element yoki armatura kesimining yuzasi va momenti; P – element materialining hisobiy qarshiligi; m – to‘sin devorining qalinligi; e – eksentrisitent ; x – siqilgan zonaning balandligi ; φ, γ, м, ω - koeffitsiyentlar.

Tahlil va mulohaza. Ko‘priklarning ekspluatatsion holatini aniqlash, ularni baholash va ularning holati ustidan tahlil yuritish maqsadida maqolada Buxoro viloyatida joylashgan ko‘priklar va yo‘l o‘tkazgichlar vizual ko‘rikdan o‘tkazildi (4-rasm).

Ko‘priklarning vizual nazorati amalga oshirilganidan so‘ng ularning yuk ko‘tara olish qobilyati aniqlanadi. Quyida berilgan 2-jadvalda konstruksiyalarning yuk ko‘tara olish qobilyatini aniqlash uchun asosiy formulalar berib o‘tilgan [6].

Hududdagi kuzatuvlar natijasida shuni aytish mumkinki, ko‘priklardagi asosiy nuqson va shikatlanishlar quyidagicha taqsimlanadi.



5-rasm. Buxoro viloyatidagi ko‘priklarning kuzatuvi natijasida aniqlangan nuqson va shikastlanishlarning taqsimlanishi

Bunday nuqsonlar esa o‘z navbatida konstruksiyaga jiddiy zarar yetkazadi. Yoriqlar yo‘llar hisoblanib ular konstruksiyaga suvni kirishini ta’minlab beradi. Suv esa o‘z navbatida tarkibida xlorid ionlari mavjud bo‘lgan kimyoviy yemiruvchilarni konstruksiyaga olib kirib, betonning karbonatlanishiga olib keladi. Karbonat angidrid (CO_2) betonga kirib, kaltsiy bilan reaksiyaga kirishib, kaltsit birikmalarini hosil qiladi. ($CaCO_3$). Bu esa temirbetonning pH qiymatini pasaytirilishiga olib keladi [7-8].

Betonning pH qiymati taxminan 9 ga tushirilganda uglerod po‘latdan yasalgan armatura passivlashtiruvchi plyonkani yo‘qotadi va korroziya paydo bo‘ladi, keyin esa zang paydo bo‘ladi. Zangdan iborat qatlam kattaroq hajmni egallaydi. Buning natijasida beton matritsaga ichki bosim o‘tkazadi, bu esa parchalanishga olib keladi ya’ni konstruksiyada yoriqlar hosil bo‘ladi [9-10].

Xulosalar

Xulosa o‘rnida shuniaytish mumkinki, yuk ko‘taruvchi, asosan oldindan zo‘riqtirilgan ko‘prik konstruksiyalarida yuqori mustahkamlikka ega betonlarni qo‘llash maqsadga muvofiq bo‘ladi.

✓ Ko‘prik oraliq qurilmasi va tayanchlari betoni atrof-muhitdagi namlikdan va sizib chiquvchi suvlardan himoyalansa, buning natijasida betonda buzilishlar bo‘lmaydi, armaturani zanglashdan saqlaydi.

✓ Bitumli suv o‘tkazmaydigan materiallarni qo‘llab betoni atrof-muhitdagi namlikdan saqlab uning xizmat muddatini ikki marotaba oshirish mumkin bo‘ladi.

3.Бродач М.М. Изопериметрическая оптимизация солнечной энергоактивности зданий. - Гелиотехника 2, Ташкент, 1990.

4.Бродач М.М. Энергетический паспорт зданий /

АВОК, 1993, № 1/2.
5. Klaus Daniels, "The Technology of Ecological Building", Birkhauser-Verlag fur Arhitektur, Basel, 1997.
6.Павлычева Е.Аю, Пикалов Е.С.Современные энергоэффективные конструкционные и облицоврчные строительные материалы// Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований -2020, -№7 – с.76-87

ПАРРАНДАЧИЛИК БИНОЛАРИДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ҲАВО АЛМАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Сатторов А.Б., Ж.А.Абдукаримов, докторант
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра юқорида айтиб ўтилган камчиликларни инобатга олган ҳолда паррандачилик биноларининг микроиқлимини таъминловчи энергия тежамкор сувни тўлиқ буғлаб ҳаво совутувчи қурулма таклиф этилди.
Калит сўзлар: вермикулит, насадка, сув буғлаш, тунелли шамоллатиш.

В результате проведенных исследований, с учетом вышеперечисленных недостатков, было предложено полностью закрыть энергосберегающую систему водяного и воздушного охлаждения, обеспечивающую климат хозяйственного здания.
Ключевые слова: вермикулит, насадка, испарение воды, туннельная вентиляция.

As a result of the conducted research, taking into account the above-mentioned shortcomings, it was suggested to completely close the energy-saving water and air-cooling system that provides the climate of the farm building.
Key words: vermiculite, nozzle, water evaporation, tunnel ventilation.

Паррандачилик биноларида микроиқлим яратишда бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Яъни бино жойлашган ҳудуд иқлимига, бинодаги паррандалар сони ва турига, паррандачилик биноси ҳавосининг алмашинувига, бинонинг иситиш тизимига, бино тўсиқ конструкцияларининг иссиқликни сақлаш хусусиятига, паррандаларни сақлаш қафасларининг жойлашувига ва бошқа шунга ўхшаш омилларга боғлиқ бўлади.

Очиқ паррандачилик биноларидан ҳозирда кунда фақат иссиқ шароитида фойдаланиш мумкин. Иссиқ мамлакатларда бўлишининг асосий сабаби, йил давомида бир-хил ўзгармас ҳарорат бўлади. Бу тарзда лойихалаштирилган паррандачилик биноларида деярли бино ичидаги ҳаво ҳарорати била ташқи ҳавонинг ўртасида фарқ бўлмайди. Бу каби паррандачилик биноларида лойиҳалаштиришда бино шарқ ва ғарб томонларга йўналтирилган бўлади. Бундай жойлаштиришга сабаб қуёшга нисбатан тескари жойлашади ва бинога қуёшнинг тўғридан иссиқлик узатилишининг олди олинган. Бунда паррандачилик биноларининг томларининг бошланиш баландлиги ер сатхидан 0.80-1,20 метр оралиғида лойихалаштирилади. Томёпмани қилишдан асосий мақсад паррандаларни қуёш нуридан химоя қилиш бўлади (1-(а)расм). Қуёшдан келаётган иссиқликнинг паррандаларга таъсирини камайтириш мақсадида бинонинг том қисмининг энг юқори баландлиги камида 3,5 м баландликда қурулади ҳамда иссиқлик ўтказувчанликга қарши материаллар билан қопланади. Паррандачилик биноларининг том қисмининг қуёш нури тушадиган томонига оқ ранг берилади, бу қуёш нурининг ютилиш даражасини 15-20% га камайтиришга имкон туғдиради. Бу каби паррандачилик биноларида бино ён деворларининг ердан баландлиги 2метргача бўлиб, қолган қисми металдан тайёрланган сим тўрлардан тайёрланган махсус тўсиқ билан ёпилади (1(б)-расм). Ташқи ҳавонинг ўзгаришига қараб, бинонинг ён томонларини ёпиб микроиқлимни ҳосил қилиш учун махсус ёпгич (парда) лардан фойдаланилади.



а) б)

1-расм Очиқ паррандачилик биноларида табиий хаво ҳаракати схемаси

Бироқ ҳозирги кунда бу турдаги паррандачилик бинолари иқтисодий томондан (електр енергияси сарфи, қурилиш жараёнида кам харажатлилик) тежамкор бўлиши мумкин лекин, ҳар доим ҳам қониқарли мўтадил иқлим яратишга хизмат кўрсата олмайди. Чунки, ташқи ҳаво харорати, намлик ва бошқа зарарли моддалар хам тўғридан-тўғри кириб келади. Ҳамда йил давомида ташқи ҳаво ҳарорати нисбатан ўзгармасбўлганда ҳам бино ичидаги микроиқлимни бир-хилда сақлаб туришнинг имкони йўқ.

Паррандачилик биноларини бу каби усуллар ёрдамида микроиқлимини таминлаш кўп ҳолларда ташқи муҳит иқлимига ва ташқи ҳаво параметрларига боғлиқ бўлганлиги учун бундай вентиляция тизимидан тўлиқ фойдалана олиш қийин ва бунинг натижасида парранда соғлиғига ва махсулотдорлигига таъсир қилади. Чунки, ташқи атмосфера ҳавосининг ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳавонинг тезлиги йил давомида бир-хил булмаганлиги сабабли бино ички микроиқлимини тўлиқ таъминлаб бера олмайди. Шу каби муаммоларни инобатга олган ҳолда бугунги кунга келиб паррандачилик биноларининг ички микроиқлим параметрларини таъминлаш асосан механик (суний) вентилятсия тизимлари ёрдамида амалга ошириб келинмоқда.

Паррандачилик бинолрини бинонинг том

(юқори) қисмидан босим билан шамоллатишда хонага кирувчи ҳамда ортиқча иссиқлик ва зарарли газларнинг хонадан чиқишини таъминлаб берувчи ҳаво берувчи ва сўрувчи вентиляторлари ёрдамида амалга оширилади. 2-расмда йилнинг иссиқ мавсумида паррандачилик биноларига ҳаво сув ёрдамида намлаб совутилиб бинонинг юқори қисми том ёпмасидан вентиляторлар ёрдамида берилиши кўрсатилган.



2-расм. Паррандачилик биноларини юқоридан босим билан шамоллатиш усули

Паррандачилик биноларини бинонинг пастки томондан ҳаво бериб шамоллатиш тизими асосан шамоллатиш жараёни сезиларли даражада ҳароратлари фарқи бўладиган паррандачилик биноларида қўлланилади. Бу каби шамоллатиш тизимлари асосан паррандаларни қафасларда қаватларга бўлиб парвариш қилиш қилинадиган паррандачилик биноларида қўлланилиб келинмоқда. Ушбу турдаги шамоллатиш тизимларида зарарланган ҳавони ташқарига олиб чиқиш вентиляторлари паррандачилик биносининг бир томонида жойлаштирилган бўлиб, бинони ташқи тоза ҳаво билан таъминлаш дарчалари бинонинг сўрувчи вентиляторлари ўрнатилган тамонининг қарама-қарши тамонига бинонинг пастки қисмига ўрнатилган бўлади (3-расм).



3-расм. Паррандачилик биноларини паст томондан шамоллатиш усули

Қуруқ иссиқ иқлим шароитларида тунелли паррандачилик биноларидан фойдаланишнинг самарадорлиги айниқса тухум учун мўлжаллаб парваришланадиган паррандачилик биноларида жуда қўл келади (4-расм). Тунелли усулда шамоллатиладиган паррандачилик биноларида ортиқча иссиқлиги мавжуд, зарарланган ҳавони сўриб чиқарувчи вентиляторлар бинонинг бир томонида, нисбий намлиги юқори ва ҳарорати паст бўлган тоза ҳаво тирқичлари вентиляторга қарама-қарши томонига ўрнатилади. Лекин сўрувчи вентиляторлар тасирида бино ичидаги ҳаво ҳаракатининг ўзгариши паррандаларга таъсир кўрсатмасдан, зоогигиеник талабларга жавоб беришини инобатга олиш зарур бўлади.



1.4-расм. Паррандачилик биноларини тунелли шамоллатиш усули

Олиб борилган таққослашлар натижаларига кўра, паррандачилик биноларида механик усулда ҳаво алмаштириш тизимлари бинонинг ички ҳаво параметрларини нормаллаштириб микроиқлимни яхшилаш учун қанчалик мақбул ечим бўлмасин, паррандачилик биноларида таъминланиши керак бўлган микроиқлим параметрларини сутка давомида бир хил талаб даражасида таъминлашнинг имкони йўқ. Чунки деганда, кундуз куни ва тундаги ҳароратлар фарқлари эвазига бундай талабларни қондириб микроиқлимни таминлашнинг имкони қийин ортиқча сарф харажатни талаб қилади. Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун йилнинг совуқ мавсумида кам миқдорда шамоллатиш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Паррандачилик биноларини кам миқдорда шамоллатиш жараёнида бинонинг ички ҳаво муҳитидаги газлар, ортиқча иссиқлик ҳамда ортиқча намлик таъсирида зарарланган ҳавони ташқарига сўрувчи вентиляторлар орқали чиқариб ташлаб унинг ўрнини кам миқдорда ташқи тоза ҳаво билан таъминлашдан иборат.

Адабиётлар:

1. Айматов Р.А. Бобоев С.М., Алибеков Ж. Газ таъминоти. Ўқув қўлланма. Тошкент. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003 йил.

2. Бобоев С.М., Айматов Р.А., Айматов Р. Саноат корхоналарида табиий газ ёқилғисидан тежамкорликда фойдаланишга эришиш. (Самарқанд чинни буюмлар ишлаб чиқариш заводи мисолида). Июнь 2005 йил конференция материаллари.

3. Сайдуллаев, СР; Сатторов.А.Б. “Ананавий қозонхона ўчоқларида ёқилғи сарфини таҳлил қилиш ва камчиликларини бартараф этиш” Научно-методический журнал “Uz Akademia, 2020.

4. Sattorov.A.B. “Use and analysis of gaseous fuels in industrial furnaces producing ceramics and building materials” Science and Education, 2020.

5. Сатторов, АБ. “Сопол буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат печларида газ ёқилғисидан фойдаланиш ва таҳлил қилиш”. ООО «Open science». Science and Education, 2020.

ПАРРАНДАЧИЛИК БИНОЛАРИДА ҲАВОНИ СОВУТИШ ҚУРУЛМАСИНИ СИНАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСБОБ УСКУНАЛАР

Бобоев С.М., профессор т.ф.д, **Сатторов А.Б.,** докторант
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети

Яратилган ускунанинг иш самарадорлигини аниқлашда ташқи ҳавонинг турли хил параметрлари қабул қилинди. Ускунага кириш ва чиқишдаги ҳаво параметрларини турли хилдаги замонавий қурулмалар ёрдамида аниқланди.
Калит сўзлар: вермикулит, термоанимометр, психрометр, форсунка

Для определения эффективности созданного оборудования были приняты различные параметры наружного воздуха. Параметры воздуха на входе и выходе оборудования определялись с помощью различных современных приборов.
Ключевые слова: вермикулит, термоанимометр, психрометр, насадка.

Various parameters of the outdoor air were taken to determine the efficiency of the created equipment. Air parameters at the inlet and outlet of the equipment were determined using various modern devices.
Key words: vermiculite, *thermoanimometer, psychrometer, nozzle*

Яратилган ускунанинг вермикулит материалидан тайёрланган махсус ҳаво совутувчи қисмига сувни махсус идишдаги таъминот сувидан насос ёрдамида узатиб турилади. Бу ерда сувни қурулмага узатиш жараёни узлуксиз равишда амалга оширилмайди. Фақат вермикулитнинг таркибидаги намликнинг камайишига қараб сув узатилади. Бу ҳаракат ёрдамида биз вермикулитнинг сув шимувчанлиги юқорилиги евазига, таъминот сувининг тўлиб буғланиб ҳаво билан аралашишиб ҳаво намлигини оширишга эришамиз.

Ташқи ҳавонинг ҳароратини аниқлашимиз учун НТС-2 маркали термометрлар фойдаланиб аниқлашга эришилган. Бунда термометр ускунанинг ҳаво кириши жойига, вентилятордан олдинга яни, канал бошига ҳамда вермикулитдан тайёрланган махсус насадкадан кейинга ўрнатиш орқали ҳавонинг киришдаги ва насадкадан кейинги қийматлари аниқланди. Бунда ташқи ҳавонинг параметрларини ҳар-хил қийматларда қабулу қилинди (28, 32, 35, 39, 43℃). Ҳамда ускунанинг ҳаво сотиш қуввати аниқланди.

Яратилган ускуа ёрдамида паррандачилик биносига берилаётган ҳавонинг таркидаги нисбий намлиги билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳавонинг ушбу параметрини аниқлаш учун қурулманинг ҳаво кириш каналининг бош қисмидаги махсус тешигига ТА298 психрометри ўрнатилади. Қурулманинг ишлаш дипазони ҳаво намлигини 10% дан 99% (±5) оралиқни ташкил этиб, ҳароратни ўлчаш чегараси ташқи ҳаво ҳарорати -40°С дан +70°С ни, бино ички ҳаво ҳароратини 0°С дан 50°С гача ораликда аниқлайди. Қурулманинг ўлчами 15х8.8х25 см ни ташкил этади. Ташқи ҳавонинг нисбий намлиги насадкадан кейин намлиги ошгандан кейин ҳамц ўлчаш ишлари худди шу усулда аниқланади. Яъни, қурулма ҳаво чиқиш деворлари махсус тешикларига худди шу ТА298 психрометри жойлаштирилиб ҳавонинг нисбий намлиги аниқланади.



1-расм Вермикулитдан тайёрланган ҳавони намлаб совутиш қурулмасининг умумий .
1-вентилятор; 2-сув насос; 3-сув йиғувчи бак; 4-вермикулитли насадка; 5-қайтувчи сув; 6- таъминот суви; 7-НТС-2-термометр гигрометр; 8- BASETech WT-034 секундомер; 9-чиқувчи ҳаво канали; 10-тесто405и термоанимометр; 11-ТА298-психрометр; 12-тесто405и термометр; 13-ҳаво ҳаракатини мейёрлагич.



2.-расм Қурулманинг ҳаво совутиш қисмининг умумий кўриниши: 1-вентилятор; 2-сув насос; 3-сув йиғувчи бак; 4-вермикулитли насадка; 5-таъминот суви; 6-форсунка

Паррандачилик биноларида микроиқлимни таъминлашимизда бинога берилаётган ҳавонинг ҳажми ҳам муҳим параметр саналади. Бинога берилаётган ҳавонинг хаво миқдорини аниқлашимиз учун, ускунага берилаётган ҳавониг тезлигини аниқлашимиз керак бўлади. Биз бу ўлчов ишларини амалгага оширишда TESTO405i термоанемометридан фойдаланамиз. Биз бу ўлчов асбобимиз билан ҳаво ҳароратининг -20°С дан +50°С бўлган ҳолатларда ўлчов ишларини олиб боришимиз мум-

кин. Ўлчов асбобининг ҳаво тезлигини аниқлаш чегараси 0.....15м/с гачани ташкил қилади. TESTO405i курулмамизнинг ўлчашдаги аниқлаш хатолиги (±0.05м/с дан 0.1 м/с) ни ташкил қилади.

Ўтказилган тажрибалар давомида TESTO405i ўлчов асбобимиз ёрдамида аниқланган ҳаво тезлигининг кўрсаткичларини қуйидаги келтирилган формула формула ёрдамида аниқлашимиз мумкин бўлади.

$$G = 3600 * f * V, \frac{m^3}{s}, \qquad (1)$$

буда f – бинога кирадиган ҳавонинг тезлигини аниқлаш учун курулманинг ҳажми м^3; V-ҳавонинг тезлиги, м/с.

Ишлатиладиган асбоб ускуналар

	Testo 510i манометр ўлчаш чегараси -150...+150 гПа, ўлчаш хатолиги (±0.05 дан ±0.2 гПа) гача, Ишчи ҳарорати -20...+50 °C, ўлчами 148x36x23 мм
	ҳаво намлигини 10% дан 99% (±5) оралиқни ташкил этиб, ҳароратни ўлчаш чегараси ташқи ҳаво ҳарорати -40°C дан +70°C ни, бино ички ҳаво ҳароратини 0°C дан 50°C гача оралиқда аниқлайди. Қурулманинг ўлчами 15x8.8x25 см ни ташкил этади.
	ўлчаш чегараси ташқи ҳарорат -50 дан +70 °C, ички ҳарорат -10 дан +50 °C гача оралиқда аниқликда ўлчайди (ҳарорат ўлчаш хатолиги ±0,1 дан ±0,5°C), нисбий намликни ўлчаш чегараси 20% дан 99% гача оралиқда аниқлайди (ҳаво нисбий намлигини ўлчаш хатолиги ±1,5 дан ±2,5%).
	ҳаво ҳаракатини ўлчаш чегараси 0 дан 15 м/с гача (ўлчов хатолиги ±0,1 дан 0,3 м/с, 5%), ишчи ҳарорати -20 дан +50 °C оралиғида, ўлчами 200x30x41 мм.

Паррандачилик биносига бериладиган ташқи ҳавони қайта ишлаганимиздан кейин, унга яна қайтадан ташқи ҳавонинг аралашмаслиги ҳамда курулмадан қайта ишланиб чиққан ҳавонинг ҳарорати, ҳаво нисбий намлиги ва ҳаво ҳаракатини меъёрлаштиришимиз учун биз ясалган ускунамизнинг ҳаво ҳаракатланувчи каналларини танлаб олишимиз зарур бўлади.

Яратилган курулманинг ҳаво ҳаракатланувчи каналларининг узунлигини 6д деб қабул қиламиз. Биз бу ерда (д) ни курулманинг хаво ҳаракатланувчи диаметри деб қабул қиламиз. Бу диаметрни аниқлашда биз қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда аниқлаймиз.

$$d = \frac{6 * F}{P} \qquad (2)$$

Бунда F -курулма каналининг кўндаланг кесм юзи m^2; P-курулманинг периметри, м.

Яратилган ҳавони мўтадиллаш курулмасининг ён деворлари орқали ташқи ҳаво билан иссиқлик алмашишни камайтириш мақсадида курлма каналлари атрофини иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлган базалт материалидан тайёрланган иссиқлик изолятсияси билан изолятсия қилинди.

Паррандачилик биноларида микроиқлимни таъминлаш учун яратилган энергия тежамкор ускунамизда хавони намлигини ошириб совутиш учун қўлланилган вермикулит материалининг намлик сиғимини аниқлаш ҳамда ташқи ҳавонинг ускуна орқали бинога хаво ҳаракатини ўтказувчанлик хусусиятини аниқлашиз учун, базалт толаларидан панжара кўринишида тайёрланган ўлчами 300x300x300 мм бўлган наъмунадаги хаво совутгичлари тайёрланди ва тайёрланган панжараларнинг ички қисмини сув шимиш хусусияти юқори бўлган ва хаво ҳаракатини яхши ўтказадиган вермикулит билан тўлдирилади. Тайёрланган насадка пастки қисмидан сув йиғувчи сув идишига маҳкамланади.

Адабиётлар:

1. Айматов Р.А. Бобоев С.М., Алибеков Ж. Газ таъминоти. Ўқув қўлланма. Тошкент. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003 йил.
2. Бобоев С.М., Айматов Р.А., Айматов Р. Саноат корхоналарида табиий газ ёқилғисидан тежамкорликда фойдаланишга эришиш. (Самарқанд чинни буюмлар ишлаб чиқариш заводи мисолида). Июнь 2005 йил конференция материаллари.
3. Сайдуллаев, СР; Сатторов.А.Б. "Ананавий қозонхона ўчоқларида ёқилғи сарфини таҳлил қилиш ва камчиликларини бартараф этиш" Научно-методический журнал "Uz Akademia, 2020.
4. Sattorov.A.B. "Use and analysis of gaseous fuels in industrial furnaces producing ceramics and building materials" Science and Education, 2020.
5. Сатторов, АБ. "Сопол буюмлар ва курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат печларида газ ёқилғисидан фойдаланиш ва тахлил қилиш". ООО «Open science». Science and Education, 2020.

ПАРРАНДАЧИЛИК БИНОЛАРИДА МИКРОИҚЛИМНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯРАТИЛГАН ҲАВОНИ СОВУТУВЧИ УСКУНАНИНГ ИШ УНУМДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Сатторов А.Б., докторант **Каримов Э.Т.**
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети

Совутиш ускунаси учун танлаб олинган материалининг юқори сув шимувчанлиги натижасида ташқи кириш хавонинг парметрлари (ҳарорат ва намлик) яхшиланиб, насадкага шимилган сувнинг тўлиқ буғланиши кузатилди.

Калит сўзлар: тўлиқ буғланиш, насадка, ғоваклилик

В результате высокого водопоглощения материала, выбранного для охлаждающего оборудования, были улучшены температура и влажность наружного воздуха, а впитавшаяся в насадку вода полностью испарилась.
Ключевые слова: полное испарение, сопло, пористость.

As a result of the high water absorption of the material selected for the cooling equipment, the temperature and humidity of the outside air was improved, and the water absorbed into the nozzle was completely evaporated.
Key words: total evaporation, nozzle, porosity

Паррандачилик биноларида микроиқлимни таъминлаш учун яратилган энергия тежамкор ускунамизда хавони намлигини ошириб совутиш учун қўлланилган вермикулит материалининг намлик сиғимини аниқлаш ҳамда ташқи ҳавонинг ускуна орқали бинога хаво ҳаракатини ўтказувчанлик хусусиятини аниқлашиз учун, базалт толаларидан панжара кўринишида тайёрланган ўлчами 300х300х300 мм бўлган наъмунадаги хаво совутгичлари тайёрланди ва тайёрланган панжараларнинг ички қисмини сув шимиш хусусияти юқори бўлган ва хаво ҳаракатини яхши ўтказадиган вермикулит билан тўлдирилади. Тайёрланган насадка пастки қисмидан сув йиғувчи сув идишига маҳкамланади. (1-расм). Яратилган ускуна устида тажриба ишларини олиб боришда биз тажрибалар вақтини BACETech WT-034 секундомери билан ўлчаш ишларини олиб борамиз. Ўтказилган тажрибаларнинг хатолик даражаси 0,005с дан 0,007с оралиқларида кузатилди.

1-расм. Вермикулит материалини тадқиқ қилиш.

Паррандачилик биноларинида микроиқлимни таъминлашда сувни буғлантириш йўли билан ташқи хавонинг ҳароратини тушуриб нисбий намлигини оширувчи ускунанинг иш унумдорлигини ҳамда ускунанинг конвекцион иссиқлик алмашиниш ва иссиқлик масса алмашинуви жараёнларини тадқиқ қилишда ускунага берилаётган ташқи хавонинг асосий параметрлари сифатида қуйидаги хаво параметрлари олинган: ускунага узатилаётган ташқи хаво харорат ва нисбий намлик кўсаткичлари, ташқи хаво параметрлари ускуна ёрдамида қайта ишлангандан кейинги ўзгариш кўсаткичлари, яратилган қурулманинг ташқи хавони қайта ишлаш самарадорлиги ҳамда вермикулит материалидан тайёрланган насадканинг сув шимувчанлик қобиляти ва унинг ғоваклилиги.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ускунага берилаётган ташқи хаво параметлари ускунада қайта ишланиб ҳарорат ва нисбий намлик кўрсаткичлари мейёрлаштирилгандан кейин ускунанинг иш самарадорлиги аниқланди ва атрофлича ўрганилди. Тажриба ишларини олиб боришда ташқи хаво параметларининг ҳар-хил кўрсаткичлари қабул қилинди.

Паррандачилик биноларида микроиқлимни таъминлаш учун яратилган энэргия тежамкор хавони намлаб совутувчи ускунанинг ташқи хавога ишлов беришда иш унумдорлигини аниқлаш ишларини қуйидаги кетма кетликда амалга оширамиз:

- вермикулит материалидан тайёрланган насадкага таъминот суви орқали сув бериш бошлангандан сўнг вермикулитнинг сув шимувчанлиги таъсирида насадка юзаси тўлиқ намланиш вақти аниқланади;
- таъминот сувини насатка юзаси бўйлаб тўлиқ намланиш жараёни охирига етгунича оқизиб туриш давом еттирилади;
- ускунага берилаётган ташқи хаво параметрлари ўлчанади ва хар бир олинган ўлчов натижалари қайд қилинади;
- ташқи хавонинг тезлигини анемометр ёрдамида ускунага киришда ва ускунадан чиққанидан сўнг аниқлаб ўлчаш ишлари олиб борилади;
- ускуна хаво каналаида ҳаракатланаётган хаво хароратини ва тезлигини бир хилда таъминлаш мақсадида 7-9 дақиқа вентилятор ҳаракатини ва тизим ишлашини бир хилда таъминлашимиз керак;
- ускунада олиб борилаётган ҳар-бир тажрибаларнинг натижалари уч дақиқалик оралиқда беш мартадан ўлчов ишлари олиб борилади ҳамда олинган натижалар таққосланади;

Яратилган ускунанинг ташқи хавонинг турли параметларида ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида ташқи кириш хавоси ҳароратини турли қийматларда 28°С дан 45°С гача бўлган оралиқларда қабул қилинади.

Ускунага бериладиган ташқи хавонинг параметрларига қайта ишлов беришда ускунанинг совутиш қувватини қуйидаги формуладан фойдаланган холда аниқлаймиз.

$$\Delta t = t_{кир} - t_{чиқ} \ (1)$$

Ускунанинг ташқи хавони совутиш қуввати аниқлқнади ҳамда насадканинг совуқ хаво билан таъминлаши аниқланади. Бу жараёнларда вермикулитли насадка юза қисмида ҳаракатланаётган ташқи хавонинг насадкага ютилган сувни буғлантириб кириш хавосининг нисбий намлигини оширишга сарфлаган хавонинг энэргияси.

$$Q = c * \rho * G * \Delta t \ (2)$$

Яратилган ускунанинг ташқи хаво намлигини ошириб ва ҳароратини пасайтиришда насадка каналларининг оралиқ масофаси ўзгариши ускунага берилаётган ташқи хавонинг параметрларига таъсирини аниқлашда қуйидаги босқичларни бажарамиз:

- вермикулит материалидан тайёрланган насадкага таъминот суви орқали сув бериш бошлангандан сўнг вермикулитнинг сув шимувчанлиги таъсирида насадка юзаси тўлиқ намланиш вақти аниқланади;
- таъминот сувини насатка юзаси бўйлаб тўлиқ намланиш жараёни охирига етгунича оқизиб туриш давом еттирилади;
- ускунага берилаётган ташқи хаво параметрлари ўлчанади ва хар бир олинган ўлчов натижалари қайд қилинади;
- ташқи хавонинг тезлигини анемометр ёрдамида ускунага киришда ва ускунадан чиққанидан сўнг аниқлаб ўлчаш ишлари олиб борилади;
- ускуна хаво каналаида ҳаракатланаётган хаво хароратини ва тезлигини бир хилда таъминлаш мақсадида 7-9 дақиқа вентилятор ҳаракатини ва тизим ишлашини бир хилда таъминлашимиз керак;
- қурулманинг иш фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг насадка канал оралиқлари турлича бўлган наъмуналарга алмаштирилади ва жараён бошидан қайтариладию. Насадка учун танлаб олинган вермикулит материал каналлари оралиғи 15 мм дан 35 мм гача тайёрланган наъмуналарга ўзгартириб борамиз.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида паррандачилик биноларида микроиқлимни таъминлаш мақсадида яратилган ускуна насадкаси учун вермикулит материалининг ғоваклиги ҳамда унинг сув шимувчанлик хусусияти тажрибалар йўли билан аниқланди. Ўтказилган тажрибалардан насадка юзасидан сувнинг ҳаракатланиш тезлиги ҳамда унинг сув шимувчанлиги таъсирида таъминот хавосини узоқ вақт давомида намлаб совутиш хусусияти аниқланди ҳамда насадканинг геометрик ўлчамлари аниқланди.

Адабиётлар:

1. Айматов Р.А. Бобоев С.М., Алибеков Ж. Газ таъминоти. Ўқув қўлланма. Тошкент. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003 йил.

2. Бобоев С.М., Айматов Р.А., Айматов Р. Саноат корхоналарида табиий газ ёқилғисидан тежамкорликда фойдаланишга эришиш. (Самарқанд чинни буюмлар ишлаб чиқариш заводи мисолида). Июнь 2005 йил конференция материаллари.

3. Сайдуллаев, СР; Сатторов.А.Б. “Ананавий қозонхона ўчоқларида ёқилғи сарфини таҳлил қилиш ва камчиликларини бартараф этиш” Научно-методический журнал “Uz Akademia, 2020.

4. Sattorov.A.B. “Use and analysis of gaseous fuels in industrial furnaces producing ceramics and building materials” Science and Education, 2020.

5. Сатторов, АБ. “Сопол буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат печларида газ ёқилғисидан фойдаланиш ва тахлил қилиш”. ООО «Open science». Science and Education, 2020.

ПОСТРОЕНИЕ ПРОЦЕССОВ НА I–D-ДИАГРАММЕ И РАСЧЕТ ВОЗДУХООБМЕНОВ ПРИ НАЛИЧИИ ТЕПЛОВЫДЕЛЕНИЙ

Абдуллаев Қулмамат Юсупович , доцент,
Юзбаева Шохида Закиржановна, преподаватель,
Маматов Бакир Ботир угли, докторант
Самаркандский государственный архитектурно-строительный университет

Annotatsiya: Ushbu maqolada nam havoning I-D diagrammasi orqali turli xil binolarda havo almashinuvi va komfort iqlimni hisoblash usullari keltirilgan. Changli muhitlarda, ya'ni chang miqdori ko'p bo'lgan sexlarda havo almashinuvini tartibga solish yuzasidan ma'lumotlar keltirilgan.

Аннотация: В данной статье представлены методы расчета воздухообмена и комфортного климата в различных зданиях с использованием I-D диаграммы влажного воздуха. Приведены сведения о регулировании воздухообмена в запыленных помещениях, то есть в цехах с большим количеством пыли.

Abstract: This article presents methods for calculating air exchange and comfort climate in various buildings using the I-D diagram of humid air. Information on the regulation of air exchange in dusty environments, that is, in workshops with a large amount of dust, is provided.

Ключевые слова: помещениях, влажного воздуха, вредных выделений, приточного воздуха, климат, тепловыделения.

Введение. В производственных помещениях, характеризующихся наличием теплопоступлений без влаговыделений (стригальные, ворсовальные, складально-уборочные, браковочные и другие цехи отделочных фабрик), для обеспечения в рабочей зоне температуры воздуха в допустимых согласно ГОСТ 12.1.005–96 пределах предусматривается устройство общеобменной приточно-вытяжной вентиляции. Если в помещении имеются источники сосредоточенных вредных выделений, применяют систему местных отсосов.

Основная часть. Расчет необходимого расхода приточного воздуха производится по теплоизбыткам для трех расчетных периодов года (теплого, переходного и холодного) с проверкой на компенсацию приточным . воздухом общего количества воздуха, удаляемого системой местных отсосов.

Подача приточного воздуха в пыльных цехах осуществляется в верхнюю зону, в остальных случаях – в рабочую зону. В районах с умеренным климатом в теплый период года наряду с механической приточной вентиляцией допускается естественное проветривание через оконные проемы. В районах с жарким климатом наружный воздух перед подачей в помещение рекомендуется охлаждать путем обработки рециркуляционной водой. В переходный и холодный периоды года приточный воздух необходимо подогревать в воздухонагрева-

телях приточных установок.

Исходными данными для расчета систем вентиляции являются теплоизбытки, расчетные параметры наружного воздуха и объемные расходы воздуха в местных отсосах. Объемный расход воздуха, удаляемого местными отсосами от некоторых видов технологического оборудования, может быть определен по нормативным материалам ГПИ-1. Нормы тепловлаговыделений и воздуха, отсасываемого от машин отделочного производства, для хлопчатобумажной промышленности приведены в ВСН1–67/МЛП, а для шерстяной промышленности – в ВСН2–67/МЛП. Расчет выполняют графоаналитическим методом с применением диаграммы влажного воздуха.

Теплый период года. В качестве расчетных параметров наружного воздуха принимают параметры А по КМК2.04.05-97. На i–d-диаграмме (рис. 1.4, а) по значениям t_H и $i_н$ наносят точку $Н_т$, характеризующую состояние наружного воздуха. Если наружный воздух подается в помещение механической вентиляцией, необходимо учесть нагрев воздуха в вентиляторе и воздухопроводах на 1,3 кДж/кг. Этот процесс изобразится по схеме отрезком $Н_т/К_т$, проведенным по линии d_a = const.

Точка $К_т$ характеризует состояние приточного воздуха. Поступая в помещение, приточный воздух нагревается за счет тепло избытков без изменения влагосодержания. На схеме процесса этот нагрев совпадает с линией d = const.

Температура воздуха в рабочей зоне $t_р$ (°С) определяется по формуле:

$$t_р = t_К + \Delta t_р, \quad (1)$$

где $t_к$ – температура приточного воздуха, °С; $\Delta t_р$ – допустимый нагрев приточного воздуха в помещении, принимаемый в соответствии с ГОСТ 12.1.005–96 в зависимости от удельных теплоизбытков и категории тяжести работ. При выполнении работ средней тяжести $\Delta t_р \geq 3$°С при $q^т \leq 23$ Вт/м^3 и $\Delta t_р \leq 5$°С при $q^т > 23$ Вт/м^3 ($q^т$ – теплоизбытки в теплый период года, отнесенные к единице объема помещения, Вт/м^3).

На пересечении изотермы $t_р$ с линией $d_п$ – const наносят точку $Р_т$, характеризующую состояние воздуха в рабочей зоне помещения.

Массовый расход приточного воздуха

$$G^т_{пр} = Q^т_{изг}/(0{,}278 c \Delta t_р), \quad (1.2)$$

где $Q^т_{изг}$ – теплоизбытки в помещении, Вт; 0,278 – коэффициент перевода кДж/ч в Вт; с= 1 – удельная теплоемкость воздуха, кДж/(кг·°С).

Полученную величину $G^т_{пр}$ сравнивают с суммарным массовым расходом воздуха в местных отсосах (кг/ч):

$$G_М = \rho L_М,$$

где ρ = 1,2 – плотность воздуха, кг/м^3; $L_М$ – суммарный объемный расход воздуха в местных отсосах, м^3/ч.

Если окажется, что $G^т_{пр} = G_М$, то выбранные параметры воздуха в рабочей зоне (точка $Р_т$) сохраняются. При $G^т_{пр} < G_М$ за расчетный расход приточного воздуха принимают $G^т_{пр} = G_М$ и уточняют параметры воздуха в рабочей зоне помещения: $i_р = i_К + + Q^т_{изг}/(0{,}278\ G_М)$. Если $G^т_{пр} > G_М$, необходимо предусмотреть общеобменную вытяжную вентиляцию из верхней зоны помещения. Параметры воздуха в верхней зоне $i_в$ (кДж/кг).

$$i_в = i_к + \Delta i_р/\alpha,$$

где α – коэффициент, выражающий долю тепла, усвоенную в рабочей зоне воздухом, удаляемым из верхней зоны. По данным опытных наблюдений, в цехах с тепловыделениями можно принимать α= 0,4...0,7.



Рис. 1. Схема процесса вентиляции на i–d-диаграмме при наличии тепловыделений для теплого периода года: *а* – без охлаждения наружного воздуха; б – при охлаждении наружного воздуха.

Массовый расход воздуха (кг/ч), удаляемый из верхней зоны общеобменной вентиляцией,

$$G_в^т = (3{,}6\ Q^т_{изг} - G_М \Delta i_р)/(i_В – i_к), \quad (3)$$

а массовый расход приточного воздуха (кг/ч) в этом случае

$$G_{пр}^т = G_М + G_в^т \quad (4)$$

По расчетному массовому расходу воздуха определяют объемный расход (м^3/ч)

$$L_{пр}^т = G^т_{пр}/\rho \quad (5)$$

и кратность воздухообмена (1/ч)

$$K_р^7 = L_{пр}^7/V \quad (6)$$

где V – внутренний объем помещения, м^3.

В районах с жарким климатом при обработке приточного воздуха в камере орошения рециркуляционной водой схема процесса на i–d -диаграмме изобразится линией $Н_Т О_Т$ (рис. 1,б), совпадающей с адиабатой i = const (точка $Н_т$ здесь также определяется по параметрам А). Затем отрезком $О_Т К_Т$ учитывается нагрев воздуха на 1,3 кДж/кг в вентиляторе и воздухопроводах. Процесс изменения параметров воздуха в рабочей зоне помещения (отрезок $К_т Р_т$) строится аналогично рассмотренному выше.

Переходный период года. За расчетные параметры наружного воздуха в переходный период принимают температуру $t_в^п$ = +10°С и относительную влажность 70 %.

В этих условиях наружный воздух перед подачей его в помещение следует подогревать в воздухонагревателях до температуры 16–18 °С, а в некоторых случаях и до более низкой температуры. При отсутствии в помещении вредных газовыделений допускается рециркуляция воздуха, извлекаемого местными отсосами от оборудования, выделяющего пыль, после двухступенчатой очистки его

от пыли.



Рис. 2 Схема процесса вентиляции на i–d-диаграмме при наличии тепловыделений для переходного (а) и холодного (б) периодов года

Расход воздуха приточных установок в переходный период года может быть снижен, но при этом должна обеспечиваться норма наружного воздуха на 1 человека.

Схема процесса на i–d-диаграмме (рис. 2, а) изображается линиями $Н_ПП_П$ – подогрев наружного воздуха в воздухонагревателях, $П_п/К_п$ – нагрев воздуха на 1,3 кДж/кг в вентиляторе и воздухопроводах, $К_ПР_П$ – нагрев воздуха за счет избытков тепла в помещении. Точку $Р_п$ можно определять по разности $\Delta t_р$, но с учетом того, что согласно ГОСТ 12.1.005–96 для работ средней тяжести допускается принимать $t_р$ = 15... 21 °С.

Массовые расходы приточного и вытяжного воздуха, объемный расход приточного воздуха и кратность воздухообмена определяют по формулам (2) – (6).

Холодный период года. Расчетные параметры наружного воздуха при наличии местных отсосов принимают по параметрам Б холодного периода года.

Схема процесса на i–d-диаграмме для холодного периода строится аналогично схеме процесса переходного периода (рис. 2, б): отрезок $Н_ХР_Х$ характеризует нагрев приточного воздуха в воздухонагревателях, $П_Х/К_Х$ – нагрев воздуха в вентиляторе и воздухопроводах, $К_ХР_Х$ – нагрев воздуха за счет тепло избытков в помещении.

Далее порядок расчета остается такой же, как и для переходного периода, с использованием тех же формул. При этом необходимо учитывать, что расход наружного воздуха, подаваемого приточными установками, может быть уменьшен, но при этом должна обеспечиваться норма наружного воздуха на 1 человека.

Расход тепла на нагрев приточного воздуха в воздухонагревателях в холодный период (Вт) будет максимальным:

$$Q_{вн} = 0{,}278G^{x}_{пр} (i_п^{x} – i_н^{x}), \quad (7)$$

где $i_п^{x}$ и $i_н^{x}$ – удельная энтальпия воздуха соответственно на входе и выходе из воздухонагревателей, кДж/кг.

Заключение. Количество вентиляционных установок выбирают в зависимости от размеров вентилируемых помещений, расстановки технологического оборудования, расходов приточного и вытяжного воздуха. При этом выбор количества приточных установок, аэродинамический расчет сети воздухопроводов и подбор вентиляторов к ним производятся, как правило, по расчетному расходу воздуха в переходный период, а для районов с жарким климатом – по расходу воздуха в теплый период с проверкой по переходному периоду.

Расчет количества воздухонагревателей осуществляют по расходу воздуха в холодный период, принимая за расчетные параметры наружного воздуха параметры Б. Выбор количества общеобменных вытяжных установок, расчет воздухопроводов и подбор-вентиляторов к ним производят по режиму теплого периода года.

Удаление воздуха общеобменной вытяжной вентиляцией осуществляется, как правило, из мест верхней зоны, где воздух наиболее нагрет и загрязнен.

Литература:

1. КМК 2.04.05-97. Иситиш, вентиляция ва конденциялаш. Тошкент, 1997. 214 б.

2. Богословский В.Н. и др. «Кондиционирование воздуха и холодоснабжение». Учебник для вузов. Москва, Стройиздат, 1985. 368 с.

3. Меклер В.Я., Овчинников П.А., Агафонов Е.П. «Вентиляция и кондиционирования воздуха на машиностроительных заводах». Москва, Машиностроения, 1980. 312 с.

4. Четвурихин Б.М. Контроль и управление искусственным микроклиматом. М., Стройиздат, 1984 г.

5. Бобоев С.М. «Применение малоэнергоемких методов испарительного охлаждения воздуха в системах кондиционирования». Ташкент, изд. «Фан». А.Н. Республики Узбекистан, 1998. 116 с.

6. Кокорин О.Я. «Установки кондиционирования воздуха. Основы расчета и проектирования». Изд. 2-е перераб. И доп. М., «Машиностроение», 1978. 264 с.

7. Сборник задач по расчету систем кондиционирования микроклимата зданий /Под общей редакцией к.т.н., доц.Э.В.Сазанова: Учебние пособие. -Воронеж: изд. ВГУ, 1988. 396 с.

8. Джаманкулов Н.К., Титов В.П., Айматов Р., Тажиев Р., Бобоев С.М., и Бурлиев К.У. Сепаратор-пылеотделитель. А.С. №1782634. 23.12.92. Бюл. №47.

9. Abdullayev, Q. Y., Aymatov, R. R., & Mamatov, B. B. (2023). Issiqxonada quyosh panellarini qo'llash imkoniyatlari. arxitektura, muhandislik va zamonaviy texnologiyalar jurnali, 2(4), 21-22.

10. Ҳусанов, Ҳ. Г., Исмоилов, А. И., & Маматов, Б. Кўп қаватли яшаш уй-жойларни, маъмурий ва жамоа биноларини ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбаи ҳисобидан иссиқ ҳаво орқали иситиш.

11. Aymatov, R. R., Qo‘shoqov, S. O., & Mamatov, B. B. (2023). Yoqilg ‘i-energetika majmuasi tarmoqlarining atmosferaga ta’sirini kamaytirish choralari. arxitektura, muhandislik va zamonaviy texnologiyalar jurnali, 2(4), 5-9.

12. Aimatov, R. R., Mamatov, B. B., & Barotov, Q. (2021). Development of an economic and mathematical model for the optimal development of gas supply systems. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). Published, 12-29.

УДК 614.8.084

QO‘LDA KO‘TARIB YURISH UCHUN MO‘LJALLANGAN PORTATIV ASPIRATSIYA USKUNASINING MOHIYATI.

Ruziev S.T., katta o‘qituvchi, **Safarov I.U.**, katta o‘qituvchi,
Achilov A.M., **Saidov B.M.**, o‘qituvchi,
Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti.

Annotatsiya: Maqolada zamonaviy uskunalar orqali yong’in vaqtida so’rilishi ko’zatilayotgan “Aspiratsiya oqimi koeffitsientini zamonaviy uskunalar orqali o’rganilib favqulodda vaziyatlarni(yong’in) lokalizatsiyalash, yong’in ko’lamini kamaytirish, orqali iqtisodiy ta’sirini kamaytirishdan iborat bo‘lib, yong‘in xavfsizligini sohasida eng dolzarb masalalardan biriga aylanib borayotgan muammolarni tadqiqotlarda olingan natijalar asosida yechimlar orqali isbotlab berish.

Kalit so‘zlar: moddalar va materiallarning yonish jarayonidagi o‘zgarishlari, aspiratsiya, yong‘in, yonish kamerasi, shamolning harakatlanish tezligi, anemometr, temperaturaning oshishi, yonish zonasi, qo‘shimcha konveksiya oqim, gorelka.

Kirish. Jahonda zamonaviy qurilmalar va ularni tashkil etuvchilarning ish xarakteristikalariga bo‘lgan talablar yildan yilga murakkablashib bormoqda, bu esa yong‘inlarni ertaroq bartaraf etishga mo‘ljallangan tizimlarni ishlab chiqish yetakchi o‘rinlardan birini egallamoqda. Shu jihatdan Respublikamizda har qanday texnik tizimning xavfsizligini ta’minlash jarayonini qamrab oladigan favqulodda vaziyatlardagi ijtimoiy omillarni hisobga olgan holda xavfsizlikning matematik tavsifi ishlab chiqish muhum ahamiyatga ega. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2022 — 2026 yillarda mo‘ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi 92 maqsadida «Yong’in-texnik vositalarini ishlab chiqarishga xususiy sektorni jalb etish.»[1] favqulodda vaziyatlarni oldini olish va bartaraf etish tizimini takomillashtirish borasida ham aniq ustivor masalalar belgilab berilgan.

Tadqiqotning maqsadi: Ushbu foydali model yong‘in markazida aspiratsiya koeffitsientini aniqlash asbobini o‘rnatish orqali shamol tezligi harakatlanish yo‘nalishiga ko‘ra, yong‘in markazida so‘rilayotgan aspiratsiya oqimini aniqlash asnosida yong‘in vaqtida tezkor javob choralari ko‘rish uchun kuchlar va vositalarni to‘g‘ri taqsimlash samaradorligini oshirishga asoslangan.

Vazifasi: “Aspiratsiya oqimi koeffitsientidan foydalanib favqulodda vaziyatlar (yong‘in)ni lokalizatsiyalash va bartaraf etish taktikasini takomillashtirish” va maxalliylashtirishdan iborat bo‘lib, yonishda so‘riladigan qo‘shimcha oqimlarni hisobga olish yo‘li bilan aspiratsiya koeffitsientini aniqlash uchun qurilmani ishlab chiqish, ya’ni oldindan tayyorgarlik taktik mashqlar o‘tkazilib, favqulodda vaziyatlar ro‘y berganda odamlar sog‘lig‘ini saqlash, tabiat va atrof muhitga yetkaziladigan zarar hamda moddiy talafotlar miqdorini kamaytirishdan iboratdir.

Qo‘lda ko‘tarib yurish uchun mo‘ljallangan portativ aspiratsiya qurilmasining asosida– 4 sm.diametrli uzunligi 30 sm. bo‘lgan quvur(1)dan yasalgan bo‘lib, quvur ichidan o‘tgan (11, 12) shamol tezligini o‘lchash uchun oralig‘i 20 sm. masofada joylashtirilgan parraklar (2, 3) o‘rnatilgan.

Yordamchi qurilma asosiy qurilmada joylashtirilgan parraklarning aylanish parametrlarini ko‘rsatuvchi anemometr datchiklar (4, 5) o‘rnatilgan. Datchiklar raqamli displeyi AA- quvvat batareykasi (6) orqali ulagich (7) bilan quvvatlantiriladi.

Asosiy qurilma I – ushlagichli yordamchi dastgohga II (9, 10) xomutli belbog‘ bilan mahkamlangan. Ochiq maydonda aspiratsiya koeffitsientini aniqlash bo‘yicha portativ uskunasining ko‘rinishi 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. Qo‘lda ko‘tarib yurish uchun mo‘ljallangan portativ aspiratsiya uskunasining ko‘rinishi.

Ixtiro mohiyati: Yonish kamerasi ichida sinalayotgan material namunasi ostida ketma-ket ikkita anemometr joylashgan bo‘lib, har bir anemometr tegishli quvvat datchiklari potensiometrlarga ulangan, bu esa anemometr paraklarining aylanishi natijasida potensiometrga to‘g‘ridan-to‘g‘ri chiqadigan quvvat asosida datchiklarda shamolning harakat tezligi ko‘rsatgichini aniqlab beradi. Yong‘inda yetkaziladigan talafotlar faqat vaqt omiligagina bog‘liq bo‘lmay, balki shamolning yo‘nalishi va tezligi yong‘inning rivojlanishi bir qator boshqa omillar jo‘mladan birinchi navbatda esa yong‘in zonasidagi harorat rejimiga bog‘liqdir.Yong‘in sodir bo‘lgan muhitdagi havoning tarkibi anchagina o‘zgarib mahsulotlarning yonishi natijasida ajralib chiqqan zaharli gazlarning miqdori ko‘payadi, kislorod miqdori esa kamaishi ko‘zatildi(1-jadval).

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январ, ПФ-60-сон 2022 — 2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони.

1-jadval.

Yong‘inda havo tarkibining o‘zgarishi (%).

Yong‘inlar:	SO	SO_2	O_2
Yerto‘lalarda	0,04÷0,65	0,1÷3,4	17÷20
Qavatlarda	0,01÷0,4	0,3÷10,1	9,9÷20,8
Chordoqlarda	0,01÷0,4	0,1÷0,7	17,9÷20,7

Shu maqsadda, yonish paytida hosil bo‘lgan aspiratsiya oqimi mexanikasini o‘rganish qo‘shimcha zarur ma’lumotlarni taqdim etadi. Favqulodda vaziyat (yong‘in)larga olib keluvchi xavfli omillarga ta’sir qilish natijasida favqulodda vaziyatlar xavfini kamaytirish uchun kuch va vositalarni oldindan hisoblash imkonini beradi.

Materiallarning yonish vaqtida, yonish zonasida hosil bo‘ladigan aspiratsion oqimlar qo‘shimcha havo oqimining tezligiga bog‘liqligini aniqlashga imkon beradi. Bundan ko‘rinadiki yong‘in markazida yonayotgan material atrofidagi kislorod yonishi natijasida bosimning pasayishi kuzatiladi va bosim pasayishi oqibatida atrof muhitdan havo so‘rilishi ro‘y berib, bu holat alohida ravishda yuqori va quyi anemometrlar orqali qayd qilib boriladi. Anemometrning elektron chizmasining (2-rasm) 1- blokida ikkita parrak o‘rnatilgan. Anemometrning parraklari pastdan yuqoriga tomon harakat qiladi va pastgi parrakdan o‘tib yuqori parrakni aylantirib o‘tadi. Bu jarayondan keyin ikkala parrak aylanishni boshlaydi.

Laboratoriya sharoitida aspiratsiya koeffitsientini aniqlash qurilmasi- shtativga (2) qotirilgan, xomutli ushlagich (3) bilan mahkamlangan, texnik farfor, oynadan tayyorlangan 50 mm.diametrlik reaksion yonish kameradan (1), shtativga mahkamlangan ushlagich (5) orqali kameraga kiritilgan sinalayotgan material namunasi (4), kamera o‘rtasida va quyi qismida o‘rnatilgan anemometrlar (6, 7), namunani yoqish uchun kamera ostiga o‘rnatilgan gorelka (8), kamera o‘rtasidagi va quyi qismidagi anemometrlarga ulangan potensiometrlar (shamol tezligini ko‘rsatuvchi datchiklar) (9, 10)dan tashkil topgan. Laboratoriya sharoitida aspiratsiya koeffitsientini aniqlash bo‘yicha qurilmaning aksonometrik seximasi 2-rasmda keltirilgan.

Parraklarning aylanish paytidagi ishqalanish kuchi qancha kam bo‘lsa aniqlik shuncha yuqori bo‘ladi. Bizda ishqalanish elementi sifatida grafit o‘q qo‘llanilgan. Parraklar 8 tadan qanotga ega. Parrak aylanganda qanotlar ilgarilanma harakat qiladi va qanot o‘rnini bo‘shliq va bo‘shliq o‘rnini qanot egallashni boshlaydi. Bu jarayon chastotani hosil qilishda qo‘llaniladi.

Agar parrak 1 soniyada 5 marta aylansa, unda chastotasi 5*8=40 Hz bo‘ladi. Parrakning tagida infraqizil nur qabul (IR receiver-“Infra Qizil qabul qilgich”) qiluvchi datchik va tepasida infraqizil diod (IR emitter – “Infra Qizil uzatgich”)bor.



2-rasm. Aspiratsiya koeffitsientini aniqlash bo‘yicha portativ uskunasining elektron chizmasi.

Parrakning qanotchalari parrak tezligiga bog‘liq ravishda chastotada dioddan chiqayotgan infraqizil nurni chastota bo‘yicha to‘sadi va o‘tkazadi. Bu kabi to‘sish-o‘tkazish-to‘sish-o‘tkazish qabul qilgichda impulsli tokni hosil qiladi. Bu impulslar ikkinchi va uchinchi bloklardagi tranzistorlarning bazasiga

yuboriladi. Tranzistorlar impulslar (“Tok bor va ma’lum vaqtdan keyin butunlay yo‘q va ma’lum vaqtdan keyin bor”) natijasi ochilib yopilishni boshlaydi va natijada 4 ta 2N5551 rusumli npn tranzistorlar 200nF li (nano farad) ko‘prik sxemasi (“bridge scheme”) orqali ulangan kondensatorni zaryadlashni va razryadlashni boshlaydi. Kondensator zaryad-razryad paytida

Tomson formulasi yordamida aniqlanadigan qarshilik ko‘rsatadi. Bu jarayonda chastota qancha balanad ya’ni parraklar aylanish tezligi qancha baland bo‘lsa, kondensator qarshiligi shuncha kam bo‘ladi. Kondensator soni ikkita va shunga muvofiq 2 ta indicator bor. Indikatorning anodida transistor bor va shu tranzistorning bazasiga yuqoridagi kondensatorlardan o‘tayotgan tok ketadi (ketadi negaki bazaga “-“ minus ishorali tok ulangan) va transistor ochiladi. Ma’lum milli sekunddan keyin ko‘prik sxemasidagi kondensator to‘liq zaryadlanadi va undan tok o‘tmay qoladi va indikatorning transistori o‘chadi va ma’lum millisekunddan keyin payyak qanotchasi joyini o‘zgartiradi impuls hosil bo‘ladi va ko‘prik kondensator razryadlanishini boshlaydi va indicator tranzistori yana ochiladi va ma’lum millisekunddan keyin kondensator to‘liq razryadlanadi va transistor yopiladi, biz buni sezmaymiz chunki bu juda tez sodir bo‘ladi va indicator ko‘rsatgichi to‘liq pastga tushmaydi va vibratsiyaga uchramaydi. Bunga sabab indikatorda 200mF (“milli Farad”) li filtr, antivibratsion stabillashtiruvchi kondensator o‘rnatilgan.

$$X = \frac{1}{2\pi fC};$$

bu yerda;

X-reaktiv qarshilik (“kondensatorning qarshiligi”) [Ohm]

f-chastora [Hertz]

C-kondensator sig’imi [Farad]

π -3.14159265358979323846264338327 95

Yuqori va o‘rtadagi anemometr ko‘rsatkichlarini N_1 va N_2 deb belgilab olamiz va $K_{asp}=N_2/N_1$ formulasidan foydalangan holda aspiratsiya koeffitsienti aniqlanadi. Olingan bu koeffitsientning haqiqiy ma’nosi quyidagilar bilan izohlanadi:

Bundan shunday xulosaga qilish mumkinki, birinchi ikkita orttirmalar yig‘indisining ehtimolligi uchinchi orttirmaga teng bo‘ladi. Shuning uchun bunda quyidagi shart bajriladi. Arfemitrik formula bo‘yicha qarag‘ay, qayin, “izol” qoplamali yog‘och konstruksiyalarni o‘tkazilgan tajribalar yig‘indisi qo‘ydagicha aniqlandi.

Qarag‘ay, qayin, “izol” qoplamali yog‘och konstruksiyalarni o‘tkazilgan tajribalar natijasini qaralayotgan bo‘lsak o‘tkazilgan tajribalar natijalarini oddiy arfemitrik usuldan foydalanib noaniqlikdi topishimiz mumkunligin ko‘rsatdi.

$$U_{t.y}=T_1+T_2+T_3+T_4+T_5+T_6/E_{k.s}$$

bunda T_1, T_2, T_3, T_4, T_5 va T_6 - o‘tkazilgan tajribalar natijasi;

$E_{k.s}$ o‘tkazilgan tajribalar natijasidagi eng kichik son.

Qarag‘ay konstruksiyasi misolida 4 tomonlama ulchovni turidan foydalangan holda yong‘in markazida aspiratsion oqimlarni shakllanish jarayonlarining noaniqligi quydagicha aniqlandi.

$$U_{t.y}=T_1+T_2+T_3+T_4+T_5+$$
$$T_6/E_{k.s}=3+4+5+12+6+11/3=41/3=14$$

Qayin konstruksiyasi misolida 4 tomonlama ulchovni turidan foydalangan holda yong‘in markazida aspiratsion oqimlarni shakllanish jarayonlarining noaniqligi quydagicha aniqlandi.

$$U_{t.y}=T_1+T_2+T_3+T_4+T_5+$$
$$T_6/E_{k.s}=4+5+3+14+7+12/3=45/3=15$$

“izol” qoplamali yog‘och konstruksiyasi misolida 4 tomonlama ulchovni turidan foydalangan holda yong‘in markazida aspiratsion oqimlarni shakllanish jarayonlarining noaniqligi quydagicha aniqlandi.

$$U_{t.y}=T_1+T_2+T_3+T_4+T_5+$$
$$T_6/E_{k.s}=3+5+6+16+3+9/3=41/3=14$$

Aniqlangan natijalarni jadval shaklida keltiramiz Jadval 2.

Jadval 2. O‘tkazilgan tajribalarning 4 tomonlama ulchovlardan Noaniqlilik darajasining kursatgichi

№	4 tomonlama ulchovni turi	O‘tkazilgan tajribalar soni							
		1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**	noaniqlilik darajasi	Izoh
1	qarag‘ay konstruksiyasi	3	4	5	12	6	11	14	
2	qayin konstruksiyasi	4	5	3	14	7	12	15	
3	“izol” qoplamali yog‘och konstruksiyasi	3	5	6	16	3	9	14	

Jadval 3. O‘tkazilgan tajribalarning 3 tomonlama ulchovlardan Noaniqlilik darajasi.

№	3 tomonlama ulchovni turi	O‘tkazilgan tajribalar soni							
		1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**	noaniqlilik darajasi	Izoh
1	qarag‘ay konstruksiyasi	6	6	8	9	7	7	7	
2	qayin konstruksiyasi	7	6	7	8	6	8	7	
3	“izol” qoplamali yog‘och konstruksiyasi	6	7	8	6	6	7	7	

4-jadval. Dissertatsiya ishida keltirilgan tadqiqotlar natijalari miqdor jihatdan qiyosiy tahlili natijalari.

№	Haqiqiy markazni aniqliq darajasini 4 tomonlama va 3 tomonlama ulchovlar solishtirma farqi.						
	Namuna turlari	**4 tomonlama ulchovni turi**		**3 tomonlama ulchovni turi**		**aniqlik darajasi**	**Izoh**
1	qarag‘ay konstruksiyasi	41	14	43	7	yuqori	3 tomonlama ulchov turi haqiqqiy yong‘in markaziga yaqinroq
2	qayin konstruksiyasi	45	15	42	6	yuqori	3 tomonlama ulchov turi haqiqqiy yong‘in markaziga yaqinroq
3	“izol” qoplamali yog‘och konstruksiyasi	42	14	40	7	yuqori	3 tomonlama ulchov turi haqiqqiy yong‘in markaziga yaqinroq

Xulosa. Tajriba sinov natijalari davomida qurilmani sinash orqali olingan ma’lumotlar natijalarini amalda qo‘llash, tahlil qilish va favqulodda vaziyat (yong‘in)da materiallarning yonishidagi aspiratsiya oqimlari koeffitsientini aniqlash qurilmasi yordamida, favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun jalb etilishi kerak bo‘lgan shaxsiy tarkibning soni 1,32 barobarga hamda vaqt (τ2+τ3) sarfi 1,72 barobarga qisqarishi aniqlandi.

Yong‘inning kelib chiqishi va undan oldingi holatlarni tahlil qilib, yong‘in taxminan qaysi vaqt oralig‘ida rivojlanganligini, ya’ni uchqunning yonuvchan materialga tushganidan boshlab uning yong‘in chiqqan (payqalgan) payti oralig‘idagi vaqt ham aniqlanishi zarurligini ko‘rsatdi..

Bu metodologiya yong‘in xavfini ehtimoliy baholash va aspiratsiya koeffitsiyentini aniqlash qurilmasi orqali olingan ma’lumotlarni tahlil qilish asnosida yong‘in vaqtida tezkor javob choralari ko‘rish uchun kuchlar va vositalarni to‘g‘ri taqsimlash samaradorligini oshirish imkoniyatini yaratadi.

Adabiyotlar:

1. Ruziyev S.T., Rayimqulov A., Rajabova O. Yong‘in sodir bo‘lganda yetkaziladigan talafotlarni hamda moddiy zarar miqdorini kamaytirishgning algoritmlarini matematik xavfsizlik mexanikasini ishlab chiqish. Me’morchilik va qurilish muammolari ilmiy-texnik jurnal 2023 yil № 2 son 322-324 bet.

2. Ruziyev S.T., Rayimqulov A., AchilovA.M. Dala sharoitida maxsus-taktik o‘quv mashg’ulotlar o‘tkazish orqali aspiratsiya oqimini aniqlash yo‘llari. “Hayotiy faoliyat xavfsizligini ta‟minlashda Innovatsion yondashuv, ilmiy ishlanmalar va zamonaviy texnologiyalar” mavzusidagi IV Respublika yosh olimlar ilmiy-amaliy Anjuman materiallari Toshkent sh., 2022-yil 28-sentabr 87-92 bet.

Rahman va boshqalar [8] kvadrat shaklidagi shamollatiladigan xonada aralash konveksiyani sonli tadqiqot qilishgan. Ular kirish tuynugining konfiguratsiyalarini va Prandtl, Reynolds hamda Richardson sonlarining samaralarini baholashgan. Issiq devordagi oqim liniyasi, izotermalar, o‘rtacha harorat va Nusseltning o‘rtacha soni quyidagi diapazonlarda olingan: $Ri = 0 \ldots 10$, $Re = 50, 100, 200$, $Pr = 0{,}71, 7{,}5, 50$. Natijalarga ko‘ra, Ri sonining kichik qiymatlarida va Pr sonining katta qiymatlarida issiq devor bo‘ylab oqimni uzilishining boshlanishini yaqinida Nusselt soni minimumga yaqinlashadi, Ri sonining yuqori qiymatlarida issiq devor bo‘ylab oqimning uzilishi sodir bo‘lmaydi, oqim holati esa chiziqli bo‘lib qoladi. Daghigh va boshqalar [9] tabiiy shamollatishli idorada issiqlik shinamligiga havo almashinuv tezligining va havo almashinuv samaradorligining ta’sirlarini o‘lchash natijalarini taqdim etishgan. Ular deraza va eshiklarning 14 xil joylashuvining ta’sirini tekshirishgan va deraza hamda eshiklarning joylashuvi havo haroratiga va issiqlik shinamligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatishini aniqlashgan.

Rajiv a boshqalar [10] ikki o‘lchamli shamollatiladigan xonada aralash konveksiya usulida issiqlik almashinuvini tadqiqot qilishgan. Sonli tadqiqot natijalariga ko‘ra, oqim xarakteristikasigga tabiiy va majburiy konveksiyalarning o‘zaro ta’sirlashuvi sezilarli ta’sir ko‘rsatgan. Saha va boshqalar [11] tomonidan havo oqimi pastdan kiritiladigan va yon devordan chiqariladigan va ichki issiqlik manbai mavjud bo‘lgan to‘g‘ri to‘rtburchak xonada erkin va majburiy konveksiya sonli tadqiqot qilingan. Reynolds sonining uchta qiymati tanlangan ($Re = 50, 100, 200$) va Richardson soni 0...10 oraliqda o‘zgargan. Natijalarga ko‘ra, Re va Ri sonlari issiqlik uzatish koeffitsiyentiga kuchli ta’sir ko‘rsatishi aniqlangan. Nusselt, Reynolds va Richardson sonlarining empirik bog‘liqligi ishlab chiqilgan. Tanny va boshqalar [12] tabiiy shamollatiladigan tajriba xonasida yuqori shamollatish tuynugi orqali kiritilayotgan havo oqimining xarakteristikasiga shamollatishning ta’siri tajribaviy tadqiqot qilingan va tezlik, oqim turbulentligi, harorat profili hamda issiqlik oqim vektorlari taqdim etilgan. Lariani va boshqalar [13] harorati 16°C bo‘lgan havo oqimi bilan shamollatiladigan xonada havo tezligi va haroratlarini o‘lchash bo‘yicha natijalarni taqdim etishgan. Tadqiqotda tajriba va sonli natijalar ham olingan. natijalarga ko‘ra, haroratni taqsimlanishi uch o‘lchamli ekanligi aniqlangan.

Xaman va boshqalar [14] shamollatiladigan xonada issiqlik almashinuvini sonli tadqiqot qilishgan. Tadqiqotda havoni kiritish tuynugining to‘rt xil joylashuvi ko‘rib chiqilgan. Shamollatish havosining tezligi Reynolds soni $2{\cdot}10^3 \le Re \le 4{\cdot}10^4$ oraliqda o‘zgartirish orqali boshqarilgan. Devor uchun ikkita material (qurilish g‘ishti va somonli loy blok) va uchta turli kenglik (0,1, 0,2 va 0,3 m) sinovdan o‘tkazilgan. natijalarga ko‘ra, issiqlik yuklmasi kuchlanishini minimallashtirish uchun kengligi 0,3 m bo‘lgan somonli loy blok eng maqbul bo‘lib, haroratni taqsimlanish samaradorligini inobatga olgan holda havoni so‘rib olish uchun eng maqbul joy gorizontal devorning yuqori qismi ekanligi aniqlangan.

Rodriguez va Hinojosalar [15] havo uzatish tuynugining uchta turli konfiguratsiyasini inobatga olgan holda shamollatiladigan xonani uch o‘lchamli sonli tadqiqot qilishgan. Tadqiqot turbulent oqimni va devorlar orasidagi radiatsion almashinuvni inobatga olgan holda amalga oshirilgan. Havoning kirishdagi tezligi 0,5 m/s, devorning nurlanish koeffitsiyenti 0,8 qabul qilingan. Tadqiqotda haroratlar maydoni, oqim xarakteristikasi, issiqlik uzatish koeffitsiyenti va haroratni taqsimlanish samaradorliklari tahlil qilingan. Natijalarga ko‘ra, issiqlik nurlanish inobatga olinmagan holda olingan natijalar, xona ichidagi o‘rtacha haroratni va lokal haroratning qiymati past ekanligini, bu esa havoni maromlash tizimini tanlash va loyihalashga sezilarli ta’sir ko‘rsatishini aniqlashgan.

Ichki issiqlik manbai mavjud bo‘lgan yashash xonalarida havo oqimining harakati va issiqlik almashinuvi. Papanicolaou va Jalurialar [16] ichki ichchiqlik manbai mavjud bo‘lgan to‘rtburchak shamollatiladigan xonada aralash konveksiyani sonli tadqiqot qilishgan. Reynols sonining 50...2000 oralig‘ida Reynols soni, Richardson soni, issiqlik manbaining holati va oqim holatini issiqlik almashinuviga va haroratni taqsimlanishiga ta’siri tadqiqot qilingan. Olingan natijalar amaliy tizimlarda issiqlik berish mexanizmini o‘rganishda foydalanilgan. Ushbu mualliflarning keyingi ishlarida [17] aralash konveksiya masalasi sonli tadqiqot qilingan. Tadqiqot obyektida ikkita shamollatish tuynugi va devorda issiqlik manbai mavjud bo‘lgan. Reynolds soni 100 gacha, Richardson soni 0 dan 10 gacha oraliqda o‘zgargan. Natijalarga ko‘ra, ikki turdagi konveksiya ishlatiladigan konfiguratsiyada yuqori issiqlik uzatish ta’minlangan va manbalarning harorati eng past bo‘lgan.

Hsu va Wanglar [18] devorining quyi qoplamasida tashqi vertikal doska joylashgan va ichki issiqlik manbaiga ega bo‘lgan xonada aralash konveksiyani sonli tadqiqot qilishgan. Reynolds soni 1000 dan 1000 gacha oraliqda o‘zgargan. Natijalarga ko‘ra, issiqlik manbai doskaning o‘ng yuzasida joylashganda Nusselt soni issiqlik manbai holatiga ham doskaga ham bog‘liq bo‘lmaydi. Radhakrishnan va boshqalarning [19] tadqiqot ishida devorlari adiabatiy va ichki issiqlik manbai mavjud bo‘lgan xonada turbulentli aralash konveksiya sonil va tajribaviy tadqiqot qilingan. Parametrlarning $1200 \leq Re \leq 10000$ va $0{,}003 \leq Ri \leq 0{,}2$ diapazonida o‘rtacha Nusselt soni va maksimal o‘lchamsiz harorat uchun korrelyatsion bog‘lanish ishlab chiqilgan. Mualliflarning ta’kidlashicha, bunday turdagi masalalarda issiqlik xarakteristikasini optimallashtirishda birgalikdagi tajribaviy va sonli tadqiqotlar qiyinchiliklarni sezilarli kamaytiradi.

Ghasemi va Aminossadatilar [20] tomonidan Reynolds soni 100 ga teng bo‘lganda va Reley soni 0 dan 107 gacha oraliqda o‘zgarganda ichki issiqlik manbai mavjud bo‘lgan xonada aralash konveksiyaga issiqlik manbaining soni va joylashuvining ta’siiri sonli tadqiqot qilingan. Natijalarga ko‘ra, Reley sonining sezilarli ortishi xonada issiqlik uzatish jarayonini yaxshilashi aniqlangan. Issiqlik manbaining joylashuvi ham sovitish samaradorligiga katta ta’sir ko‘rsatgan, biroq Reley sonining ortishi bilan sovitish samaradorligi kamayib borgan. Bilgen va Muftuoglular [21] tomonidan adiabatik devorli va chap devorida issiqlik manbai mavjud bo‘lgan xonada sovitish samaradorligini tadqiqot qilishgan. Reley soni 10^3 ... 10^7 oraliqda, Reynolds soni 100...1000 oraliqda o‘zgargan. Mualliflarning ta’kidlashicha, Reley va Reynolds sonlarining o‘zgarishi amalda issiqlik manbaining optimal joylashuviga ta’sir ko‘rsatmaydi, biroq shamollatish tuynugining joylashuvi issiqlik manbaiga kuchli ta’sir ko‘rsatadi. Natijalarga ko‘ra, havo oqimi chap devorning yuqori qismidan kiritilganda eng yaxshi sovitish samaradorligiga erishilishi aniqlangan.

Yuqorida keltirilgan adabiyotlar tahlilidan ko‘rinib turibdiki, yashash uylarida havoni maromlashda ichki issiqlik ajratuvchi sifatida inson va maishiy jihozlar mavjud bo‘lganda, havo oqimining xarakteristikasi, tezligi, havo haroratini xona uzunligi va balandligi bo‘yicha o‘zgarishini aniqlash bo‘yicha tadqiqotlar o‘tkazilmagan. Yuqoridagilarni inobatga olib, yashash uylarida qulay iqlim sharoitini ta’minlashda, yashash uyida issiqlik ajralishini inobatga olgan holda havo oqimi va haroratining rejimlarini chuqur tadqiqot qilishga zaruriyat tug‘iladi.

Yashash uylarida qulay iqlim sharoitini hosil qilish uchun kombinatsiyalashgan bug‘latishli sovitish tizimining (KBST) prinsipial sxemasi ishlab chiqildi (1-rasm). Ishlab chiqilgan KBST bug‘latishli sovitish qurilmasi, havoli sovitish tizimi, quyosh fotoelektrik paneli, yordamchi nasos va ventilyatorlardan tashkil topgan.



1-rasm. Yashash uylarining kombinatsiyalashgan bug‘latishli sovitish tizimining prinsipial sxemasi:
1-yashash uyi; 2-sovuq havo purkagich; 3-issiq havoni so‘rgich; 4, 6-ventiyaltor; 5, 19-ventil; 7-akkumulyator; 8-sovuq suv purkagich; 9, 15-nasos; 10-invertor; 11-issiq havoni kiritilishi; 12-namlovchi material; 13-bug‘latgichli sovitgich; 14-avankamera; 16-suv purkagich; 17-suv havzasi; 18-quyosh fotoelektrik moduli

Taklif etilgan KBSTning ishlash prinsipi quyidagicha: yashash uyida ichki havo harorati 26°C dan ko‘tarilganda havoni so‘ruvchi ventilyator 4 ishga tushadi va issiq havoni uyning ichidan so‘rib olib, teshikchali quvur orqali bug‘latgichli sovitgichga 13 kiritiladi. U yerda issiq havo suv havzasidan 17 suv nasosi 9 yordamida uzatilgan sovituvchi suv bilan namlovchi materialning yuzasi orqali to‘qnashadi. Havo va suv haroratlarining farqi mavjudligi hisobiga issiqlik va massa almashinuv jarayoni sodir bo‘ladi. Natijada issiq havoning issiqligi suvga uzatiladi, suvning harorati ortadi va yashirin bug‘lanish namligi havoga yutiladi. Bug‘latgichli sovitgichdan

chiqayotgan havoning harorati 18-20℃ gacha pasayadi va nisbiy namligi 60-70% gacha ortadi. Ushbu sovuq havo ventilyator 6 yordamida ventil 5 orqali uyning ichki qismiga sovuq havo purkagichlar yordamida uzatiladi. Bu jarayon xonaning ichida qulay iqlim sharoitini hosil qilgunga qadar davom etadi. Tizimdagi nasos va ventilyatorlarning elektr ta'minoti quyosh fotoelektrik moduli 18 asosida ta'minlanadi.

Xulosa. Yuqorida taklif etilgan KBST ekologik toza, energiya sarfi kichik va energiya samaradorligi yuqori bo'lib, KBSTdan yashash uylarida foydalanish yozning issiq kunlarida yashash uyining qulay iqlim sharoitini ta'minlash imkonini beradi.

Adabiyotlar:

1. Raji A., Hasnaoui M. Mixed convection heat transfer in a rectangular cavity ventilated and heated from the side. Numerical Heat Transfer Part A. 33, 1998. – p. 533-548.
2. Raji A., Hasnaoui M. Mixed convection heat transfer in ventilated cavities with opposing and assisting flows. Engineering Computations, 17, 2000. – p. 556-572.
3. Raji A., Hasnaoui M. Combined mixed convection and radiation in ventilated cavities. Engineering Computations, 18, 2001. – p. 922-949.
4. Singh S., Sharif M.A.R. Mixed convective cooling of a rectangular cavity with inlet and exit openings on differentially heated side walls. Numerical Heat Transfer Part A, 44, 2003. – p. 233-253.
5. Posner J. Measurement and prediction of indoor air flow in a model room. Energy and buildings, 35, 2003. – p. 515-526.
6. Moraga N.O., Lopez S.E. Numerical simulation of threedimensional mixed convection in an air-cooled cavity. Numerical Heat Transfer Part A: Applications, 45, 2004. – p. 811-824.
7. Haslavsky V., Tanny J., Teitel M. Interaction between the mixing and displacement modes in a naturally ventilated enclosure. Building and Environment, 41, 2006. – p. 1755-1761.
8. Rahman M., Alim M., Mamun M., Chowdhury M.K., Islam A.K. Numerical study of opposing mixed convection in a vented enclosure. ARPN J Eng and Appl Sciences, 2, 2007. – p. 25-36.
9. Daghigh R., Adam N., Sahari B., Sopian K., Alghoul M. Influences of air exchange effectiveness and its rate on thermal comfort: Naturally ventilated office. Journal of Building Physics, 32, 2008. – p. 1744-2591.
10. Raji A., Hasnaoui M., Bahlaoui A. Numerical study of natural convection dominated heat transfer in a ventilated cavity case of force flow playing simultaneous assisting and opposing roles. International Journal of Heat and Fluid Flow, 29, 2008. – p. 1174-1181.
11. Saha S., Mamun A., Hossain Z., Islam S. Mixed convection in an enclosure with different inlet and exit configurations. Journal of Applied Fluid Mechanics, 1, 2008. – p. 78-93.
12. Tanny J., Haslavsky V., Teitel M. Airflow and heat flux through the vertical opening of buoyancy-induced naturally ventilated enclosures. Energy and Buildings, 40, 2008. – p. 637-646.
13. Lariani A., Nesreddine H., Galanis N. Numerical and experimental study of 3D turbulent airflow in a full scale heated ventilated room. Engineering Applications of Computational Fluid Mechanics, 3, 2009. – p. 1-14.
14. Xaman J., Tun J., Alvarez G., et al. Optimum ventilation based on the overall ventilation effectiveness for temperature distribution in ventilated cavities. International Journal of Thermal Sciences, 48, 2009. – p. 1574-1585.
15. Rodriguez N.A., Hinojosa J.F. Numerical study of airflow and heat transfer in an air-cooled room with different inlet positions. Journal of Building Physics, 37, 2014. – p. 246-268.
16. Papanicolaou E., Jaluria Y. Mixed convection from an isolated heat source in a rectangular enclosure. Numerical Heat Transfer Part A, 18, 1990. – p. 427-461.
17. Papanicolaou E., Jaluria Y. Mixed convection from localized heat source in a cavity with conducting walls. Numerical Heat Transfer Part A, 23, 1993. – p. 463-484.
18. Hsu T., Wang S. Mixed convection in a rectangular enclosure with discrete heat sources. Numerical Heat Transfer Part A. 38, 2000. – p. 627-652.
19. Radhakrishnan T., Verma A., Balaji C., et al. An experimental and numerical investigation of mixed convection from a heat generating element in a ventilated cavity. Experimental Thermal and Fluid Science, 32, 2007. – p. 502-520.
20. Ghasemi B., Aminossadati S.M. Numerical simulation of mixed convection in a rectangular enclosure with different numbers and arrangements of discrete heat sources. The Arabian Journal for Science and Engineering, 33, 2008. – p. 189-207.
21. Bilgen E., Muftuoglu A. Cooling strategy by mixed convection of a discrete heater at its optimum position in a square cavity with ventilation ports. Int. Comm. in Heat and Mass Transfer, 35, 2008. – p. 545-550.

TURBULIZATORLI QUYOSH HAVO KOLLEKTORINING IQTISODIY VA EKOLOGIK SAMARADORLIKLARINI HISOBLASH

Ibragimov U.X., t.f.f.d., dotsent
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Annotatsiya. Ushbu maqolada quyosh energiyasidan ekologik toza, ekspluatatsiyada sodda va qulay bo'lgan yaxlit, teshikli va konfuzor turbulizatorli quyosh havo kollektorlarining iqtisodiy va ekologik samaradorliklarini hisoblash metodikasi va hisoblash natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: havo oqimi, ekologik, iqtisodiy, energiya, qoplash muddati, turbulizator, energiya qiymati, samaradorlik, energiyani qoplash muddati.

Расчет экономической и экологической эффективности солнечного воздухосборника с турбулизатором

Аннотация. В статье представлены методика и результаты расчетов экономической и экологической эффективности солнечных воздушных коллекторов с перегородками, перфорированными и конфузорными турбулизаторами, которые экологичны, просты и удобны в эксплуатации.

Ключевые слова: воздушный поток, экологический, экономический, энергетический, срок окупаемости, турбулизатор, энергетическая ценность, КПД, срок окупаемости энергии.

Calculation of economic and ecological efficiency of a solar air collector with a turbulator

Annotation. The article presents the methodology and results of calculations of the economic and environmental

efficiency of solar air collectors with partitions, perforated and confuser turbulators, which are environmentally friendly, simple and easy to operate.

Key words: air flow, ecological, economic, energy, payback period, turbulator, energy value, efficiency, energy payback period.

Hozirgi vaqtda quyosh energetik tizimlari energetik, eksergetik, iqtisodiy va ekologik (4E) tahlillar yordamida baholanmoqda [1, 2, 3]. 4E baholashda, quyosh energetik tizimlarida energiya o‘zgarishini yaxshilash va optimal unumdorlikka erishish uchun ekologik va iqtisodiy samarali yondoshuvlardan foydalaniladi [4, 5]. Abuska va Seyflar [6] silliq absorberli va V-shaklli QHKni 4E tahlil qilishganda eksergetik va issiqlik FIK mos ravishda 6 dan 12% gacha va 43 dan 60% gacha o‘zgargan. Harajatlarni qoplash muddati 4,3 dan 4,6 yilgacha, ekologik va iqtisodiy harajatlar 4,5 dan 5,77$/yil gacha o‘zgargan. Ushbu dissertatsiya tadqiqotida ham yuqoridagi tadqiqotlarda keltirilgan metodika bo‘yicha silliq absorberli va turbulizatorli QHKning barcha modellarini iqtisodiy va ekologik samaradorliklari baholandi. Ishlab chiqarilgan yillik energiya va eksergiya, tizimning kunlik ishlab chiqargan energiya va eksergiyasini yil davomida ishlash kuniga ko‘paytmasidan aniqlanadi. Tizimning ishlash davomiyligi geografik sharoitga ko‘ra 180 dan 365 kungacha o‘zgaradi. Ushbu tadqiqot ishida 320 ish kuni qabul qilindi. QHKning yil davomida umumiy ishlab chiqargan energiyasi (1) ifoda orqali, umumiy yillik ishlab chiqargan eksergiyasi (3) ifoda orqali aniqlanadi.

$$Q_f = mc_p(t_{ch} - t_k) \quad (1)$$

bu yerda c_p-havoning solishtirma issiqlik sig‘imi, $J/(kg\cdot℃)$; t_k, t_{ch}-havoning QHKga kirish va chiqishdagi haroratlari, ℃, m-QHK ichidan oqib o‘tayotgan havoning massaviy sarfi, kg/s:

$$m = \rho V A_{k.t} \quad (2)$$

bu yerda ρ-havoning zichligi, kg/m^3; V-havoning o‘rchata tezligi, m/s; $A_{k.t}$-havo kirish tuynugining ko‘ndalang kesimi maydoni yuzasi, m^2.

QHKdan eksergiyani chiqish quvvati:

$$Ex_{chiq} = mc_p(T_{ch} - T_k)\left(1 - \frac{T_t}{T_{ch}}\right) \quad (3)$$

Soat 8^{00} dan 18^{00} gacha vaqt oralig‘ida QHK yordamida ishlab chiqarilgan o‘rtacha kunlik energiya va eksergiya qiymatlari 1-rasmda ko‘rsatilgan. Natijalarga ko‘ra, KT5 modelda eng ko‘p energiya va eksergiya olingan.

Taklif etilgan turbulizatorli QHKlarning barcha yaxshi va yomon tomonlarini aniqlash imkonini beradigan amaliy indikator sifatida energetik matritsadan foydalanish mumkin. Energetik matritsa ikkita ko‘rsatkichdan, ya’ni energiyani qoplash muddati (EPBT) va energiyani ishlab chiqarish koeffitsiyentidan (EPF) iborat. EPBTda taklif etilgan tizimni qaytarish davri ishlab chiqarish jarayonida foydalanilgan materiallarga nisbatan aniqlanadi. EPF QHKlarining umumiy unumdorligini ifodalaydi. EPF kattalik EPBT kattalikka teskari bo‘lib, uning yillik qiymati birga teng.



1-rasm. Silliq absorberli va turbulizatorli QHKda kunlik olingan energiya va eksergiya qiymatlari.

Har qanday tizimning materiallarini tayyorlashda korxonada ma’lum miqdorda energiya sarflanadi. Ishlab chiqaruvchilar tomonidan iste’mol qilingan energiya, ko‘pgina zararli moddalarni ajratuvchi an’anaviy yoqilg‘i tomonidan ta’minlanadi. Boshqa tomondan, QTEMlaridan foydalanish, an’anaviy energiya resurslaridan foydalanmasdan atrof-muhitga chiqarilayotgan zararli moddalar miqdorini kamayishtirish imkonini beradi. Ushbu dissertatsiya tadqiqotida EPBT va EPF parametrlar barcha QHK modellari uchun energetik va eksergetik yondoshuv asosida tadqiqot qilingan [7]:

$$EPBT_{en} = \frac{E_{kir}}{En_{chiq}} \quad (4)$$

$$EPBT_{ex} = \frac{E_{kir}}{Ex_{chiq}} \quad (5)$$

$$EPF_{en} = \frac{En_{chiq}}{E_{kir}} \quad (6)$$

$$EPF_{ex} = \frac{Ex_{chiq}}{E_{kir}} \quad (7)$$

bu yerda E_{kir}-mujassamlashgan energiya, kVt·soat.

QHKlarning konstruksiyasida foydalanilgan materiallarga bog‘liq holda silliq absorberli va turbulizatorli QHKdagi mujassamlashgan energiya miqdori 1-jadvalda keltirilgan. 1-jadvalda keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra, mujassamlashgan energiya qiymatlari quyidagicha: QHK uchun 186,1 kVt·soat, T4 model uchun 204,1 kVt·soat, T5 model uchun 208,6 kVt·soat, TT4 model uchun 199,6 kVt·soat, TT5 model uchun 203,0 kVt·soat, KT4 model uchun 212,4 kVt·soat, KT5 model uchun 218,8 kVt·soat.

1-jadval

Barcha QHK uchun mujassamlashgan energiyaning qiymatlari (E_{kir})

Parametr	Material turi	Umumiy massa, kg	O‘ziga xos energiya, MJ/kg	QHK	T4	T5	TT4	TT5	KT4	KT5
Qoplama	Shisha	5	15	75	75	75	75	75	75	75
Absorber	Temir	11,7	25	292,5	292,5	292,5	292,5	292,5	292,5	292,5
Izolyatsiya	Polistirol	0,5	30	15	15	15	15	15	15	15
Tashqi qoplama	Ruxlangan temir	5,5	25	137,5	137,5	137,5	137,5	137,5	137,5	137,5
Turbulizator	Temir	-	25	-	56,2	70,2	42,1	52,7	81,9	101,8
Absorber bo‘yog‘i	Qora bo‘yoq	-	90	45	53,6	55,8	51,5	53,1	57,6	60,7
QHK ramkasi	Temir	4,2	25	105	105	105	105	105	105	105
Jami, MJ				**670,0**	**734,8**	**751,0**	**718,6**	**730,8**	**764,5**	**787,5**
Jami, kVt·s				**186,1**	**204,1**	**208,6**	**199,6**	**203,0**	**212,4**	**218,8**

Barcha QHK uchun aniqlangan mujassamlashgan energiya qiymatlari asosida har bir QHK uchun energiyani qoplash muddati aniqlandi va 2-jadvalda keltirildi.

2-jadval

Energiyani qoplash muddati va energiyani ishlab chiqarish koeffitsiyenti

Parametr	QHK	T4	T5	TT4	TT5	KT4	KT5
Mujassamlashgan energiya, kVt·soat	186,1	204,1	208,6	199,6	203,0	212,4	218,8
En_{chiq}	630,4	716,8	729,6	755,2	771,2	812,8	839,2
Ex_{chiq}	115,2	131,2	134,4	137,6	144,0	150,4	157,6
$EPBT_{en}$	0,30	0,28	0,29	0,26	0,26	0,26	0,26
$EPBT_{ex}$	1,62	1,56	1,55	1,45	1,41	1,41	1,39
EPF_{en}	3,39	3,51	3,50	3,78	3,80	3,83	3,84
EPF_{ex}	0,62	0,64	0,64	0,69	0,71	0,71	0,72

Yuqoridagi 2-jadvalda keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra, energetik va eksergetik nuqtai nazaridan KT5 modelda energiya va eksergiyani qoplash muddati eng kichik, hamda energiya va eksergiyani ishlab chiqarish koeffitsiyenti eng yuqori. Har bir QHKni tayyorlashga sarflangan material harajatlari va QHKning narxi 3-jadvalda keltirilgan.

3-jadval

QHK konstruksiyalarini tayyorlash harajatlari

№	Parametr	Bir birlik narxi, ming so‘m						
		QHK	T4	T5	TT4	TT5	KT4	KT5
1	Shisha	25	25	25	25	25	25	25
2	Absorber	140,4	140,4	140,4	140,4	140,4	140,4	140,4
3	Izolyatsiya	15,2	15,2	15,2	15,2	15,2	15,2	15,2
4	Tashqi qoplama	121,2	121,2	121,2	121,2	121,2	121,2	121,2
5	Turbulizator	-	27,0	33,7	20,2	25,3	39,3	48,6
6	Ventilyator	750,0	750,0	750,0	750,0	750,0	750,0	750,0
7	Ventil	120,0	120,0	120,0	120,0	120,0	120,0	120,0
8	Patrubka	14,0	14,0	14,0	14,0	14,0	14,0	14,0
9	Quvur	24,0	24,0	24,0	24,0	24,0	24,0	24,0
10	Bo‘yoq	31,1	37,0	38,5	32,2	36,7	39,8	41,9
11	Yelim	48,5	51,2	52,8	51,2	52,8	53,4	54,7
Jami:		839,4	875,0	884,8	863,4	874,6	892,3	905,0

Yuqoridagi 3-jadval ma’lumotlariga ko‘ra, QHKlarni tayyorlash uchun zarur harajatlar quyidagicha: QHK-839400 so‘m, T4 model-875000 so‘m, T5 model-884800 so‘m, TT4 model-863400 so‘m, TT5 model-874600 so‘m, KT4 model-892300 so‘m va KT5 model-905000 so‘m. Har bir QHK uchun aniqlangan harajatga asosan jami kapital qo‘yilmalarni aniqlaymiz:

a) QHKni tayyorlash narxi, N_{qur} (3-jadval);

b) o‘rnatish ishlariga (qurilma narxining 20% qismi);

v) loyihalash ishlariga (o‘rnatish ishlari qiymatining 10% gacha);

g) ishga tushirish ishlariga (qurilma narxining 3-5% qismi).

Jami kapital qo‘yilma:

$$S = N_{qur} + 0{,}2N_{qur} + 0{,}1N_{o‘rn} + (0{,}03 \dots 0{,}05)N_{qur} \quad (8)$$

QHKning harajatlarini qoplash muddati:

$$T = \frac{S}{B_{ee}N_{ee}} \quad (9)$$

bu yerda B_{ee}-bir yilda tejab qolingan jami elektr energiya miqdori, kVt·soat; $N_{ee} = 450$ so‘m-1 kVt·soat elektr energiyaning narxi (01.05.24 yil holatiga).

Yuqoridagi ketma-ketlik bo‘yicha olingan natijalar 4-jadvalda keltirilgan.

4-jadval

QHKlarning iqtisodiy samaradorligi

№	Parametr ming so‘m	QHK	T4	T5	TT4	TT5	KT4	KT5
1	N_{qur}	839,4	875,0	884,8	863,4	874,6	892,3	905,0
2	$N_{o‘rn}$,	167,9	175,0	177,0	172,7	174,9	178,5	181,0
3	N_{loy}	16,8	17,5	17,7	17,3	17,5	17,8	18,1
4	N_{iti},	25,2	26,3	26,5	25,9	26,2	26,8	27,2
5	S,	1049,3	1093,8	1106,0	1079,3	1093,3	1115,4	1131,3
6	Tejalgan energiya narxi	283,7	322,6	328,3	339,8	347,0	365,8	375,8
7	T, yil	3,7	3,4	3,4	3,2	3,2	3,0	3,0
8	Qoplash koeffitsiyenti	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3

Yuqoridagi 4-jadval natijalariga ko‘ra, harajatlarni qoplash muddati QHK uchun 3,7 yil, T4 va T5 modellar uchun 3,4, TT4 va TT5 modellar uchun 3,2, KT4 va KT5 modellar uchun 3,0. Silliq absorberli va turbulizatorli QHKning ekologik samaradorligi CO_2 zararli tashlamalari miqdorini kamayishini aniqlash bo‘yicha baholandi va 5.5-jadvalda keltirildi. Hisoblashlarda 1 kVt·soat elektr energiyasiga tabiiy gazning ekvivalenti 0,108 m^3 tabiiy gaz qabul qilindi [8]. 1 m^3 tabiiy gaz yonganda o‘rtacha 1,85 kg CO_2 ajraladi [9].

5-jadval

QHKlarning ekologik samaradorligi

№	Parametr	QHK	T4	T5	TT4	TT5	KT4	KT5
1	Tejalgan elektr energiyani tabiiy gazga ekvivalenti, m^3	68,1	77,4	78,8	81,6	83,3	87,8	90,2
2	Tejab qolingan CO_2 miqdori, kg	126	143,2	145,8	150,9	154,1	162,4	166,9

Yuqoridagi 5-jadval natijalariga ko'ra, QHK yordamida bir yilda tejab qolingan CO_2 miqdori QHKda 126,0 kg, T4 modelda 143,2 kg, T5 modelda 145,8 kg, TT4 modelda 150,9 kg, TT5 modelda 154,1 kg, KT4 modelda 162,4 kg va KT5 modelda 166,9 kg ni tashkil etdi.

Xulosa. Silliq absorberli va turbulizatorli QHKda energiya va eksergiyani qoplash muddati va ishlab chiqarish koeffitsiyentlari qiymatlari aniqlanganda KT5 modelda energiya va eksergiyani qoplash muddati eng kichik, energiya va eksergiyani ishlab chiqarish koeffitsiyentlari qiymati eng yuqori ekanligi aniqlandi. Barcha QHKlarning iqtisodiy samaradorligi baholanganda KT5 modelda kapital qo'yilma eng yuqori (1131300 so'm) bo'lishiga qaramasdan, KT5 modelning harajatlarni qoplash muddati eng kam bo'lib, 3,0 yil ekanligi aniqlandi. Silliq absorberli va turbulizatorli QHKlarning ekologik samaradorliklari tejab qolingan CO_2 miqdori bo'yicha aniqlanganda, tejalgan CO_2 miqdori KT5 modelda eng yuqori bo'lib, 166,9 kg CO_2 tejab qolinishiga erishildi.

Adabiyotlar:

1. Hassan H., Yousef M.S., Fathy M., Ahmed M.S. Assessment of parabolic trough solar collector assisted solar still at various saline water mediums via energy, exergy, exergoeconomic, and enviroeconomic approaches. Renew Energy, 155, 2020. – p. 604-616.
2. Yousef M.S., Hassan H. Energy payback time, exergoeconomic and enviroeconomic analyses of using thermal energy storage system with a solar desalination system: an experimental study. J Clean Prod., 270, 2020:122082.
3. Hassan H., Yousef M.S. An assessment of energy, exergy and CO_2 emissions of a solar desalination system under hot climate conditions. Process Saf. Environ. Prot., 145, 2021. – p. 157-171.
4. Yousef M.S., Hassan H. Energetic and exergetic performance assessment of the inclusion of phase change materials (PCM) in a solar distillation system. Energy Convers Manag., 179, 2019. – p. 349-361.
5. Yousef M.S., Hassan H. Assessment of different passive solar stills via exergoeconomic, exergoenvironmental, and exergoenviroeconomic approaches: a comparative study. Sol. Energy, 182, 2019. – p. 316-331.
6. Abuska M., Seyf S. Energy, exergy, economic and environmental (4E) analyses of flat-plate and V-groove solar air collectors based on aluminum and copper, Sol. Energy, 158, 2017. – p. 259-277.
7. Joshi P., Tiwari G.N. Energy matrices, exergo-economic and enviro-economic analysis of an active single slope solar still integrated with a heat exchanger: a comparative study. Desalination, 443, 2018. – p. 85-98.
8. https://sro150.ru/index.php/metodiki/371-metodika-rascheta-vybrosov-parnikovykh-gazov.

KOMBINATSIYALASHGAN KO'P POG'ONALI QUYOSH SUV CHUCHUTGICH QURILMASI

Mirzayorova S.U., tayanch doktorant; **Ibragimov U.X.,** t.f.f.d., dotsent
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Annotatsiya. Ushbu maqolada aholini chuchuk suv bilan ta'minlash maqsadida quyosh suv kollektorli va tashqi kondensatorli kombinatsiyalashgan ko'p pog'onali quyosh suv chuchutgich qurilmasining prinsipial sxemasi, asosiy va yordamchi jihozlarining issiqlik-texnik parametrlari hamda kombinatsiyalashgan qurilmasining ishlash prinsipi keltirilgan.

Kalit so'zlar: quyosh suv chuchutgich, quyosh suv kollektori, tashqi kondensator, pog'ona, bug'latish kamerasi.

Комбинированный многоступенчатый солнечный опреснитель

Аннотация. В данной статье представлены принципиальная схема комбинированного многоступенчатого солнечного опреснителя с солнечным водяном коллектором и внешним конденсатором, а также теплотехнические параметры основного и вспомогательного оборудования и принцип работы комбинированного устройства для обеспечения населения пресной водой.

Ключевые слова: солнечный опреснитель, солнечный воздушный коллектор, внешний конденсатор, ступень, испарительная камера.

Combined multi-stupped solar desalination plant

Annotation. This article presents the basic diagram of a combined multi-stupped solar desalination plant with a solar water collector and an external condenser, as well as the thermal parameters of the main and auxiliary equipment and the operating principle of the combined device for providing the population with fresh water.

Key words: solar desalination plant, solar water collector, outdoor condenser, step, evaporation chamber.

Chuchuk suv tanqisligi bugungi kundagi dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Ma'lumki, Yer yuzasida mavjud suvning 96,54% qismi sho'r suv va 2,53% qismi toza suv hisoblanadi [1]. Bevosita foydalanish imkoniyati mavjud bo'lgan toza suvning umumiy hajmi, sayyoramizda mavjud chuchuk suvning umumiy hajmining 0,0036 qismini tashkil etadi [2]. Sanoatni jadal rivojlanishi va aholi sonini tez o'sishi natijasida toza suvga bo'lgan talab yanada ortib bormoqda. Ushbu muammolar energiya tejamkor va yuqori unumdorlikka ega suv chuchutgich qurilmalarini ishlab chiqishni talab etadi. Hozirgi kunda sho'r suvdan ichimlik suvi olishning ko'plab usullari taklif etilgan: teskari osmos, elektrodializ, ko'p pog'onali bug'latish, namlantirish-quritish va quyosh suv chuchutgichlari [3, 4, 5, 6]. Katta hajmdagi chuchuk suv zarur bo'lganda teskari osmos va elektrodializ usullari, kam miqdordagi chuchuk suv zarur bo'lganda arzon va qulay bo'lgan QSCh qurilmalari tavsiya etiladi. QSCh qurilmalarining

pog‘onali, piramidali, quvurchali, lotokli, yarimsferik, qaytargichli va issiqlik akkumulyatorli konstruksiyalari taklif etilgan. Ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasi keng tarqalgan va arzon bo‘lib, havzali turdagi QSCh qurilmasiga qaraganda unumdorligi yuqori [7]. Qurilmada suv qatlamining qalinligi kichik bo‘lganligi hisobiga ko‘p pog‘onali qurilmalarda bug‘lanish tezligi yuqori [8]. So‘nggi yillarda ko‘p sonli tadqiqotchilar ko‘p pog‘onali QSCh qurilmalarining unumdorligini oshirish bo‘yicha tadqiqot ishlarini olib borishmoqda. Ko‘p pog‘onali qurilmalarning dastlabki tadqiqoti 1973 yilda Headley [9] tomonidan olib borilgan va tajribaviy tadqiqotlar o‘tkazilgan. Ko‘p pog‘onali QSCh qurilmalarida suv qatlamining qalinligi, shaffof qoplama va suv yuzasi orasidagi masofa hamda sho‘r suvning massaviy sarfi [10, 11] tadqiqot ishlarida o‘rganilgan. Natijalarga ko‘ra, ushbu uchta parametrlarni kamayishi bilan bug‘lanish samaradorligi va chuchuk suv bo‘yicha unumdorlik ortishi aniqlangan. Radhwan [12] pog‘onali QSCh qurilmalarida yashirin issiqlikni akkumulyatsiyalashni birinchi bo‘lib qo‘llashgan, undan issiqxonada harorat va namlikni rostlash uchun foydalanilgan. Natijalarga ko‘ra, samaradorlik va chuchuk suv bo‘yicha unumdorlik mos ravishda 57% va 4,6 l/m^2 ni tashkil etgan.

Velmurugan va boshqalar [13] ta’minot suvi dastlabki qizdiriladigan kichik quyosh havzasi bilan kombinatsiyalashgan pog‘onali QSCh qurilmasining samaradorligini baholashgan. Natijalarga ko‘ra, chuchuk suvni kunlik ishlab chiqarish 6,12 $l/m^2/kun$ va samaradorlik 59% ni tashkil etgan. Salah [14] pog‘onali QSCh qurilmasining unumdorligini oshirish uchun fotoelektrik qizdiriluvchi spiraldan foydalangan. Taklif etilgan pog‘onali QSCh qurilmasi uchta bir xil to‘rtburchak kameradan iborat bo‘lib, har bir kamera bittadan qizdiruvchi spiral bilan jihozlangan. Natijalarga ko‘ra, chuchuk suv bo‘yicha kunlik unumdorlik 5,985 $l/m^2/kun$, maksimal nazariy unumdorlik 10,231 $l/m^2/kun$ ni tashkil etgan. Sadineni va boshqalar [8] qiya ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasining samaradorligini nazariy va tajribaviy tadqiqot qilishgan. Natijalarga ko‘ra, qurilma 6,3 $l/m^2/kun$ unumdorlikka ega bo‘lib, samaradorligi 61,3% ni tashkil etgan.

QSCh qurilmalarining energetik va eksergetik unumdorliklari ko‘p sonli tadqiqotchilar tomonidan tadqiqot qilingan. Nematollahi va boshqalar [15] QSCh qurilmasi uchun energiya va eksergiyani tajribaviy va nazariy tahlil qilish uchun matematik model ishlab chiqishgan. Ularning natijalariga ko‘ra, namlantirish minorasining uzunligini ortishi bilan umumiy eksergetik samaradorlik pasayib borgan. Bundan tashqari, kiruvchi havoning harorati ortganda va minora diametri kamayganda eksergetik samaradorlik kamayishini aniqlashgan. Dashtban va Tabrizilar [10] FO‘Mni saqlash idishi bo‘lgan integratsiyalashgan pog‘onali QSCh qurilmasining issiqlik xarakteristikasini nazariy tadqiqot qilishgan va modellashtirish natijalarini tajriba natijalari bilan taqqoslangan. Shuningdek, ular shisha yuzasi va suv o‘rtasidagi masofani va absorber plastinasi ustidagi suv miqdorini QSCh qurilmasining unumdorligiga ta’sirini tadqiqot qilishgan. Demak, yuqorida keltirilgan so‘nggi yillardagi adabiyotlar tahlilida ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasida eksergetik tahlillar deyarli o‘tkazilmagan. Yuqoridagilarni inobatga olgan holda ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasining energetik samaradorligini va chuchuk suv bo‘yicha kunlik unumdorligini oshirish uchun ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasini quyosh suv kollektori bilan kombinatsiyalash, tashqi kondensatorni biriktirish, sho‘r suvni qurilmaga kiritishdan oldin tashqi manbalar yordamida dastlabki qizdirish, kombinatsiyalashgan ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasining energetik va eksergetik balanslarini matematik modellashtirish va sonli tadqiqot qilish masalalari yetarlicha o‘rganilmagan. Yuqoridagilarni inobatga olgan holda kombinatsiyalashgan ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasining prinsipial sxemasi ishlab chiqilgan bo‘lib, ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasi quyosh suv kollektori, bak-akkumulyator va tashqi kondensator bilan birlashtirilgan (1-rasm).



1-rasm. Kombinatsiyalashgan ko‘p pog‘onali quyosh suv chuchutgich qurilmasining prinsipial sxemasi:
1, 3, 6, 7, 11, 12, 15, 19-ventillar; 2-ventilyator; 4-bug‘-suvli issiqlik almashinuv qurilmasi (tashqi kondensator); 5-ko‘p pog‘onali QSCh qurilmasi; 8-chuchuk suvni yig‘ish idishi; 9-qoldiq sho‘r suv idishi; 10-sirkulyatsion nasos; 13-bak-akkumulyator; 14-sho‘r suv idishi; 16-quyosh fotoelektrik paneli; 17-invertor; 18-akkumulyator; 20-quyosh suv kollektori; 21-quyosh suv kollektori quvurlari

Taklif etilgan kombinatsiyalashgan ko‘p pog‘onali QSCh (KKPQSCh) qurilmasi, KPQSCh qurilmasi, quyosh suv kollektori (QSK), quyosh fotoelektrik paneli (FEP), suv-bug‘li va suv-suvli issiqlik almashinuv qurilmalari, chuchuk va sho‘r suvni yig‘ish idishlari, suv nasosi, ventilyator va biriktiruvchi quvurlar tizimidan tashkil topgan. KKPQSCh qurilmasining asosiy elementlarining issiqlik-texnik parametrlari quyidagicha:

a) KPQSCh qurilmasining absorber plastinasi qalinligi 1,6 mm bo‘lgan ruxlangan metall listdan ($\rho = 7870\ kg/m^3$, $c_p = 450\ J/(kg\cdot℃)$, $\lambda = 80\ Vt/(m\cdot℃)$) tayyorlangan bo‘lib, o‘lchami 1000x500 mm (0,5 m^2). Absorber plastinada jami 9 ta pog‘ona vazifasini bajaruvchi to‘siqlar o‘rnatilgan bo‘lib, har bir to‘siqning ko‘ndalang kesim yuzasi 500x60 mm dan iborat. Ko‘p pog‘onali absorber plastinaga issiqlikni maksimal yutilishini ta’minlash uchun absorber plastina qora rangga bo‘yalgan. Absorber plastina uzunligi 1000 mm, kengligi 500 mm va balandligi 100 mm bo‘lgan metal korpusni ichiga joylashtirilgan bo‘lib, ustki shaffof qoplamasi

1000x500x4 mm o‘lchamli qurilish oynasidan tayyorlangan. Issiqlik yo‘qotilishini kamaytirish maqsadida qurilma korpusining yon va orqa tomonlari penopleks ($\delta = 20\,mm$, $\lambda = 0{,}032\,Vt/(m{\cdot}℃)$) materiali bilan izolyatsiya qilingan. Ko‘p pog‘onali bug‘latish kamerasida germetiklikni ta’minlash uchun shaffof qoplama korpusga Akfix selikoni yordamida rezina qistirma orqali mahkamlangan;

b) QSK absorber plastinasi qalinligi 1,6 mm bo‘lgan ruxlangan metall listdan tayyorlangan bo‘lib, o‘lchami 1000x500 mm (0,5 m^2). Kollektor ichida diametri 15 mm bo‘lgan jami 5 dona uglerodli po‘latdan ($\rho = 7874\,kg/m^3$, $c_p = 460\,J/(kg{\cdot}℃)$, $\lambda = 54\,Vt/(m{\cdot}℃)$) tayyorlangan quvurlar joylashtirilgan. QSKning absorber plastinasi va quvurlari qora rangga bo‘yalgan. QSKning absorber plastinasi va quvurlar tizimi 1000x500x60 mm o‘lchamli metal korpus ichiga joylashtirilgan. Metal korpusning ustki qismi 1000x500x4 mm o‘lchamli shaffof qoplama bilan yopilgan. Koprusning yon va orqa tomoni penopleks materiali bilan izolyatsiya qilingan;

c) asosiy issiqlik almashinuv qurilmasi (bak-akkumulyator) silindrik shaklda bo‘lib, hajmi 0,063 m^3. Bak-akkumulyator KPQSCh qurilmasi va QSKni birlashtirib, QSKda olingan foydali issiqlikni, issiqlik almashinuv qurilmasi ichidagi sho‘r suvga uzatish uchun mo‘ljallangan. Issiqlik almashinuv qurilmasi botirilgan zmeevik turidagi bo‘lib, u QSK bilan yopiq konturli tizim hisoblanadi. Zmeevik quvur diametri 25 mm bo‘lgan uglerodli po‘lat quvurdan tayyorlangan bo‘lib, umumiy uzunligi 1100 mm va o‘ramlar soni 10 dona;

d) yordamchi issiqlik almashinuv qurilmasi (tashqi kondensator) silindrik shaklda bo‘lib, hajmi 0,028 m^3. Tashqi kondensator KPQSCh qurilmasidan chiqayotgan chuchuk suv bug‘ining issiqligidan rekuperativ foydalanib, KPQSCh qurilmasiga uzatilayotgan sho‘r suvni dastlabki qizdirish uchun mo‘ljallangan. Bu qurilma ham botirilgan zmeevikli turidagi bo‘lib, zmeevik quvur diametri 20 mm bo‘lgan uglerodli po‘lat quvurdan tayyorlangan. Quvurning umumiy uzunligi 800 mm va o‘ramlar soni 10 dona;

e) QSK va bak-akkumulyatoridan iborat yopiq konturda suvning majburiy sirkulyatsiyasini ta’minlash uchun GREENPRO RS15/4G-130 markali sirkulyatsion nasos o‘rnatilgan bo‘lib, uning asosiy texnikaviy xarakteristikasi quyidagicha: kuchlanish 220 V, iste’mol quvvati 38/53/72 Vt, iste’mol quvvatiga mos keladigan siquv 3/4/4,5 m, himoya sinfi F, aylanishlar chastotasini o‘zgartirish qo‘l yordamida amalga oshiriladi, montaj qilinadigan uzunlik 130/180 m, maksimal ruxsat etilgan ishchi bosim 10 atm, ruxsat etilgan harorat diapazoni -10℃ dan +110℃ gacha, tashqi muhit harorati +40℃ gacha va massasi 2,1 kg;

f) tizimni elektr energiyasi bilan ta’minlash uchun quvvati 300 Vt bo‘lgan 60-yacheykali quyosh fotoelektrik paneli o‘rnatilgan bo‘lib, uning texnikaviy xarakteristikasi quyidagicha: modul turi SL-72-340P, maksimal quvvati 340 Vt, maksimal kuchlanish 38,2 V, maksimal tok kuchi 8,9 A, salt kuchlanishi 47,5 V, qisqa tutashuv toki 9,22 A, ishchi harorati 40...80℃, modul samaradorligi 17,52%;

g) KPQSCh qurilmasining bug‘latish kamerasida hosil bo‘lgan chuchuk suv bug‘ini tashqi kondensatorga so‘rib uzatish uchun nam havoda ishlovchi 6,4 Vt quvvatli ventilyator o‘rnatilgan bo‘lib, 12 V kuchlanishda ishlaydi.

KKPQSCh qurilmasining ishlash tartibi quyidagicha: sho‘r suv idishi 14 ventil 15 yordamida kerakli sathgacha to‘ldiriladi va bak-akkumulyatorga 13 uzatiladi, u yerda sho‘r suv QSKdan 20 uzatilgan foydali issiqlik yordamida isitilgan ishchi suyuqlikning issiqligi hisobiga 45...50℃ haroratgacha isiydi va shu haroratda KPQSCh qurilmasiga 5 kiritiladi. Qurilmadagi pog‘onalar yuqoridan pastga qarab sho‘r suv bilan to‘ladi, ortiqcha suv qurilmaning pastki qismidagi tuynuk orqali qoldiq sho‘r suv idishiga 9 to‘kiladi. Quyosh nurlanish energiyasi shaffof qoplama orqali o‘tkaziladi va qora absorber plastinaga yutiladi. Natijada pog‘onalardagi sho‘r suv qiziydi, natijada pog‘onadagi suv yuzasi va shaffof qoplama orasidagi havoning namligi ortadi. Suv belgilangan massasidagi solishtirma issiqlik sig‘imiga teng quyosh radiatsiyasini yutgandan so‘ng to‘yinadi va bug‘lanishni boshlaydi. Suvni bug‘lanishi natijasida hosil bo‘lgan suv bug‘lari shaffof qoplamaning ichki tomonida kondensatsiyalanadi. Kondensatsiyalangan suv distillyat yig‘iladigan nov orqali chuchuk suv idishida 8 yig‘iladi. Bug‘latish kamerasida kondensatsiyalanish jadalligini oshirish maqsadida tashqi kondensator 4 o‘rnatilgan. Ventilyator 2 yordamida bug‘latish kamerasidagi suv bug‘lari so‘rib olinadi va kondensatorga 4 uzatiladi, u yerda suv bug‘lari zmeyevikli quvur orqali o‘tib kondensatsiyalanadi. Hosil bo‘lgan kondensat chuchuk suv idishida 8 yig‘iladi. Tizimdagi sirkulyatsion nasos va ventilyatorlar quyosh FEPdan 16 ta’minlanadi. Pog‘onalardagi suvni bug‘lanishi natijasida sho‘r suvning sathi kamayadi. Bug‘langan suvning o‘rnini to‘ldirish juda kichik sarfda (0,068 l/daqiqa) amalga oshiriladi. KPQSCh qurilmasida suv absorber va shaffof qoplamaning haroratlarini o‘lchashda pog‘onalar orasida termojuftlar o‘rnatilgan. KPQSCh qurilmasi va QSK gorizontga nisbatan 39° burchak (Qarshi shahri kengligi) ostida o‘rnatilgan.

Xulosa. KKPQSCh qurilmasida chuchuk suv bo‘yicha unumdorlik va energiya samaradorlikni oshirishda, QSCh qurilmalarida issiqlik va massa almashinuv jarayonlarini optimal tashkil etishda, QSCh qurilmasining shaffof qoplamasi, absorberi va sho‘r suvning haroratini o‘zgarishini, KKPQSCh qurilmasining bug‘latish kamerasidagi issiqlik va massa almashinuv jarayonlarini hamda tizimning energetik va eksergetik balanslarini modellashtirish va sonli tadqiqot qilishga zaruriyat tug‘iladi.

Adabiyotlar:

1. Kabeel A.E., Mohamed M.K.D., Tamer N., Bader E.A. Improving the performance of stepped solar still using a graphite and PCM as hybrid store materials with internal reflectors coupled with evacuated tube solar collector. Heat and Mass Transfer. 2019. https://doi.org/10.1007/s00231-019-02741-8.

2. He Z.N. Solar thermal utilization. Press of University of Science and Technology of China, China, 404, 2009. – p. 48-52.

3. Kabeel A.E., Abdelgaied M., Omara Z.M. Experimentally evaluation of split air conditioner integrated with humidifiation-dehumidifiation desalination unit for better thermal comfort, produce freshwater, and energy saving, J. Therm. Anal. Calorim., 147 (6), 2022. – p. 4197-4207.

4. Gamal B.A., Mohamed A.D., Omara M.A., Sharshir S.W., Elsaid A.M., Emad M., El-Said S. Humidifiation dehumidifiation saline water desalination system utilizing high frequency ultrasonic humidifir and solar heated air stream, Therm. Sci. Eng. Prog., 27, 2022:101144.

5. Essa F.A., Abdullah A.S., Omara Z.M., Kabeel A.E., El-Maghlany W.M. On the different packing materials of humidifiation–dehumidifiation thermal desalination techniques-A review, Cleaner Production, 277, 2020:123468.

6. Abdullah A.S., Essa F.A., Omara Z.M., Bek M.A. Performance evaluation of a humidifiation–dehumidifiation unit integrated with wick solar stills under different operating conditions, Desalination, 441, 2018. – p. 52-61.

7. Naroei M., Sarhaddi F., Sobhnamayan F. Effiency of a photovoltaic thermal stepped solar still: experimental and numerical analysis, Desalination, 441, 2018. – p. 87-95.

8. Sadineni S.B., Hurt R., Halford C.K., Boehm R.F. Theory and experimental investigation of a weir-type inclined solar still, Energy, 33, 2008. – p. 71-80.

9. Headley O.S.C. Cascade solar still for distilled water production, Sol. Energy, 15, 1973. – p. 245-258.

10. Dashtban M., Tabrizi F.F. Thermal analysis of a weir-type cascade solar still integrated with PCM storage, Desalination, 279, 2011. – p. 415-422.

11. El-Zahaby A.M., Kabeel A.E., Bakry A.I., El-Agouz S.A., Hawam O.M. Enhancement of solar still performance using a reciprocating spray feeding system—an experimental approach, Desalination, 267, 2011. – p. 209-216.

12. Radhwan A.M. Transient performance of a stepped solar still with built-in latent heat thermal energy storage, Desalination, 171, 2005. – p. 61-76.

13. Velmurugan V., Pandiarajan S., Guruparan P., Subramanian L.H., Prabaharan C.D., Srithar K. Integrated performance of stepped and single basin solar stills with mini solar pond. Desalination, vol. 249, 2009. – p. 902-909.

14. Salah A. Productivity Enhancement of Solar Still with PV Powered Heating Coil and Chamber Step-Wise Basin. Journal of Ecological Engineering, vol. 19, 2018. – p. 8-15.

15. Nematollahi F., Rahimi A., Gheinani T.T. Experimental and theoretical energy and exergy analysis for a solar desalination system, Desalination 317, 2013. – p. 23-31.

YASHASH UYLARINING KOMBINATSIYALASHGAN HAVOLI SOVITISH TIZIMI

Xolmatov F.T., tayanch doktorant. Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti
Ibragimov U.X., t.f.f.d., dotsent Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Annotatsiya. Ushbu maqolada yilning issiq mavsumida aholi yashash uylarida qulay mikroiqlim sharoitini hosil qilish maqsadida quyosh fotoelektrik moduli, favvorali suv havzasi va quvurchali issiqlik almashinuv qurilmasidan iborat kombinatsiyalashgan havoli sovitish tizimining prinsipial sxemasi taklif etilgan va havoli sovitish tizimining ishlash prinsipi bayyon qilingan.

Kalit so‘zlar: sovitish tizimi, havoli sovitish, favvora, suv havzasi, nam havo, issiq havo, konvektiv, konduktiv.

Комбинированная система воздушного охлаждения жилых домов

Аннотация. В данной статье предложена принципиальная схема комбинированной системы воздушного охлаждения, состоящей из солнечного фотоэлектрического модуля, фонтанного водного бассейна и трубчатого теплообменного устройства, а также описан принцип работы системы воздушного охлаждения с целью создания комфортной микроклимат в жилых домах в жаркое время года.

Ключевые слова: система охлаждения, воздушное охлаждение, фонтан, бассейн, влажный воздух, горячий воздух, конвективный, кондуктивный.

Combined air cooling system for residential buildings

Annotation. This article proposes a basic diagram of a combined air cooling system consisting of a solar photovoltaic module, a fountain water pool and a tubular heat exchanger, and describes the operating principle of the air cooling system to create a comfortable microclimate in residential buildings during the hot season.

Key words: cooling system, air cooling, fountain, basin, humid air, hot air, convective, conductive.

Yashash uylarining havoli sovitish tizimi nisbatan arzon va ekspluatatsiyada oson hisoblanadi. Mexanik shamollatish va havoni maromlash tizimlarida sovituvchi havoni kiritish va chiqarish sovitish jarayonida muhim rol uynaydi, ya’ni ularning holatini to‘g‘ri tanlash energiya iste’molini kamaytirish va sovitish samaradorligini oshirish imkonini beradi. Demak, xona ichida issiqlik shinamliligini ta’minlash va xonani samarali shamollatish uchun havo oqimi, xona ichida havo va harorat taqsimlinishini chuqur tadqiqot qilish zarur. Harorat va havo oqimini taqsimlanishi tajribaviy va nazariy modellar asosidagi o‘rganiladi, ya’ni yashash xonalari to‘rtburchak xona sifatida modellashtiriladi. Bunda xona ichida issiqlik konduksiya, tabiiy, aralash yoki majburiy konveksiya hamda nurlanish orqali uzatiladi.

Mavjud adabiyotlarda shamollatiladigan xonalarni sonli modellashtirish bo‘yicha bir nechta tadqiqot ishlari mavjud [1-11]. Bino shaklidagi bo‘shliqni modellashtirish uchun hisobiy gidrogazodinamikadan foydalanish bo‘yicha Nielsenning [8, 9] ishlari fundamental tadqiqot hisoblanadi. Nielsen va boshqalarning tadqiqotlarini ko‘p qismi kirayotgan havoning kirish tuynugi o‘lchamlari, kirish va chiqish tuynuklarining joylashuvi, oqim tuzilishi va aralash konveksiyada shamollatish samaradorligi bilan bog‘liq aerodinamik ta’sir va geometrik parametrlarning xarakteristikasini o‘zgarishiga qaratilgan.

Gan [12] mexanik shamollatiladigan idorada havoni taqsimlash tizimini baholash uchun xonadagi havo oqimini, issiqlik shinamligi va shamollatish samaradorligi ko‘rsatkichlarini taqqoslagan. Natijalarga ko‘ra, havoni pastdan uzatish va yuqoridan chiqarib yuborish eng kam energiya sarfida havoni maksimal taqsimlanishini ta’minlaydi. Lee va boshqalar [13] Reynolds sonining keng ko‘lamlarida havoli sovitish tizimiga ega xonada majburiy va aralash konveksiya sharoitida oqim xarakteristikasi va issiqlik almashinuvini tadqiqot qilishganda, sovitish samaradorligi Reynolds soniga teskari proporsional ekanligini aniqlashgan. Omri va Nasrallahlar [14] tomonidan havo bilan sovitiladigan to‘rburchak xonada majburiy va aralash konveksiya tadqiqot qilingan. Tadqiqotda ikkita vertikal devorda turli haroratlar, qolgan ikkita devorda adiabatik holat ta’minlangan. Havoni kirish va chiqish tuynugining ikkita holati ko‘rib chiqilgan. Birinchi holatda sovuq havo issiq devorning yuqori qismi orqali uzatiladi va sovuq devorning quyi qismidan chiqarib yuboriladi. Ikkinchi holatda sovuq havo issiq devorning quyi qismidan uzatiladi va sovuq devorning yuqori qismidan chiqarib yuboriladi. Ikkala holatda ham oqimning turli parametrlarining ta’siri va issiqlik uzatish tadqiqot qilingan. Natijalarga ko‘ra, sovitishni optimallashtirish uchun sovuq havoni issiqlik devorning quyi qismidan kiritish va uning yuqori qismidan chiqarib yuborish eng maqbul konfiguratsiya ekanligi aniqlangan.

Singh va Shariflar [15] tomonidan to‘rtburchak xonada issiq va sovuq devor orqali kiritiladigan sovuq havoning kirish va chiqish tuynuklarining oltita konfiguratsiyasi ko‘rib chiqilgan. Tadqiqot Reynolds sonining 50, 100, 300 va 500 qiymatlari va Richardson sonining 0, 0,1 va 1,0 qiymatlarida o‘tkazilgan. natijalarga ko‘ra, sovuq havo sovuq devorning quyi qismidan uzatilganda va issiq devorning yuqori qismidan chiqarib yuborilganda optimal sovitish samaradorligiga erishish aniqlangan. Xona geometriyasi, havo oqimini kiritish kesimi, devor harorati hamda sovuq va issiq havo sarflarining nisbatini ta’siri Costa va boshqalar [16] tomonidan tadqiqot qilingan. Natijalarga ko‘ra, xonaning belgilangan geometriyasida va havo oqimining qayd etilgan tezligi asosida oqimni minimal qaytishi bilan bog‘liq optimal sovitish samaradorligini aniqlash mumkin.

Ko‘p sonli tadqiqotchilar yopiq va ochiq shamollatiladigan xonalarda tajriba tadqiqoti natijalarini taqdim etishgan [17-21]. Yuqorida keltirilgan tadqiqot ishlarida issiqlik parametrlari, masalan Nusselt soni, havoning harorati va tezligi bo‘yicha to‘liq ma’lumotlar keltirilgan. Nielsen [22] tomonidan havo izotermik sharoitda va turbulent oqim rejimida uzatiladigan hamda havo vertikal devordan chiqarib yuboriladigan xona uchun tajriba natijalari taqdim etilgan. Xonaning balandligi 3,0 m va kengligi 9,0 m bo‘lib, kiritilayotgan havo chap devorning yuqori qismidan kiritiladi va o‘ng devorning pastki qismidan chiqarib yuboriladi, bunda barcha devorlar adibatik qabul qilingan. Kirish tuynugi o‘lchami 0,056H, chiqish tuynugi o‘lchami 0,16H. Xonaning to‘rtta turli o‘lchamsiz uchastkalari uchun tajriba natijalari taklif etilgan. Ramesh va Venkateshanlar [21] devori differensial qizdiriladigan yopiq xonada havoning tabiiy konveksiyasining tadqiqoti bo‘yicha natijalarni taqdim etishgan. Mualliflar harorat maydoinini olish uchun differensial interferometrdan foydalanishgan. Ular devorning tashqi tomonini izolyatsiyalash hisobiga yuqori va pastki devor uchun deyarli adiabatik sharoitga erishishgan. Mualliflar Grasgof funksiyasi sifatida Nusseltning o‘rtacha konvektiv soni uchun korrelyatsion bog‘liqlik taklif etishgan.

Yuqorida keltirilgan tadqiqotlarning tahlilidan ko‘rinib turibdiki, havoli sovitish tizimi o‘rnatilgan xonalarda havoning kirishdagi tezligini xona ichidagi havo oqimining tezligi va haroratini xona balandligi va uzunligi bo‘yicha o‘zgarishini aniqlash bo‘yicha tadqiqotlar o‘tkazilmagan. Yuqoridagilarni inobatga olgan holda ushbu dissertatsiya ishida yashash uylarining havoli sovitish tizimini quyosh energiyasi va favvorali sovitgich asosida ta’minlash hamda sovitish tizimining energetik samaradorligini oshirish masalalari tadqiqot qilingan. Tadqiqotning asosiy maqsadi quyosh energetik qurilmasi va favvorali sovitgichli tizimning kombinatsiyalashuvi asosida yashash uylarining avtonom havoli sovitish tizimini ishlab chiqish va issiqlik-texnik parametrlarini asoslashdan iborat. Quyosh energiyasi potensialini hisobga olgan holda yashash uylari uchun quyosh energetik qurilmalari va favvorali sovitgich asosida kombinatsiyalashgan havoli sovitish tizimining prinsipial sxemasi ishlab chiqildi (1-rasm).



1-rasm. Kombinasiyalashgan havoli sovitish tizimining prinisipial sxemasi: 1-tajriba uyi; 2-sovuq havoni uzatish; 3-issiq havoni chiqarish; 4, 6-sovuq va issiq havoni uzatish quvurlari; 5, 8, 14-ventillar; 7-ventilyator; 9-invertor; 10-akkumulyator; 11-quyosh fotoelektrik moduli; 12-favvora; 13-issiqlik almashinuv qurilmasi; 15-suv havzasi; 16-avankamera; 17-sirkulyasion nasos.

Kombinatsiyalashgan sxema bo‘yicha qurilgan tajriba uyining sovitish tizimi quyosh fotoelektrik paneli, favvorali sovitgich va ikki konturli issiqlik almashinuv qurilmasi, nasos va ventilyatorlarning kombinatsiyasi asosida ishlaydi. Kombinatsiyalashgan havoli sovitish tizimi quyidagi asosiy va yordamchi jihozlardan tashkil topgan:

a) quyosh fotoelektrik paneli-KHSTdagi nasos va ventilyatorlarni elektr energiyasi bilan ta’minlashga xizmat qiladi. Uning asosiy issiqlik-texnik parametrlari quyidagicha: markasi Leapton Solar LP182182-M-72-MH-550, massasi 27 kg, o‘lchamlari 2279x1134x35 mm, yacheykasining o‘lchamlari 182x182 mm,

yacheykalar soni 72x2 dona, tizimning maksimal kuchlanishi 1500 V, taqsimlash qutisi: IP68, quvvati 550 Vt, salt kuchlanish 49,80 V, qisqa tutashuv toki 13,99 A, manbaning maksimal kuchlanishi 21,28%. Leapton Solar yarim o‘tkazgich elementlar texnologiyasidan foydalanib tayyorlangan bo‘lib, 60 dona to‘liq o‘lchamli elementlar o‘rniga 108 dona yarim quyosh elementlari o‘rnatilgan;

b) favvorali sovitish tizimi-tajriba uyiga uzatilayotgan tashqi havoni kerakli haroratgacha sovitish uchun xizmat qiladi. Tashqi havodan quvur orqali sovituvchi suvga uzatilgan issiqlik miqdori favvora yordamida qaytadan havoga uzatiladi va sovituvchi suvning o‘zgarmas harorati ta’minlanadi. Suv havzasining o‘lchamlari 2x3x0,6 m. Favvoralar soni 14 dona;

v) quvurchali issiqlik almashinuv qurilmasi-havodan sovituvchi suvga issiqlikni uzatishga mo‘ljallangan bo‘lib, ikkita konturdan iborat va har bir konturning uzunligi 11,2 m;

g) favvorali sovitish tizimida suvning sirkulyatsion harakatini ta’minlash uchun QDX370 (RICHDA) markali, quvvati 370 Vt bo‘lgan sirkulyatsion suv nasosidan foydalanilgan. Nasosning asosiy texnikaviy xarakteristikasi quyidagicha: hosil qiladigan maksimal siquv 20 m, suv bo‘yicha maksimal unumdorlik 120 l/minut, chastota 50 Gts, himoya sinfi IP68;

d) havoli sovitish tizimiga sovitilgan havoni uzatish uchun Geruifeng markali va quvvati 240 Vt bo‘lgan markazdan qochma ventilyatordan foydalanilgan bo‘lib, uning asosiy texnikaviy xarakteristikasi quyidagicha: kuchlanish 220 V, chastota 50 Gts, unumdorligi 420 m^3/soat.

KHST quyidagi tartibda ishlaydi. Tajriba uyining ichidagi havo harorati ortib ketganda ichki havoni so‘ruvchi ventilyator ishga tushadi. So‘rilayotgan havo sarfi ventil yordamida rostlanadi. Harorati 25-32℃ oralig‘ida bo‘lgan tashqi havo favvorali sovitish tizimi ichida joylashgan quvurchali issiqlik almashinuv qurilmasi orqali o‘tkazilganda, o‘z issiqligini havzadagi suvga uzatadi, natijada havoning harorati 20-22℃ gacha pasayadi va tajriba uyining ichiga uzatiladi, natijada uyning ichida shinam iqlim sharoiti ta’minlanadi. Suv havzasidagi suvning favvora orqali harakati sirkulyasion nasos yordamida amalga oshiriladi. Favvorani ishlashi hisobiga suv havzasidagi suvning harorati o‘rtacha 18-20℃ oraliqda o‘zgaradi. Suv doimiy purkalib turilganligi hisobiga suv havzasining atrofida nam salqin iqlim sharoiti hosil bo‘ladi va uyning tashqi atrofidagi havo harorati keskin ortib ketmaydi. Favvorali suv havzasi quyosh nuri to‘g‘ri tushmaydigan joyda, uyning orqa yoki soyalangan tomonida o‘rnatiladi. Suv havzasidagi suv sathi doimiy nazorat qilib turiladi va zarur qo‘shimcha suv, suv uzatish quvuri orqali to‘ldiriladi. Tizimdagi havo ventilyatori va sirkulyasion nasosning energiya ta’minoti quyosh fotoelektrik modulidan ta’minlanadi. Fotoelektrik modul yordamida akkumulyatorda zaryadlangan qo‘shimcha energiya tungi vaqtda ham tizimni to‘liq ishlashini ta’minlaydi.

Taklif etilgan kombinatsiyalashgan havoli sovitish tizimi (KHST) bevosita quyosh fotoelektrik moduli va favvorali sovitish tizimidan foydalanib, tajriba uyida havoli sovitish tizimlarini tadqiqot qilish, uyning ichki havosi haroratini uyning balandligi va uzunligi bo‘yicha o‘zgarishini, uyda havoning harakatlanish tezligi, tashqi muhit harorati va quyosh nurlanish intensivligiga bog‘liq holda sovitish tizimiga sovuqlik yuklamasini aniqlash, favvorali sovitish tizimining sovitish samaradorligini va sovitish tizimida tejab qolingan shartli yoqilg‘i miqdorini baholash imkonini beradi hamda uy orqali issiqlik yo‘qotilishlarini tajribaviy tadqiqot qilishga mo‘ljallangan.

Xulosa. Yuqorida taklif etilgan KHST ekologik toza, energiya sarfi kichik va energiya samaradorligi yuqori bo‘lib, KHSTdan yashash uylarida foydalanish yozning issiq kunlarida xona ichida qulay iqlim sharoitini va uyning Tashqi muhitida ham salqin va han iqlim muhitini ta’minlash imkonini beradi.

Adabiyotlar:

1. Chen Q. Comparison of different k- e models for indoor air flow computations. Numerical Heat Transfer, Part B 28, 1995. – p. 353-369.

2. Davidson L., Olsson E. A numerical investigation of the local age, and the local purging flow rate in two dimensional ventilated rooms. In: Malmstrom TG (ed.). Proceedings of ROOMVENT-87, Stockholm Sweden, 10-12 June, 1987. – p. 1-14.

3. Hernandez L.I., Xaman J., Alvarez G. Analysis of laminar and turbulent natural, mixed and forced convection in cavities by heatlines. Archives of Mechanics 68, 2016. – p. 27-53.

4. Limane A., Fellouah H., Galanis N. Thermo-ventilation study by OpenFOAM of the airflow in a cavity with heated floor. Building Simulation 8, 2015. – p. 271-283.

5. Moureh J., Flick D. Airflow characteristics within a slot-ventilated enclosure. International Journal of Heat and Fluid Flow 26, 2005. – p. 12-24.

6. Nielsen P. Description of supply openings in numerical models for room air distribution. ASHRAE Transactions 98, 192. – p. 963-971.

7. Nielsen P. Computational fluids dynamics and room air movement. Indoor Air 14, 2004. – p. 134-143.

8. Nielsen P., Restivo A., Whitelaw J. The velocity characteristics of ventilated rooms. Journal of Fluids Engineering 100, 1978. – p. 291-298.

9. Nielsen P., Restivo A., Whitelaw J. Buoyancy-affected flows in ventilated rooms. Numerical Heat Transfer 2, 1979. – p. 115-127.

10. Rees S., McGuirk J., Haves P. Numerical investigations of transient buoyant flow in a room with displacement ventilation and chilled ceiling system. International Journal of Heat and Mass Transfer 44, 2001. – p. 3067-3080.

11. Xaman J., Tun J., Alvarez G. Optimum ventilation based on the overall ventilation effectiveness for temperature distribution in ventilated cavities. International Journal of Thermal Sciences 48, 2009. – p. 1574-1585.

12. Gan G. “Evaluation of Room Air Distribution Systems Using Computational Fluid Dynamics,” Energy and Buildings, Vol. 23, No. 2, 1995. – p. 83-93.

13. Lee S.C., Cheng C.Y., Chen C.O.K. “Finite Element Solutions of Laminar and Turbulent Flows with Forced and Mixed Convection in an Air-Cooled Room,” Numerical Heat Transfer, Part A: Applications, Vol. 31, No. 5, 1997. – p. 529-550.

14. Omri A., Nasrallah S.B. “Control Volume Finite

Element Numerical Simulation of Mixed Convection in an Air-Cooled Cavity," Numerical Heat Transfer, Part A: Applications, Vol. 36, No. 6, 1999. – p. 615-637.

15. Singh S., Sharif M.A.R. "Mixed Convective Cooling of a Rectangular Cavity with Inlet and Exit Openings on Differentially Heated Side Walls," Numerical Heat Transfer, Part A: Applications, Vol. 44, No. 3, 2003. – p. 233-253.

16. Costa J.J., Oliveira L.A., Blay D. " Turbulent Airflow in a Room with a Two Jet Heating-Ventilation System: A Numerical Parametric Study," Energy and Buildings, Vol. 32, No. 3, 2000. – p. 327-343.

17. Ampofo F., Karayiannis T.G. Experimental benchmark data for turbulent natural convection in an air filled square cavity. International Journal of Heat and Mass Transfer 46(19), 2003. – p. 3551-3572.

18. Hinojosa J.F., Rodriguez N.A., Xaman J. Heat transfer and airflow study of turbulent mixed convection in a ventilated cavity. Journal of Building Physics 40(3), 2015. – p. 204-234.

19. Maytorena V.M., Pina-Ortiz A., Hinojosa J.F. Experimental and numerical study of turbulent natural convection in an open cubic cavity. Heat and Mass Transfer 51, 2015. – p. 1205-1217.

20. Ramesh N., Venkateshan S.P. Experimental study of natural convection in a square enclosure using differential interferometer. International Journal of Heat and Mass Transfer 44, 2001. – p. 1107-1117.

21. Rodriguez N.A., Hinojosa J.F., Xaman J. Comparative study between experimental data and numerical results of turbulent mixed convection in a ventilated cavity. Journal of Heat Transfer 137, 2015:054501-1–054501-5.

22. Nielsen P. Specification of a two-dimensional test case. International Energy Agency, Energy conservation in buildings and community system, Annex 20: Air flow pattern within buildings, Denmark. 1990.

YASHASH UYLARINING KOMBINATSIYALASHGAN HAVOLI SOVITISH TIZIMINI MATEMATIK MODELLASHTIRISH

Ibragimov U.X., t.f.f.d., dotsent; Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti
Xolmatov F.T., tayanch doktorant. Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti

Annotatsiya. Ushbu maqolada quyosh fotoelektrik moduli, favvorali suv havzasi va quvurchali issiqlik almashinuv qurilmasidan iborat kombinatsiyalashgan havoli sovitish tizimini chekli elementlar usuliga asoslangan, energiya, uzluksizlik, impuls, turbulent kinetik energiya va turbulentlik ko'chishi tenglamalari asosida ishlab chiqilgan matematik model taklif etilgan.

Kalit so'zlar: havo oqimi, turbulentlik, turbulent kinetik energiya, turbulentlik ko'chishi, issiqlik oqimi.

Математическое моделирование комбинированной системы воздушного охлаждения жилых домов

Аннотация. В данной статье предложена математическая модель комбинированной системы воздушного охлаждения, состоящей из солнечного фотоэлектрического модуля, фонтанного бассейна и трубчатого теплообменника, основанная на методе конечных элементов, разработанная на основе уравнений энергии, неразрывности, импульс, турбулентная кинетическая энергия и турбулентная диссипация.

Ключевые слова: воздушный поток, турбулентность, турбулентная кинетическая энергия, турбулентная миграция, тепловой поток.

Mathematical modeling of a combined air cooling system for residential buildings

Annotation. This paper proposes a mathematical model of a combined air-cooled system consisting of a solar photovoltaic module, a fountain pool and a tubular heat exchanger based on the finite element method, developed on the basis of the equations of energy, continuity, momentum, turbulent kinetic energy and turbulent dissipation.

Key words: air flow, turbulence, turbulent kinetic energy, turbulent migration, heat flow.

Ma'lumki, iqlimi quruq va issiq bo'lgan hududlardagi xonalar va idoradalarda issiqlik shinamligiga erishish uchun sovitish va havoni maromlash tizimlaridan foydalanish zaruriyati yuqori. Xalqaro sovuqlik instituti (XSI) ma'lumotiga ko'ra, sovitish va havoni maromlash tizimlari dunyoda iste'mol qilinayotgan elektr energiyasining 20% ga yaqin qismini iste'mol qiladi [1]. Energetik qaramlik va issiqxona gazlari tashlamalarini kamaytirish uchun binolar sektorida sovitish yuklamasiga energiya iste'molini kamaytirish zarur. Havoli sovitish tizimi mavjud xonalarda issiqlik uzatish masalasi muhim bo'lib, xonadagi shinam iqlim sharoiti tashqi muhitning fizik o'zgaruvchilari yig'indisidan aniqlanadi. Ushbu o'zgaruvchilardan havo harorati, tezligi va namligini bilish orqali xona ichidagi sovitish tizimini samarali boshqarish mumkin [2].

Tajriba uyining havoli sovitish tizimining matematik modelini massa, impuls va energiyani saqlanish tenglamalari asosida amalga oshiramiz. Ushbu holda barqaror holat uchun asosiy tenglamalar:

Uzluksizlik tenglamasi:

$$\frac{\partial \rho \overline{u_i}}{\partial x_i} = 0 \quad (1)$$

Impuls tenglamasi:

$$\rho \overline{u_j} \frac{\partial \overline{u_i}}{\partial x_j} = \frac{\partial P}{\partial x_i} + \frac{\partial}{\partial x_i}\left[\mu \frac{\partial \overline{u_i}}{\partial x_j} - \rho \overline{u_i} \overline{u_j}\right] + \rho g_i \quad (2)$$

Energiya tenglamasi:

$$\rho \overline{u_j} \frac{\partial \overline{T}}{\partial x_j} = \frac{1}{C_p} \frac{\partial}{\partial x_j}\left[\lambda \frac{\partial \overline{T}}{\partial x_j} - \rho C_p \overline{T'} \overline{u_j'}\right] \quad (3)$$

bu yerda x_i va x_j-dekart koordinatalar tizimi ($i = x, y, z$ va $j = x, y, z$); u-o'rtacha tezlik; P-o'rtacha dinamik bosim; T-o'rtacha harorat; g-erkin tushish tezlanishi; ρ, C_p va λ-suyuqlikning zichligi, solishtirma issiqlik sig'imi va issiqlik o'tkazuvchanligi.

Yuqorida keltirilgan tenglamalar sistemasi to'liq emas, chunki impuls tenglamasida Reynolds kuchlanish tenzori ($\rho \overline{u_i} \overline{u_j}$) va energiya tenglamasida turbulent issiqlik oqimi vektori ($\rho C_p \overline{T'} \overline{u_j'}$) mavjud. Uyurmaviy qovushqoqlik modellari oilasiga Reynolds kuchlanish tenzorini Bussinesk gipotezasi yordamida kiritish mumkin:

$$\rho\overline{u_i}\overline{u_j} = -\mu_t\left(\frac{\partial\overline{u_i}}{\partial x_j}+\frac{\partial\overline{u_j}}{\partial x_i}\right)+\frac{2}{3}\rho k\delta_{ij} \quad (4)$$

Reynolds katta soni (HRN) modelini hisoblashda turbulentli qovushqoqlik (μ_t) quyidagi ifodadan aniqlanadi:

$$\mu_t = \rho C_\mu \frac{k_t^2}{\varepsilon_t} \quad (5)$$

bu yerda C_μ-o‘zgarmas.

Turbulentli issiqlik oqimi quyidagicha ifodalanadi:

$$\rho C_p \overline{T'}\overline{u_j'} = -\frac{\mu_t}{\sigma_T}\frac{\partial\bar{T}}{\partial x_i} \quad (6)$$

bu yerda σ_T-Prandtlning turbulent soni.

Boshqa tomondan $k_t-\varepsilon_t$ turbulentlik modeli uydagi havo harakatining ko‘p sonli muammolarini yechishga qaratilgan bo‘lib, oqimni yuqori aniqlikda tavsiflab beradi [3]. Turbulent kinetik energiya (k_t) va turbulent kinetik energiyaning ko‘chishi (ε_t) Ince va Launderlar [4] tomonidan ishlab chiqilgan $k_t-\varepsilon_t$ modelidan foydalanuvchi uzatish tenglamasidan aniqlanadi:

turbulent kinetik energiya:

$$\frac{\partial(\rho u k_t)}{\partial x}+\frac{\partial(\rho v k_t)}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial x}\left[\left(\mu+\frac{\mu_t}{\sigma_{k_t}}\right)\frac{\partial k_t}{\partial x}\right]+ +\frac{\partial}{\partial y}\left[\left(\mu+\frac{\mu_t}{\sigma_{k_t}}\right)\frac{\partial k_t}{\partial y}\right]+P_{k_t}+G_{k_t}-\rho\varepsilon_t \quad (7)$$

turbulent kinetik energiyaning ko‘chishi:

$$\frac{\partial(\rho u\varepsilon_t)}{\partial x}+\frac{\partial(\rho v\varepsilon_t)}{\partial y} = = \frac{\partial}{\partial x}\left[\left(\mu+\frac{\mu_t}{\sigma_{\varepsilon_t}}\right)\frac{\partial\varepsilon_t}{\partial x}\right]+\frac{\partial}{\partial y}\left[\left(\mu+\frac{\mu_t}{\sigma_{\varepsilon_t}}\right)\frac{\partial\varepsilon_t}{\partial y}\right]+ +C_{1\varepsilon}\frac{\varepsilon_t}{k_t}\left[P_{k_t}+C_{3\varepsilon_t}G_{k_t}\right]-C_{2\varepsilon}\rho\frac{\varepsilon_t^2}{k_t} \quad (8)$$

Yuqorida keltirilgan tenglamalarda P_{k_t}-tezlik gradiyenti hisobiga turbulent kinetik energiyaning yuzaga kelishi; G_{k_t}-oquvchanlik kuchi hisobiga turbulent kinetik energiyaning yuzaga kelishi; $C_{1\varepsilon}$ va $C_{2\varepsilon}$-koeffitsiyentlar; σ_{k_t} va σ_{ε_t}-k_t va ε_t tenglamalar uchun Prandtlning turbulent soni. Matematik shaklda quyidagicha ifodalanadi:

$$P_{k_t} = -\mu_t\left[2\left(\frac{\partial\bar{u}}{\partial x}\right)^2+2\left(\frac{\partial\bar{v}}{\partial y}\right)^2+\left(\frac{\partial\bar{u}}{\partial y}+\frac{\partial\bar{v}}{\partial x}\right)^2\right] \quad (9)$$

$$G_{k_t} = -\beta g_i\frac{\mu_t\partial T}{\sigma_T\partial y} \quad (10)$$

bu yerda β-issiqlikdan kengayishi koeffitsiyenti.

Harakat tenglamasida chegaraviy shartlarni belgilash uchun Launder va Spaldinglar [5] tomonidan taklif etilgan standart devor oldi funksiyasidan foydalaniladi. Bunga mos keladigan matematik munosabatlar:

$$U^* = \frac{U_P C_\mu^{0,25} k_P^{0,5}}{\tau_w/\rho} \quad (11)$$

$$y^* = \frac{\rho C_\mu^{0,25} k_P^{0,5} y_P}{\mu} \quad (12)$$

bu yerda U_P va k_P-P nuqtadagi o‘rtacha tezlik va suyuqlikning turbulent kinetik energiyasi; y_P-P nuqtadan devorgacha bo‘lgan masofa.

Ra va Re o‘lchamsiz sonlarining natijalarini umumlashtirish uchun quyidagi munosabatdan foydalaniladi:

$$Ra = \frac{g\beta q'' L_y^4}{\nu a\lambda} \quad (13)$$

$$Re = \frac{U_{kir}L_y}{\nu} \quad (14)$$

bu yerda ν-kinematik qovushqoqlik koeffitsiyenti; q''-issiq devordagi issiqlik oqimi; L_y-uyning balandligi; U_{kir}-kirishdagi tezlik; a-suyuqlikning harorat o‘tkazuvchanligi.

Issiqlik uzatishning o‘lchamsiz parametrlari quyidagi tartibda aniqlanadi. Nusseltning lokal konvektiv soni, tabiiy konveksiya hisobiga uzatilgan issiqlik oqimi va faqat o‘tkazuvchanlik hisobiga uzatilgan issiqlik oqimi orasidagi munosabatdan aniqlanadi:

$$Nu_{kn} = \frac{q_{kn}}{q_{kd}} \quad (15)$$

Nusseltning o‘rtacha konvektiv soni, Nusseltning lokal sonini izotermik devor maydoni bo‘yicha integrallash yo‘li bilan olinadi:

$$\overline{Nu_{kn}} = \int_0^{L_y}\int_0^{L_z} Nu_{kn}dydz = \frac{hL_y}{\lambda} \quad (16)$$

bu yerda h-konvektiv issiqlik berishning o‘rtacha koeffitsiyenti.

Chegaraviy shartlar. Gidrodinamik chegaraviy shart devorga sirpanmaydigan sharoitni taxmin qilish yo‘li bilan olinadi. Dastlab quyidagilar qabul qilinadi, ya’ni havo tuynukka perpendikulyar kiritiladi, x tezlik komponenti o‘zgarmas qiymatga ega, u holda qolgan komponentlar nolga teng bo‘ladi. Chiqish uchun to‘liq rivojlangan oqim qabul qilinadi, bunda diffuzion tashish juda kichik bo‘lib inobatga olmasa ham bo‘ladi. Kirayotgan havo uchun turbulent kinetik energiya va turbulent kinetik energiyaning ko‘chishi, sovitiladigan uy uchun Nielsen [6] ma’lumotlariga asosan empirik korrelyatsiyani qo‘llash yo‘li bilan olinadi:

$$k_{t.k} = 1{,}5(0{,}04U_k)^2 \quad (17)$$

$$\varepsilon_{t.k} = \frac{0{,}1(k_{t.k})^{0,5}}{l_y} \quad (18)$$

Ushbu tadqiqotda qo‘llanilgan issiqlik chegaraviy shartlar quyidagicha:

$$T(0,x,y) = 298\ K \quad (19)$$

$$\left.\frac{\partial T}{\partial x}\right|_{x=L_x} = \frac{q_s''}{\lambda} \quad (20)$$

$$T_{kir} = 293\ K \quad (21)$$

Adiabatik devor uchun:

$$\left.\frac{\partial T}{\partial y}\right|_{y=0} = \frac{q_{r1}}{\lambda} \quad (22)$$

$$\left.\frac{\partial T}{\partial y}\right|_{y=L_y} = \frac{q_{r2}}{\lambda} \quad (23)$$

$$\left.\frac{\partial T}{\partial z}\right|_{z=0} = \frac{q_{r3}}{\lambda} \quad (24)$$

$$\left.\frac{\partial T}{\partial z}\right|_{z=L_z} = \frac{q_{r4}}{\lambda} \quad (25)$$

Haroratni taqsimlanish samaradorligi (ε_T)-bu haroratni uy bo‘yicha taqsimlanishi bilan bog‘langan parametr. Eng katta qiymat uyning ichidagi haroratni eng yaxshi taqsimlanganligini ko‘rsatadi. Awbi [3] ushbu parametrni quyidagi o‘zgaruvchilar funksiyasi sifatida aniqlagan:

$$\varepsilon_T = \frac{T_{ch}-T_{kir}}{T_x-T_{kir}} \quad (26)$$

bu yerda T_{ch}-chiqish joyidagi havoning o‘rtacha harorati; T_x-uyning ichidagi havoning o‘rtacha harorati; T_{kir}-kirish joyidagi havoning o‘rtacha

harorati.

Tajriba uyida oqim xarakteristikasining sonli tadqiqoti Comsol Multiphysics 6.1 dasturiy vositasi asosida havo oqimining 0,5, 1,0, 1,5 va 2,0 m/s tezliklarida olib borildi. Tajriba uyiga sovituvchi havo oqimi turli tezliklarda kiritilganda uyning ichidagi oqim xarakteristikasi 1-rasmda ko‘rsatilgan.

1-rasmda keltirilgan natijalardan ko‘rinib turibdiki, havo oqimining kirishdagi tezligini o‘zgarishi uyning ichidagi oqim xarakteristikasiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Havo oqimining kirishdagi tezligini ortishi uyning ichidagi konveksiya jarayonini tezlashtiradi, natijada uyning ichidagi issiq va sovuq havo oqimlari o‘rtasidagi issiqlik almashinuvi jadallashadi. Havo oqimining kirishdagi tezliklari turlicha bo‘lganda ham uyning ichidagi oqim yo‘nalishini o‘zgarish xarakteri deyarli bir xil bo‘lib, chap tomondagi tuynukdan kiritilayotgan havo soat mili yo‘nalishida, o‘ng tuynukdan kiritilayotgan havo soat mili yo‘nalishiga teskari holatda harakatlanmoqda. Shuningdek, havo oqimining harakat yo‘nalishi uyning butun hajmi bo‘ylab bir xilda taqsimlangan. Uyda havo oqimining xarakteristikasini to‘liq tadqiqot qilish uchun havo oqimining uyning balandligi bo‘yicha o‘zgarishini aniqlash zarur. Havo oqimining kirishdagi tezligi turlicha bo‘lganda havo oqimi tezligini uyning balandligi va uzunligi bo‘yicha o‘zgarishi epyura va grafik shakllarida 2 va 3-rasmlarda ko‘rsatilgan.

Havo oqimi tezligini o‘zgarishi uyning 0,5, 1,0, 1,5 va 2,0 m balandliklarida aniqlangan. Uyning balandligi 0,5 dan 2,0 m gacha o‘zgarganda havo oqimining tezligi ortib borgan. Uyning 0,5 va 1,0 m balandliklarida havo oqimining tezligini uyning uzunligi bo‘yicha o‘zgarishi deyarli bir xil. Uyning 1,5 va 2,0 balandliklarida havo oqimining tezligini keskin o‘zgarishlari mavjud bo‘lib, bu o‘zgarishlar ushbu balandliklarda kirish va chiqish tuynuklarini yaqin ekanligi bilan bog‘liq. Uyning balandligi 0,5 dan 2,0 m gacha o‘zgarganda va havo oqimining kirishdagi tezligi 0,5 m/s bo‘lganda uyning ichidagi havo oqimining tezligi 0,02 dan 0,24 m/s gacha, kirishdagi tezlik 1,0 m/s bo‘lganda 0,05 dan 0,48 m/s gacha, kirishdagi tezlik 1,5 m/s bo‘lganda 0,07 dan 0,73 m/s gacha va kirishdagi tezlik 2,0 m/s bo‘lganda 0,1 dan 0,95 gacha o‘zgarishi aniqlandi. Natijalardan ko‘rinib turibdiki, barcha holatlarda uyning ichidagi havo oqimining tezligi 1,0 m/s dan kichik. Ma’lumki, havo oqimining bunday tezligi uyning ichidagi insonlarga sezilarli ta’sir ko‘rsatmaydi.

Tajriba uyining ichidagi havo oqimining harakat tartibini tadqiqot qilish maqsadida uyning uzunligi va balandligi bo‘yicha Reynolds sonini o‘zgarishi aniqlandi. Havo oqimining kirishdagi tezliklari turlicha bo‘lganda Reynolds sonini uyning uzunligi va balandligi bo‘yicha o‘zgarishi epyura va grafik shakllarida 4 va 5-rasmlarda ko‘rsatilgan.

5-rasmda keltirilgan natijalardan ko‘rinib turibdiki, uyning 0,5 va 1,0 m balandliklarida Reynolds sonining o‘zgarishi deyarli bir xil. Uyning 1,5 va 2,0 m balandligida Reynolds sonini keskin o‘zgarishlari mavjud bo‘lib, ayniqsa 2,0 m balandligida bunday o‘zgarish yaqqol sezilgan.



1-rasm. Tajriba uyida havo oqimining xarakteristikasi



2-rasm. Tajriba uyida havo oqimi tezligi maydoni



3-rasm. Tajriba uyida havo oqimining tezligini o‘zgarishi natijalari



4-rasm. Tajriba uyida havo oqimi uchun Reynolds soni maydoni



5-rasm. Tajriba uyida Reynolds sonining o'zgarishi natijalari

Uyning balandligi 0,5 dan 2,0 m gacha o'zgarganda va havoning kirishdagi tezligi 0,5 m/s bo'lganda uyning ichidagi havo oqimi uchun Reynolds soni o'rtacha $0{,}05\cdot10^{-3}$ dan $0{,}75\cdot10^{-3}$ gacha, kirishdagi tezlik 1,0 m/s bo'lganda Reynolds soni o'rtacha $0{,}1\cdot10^{-3}$ dan $1{,}5\cdot10^{-3}$ gacha, kirishdagi tezlik 1,5 m/s bo'lganda Reynolds soni o'rtacha $0{,}2\cdot10^{-3}$ dan $2{,}25\cdot10^{-3}$ gacha va kirishdagi tezlik 2,0 m/s bo'lganda Reynolds soni o'rtacha $0{,}3\cdot10^{-3}$ dan $2{,}9\cdot10^{-3}$ gacha o'zgarishi aniqlandi.

Natijalardan ko‘rinib turibdiki, uyning ichidagi havo oqimining harakat tartibi o‘ta kuchsiz laminar oqim holatida bo‘lib, bunday oqim holatida uyning ichida insonlarga shamollatish tezligi sezilarli ta’sir ko‘rsatmaydi. Havoli sovitish tizimiga ega bo‘lgan uyda oqim xarakteristikasi tadqiqotining natijalaridan ko‘rinib turibdiki, havo oqimining uyga kirishdagi tezligi 0,5 dan 2,0 m/s gacha o‘zgarganda uyning ichida hosil bo‘ladigan havo oqimining harakati uyning ichidagi insonlar sog‘ligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatmaydi.

Xulosa. Havoli sovitish tizimiga ega tajriba uyining fizik modellari ishlab chiqildi va issiqlik-texnik parametrlari tavsiflandi. Tajriba uyida havo oqimi xarakteristikasi va havo haroratini uyning balandligi va uzunligi bo‘yicha o‘zgarishini aniqlash imkonini beradigan matematik model ishlab chiqildi. Tajriba uyining balandligi 0,5 dan 2,0 m gacha, uzunligi 0 dan 4,0 m gacha va havo oqimining kirishdagi tezligi 0,5 dan 2,0 m/s gacha o‘zgarganda, uyning ichidagi havo tezligining o‘zgarishi quyidagicha ekanligi aniqlandi: havo oqimining kirishdagi tezligi 0,5 m/s bo‘lganda uyning ichidagi havo oqimining tezligi 0,02 dan 0,24 m/s gacha, tezlik 1,0 m/s bo‘lganda 0,05 dan 0,48 m/s gacha, tezlik 1,5 m/s bo‘lganda 0,07 dan 0,73 m/s gacha va tezlik 2,0 m/s bo‘lganda 0,1 dan 0,95 m/s gacha o‘zgardi.

Adabiyotlar:

1. Norma A.R., Jesu´s F.H. Numerical study of airflow and heat transfer in an air-cooled room with different inlet positions. Journal of Building Physics, 37(3), 2014. – p. 246-268.
2. Butera F.M. Principles of thermal comfort. Renewable & Sustainable Energy Reviews, 2, 1998. – p. 39-66.
3. Awbi H. Ventilation of Buildings. E & FN Spon. 29 West 35th Street, New York, NY 10001, Spon Press. 2003.
4. Ince N.Z., Launder B.E. On the computation of buoyancy driven turbulent flows in rectangular enclosures. International Journal of Heat and Fluid Flow 10, 1989. – p. 110-117.
5. Launder B.E., Spalding D.B. The numerical computation of turbulent flows. Computer Methods in Applied Mechanics and Engineering 3, 1974. – p. 269-289.
6. Nielsen P. Specification of a two-dimensional test case. International Energy Agency, Energy conservation in buildings and community system, Annex 20: Air flow pattern within buildings, Denmark. 1990.

QUYOSH KOLLEKTORLARINING TASNIFLANISHI VA KONSTRUKSIYALARI

Ibragimov U.X., t.f.f.d., dotsent; **Abdinazarov A.B.,** tayanch doktorant
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Annotatsiya. Ushbu maqolada quyosh energiyasidan foydalanib issiq suv va issiq havo olish imkonini beradigan quyosh kollektorlarining tasnifi, yassi quyosh kollektorlarining tasnifi, quyosh havo kollektori va quyosh suv kollektorlarining tuzilishi, ishlash prinsipi va konstruksiyalarining tasnifi keltirilgan.
Kalit so‘zlar: quyosh havo kollektori, quyosh suv kollektori, vakkum quvur, issiqlik quvuri, havo kanali, absorber, quvur.

Классификация и конструкции солнечных коллекторов

Аннотация. В данной статье представлена классификация солнечных коллекторов, классификация плоских солнечных коллекторов, классификация солнечного воздушного коллектора и конструкции солнечного водяного коллектора, принцип работы и конструкции, позволяющие получать горячую воду и горячий воздух с использованием солнечной энергии.
Ключевые слова: солнечный воздушный коллектор, солнечный коллектор воды, вакуумная труба, тепловая труба, воздушный канал, абсорбер, труба.

Classification and design of solar collectors

Annotation. This article presents the classification of solar collectors, classification of flat solar collectors, classification of solar air collector and solar water collector designs, the operating principle and designs that allow you to get hot water and hot air using solar energy.
Key words: solar air collector, solar water collector, vacuum tube, heat pipe, air duct, absorber, pipe.

Energiya mamlakatning iqtisodiy o‘zagi bo‘lib, sanoatlashishga asoslangan iqtisodiyot energiya iste’moli ortib borishiga asosiy sababchi hisoblanadi. Sanoat sektori dunyoda energiyaga bo‘lgan ehtiyojni 38% qismini tashkil etadi va eng ko‘p energiya iste’mol qiladigan soha hisoblanadi [1]. Qayta ishlash sanoatida energiya manbai sifatida odatda yoqilg‘i va tabiiy gaz ishlatiladi. Biroq organik yoqilg‘ilarni yonishi natijasida hosil bo‘ladigan issiqxona gazlari, iqlimni tez o‘zgarishiga sabab bo‘ladigan ekologik muammoni keltirib chiqarmoqda. Sanoat sektori oldida turgan ushbu muammoni, ya’ni havoni ifloslanish darajasini kamaytirish uchun muqobil energiya manbalaridan samarali foydalanishni talab etmoqda. Bunday holat uchun qayta tiklanadigan energiya manbalariga asoslangan tizimlarni joriy etish va energiya samaradorlikni oshirish masalalarni hal etish zarur. Qayta tiklanuvchi energiya manbalari orasida quyosh energiyasi eng katta energiya manbai va atmosferaga zarar darajasi deyarli nolga teng [2]. Quyosh nurlanishidan ikkita usul yordamida foydalanish mumkin: fotogalvanik elementlar yordamida elektr energiyasiga bevosita o‘zgartirish va quyosh kollektorlaridan foydalanib issiqlik energiyasiga bevosita o‘zgartirish [3].

Sanoatda quyosh issiqlik energiyasidan foydalanish o‘tgan asrning 70-yillarida Halqaro energetika agentligi va quyosh isitish va sovitish dasturining asosiy predmeti hisoblanardi. 2019 yil oxirida o‘rnatilgan quyosh issiqlik quvvati 700 MVt ni tashkil etib, dunyo bo‘yicha o‘rnatilgan quyosh qurilmalarining maydoni bir million kvadrat metrdan ortiq [4]. Ishlab chiqarish jarayonlarida quyosh energiyasidan foydalanuvchi asosiy sohalarga oziq-

ovqat, to‘qimachilik, qog‘oz, metallurgiya, polimerlar va kimyo sanoatini kiritish mumkin. Sanoat jarayonlarining turiga bog‘liq holda quyosh kollektorlari harorat diapazoni bo‘yicha uchta kategoriyaga ajratiladi: past haroratli (<150℃), o‘rta haroratli (150-400℃) va yuqori haroratli (>400℃). Biroq savdo va sanoat kompaniyalarida ko‘proq 250℃ dan past harorat talab etiladi [5].

Quyosh kollektorlari tushayotgan quyosh nurlanish energiyasini yutadi va uni issiqlik tashuvchiga (suyuqlik, havo) samarali uzatiladigan issiqlikka o‘zgartiradi. Quyosh kollektorlarini ikkita asosiy kategoriyaga ajratish mumkin: qo‘zg‘almas quyosh kollektorlari va qo‘zg‘aluvchi quyosh kollektorlari. Ushbu kategoriyaning keyingi tasnifi 1-rasmda ko‘rsatilgan [6].



1-rasm. Quyosh kollektorlarining tasnifi



2-rasm. Yassi quyosh kollektorlarining tasnifi

Eng ko‘p ishlatiladigan quyosh kollektori – bu konsentratsiyalamaydigan kollektorlar sinfiga kiruvchi yassi quyosh kollektoridir (YAQK). YAQK o‘zining sodda tuzilishi, arzonligi, texnik xizmat ko‘rsatishning osonligi va yuqori harorat olish imkoniyatini mavjudligi sababli eng ko‘p qo‘llaniladi. YAQK lar odatda 75℃ gacha bo‘lgan harorat oralig‘ida ishlatiladi, biroq samaradorligi yuqori bo‘lgan kollektorlardan yanada yuqori haroratlarni olish mumkin (bunda suvning qaynash harorati 100℃ bo‘lganligi sababli suv boshqa issiqlik tashuvchi suyuqlikka almashtirilishi kerak). Ushbu kollektorlar issiqlik tashuvchining turiga bog‘liq holda ikkita turga bo‘linadi: suyuqlikli va havoli (2-rasm) (1-jadval) [7].

1-jadval

Kollektorlarni issiqlik samaradorligi bo‘yicha tasniflanishi

Kollektor turi	Samaradorligi, %	Chiqish harorati, ℃
Suvli	30-75	75-150
Havoli	30-65	30-80

Yassi quyosh kollektorlari ham nuriy ham sochilgan quyosh nurlanishida ishlaydi va kam xizmat ko‘rsatishni talab qiladi, odatda bino yoki boshqa inshootlarning tom qismi ustida o‘rnatiladi. Yassi kollektorlar uzoq muddat ishlaydi va samarador. Ushbu kollektorlar boshqa turdagi kollektorlarga nisbatan juda afzal hisoblanadi, chunki ularni qr ko‘p yog‘adigan hududlarda ham bemalol qo‘llash mumkin. Ushbu kollektorlar etalon hisoblanadi va boshqa barcha kollektorlar shularga taqqoslanadi [8].

Yassi quyosh kollektorlarida issiqlik yo‘qotilishi yuqoriligi sababli, ushbu kollektorlar yuqori haroratda ishlatilmaydi, masalan 80℃ dan yuqori haroratda. Agar yuqori haroratda ishlashga to‘g‘ri kelsa, kollektor orqali issiqlik yo‘qotilishlarini maksimal darajada kamaytirish zarur bo‘ladi.

Quyosh issiqlik kollektorlari-quyosh energiyasini issiqlik energiyasiga o‘zgartirib beruvchi qurilma bo‘lib, qo‘llanilayotgan kollektorlar turiga bog‘liq holda turlarga ajratiladi [9]. Quyosh issiqlik tizimlarini sanoat sohalarida o‘rnatishda zarur bo‘lgan asosiy omillar quyidagilar: harorat, energiya iste’moli va iqtisodiy mezon. Quyosh kollektorlarining eng ko‘p tarqalgan konstruksiyalariga quyidagilarni kiritish mumkin: quyosh havo kollektori (QHK), quyosh suv kollektor, vakuum quvurli kollektor, vakuumli yassi kollektor va parabola silindrik kollektor.

QHK havo o‘tkazmaydigan izolyatsiyalangan qutidan iborat bo‘lib, ichki qismiga issiqlik o‘tkazuvchi materialli absorber plastina yotqizilgan va ustki qismi shaffof qoplama bilan yopilgan. Havo kollektorda issiqlik tashuvchi vosita sifatida ishlatiladi, u keyinchalik isitish va quritish uchun ishlatiladi. QHK ning umumiy sxemasi 3-rasmda ko‘rsatilgan.

An’anaviy QHK larda havoning issiqlik sig‘imini pastligi va absorber plastinasi va havo orasida issiqlik uzatishni yomonligi sababli yuqori chiqish haroratini ta’minlab bera olmaydi. Samaradorlikni va kollektordan chiqish haroratini oshirish uchun so‘nggi yillarda QHK ning absorber plastinasiga qator o‘zgartirishlar kiritildi. QHQ larda issiqlik almashinuv jarayonlarini jadallashtirish bo‘yicha ko‘plab tadqiqot ishlari amalga oshirilishi natijasida jahonda QHK dan foydalanish darajasi yana ham oshdi [10].



3-rasm. Havo oqimi absorber plastina ostidan harakatlanuvchi QHK

Quyosh suv kollektor (QSK) quyosh energiyasini issiqlikka o‘zgartiruvchi qurilma bo‘lib, shisha qoplama, absorber plastina va quvurlar tizimidan tashkil topgan. 4-rasmda QSKning ko‘ndalang kesimi va tarkibiy qismlari ko‘rsatilgan bo‘lib, undan asosiy komponentlarni ham ko‘rish mumkin.



4-rasm. QSKning ko‘ndalang kesimi va tarkibiy qismlari

Quyosh nurlanishi shaffof qoplama orqali o‘tib dastlab plastinani qizdiradi, keyin ushbu issiqlik quvurga uzatiladi. Quvur ichidan issiqlik tashuvchi oqib o‘tadi va issiqlikni o‘zi bilan olib ketadi. Keyin issiqlik tashuvchidan bevosita foydalaniladi yoki saqlash tizimiga uzatiladi [11]. Karkasning pastki va yon tomonlarini yaxshi izolyatsiya qilish orqali tizimning issiqlik yo‘qotilishlarini kamaytirish mumkin, xuddi shunday shisha qoplama ham absorber plastinasi orqali konvektiv va radiatsion yo‘qotilishlarni ham kamaytiradi. YAKning o‘zining xos xususiyati shundaki, ularda to‘g‘ri va sochilgan quyosh nurlanishidan foydalanish mumkin, lekin ular qo‘zg‘almas bo‘lganligi sababli kollektor yuza birligida kam energiya qabul qilinadi. Ushbu qurilma past haroratlar sohasida ishlaydi va qolgan kollektorlarga qaraganda konstruksiyasi sodda va narxi arzon [12].

Vakuum quvurli kollektor (VQK) bir nechta kristalli quvurchalardan tashkil topgan bo‘lib, ularning har biri ikkita konsentrik quvurdan iborat. Ichki quvur selektiv absorber qatlami bilan qoplangan va har bir konsentrik halqa vakuum soha qilib bir-biridan ajratilgan [13]. Vakuumni hosil qilishdan maqsad konveksiya va issiqlik o‘tkazuvchanlik orqali issiqlik yo‘qotilishlarini kamaytirish, bundan tashqari ushbu kollektorlarni yuqori haroratlarda qo‘llash imkonini beradi. VQKda ishchi harorat 120℃ gacha yetishi mumkin. Bundan tashqari issiqlik samaradorligini yuqoriligi va narxini nisbatan arzonligi kollektorlar

bozorida raqobatbardoshligini oshiradi [14]. VQKning ikkita turi mavjud:

1. Issiqlik quvurli VQK. Ushbu kollektorning ishlash prinsipi bug‘lanish-kondensatsiyalanish sikliga asoslangan. Jarayon qizdirish quvuriga quyosh nurlanishi tushgandan keyin boshlanadi, natijada quvur ichida joylashgan yengil qaynovchi modda (masalan metanol yoki etanol) suyuq holatdan gazsimon holatga o‘tadi va hosil bo‘lgan bug‘ quvurning yuqori uchiga ko‘tariladi, u yerda kondensator joylashgan. Kondensatsiyalanish jarayonida bug‘ o‘zining yashirin issiqligini asosiy konturga beradi va kondensatsiyalanadi, kondensatsiyalangan suyuqlik esa quvurning pastki uchiga qaytali va sirkulyatsiya yakunlanadi [15]. 5-rasmda issiqlik quvurli VQKning ko‘ndalang kesimi ko‘rsatilgan.



5-rasm. Issiqlik quvurli VQKning ko‘ndalang kesimi

2. To‘g‘ri oqimli VQK. Ushbu kollektorda absorber quvurning ichki qismi vakuum bilan izolyatsiyalangan va ichki U-simon quvurdan iborat, ushbu quvur suyuqlikni kirish va chiqishini ta’minlaydi (6-rasm). Ichki quvur metaldan tayyorlangan va selektiv materialli qoplama bilan qoplangan, buning natijasida suyuqlikka issiqlikni uzatilishi tezlashadi va nurlanish orqali yo‘qotilish kamayadi. Ish jarayonida kiritilgan sovuq suyuqlik quyosh nurlanishi hisobiga qizigan U-simon quvurdan issiqlikni olib chiqib ketadi [11].



6-rasm. To‘g‘ri oqimli VQKning kesimi

Vakuumli yassi kollektor (VYAK) o‘zida yassi kollektor va VQK prinsiplarini birlashtirgan. 7-rasmda ko‘rsatilgan bunday turdagi kollektor quyidagilardan tashkil topgan: alyuminiy karkas va turli elementlardan tashkil topgan karkas, shisha qoplama, absorber plastina, issiqlik almashinuvi uchun misli zmeyevik quvur va quyi plastina.



7-rasm. Vakuumli yassi kollektorning konstruksiyasi

Ichki vakuum juda yuqori FIK olishni ta’minlaydi, bunga sabab o‘tkazuvchanlik va konveksiyaga issiqlik yo‘qotilishi bartaraf etiladi, bundan tashqari ushbu kollektor boshqa kollektorlarga qaraganda kichik yuzasini band qiladi. Ushbu texnologiya yordamida haroratni 120 dan 180℃ gacha yetkazish mumkin, bu esa sanoat ehtiyojlari uchun issiqlik talabini qanoatlantiradi [16].

Xulosa. Yuqorida keltirilgan tahlillar shuni ko‘rsatadiki, quyosh kollektorlarining samaradorligini oshirish, ularni qo‘llanilish sohalarini kengaytirish va ekspluatatsiya harajatlarini kamaytirish bo‘yicha juda ko‘p sonli tadqiqotlar amalga oshirilgan. Biroq quyosh kollektorining yuza birligidan samarali foydalanish masalasi hali ham dolzarbligicha qolmoqda. Buning uchun gibrid va kombinatsiyalashgan quyosh kollektorlaridan foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. IEA. (2020) World energy balances: Overview. Available: https://bit.ly/3jEw90a.

2. Farjana S.H., Huda N., Mahmud M.P., Saidur R. “Solar process heat in industrial systems - a global review,” *Renewable and Sustainable Energy Reviews*, 2018, vol. 82. - pp. 2270-2286.

3. Verma S.K., Gupta N.K., Rakshit D. “A comprehensive analysis on advances in application of solar collectors considering design, process and working fluid parameters for solar to thermal conversion,” *Solar Energy*, vol. 2020, 208. - pp. 1114-1150.

4. Weiss W., Spörk-Dür M. *Solar Heat Worldwide*. IEA Solar Heating & Cooling Programme, Austria, 2020.

5. Bolognese M., Viesi D., Bartali R., Crema L., “Modeling study for low-carbon industrial processes integrating solar thermal technologies. a case study in the italian alps: The felicetti pasta factory,” *Solar Energy*, 2020, vol. 208. - pp. 548-558.

6. Prakash A., Kumar M., Manchanda H., Grewal R. A review on solar flat air collector with different design modifications / International Multidisciplinary conference-2021. 31 October 2021. p. 65-78. ISBN: 978-93-91535-12-4.

7. Jesko Z. Classification of solar collectors // Engineering for Rural development, May 29-30, 2008, Jelgava, Latvia. – Latvia University of Agriculture, 2008. – p. 22-27.

8. Ramlow B., Nusz B. Types of solar collectors [online] [viewed 2007.11.25]. Available: http://oikos.com/library/solarwaterheating/collector_types.html.

9. Evangelisti L., De Lieto Vollaro R., Asdrubali F. Latest advances on solar thermal collectors: A comprehensive review,” *Renewable and Sustainable Energy Reviews*, 2019, vol. 114.

10. Ajay P., Mahesh K., Himanshu M., Rahul G. A

review on solar flat plate air collector with different design modifications. International Multidisciplinary Conference-2021. ISBN: 978-93-91535-12-4. – p. 65-78.

11. Imtiaz Hussain M., Ménézo C., Kim J.-T. “Advances in solar thermal harvesting technology based on surface solar absorption collectors: A review,” Solar Energy Materials and Solar Cells, 2018, vol. 187. - pp. 123–139.

12. Barone G., Buonomano A., Forzano C., Palombo A. “Chapter 6 - solar thermal collectors,” in *Solar Hydrogen Production*, F. Calise, M. D. D’Accadia, M. Santarelli, A. Lanzini, and D. Ferrero, Eds. Academic Press, 2019. - pp. 151-178.

13. Islam M.P., Morimoto T. “Advances in low to medium temperature non-concentrating solar thermal technology,” Renewable and Sustainable Energy Reviews, 2018, vol. 82. - pp. 2066-2093.

14. Aramesh M., Shabani B. “On the integration of phase change materials with evacuated tube solar thermal collectors,” Renewable and Sustainable Energy Reviews, 2020, vol. 132.

15. Shafieian A., Khiadani M., Nosrati A. “A review of latest developments, progress, and applications of heat pipe solar collectors,” Renewable and Sustainable Energy Reviews, 2018, vol. 95. - pp. 273-304.

16. Gao D. et. All. “Experimental and numerical analysis of an efficiently optimized evacuated flat plate solar collector under medium temperature,” Applied Energy, 2020, vol. 269.

YASHASH UYLARINING KOMBINATSIYALASHGAN HAVOLI SOVITISH TIZIMINI FIZIK MODELLASHTIRISH

Ibragimov U.X., t.f.f.d., dotsent. Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti
Xolmatov F.T., tayanch doktorant. Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti

Annotatsiya. Ushbu maqolada quyosh fotoelektrik moduli, favvorali suv havzasi va quvurchali issiqlik almashinuv qurilmasidan iborat kombinatsiyalashgan havoli sovitish tizimining Comsol Multiphysics 6.1 dasturiy vositasida yordamida ishlab chiqilgan fizik modeli taklif etilgan.

Kalit so‘zlar: havo oqimi, kirish tuynugi, chiqish tuynugi, issiqlik uzatish, issiq havo, konvektiv, konduktiv.

Физическое моделирование комбинированной системы воздушного охлаждения жилых зданий

Аннотация. В данной статье предложена физическая модель разработанная с использованием программного обеспечения Comsol Multiphysicals 6.1 комбинированной системы воздушного охлаждения, состоящей из солнечного фотоэлектрического модуля, фонтанного бассейна и трубчатого теплообменника.

Ключевые слова: воздушный поток, вход, выход, теплообмен, горячий воздух, конвекция, кондуктивность.

Physical modeling of a combined air cooling system for residential buildings

Annotation. This article proposes a physical model developed using Comsol Multiphysics 6.1 software for a combined air-cooled system consisting of a solar photovoltaic module, a fountain pool and a tubular heat exchanger.

Key words: air flow, input, output, heat exchange, hot air, convection, conduction.

Aholi yashash uylarida shinam iqlim sharoitini ta’minlashda sovitish jarayonlari muhim o‘rin tutadi. Yashash uylarini sovitish jarayonlari asosan foydali qazilmalar hisobiga olingan elektr energiyasi hisobiga amalga oshirilganligi sababli, ushbu jarayonlar ham energiya sarfi yuqori bo‘lgan jarayonlar qatoriga kiritiladi. Aholi sonini ortishi, qurilish xizmatlarini va shinamlilik darajasini yaxshilanishi, aholini bino ichida o‘tkazadigan vaqtini ortishi, binolarda energiya iste’molini transport va sanoat darajasiga ko‘tardi. Masalan, Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkiloti (OPEC) a’zolari, binolar sektoridagi birlamchi energiyaning 15 dan 25% gacha qismini iste’mol qiladi, rivojlanayotgan mamlakatlarda bu ko‘rsatkich yanada yuqori [1]. Shunday qilib, energetik qaramlik va issiqxona gazlari tashlamalarini kamaytirish uchun binolar sektorida sovitish yuklamasiga energiya iste’molini kamaytirish zarur. Havoli sovitish tizimi mavjud xonalarda issiqlik uzatish masalasi muhim bo‘lib, xonadagi shinam iqlim sharoiti tashqi muhitning fizik o‘zgaruvchilari yig‘indisidan aniqlanadi. Ushbu o‘zgaruvchilardan havo harorati, tezligi va namligini bilish orqali xona ichidagi sovitish tizimini samarali boshqarish mumkin [2]. Havoli sovitish tizimi mavjud xonalarda havo harakatini tahlil qilishning eng yaxshi usuli-bu nazariy tadqiqot hisoblanib, ushbu tadqiqotda xona bo‘shliq shaklida ko‘riladi. Adabiyotlarda havo oqimining kirishi va chiqishi turlicha bo‘lgan to‘rtburchak bo‘shliqda havo harakati va issiqlik almashinuvi bo‘yicha ko‘p sonli tadqiqotlar keltirilgan bo‘lib, ularni quyidagilarga ajratish mumkin: a) issiqlik almashinuvi bo‘lmaganda havo oqimi kiradigan va chiqadigan bo‘shliq; b) tabiiy va majburiy konveksiya hisobiga issiqlik uzatilganda havo oqimi kiradigan va chiqadigan bo‘shliq; v) quyosh nurlanishi, tabiiy va majburiy konveksiya hisobiga issiqlik uzatilganda havo oqimi kiradigan va chiqadigan bo‘shliq.

Issiqlik almashinuvi bo‘lmaganda havo oqimi kiradigan va chiqadigan bo‘shliq. Posner [3] uch o‘lchamli CFD modellashtirish natijalarini masshtabli sinov laboratoriyasida olingan tajriba natijalari bilan taqqoslagan. Tajriba qurilmasi 1:10 masshtabli modeldan iborat bo‘lib, uzunligi 91,4 sm, kengligi 45,7 sm va balandligi 30,5 sm, havo kiradigan tuynukning o‘lchami 10,1 sm^2. Taqqoslash natijalari juda yaxshi bo‘lib, modeldan to‘liq foydalanish mumkin deb xulosa qilingan. Karava va boshqalar [4] tabiiy shamollatishni aniq modellashtirish va loyihalashda dastlabki ma’lumotlar uchun muhim bo‘lgan kesishuvchan oqimli shamollatishning asosiy xarakteristikalarini tajribaviy tadqiqot qilishgan. Kesishuvchan oqimli shamollatiladigan binolarda natijalarni havo tezligi maydoni shaklida olish uchun o‘tkazilgan tajribalar, zarracha tasviri tezligini o‘lchashga asoslangan. Natijalarni ko‘rsatishicha, kesishuvchan oqimli shamollatiladigan binolarda havo oqimining strukturasi murakkab bo‘lib, ularni modellar yordamida ifodalash

mumkin emas. Rahimi va Arianmehrlar [5] bir tomonlama shamollatiladigan tajriba xonasida tabiiy shamollatish usullarini tadqiqot qilishgan. Tuynuk orqali shamollatish tezligi, tuynuk yuzasi maydonida o‘lchangan havo oqimining tezligi asosida baholangan. Tajriba natijalari asosida vertikal holatda havo purkashning shamollatish tezligiga ta’siri o‘rganilgan va shamollatish usulining modeli taklif etilgan.

Tabiiy va majburiy konveksiya hisobiga issiqlik uzatilganda havo oqimi kiradigan va chiqadigan bo‘shliq. Costa va boshqalar [6] xona tomonlari nisbatini va qaytgan oqimning maksimal tezligi ta’sirlarini ikki o‘lchamli (2D) bo‘shliqda tadqiqot qilishgan. Mualliflarning ta’kidlashicha, yashash binolarida shamollatishga qo‘yilgan talab oqimlar xarakterida katta o‘zgarish bo‘ladigan aralash konveksiyali rejimdagi oqim bilan bog‘langan. Singh va Shariflar [7] devori differensial qizdiriladigan ikki o‘lchamli bo‘shliqda aralash konveksiyani sonli tadqiqot qilishgan. Mualliflar bo‘shliqdan issiqlikni olib ketishning eng samarali usulini aniqlash uchun havoning kirish va chiqish holatini optimallashtirishga intilishgan. Moraga va Lopezlar [8] havo bilan sovitiladigan bo‘shliqda uch o‘lchamli aralash konveksiya uchun suyuqlik mexanikasi va issiqlik uzatish bo‘yicha sonli tahlil o‘tkazishgan. Havoni kiritish chap vertikal izotermik devorning yuqori qismida joylashgan $L \times L = 15$ sm o‘lchamli to‘rtburchakli tuynuk orqali amalga oshirilgan. Hisoblashlar havo uchun Re va Ri ning quyidagi diapazonlarida o‘tkazilgan: $1 \le Re \le 500$ va $0 \le Ri \le 18$ (o‘lchamsiz parametrlar uchun xarakterli uzunlik sifatida bo‘shliq balandligi qabul qilingan). 3D va 2D modellashtirishni taqqoslashning ko‘rsatishicha, 3D model $Ri = 10$, $10 \le Re \le 250$ bo‘lganda suyuqlik mexanikasini ifodalashda va $Re = 500$, $Ri < 1$ bo‘lganda Nusselt sonini hisoblashda zarur ekanligi aniqlangan.

Saha va boshqalar [9] bo‘shliqga havoni kirish va chiqish holatlari to‘rt xil bo‘lganda, ikki o‘lchamli to‘rtburchak bo‘shliqda aralash konveksiya holatini sonli tadqiqot qilishgan. Bo‘shliq vertikal yuzada o‘zgarmas issiqlik oqimiga ega bo‘lib, $Ri = 0 - 10$ va $Re = 100$ bo‘lganda natijalar olish imkonini beradi. O‘lchamsiz parametrlarda masshtabli uzunlik sifatida bo‘shliq balandligi qabul qilingan. Tadqiqot natijalarini ko‘rsatishicha, Nusseltning o‘rtacha soni va issiqlik manbaidagi o‘lchamsiz harorat havo oqimining kirish va chiqish holatlariga sezilarli bog‘liq bo‘lgan. Xaman va boshqalar [10] xona ichida haroratni taqsimlanish samaradorligini tahlil qilish va shamollatishning eng yaxshi konfiguratsiyasini aniqlash maqsadida ikki o‘lchamli shamollatiladigan bo‘shliqda issiqlik uzatish va turbulentlikni sonli tadqiqot qilishgan. To‘rtta turli holat tahlil qilingan, shamollatish tezligi Re soniga bog‘liq holda o‘zgaradi, bunda xarakterli uzunlik sifatida bo‘shliq balandligi qabul qilingan. O‘tkazuvchi devor ikkita turli materiallar uchun (qurilish g‘ishti va loy blok) uchta turli qalinlikda (0,1, 0,2 va 0,3 m) tadqiqot qilingan. Devorning o‘tkazuvchi materialiga nisbatan xulosa quyidagicha, ya’ni boshqa materiallarga qaraganda loy blok yuqori samarador bo‘lib, loy blokli devor uchun harorat samaradorligi tahlil qilinganda, qalinligi 0,3 m bo‘lgan devor eng yuqori samaradorlikka ega ekanligi aniqlangan.

Quyosh nurlanishi, tabiiy va majburiy konveksiya hisobiga issiqlik uzatilganda havo oqimi kiradigan va chiqadigan bo‘shliq. Raji va Hasnaouilar [11] chap va o‘ng devorida issiqlik oqimli, kulrang yuzali, ikki o‘lchamli to‘rtburchak bo‘shliqda aralash konveksiya va issiqlik nurlanishi yo‘li bilan issiqlik uzatish natijalarini taqdim etishgan. Mualliflar oqim liniyasiga va izotermalarga radiatsion ta’sirni ham o‘rganishgan. Natijalar BT konfiguratsiya (kirish pastdan va chiqish yuqoridan) Re soni uchun bo‘shliq ichidagi o‘rtacha haroratni pasaytirishda eng maqbul ekanligini ko‘rsatgan. Nurlanish harorat gradiyenti kamayishini ta’minlaydi, natijada harorat gomogenizatsiyalanadi, bu esa bo‘shliq ichidagi o‘rtacha va maksimal qiymatlarni pasaytiradi. Leenknegt va boshqalar [12] xona va shamollatish havosi orasidagi haroratlar farqi 3°C va havo tezligi 0,39 m/s bo‘lganda xonaning 2D qirqimida nobarqaror oqim va konveksiyani rivojlanishini modellashtirish variantlarining ta’sirini tadqiqot qilishgan. Modellashtirishning tadqiqot qilingan variantlari diskretizatsiyani, devor oldi ishlov berishni, modellashtirishni vaqt qadamini, turbulentlik modelini, qo‘shma issiqlik uzatishni, nurlanishni, shuningdek, kirish va chiqish tuynugining geometriyasi va joylashishini o‘z ichiga oladi. Natijalarga ko‘ra, vaqtga quyidagi parametrlar kuchli ta’sir ko‘rsatishi aniqlangan: kirish va chiqish tuynugining joylashuvi, deraza oynasi va nurlanish.

Menchaca-Brandan va Glicksmanlar [13] radiatsiyani xonadagi harorat profiliga ta’sirini va sizib chiquvchi oqimlar rivojlanganda radiatsiyani tarqalishga ta’sirini tadqiqot qilishgan. Tadqiqotni o‘tkazishda quyidagilar inobatga olingan, ya’ni nurlanish purkovchi elementlarning natijaviy konvektiv holatining birinchi tartibiga va xonadagi haroratni yakuniy taqsimlanishiga ta’sir ko‘rsatadi. Nurlanishli isitiladigan xonalardagi oqimning bir nechta CFD-modellari tahlil qilingan va purkash kengligi harorat tarqalishiga kuchli bog‘liq ekanligi aniqlangan.

Yuqorida keltirilgan adabiyotlar tahlilidan ko‘rinib turibdiki, ko‘p sonli tadqiqotlar havo kiradigan va chiqadigan bo‘shliqda tabiiy va majburiy konveksiya hamda nurlanishli issiqlik mavjud bo‘lganda issiqlik uzatishni tadqiqotiga bag‘ishlangan. Bundan tashqari, tabiiy va majburiy konveksiya, nurlanishli issiqlik va oqim turbulentligini inobatga olgan holda havo bilan sovitiladigan bo‘shliqlarda kirish va chiqish tuynuklarining turli konfiguratsiyalarining sonli tadqiqotlari to‘g‘risida ma’lumotlar mavjud emas. Yuqoridagilarni inobatga olgan holda ushbu dissertatsiya tadqiqotida havoli sovitish tizimi o‘rnatilgan xonani kompleks tadqiqoti keltirilgan. Shuningdek, havo oqimi turli tezliklarda uzatilganda harorat va tezlik maydoni, Nusselt sonining tadqiqoti (konvektiv), umumiy issiqlik oqimlari tadqiqot qilingan va havoli sovitishni issiqlik shinamlilik parametriga ta’siri ko‘rib chiqilgan.

Yuqorida keltirilgan tadqiqotlarni amalga oshirish uchun yashash uylarini havoli sovitish tizimining prinsipial sxemasi ishlab chiqilgan. Taklif etilgan tizimda yashash xonasi ichki havosini konvektiv sovitish uchun quyosh fotoelektrik moduli va favvorali sovitgichdan foydalanilgan. Yashash uylarida havo oqimini, kombinatsiyalashgan (tabiiy va majburiy) va nuriy issiqlik almashinuvi bilan issiqlik uzatish jarayonlarining nazariy tadqiqotlari 1-rasmda ko‘rsatilgan havo bilan sovitiladigan tajriba uyining fizik modelida o‘tkazilgan.



2.2-rasm. Havo bilan sovitiladigan tajriba uyining fizik modellari

Tajriba uyining o‘lchamlari: $L_x = 4\,m$, $L_y = 2{,}7\,m$, $L_z = 3\,m$. Tajriba uyidagi havoli sovitish tizimi ikki xil sharoitda tadqiqot qilindi: a) tajriba uyiga issiqlik uzatilishi mavjud bo‘lmaganda (barcha devorlar adiabatik hisoblanadi); b) tajriba uyining vertikal devori orqali uyga o‘zgarmas issiqlik oqimi $q = 300\,Vt/m^2$ uzatiladi. Ishchi suyuqlik sifatida havo qabul qilingan bo‘lib, havoning oqimi turbulent. Tuynuklarning (kirish va chiqish) o‘lchami $l_x = 0{,}15\,m$ va $l_y = 0{,}15\,m$ ni tashkil etadi. Chiqish tuynugining holati va to‘rtta kirish tuynuklarining joylashish holati 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Kirish va chiqish tuynuklarining joylashish holati

Holat	№	Joshlashuvi (x, y, z)
Kirish	1	3,45≤x≤3,6, y=2,7, 0,4≤z≤0,55
	2	3,45≤x≤3,6, y=2,7, 2,45≤z≤2,6
	3	0,4≤x≤0,55, y=2,7, 2,45≤z≤2,6
	4	0,4≤x≤0,55, y=2,7, 0,4≤z≤0,55
Chiqish	5	1,92≤x≤2,08, y=2,7, 1,42≤z≤1,58

Sonli tadqiqot natijalari devorning nurlanish koeffitsiyenti 0,8 ekanligini hisobga olgan holda olingan. Sovituvchi havo uyning ichiga 18°C haroratda uzatiladi. Havoning kirishdagi tezligi 0,5, 1,0, 1,5, 2 m/s va ushbu turli tezliklardan qaysi biri ko‘rilayotgan uy uchun harorat taqsimlanishini maksimal samaradorligini ta’minlashi tadqiqot qilindi. Gidrodinamika va issiqlik almashinuvining asosiy tenglamalarini yechish uchun chekli elementlar usuliga asoslangan Comsol Multiphysics 6.1 dasturiy vositasida tajriba uyining 2D modeli (2, a-rasm) va hisoblash to‘ri (2, b-rasm) qurildi.

Hisoblash to‘rining geometrik xarakteristikasi quyidagicha: to‘r uchlarining soni 16, chegara elementlarining soni 140, elementlar soni 1448, minimal element sifati 0,5644. Ishlab chiqilgan sonli model natijalari [1] tadqiqot ishida keltirilgan natijalar bilan taqqoslandi. Tadqiqot obyektining o‘lchamlari $L_x = 3\,m$, $L_y = 2{,}5\,m$ va $L_z = 3\,m$. Chap vertikal devor orqali uyga $q = 300\,Vt/m^2$ miqdorida doimiy issiqlik oqimi uzatilgan, o‘ng vertikal devorda $T_d = 298\,K$ o‘zgarmas harorat ta’minlangan. Qolgan devorlar adiabatik qabul qilingan. Sovituvchi havo yuqoridan uzatiladi va yuqoridan chiqarib yuboriladi. [1] tadqiqot ishidagi tezlik profili bo‘yicha natijalar ushbu tadqiqotdagi tezlik profili natijalari bilan taqqoslanganda natijalar yaxshi mos kelishi aniqlandi.



2-rasm. Havoli sovitish tizimiga ega bo‘lgan tajriba uyining 2D modeli (a) va hisoblash to‘ri (b)

Xulosa. Yashash uylarining havoli sovitish tizimlarini nazariy tadqiqotlariga bag‘ishlangan ko‘p sonli tadqiqotlarni tahlili asosida quyosh fotoelektrik modulli va favvorali suv havzasidan tashkil topgan kombinatsiyalashgan havoli sovitish tizimini nazariy tadqiqot qilish uchun yashash xonasining fizik modeli taklif etildi. Ushbu fizik model asosida yashash xonasida havoning haroratini xona uzunligi va kengligi bo‘yicha o‘zgarishini, sovituvchi havoni turli tezliklarda uzatilgan xona bo‘yicha havo tezligi va bosimini taqsimlanishi tadqiqot qilish imkoniyati mavjud.

Adabiyotlar:

1. Norma A.R., Jesu´s F.H. Numerical study of airflow and heat transfer in an air-cooled room with different inlet positions. Journal of Building Physics, 37(3), 2014. – p. 246-268.

2. Butera F.M. Principles of thermal comfort. Renewable & Sustainable Energy Reviews, 2, 1998. – p. 39-66.

3. Posner J.D. Measurement and prediction of indoor air floor in a model room. Energy and Buildings, 35, 2003. – p. 515-526.

4. Karava P., Stathopoulos T., Athienitis A.K. Airflow assessment in cross-ventilated buildings with operable facade elements. Building and Environment, 46, 2011. – p. 266-279.

5. Rahimi M., Arianmehr I. The effect of a vertical vent on single-sided displacement ventilation. ISRN Mechanical Engineering Article ID 431014. – p. 5. DOI:10.5402/2011/431014.
6. Costa J.J., Oliveira L.A., Blay D. Turbulent airflow in a room with a two-jet heatingventilation system-a numerical parametric study. Energy and Buildings, 32, 2000. – p. 327-343.
7. Singh S., Sharif M.A.R. Mixed convective cooling of a rectangular cavity with inlet and exit openings on differentially heated side walls. Numerical Heat Transfer Part A: Applications, 44, 2003. – p. 233-253.
8. Moraga N.O., Lopez S.E. Numerical simulation of three-dimensional mixed convection in an air-cooled cavity. Numerical Heat Transfer Part A: Applications, 45, 2004. – p. 811-824.
9. Saha S., Mamun A.H., Hossain Z., et al. Mixed convection in an enclosure with different inlet and exit configurations. Journal of Applied Fluid Mechanics, 1, 2008. – p. 78-93.
10. Xaman J., Tun J., Alvarez G., et al. Optimum ventilation based on the overall ventilation effectiveness for temperature distribution in ventilated cavities. International Journal of Thermal Sciences, 48, 2009. – p. 1574-1585.
11. Raji A., Hasnaoui M. Combined mixed convection and radiation in ventilated cavities. Engineering Computations, 18, 2001. – p. 922-949.
12. Leenknegt S., Wagemakers R., Bosschaerts W., et al. Numerical sensitivity study of transient surface convection during night cooling. Energy and Buildings, 53, 2012. – p. 85-95.
13. Menchaca-Brandan M.A., Glicksman L.R. The importance for radiative heat transfer in room airflow simulations. In: RoomVent: 12th international conference on air distribution in rooms, Trondheim, Norway. 2011.

SUV TAQCHILLIGI XAVFI: UNING YECHIMI SIFATIDA NOANANAVIY SUV MANBALARIDAN FOYDALANISH

Dr. Abror Gadaev
Samarkand state architectural and construction university, Construction of engineering communications Faculty, Water supply, sewerage and water resources protection Department, Samarkand, Uzbekistan.
ORCID ID: https://orcid.org/0009-0005-7343-8534
Zikrilla Yasakov
Samarkand state architectural and construction university, Construction of engineering communications Faculty, Labor protection and health safety Department, Samarkand, Uzbekistan.
[2]ORCID ID: https://orcid.org/0009-0003-8888-0160

ANNOTATSIYA
O‘zbekiston Respublikasi Yevroosiyo mintaqasining markaziy qismida 37-45° sh.k. 56-73° sh.u. orasida joylashganligi uning iqlimi, suv, yer resurslarida o’ziga xoslikni taqazo etadi. Hududning geografik joylashuvi undagi resurslar oqimini boshqarish hamda ulardan barqaror foydalanishni talab qiladi. O’zbekistonning umumiy maydoni 447,7 ming.km^2 bo’lib, uning 78,8% tekisliklarga, 21,2%i tog‘ va tog‘ oldi hududlariga kiradi. Markaziy Osiyoning quruq va issiq iqlim zonasiga kiradigan bu hudning katta qismi cho‘l va yarim cho‘l hududlardan iborat bo’lib, janubi-sharqdan va sharqdan ulkan tog‘ tizmalari bilan o‘ralgan. Tabiiy-geografik joylashuvi, iqlimi keskinligi va resurslar cheklanganligi hududning o’ziga xos muammolarini keltirib chqaradiki, uning yechimida zamonaviy yondoshuv va ishonchli texnologiyalarni ishlab chiqish hamda amalda foydalanish talab qilinadi. Hududning o’rtacha yillik yog‘ingarchilik miqdori 80-200 mm atrofida (bu juda kam hisoblanadi) bo’lishiga qaramasdan bu ko’rsatkich yil fasllari davomida notekis amalga oshadi. Mualliflar tomonidan taklif qilinayotgan yechim atmosfera yog’ingarchilik suvlaridan ishlab chiqarish, qishloq xo’jaligi klasteri va boshqa maqsadlarda foydalanish orqali suv taqchilligini bartaraf qilishdan iborat. Ushbu maqola hududni suv taqchilligi va uni yechimida yog’ingarchilik suvlaridan foydalanishga bag’ishlangan.

Kalit so’zlar: Suv resurslari, noananaviy suv resusrlari, suv manbasi, tog’oldi hududlari, iqlim sharoiti, suv resusrlarini barqaror boshqarish, resurslar oqimi, ekologik balans.

Kirish

O‘zbekiston Respublikasining asosiy suv resurslari transchegaraviy Amudaryo va Sirdaryo daryolari havzalari suvlaridan tashkil topib, ularning o‘rtacha ko‘p yillik miqdori 114,4 km^3 tashkil qiladi. Lekin bu suvlardan hududda joylashgan boshqa davlatlar bilan birgalikda foydalaniladi. Bugungi suv holatining nisbatan taqchil bo’lishi bu resursning cheklanganligi va unga bo’lgan ehtiyojning keskin oshuvi bilan bog’liq. Ozbekistonda foydalaniladigan suvning 20 foizi atrofidagi qismi respublika hududida shakllanib, qolgan qismi qo‘shni davlatlar, ya’ni Tojikiston va Qirg‘iziston hududidagi tog’larning qorliklar va muzliklar hisobiga shakllanadi. Bu tahlil qilinayotgan huduning quyi oqim davlatlaridan biri ekanligini ko’rsatadi. Muammo to’liq va muhandislik talablari asosida tahlil qilinsa suv taqchilligi yechimlarini joyning o’zidan topish mumkin. Suv resurlari taqchilligi va ulardan barqaror foydalanish muammolari yechimi bo’yicha Mirzo Ulug’bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish universitetining UZWATER suv resurslarini barqaror bishqarish Milliy markaziga ilmiy tadqiqotlar bajarilmoqda.

Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasida foydalanishi ko’zda tutilgan suv resurslarining asosiy iste’molchisi qishloq xo‘jaligi bo’lib, umumiy ishlatilayotgan suvning 85%ini tashkil etadi. Qolgan qismi kommunal xo‘jaligi - 5,4%, ishlab chiqarish – 1,2 % energetika – 0,5%, baliqchilik-1,2% va boshqalar 6,7% uchun ishlatiladi. Ushbu tadqiqotlada yog’ingarchilik suvlari noan’anaviy resurs sifatida qaralmoqda va ulardan eng katta iste’molchi bo’lgan qishlaq xo’jaligi sohasida foydalanish texnologiyasi taklifi ishlab chiqilmoqda. Bugungi kunda O’zbekiston Respublikadada sug‘oriladigan yerlar 4,3 mln. gektarni tashkil qiladi va uning suv ta’minotini uchun 180 ming km

sug‘orish tarmoqlari, 800 dan ortiq yirik gidrotexnik inshootlar, 20 ming donaga yaqin gidropost va suv taqsimlash inshootlari, umumiy hajmi 19,2 mlrd.m^3 bo‘lgan 55 ta suv omborlari xizmat qiladi (Xayrullaevich et al., 2023).

Markaziy Osiyoda atmosfera yog‘inlarning taqsimlanishi xususiyati hududning Evroosiyo qit’asining o‘rta qismida, qisman subtropik mintaqada joylashib, nihoyatda turli-tuman relefga egaligi bilan belgilanadi.

1-rasm. Markaziy Osiyo relyefi xaritasi

Hududning O’zbekiston qismi bo’lgan pasttekislikda yillik yog‘in miqdori 100-200 mm, Ust-Yurt qismida 100 mm. ni tashkil etadi. Tog‘ oldi joylariga yaqinlashgan sari yog‘in miqdori ko‘payadi. Hisor, Zarafshon tog‘ tizmalarining g‘arbiy yonbag‘rida yiliga 2000 mm. gacha yog‘inlar yog‘adi, Farg‘ona tog‘ tizmasining janubiy-g‘arbiy yonbag‘irlariga 1500-2000 mm ga yaqin yog‘in yog‘sa, Zarafshon tog‘ tizmasining g‘arbiy yonbag‘irlariga va Hisor tog‘larining g‘arbiy yonbag‘irida 700-800 mm, janubiy va janubiy-g‘arbiy yonbag‘irida 1000-1500 mm ga yaqin yog‘in yog‘ishi mumkin [4]. Hududning g‘arbiy qismda ham ochiq bo‘lgan tog‘ vodiylari nam havo oqimiga va yog‘inga boy hisoblanadi, buning hisobiga esa Chirchiq daryosi to’yinadi. Vodiyning yuqori qismida 800-900 mm, Ohangaron daryosi vodiysida ya’ni yer sathidan 3000-3400 m balandlik mintaqasida yiliga 1300-1400 mm yog‘inlar bo’lishi kuzatiladi. Bu esa bugungi kunda foydalanilmay turgan zahira resurs sifatida o’rganilishni talab qiladi va muammo yechimida ishlatilishi mumkin bo’lgan noananaviy suv resursi sifatida qaralishi mumkin.

Suv ta’minotini tizimini prognoz rejalashtirishda yer osti va yer usti suvlarining mavjud miqdori hamda suvga bo’lgan ehtiyojni o’sib kelayotgan talablarini qondira oladimi yoki yo’qligini baholash bilan yondashadi. O’zbekistonda va Markaziy Osiyo davlatlaridagi mavjud suv resurlari zahirasi kamayib borishi, ikkinchi tomondan istemolchilar soni va ularni suvga bo’lgan ehtiyojining ortib borishi suv taqchilligi xavfini keltirib chiqarmoqda. Bu hudud uchun o’ta dolzarb muammo bo’lib uning yechimi kechiktirib bo’lmaydigan masala hisoblanadi. Mualliflar fikriga ko’ra muammoning yechimini joyning o’zidan topish mumkin. Bu noan’anaviy suv resurslarini topish hamda ulardan zamonaviy muhandislik texnologiyalarini qo’llagan holda foydalanishdan iborat.



Viloyat kesimida yillik yogingarchilik miqdori

Ilmiy tadqiqot metologiyasi

Bu quyidagi ijobiy natijalarni olishga sabab bo’ladi:

- Iste’molga yaroqli bo’lgan suv resurslarini tejash;
- Aholi va boshqa iste’molchilarga mahalliy ekologik balansni buzmasdan qishloq xo’jaligi, ishlab chiqarish va boshqa faoliyatlarini amalga oshirish imkoniyatini yaratish;
- Suv manbalaridan foydalanishni qatiy talablariga rioya qilgan holda muqobil suv manbasiga ega bo’lish;
- Suvdan samarali va oqilona foydalanish orqali suv resurslarini barqaror boshqarish imkonini beradi.

Yoqoridagi nazariyadan kelib chiqib, xavfning oldini olishga qaratilgan innovatsion muqobil yechim bu - yomg’ir-qor suvlarini yig’ish va ulardan eng zamonaviy texnologiyalardan foydalanish tizimini ishlab chiqish hamda uni amalda qo’llashni joriy qilish hisoblanadi. Yomg’ir suvlaridan ichimlik, yovvoyi tabiat, dehqonchilik, uy hayvonlari va chorva mollari suv ta’minoti uchun manba sifatida ishlatish mumkin. Taklifning samaradorligi o’ziga xos muhandislik yechimlarni talab qiladi.

Yomg’ir suvlarini yig’ish va ulardan foydalanish texnologiyasi suv ta’minoti hamda suvdan foydalanish tizimida o’ziga xos yechim berish bilan birga, yer usti suvlarini tejash, ular oqiming maqsadli yo’nalishlarda boshqarish, oqim kamayishi hamda ifloslanishni oldini olish orqali davlatga yuqori darajada foyda keltiradi.

O’zbekiston Respublikasi hududlarida yillik yog’inlar miqdorini tahlil qilinganda ular turlicha ko’rinishda ekanligi natijalarni (2-rasm) olindi. Bu o’z navbatida yog’inlarni yig’ish imkoni bor ekanligini va uni samarali boshqarish bo’yicha ilmiy izlanishlarni talab etadi.

Gidrologik nuqtai nazardan bu hududdagi iqlim sharoiti ta’siri o’rganilganda quyidagi xususiy natijalar olindi va dastlabki xulosalarga kelindi:

1. Pasttekislik mintaqalarda nihoyatda kam miqdorda yog‘in yog‘adi. Ya’ni hududning 90 foiziga 300 mm dan kam yog‘in yog‘adi.

2. Yoqqan yog‘inlarning 95 foizi tashqi tomonidan kelgan nam havo oqimi tufayli hosil bo‘ladi. Mahalliy suv bug‘laridan hosil bo‘lgan yog‘inlar juda kam miqdorga ega.

3. Pasttekislik mintaqalarga yog‘inlar, asosan, sovuq havo oqimlari kirib kelgan paytda yog‘adi.

2-rasm. O'zbekiston Respublikasi hududlarida yillik yog'inlar miqdori

4. Yuqori darajadagi quyosh radiatsiyasi, havo harorati balad ekanligi, yog‘in miqdorining kamligi natijasida quruq iqlim sharoiti yuzaga kelishi va tuproq geologik tuzilishi pasttekislik mintaqalarida yer yuzasi oqimining hosil bo‘lmasligiga olib keladi.

Bu holat tog‘ oldi mintaqalarida butunlay boshqacha ekanligi kuzatiladi yani, bu joylarda nihoyatda katta bug‘lanish kuzatiladi. Ikkinchidan tog‘li hudularning iqlimiy xususiyatlariga relef va joyning absolyut balandligi o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Bu, asosan, yog‘inlarning ko‘payishi, havo haroratining pasayishi, buning natijasida qor qatlamining ko‘payishi va uning uzoq muddat yer ustida kuzatilishi bilan namoyon bo‘ladi. Buning natijasida tog‘lar muhim iqlimiy-gidrologik omil va birinchi navbatda, namlik yig‘uvchi bo‘lib xizmat qiladi, natijada yer usti va yer osti suvlari to’yinadi. Tog‘li va tog’oldi hududlarida yog‘in miqdori nihoyatda o‘zgaruvchan bo‘lishiga qaramasdan (600-2500 mm/yil), ular pasttekislik joylarga nisbatan 2-5 barobar ko‘p namlikni qabul qiladilar, past havo harorati esa yog‘inlarning qattiq holatda yig‘ilishiga sharoit yaratadi.

Yuqoridagi natijalar bilan birgalikda, O’zbekistondagi suv toshqinlari va sellarning tahlilini ham olish maqsadga muvofiq. Ilmiy izlanishlar davrida 2013-yildan 2022-yilgacha davrdagi sel va suv toshqinlarini tahlil qilganimizda, bu davrda jami rasmiy ro'yhatga olinganlari 567 tani tashkil etganligi o’rganildi. Bu sel va suv toshqinlarida jami 5 mlr. m^3 suv oqimidan iborat bo’lgan. Bularni boshqarish va tizimli foydalanish, suv landshaftini hosil qilish kabi dolzarb masalalar ochiqligicha qolmoqda. Mualliflar tomonidan asosiy tadqiqotlar Samarqand viloyatining tog’oldi hududlariga ega bolgan Ishtixon, Urgut, Nurobod va Qoshrabot tumanlarida olib borildi.

Taqiqot natijalari

Tajriba olib borilgan Zarband qishlog’i hududidan 7 ta soy o’tgan bo’lib, ulardan bahor oylarida sel kelishi kuzatiladi va bu suvlar maqsadsiz kengliklarga singib ketadi. 2022-2023-yillarda bu soylarga 14 marotaba sel kelishi kuzatildi.

Biz tadqiqotni dala sharoitida yomg’ir suvlarini yig’ish va tomchilatib sug’orish orqali suv ta’minotini yaxshilash ishlariga qaratdik.

Tabiiy holda dasht zonasida joylashgan hudud ya’ni Samarqand viloyati Ishtixon tumanining Zarband qishlog‘i hududidagi 0.01 ga yerda mavsumiy yomg‘ir suvlarini oddiy usulda ya’ni tabiiy nishabligiga mos holda polimer plenka bilan qoplangan maydonda to‘plash ishlari olib borildi. Natijada 2022-yilda 28000 m^3 suv yig’ib olingan bo’lsa, 2023-yilda bu 24000 m^3 ni tashkil qildi.

2024-yilda tizim mukammallashtirilib, avtomatlashtirilgan mexanizm va yomg’ir suvini yig’ish texnologiyasi yaratildi. Uning umumiy ko’rinishi 3-rasmda tasvirlangan.



3-rasm. Yomg’ir-qor suvlarini yig’ish texnologiyasi
1-suvlarni to’plash maydoni (suv o’tkazmaydigan matodan qilingan); 2-yig’ilib ochiladigan korkas; 3-to’r filtr 4-suv oqish trubasi; 5-suvni shamollatish quviri; 6-suv yig’ish sig’imi.

Bu texnologiya orqali biz tajribada quyidagilarga erishdik.

1. To‘plangan suvni tashkiliy holda yana tabiiy nishablik hisobiga o‘zi oqar suvlar sifatida maxsus sig‘imdan filtrlanib o‘tishini amalga oshirish imkoni bor.

2. Loyqalik va boshqa iflosliklardan tozalangan suvni toza suv havzasi rolini bajaradigan sig‘imga o‘tkazish va uni bug‘lanib ketishdan himoyalangan holda saqlash.

3. Yomg‘ir suvlaridan hosil qilingan sun’iy manbani tomchilatib sug‘orish tizimida foydalanish.

4. Mavjud suvdan tejamkor texnologiyalarni qo‘llagan holda foydalanish, ya’ni 0.33 ga maydondagi uzumzorga uzatish.

5. Sig‘imda suvni mineral holatini yaxshilash uchun uni turli mineral ozuqa moddalar bilan boyitish va shuning hisobiga uzumzor dalasining hosidorligini qo‘shimcha ishlov berishlar hisobiga oshirish imkoniyati tug‘ildi.

Dala sharoitida amaliy tajriba-sinov natijalari bo’yicha bog’ va uzumni sug‘orish me’yori - 2500-5500 m^3/ga tashkil qildi. Sug‘orish me’yorining qiymati tomchilatib sug‘orishda m=(100-250) m^3/ga, yomg‘irlatib sug‘orishda m ≤ 550 m^3/ga yer ustidan sug‘orishda m= (700-1500) m^3/ga keltirib chiqardi. Shundan kelib chiqib, tajriba o’tkazilgan hududda tomchilatib sug’orish tizimi qo’lladik.

Tomchilatib sug’orish suvni tejash bilan birga unumdorlik oshirishiga ham olib kelgani kuzatildi. Shundan kelib chiqib Samarqand viloyati Ishtixon tumani Zarband mahallasiga qarashli 0.33 gektar nishablikda joylashgan yerdan dala sharoitida tajriba sinov ishlarini olib borildi.

Qiyaligi 5 foizni tashkil qilgan yer maydoniga 365 tup tok ko'chati ekildi va uni tomchilab sug'orish orqali etishtirish ishlari olib borildi. Qiyalikning yuqori qismiga suv zahirasi joylashtirildi va undan har bir tok qatoriga tomchilab sug'orish tizimlari yotqizildi.





Bunda asosiy e'tibor suvni teng taqsimlash va har bir tub tok ko'chati uchun bir xil miqdordagi suvni yetkazib berishga qaratildi.

Bu texnologiyaning o'ziga xos muhim ijobiy tafsilotlari:

1. Elektr energiyasi va boshqa melorativ yer ishlari uchun qo'shimcha sarf-xarajatlarsiz, eng asosiysi atrof muhitga zarar yetkazmasdan, majud suv havzalaridan foydalanmasdan muqobil suv manbasi hosil qilish.
2. Suvni to'plash va uni sarflash uchun bir martalik sarf xarajatlar hisobiga oddiy va ixcham hovuzlar hosil qilish va undan maxsus texnologik talablar asosda unumli foydalanish.
3. Suvni tejamkor tomchilatib sug'orish texnologiyasi asosida ishlatish va undan dastlabki o'g'itlash vositasi sifatida ham foydalanish.
4. Kam sarf-xarajatlar asosiysi atrof muhitga zarar yetkazmasdan qishloq joyida yashovchi aholi uchun qo'shimcha ish o'rni va daromad manbasi hosil qilish.
5. Yer usti suvlarini tejash ularni tabiiy balansini saqlashga va daryolar uchun manba sifatidagi xususiyatini amalga oshirishga imkon yaratish.

Ushbu natijalar shaharsozlik loyihalari (yangi mahallalar) ning kelajakdagi rivojlanishi uchun asos yaratadi, bu vositalar va qarorlar mezonlarini hisobga olgan holda, shaharni rejalashtiruvchilar va atrof-muhit bo'yicha menejerlarga yomg'ir suvini yig'ishni iqlim o'zgarishiga moslashish strategiyasi va kelajakdagi o'sishga javob sifatida kiritish imkonini beradi.

Tavsiya va xulosalar:

Muqobil suv resurslaridan foydalanish bo'yicha **xulosalar:**

1. Olingan natijalar tahlili shuni ko'rsatadiki Ishtixon tumanining Zarband qishlog'i hududida muqobil suv zahirasi sifatida yomg'ir suvlarida foydalanish imkoniyati mavjud.
2. Muqobil suv zahirasi sifatida yomg'ir suvlarida foydalanish texnologik tizimi ishlab chiqildi va eksperimental tadqiqotlari amalda qo'llanilishi bo'yicha tavsiyalar berilgan.
3. Dala sharoitida o'tkazilgan eksperimentlar nazariy xulosalarni tasdiqlaydi va uni amalda qo'llanilishi ushbu ishlanmalarni mukammallashtirish imkonini beradi.
4. Yomg'ir-qor suvlarini qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orish uchun ishlatish mumkin. Olimlarning tavsiyalariga ko'ra, ekinlarni sug'orish uchun ishlatiladigan suvning muhiti pH o'rtacha 6,5 dan 8,4 gacha bo'lishi kerak. Yomg'ir suvining muhiti pH 5,7-6,5 ga teng, ya'ni neytralga juda yaqin bo'lib, qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orishda foydalanishimiz mumkin.
5. Baliqchilik xo'jaliklarida foydalaniladigan suvning muhiti pH 5,0 dan 9,0 gacha bo'lishi kerak. Undan oshsa yoki kamaysa baliqlar nobud bo'ladi. Demak, yog'in suvlarini baliqchilikka ham bemalol qo'llash mumkin.
6. Shu davrgacha ham chorvadorlarimiz chorva mollarini yomg'ir suvidan hosil bo'lgan ko'lmaklar orqali sug'orishgan. Yog'in suvlari chorva mollari uchun xavfsiz va undan bemalol foydalanish mumkin.
7. Suzish havzalarida suv muhiti pH 5,2-7,8 gacha, umumiy ishqoriyligi 60 mg/l dan 150 mg/l gacha, umumiy qattiqligi va loyqaligi 150 mg/l dan 1000 mg/l gacha bo'lishi kerak. Yomg'ir suvidan olingan namunalarda esa umumiy ishqoriylik ko'rsatkichlari 24 mg/l dan 36 mg/l gacha o'zgarib turadi. Demak, tindirilgandan so'ng yomg'ir-qor suvlari bilan suzish havzalarini ham to'ldirish mumkin.
8. Qurilish maydonlari uchun suv standartlari - temir-beton qorishmalari uchun 500 mg/l va oddiy beton qorishmasi uchun 2000 mg/l xlorid konsentratsiyasini talab qiladi. Yomg'ir suvida esa xlorid qiymatlari nolga teng. Demak, yog'in suvlari qurilish maqsadlari uchun mutlaqo xavfsiz.
9. Filtrlangan va tozalangan yomg'ir suvini sovutish tizimlarida, turli sanoat ishlab chiqarish jarayonlarida, sanitar-maishiy xizmatlarida to'liq foydalanishimiz mumkin. Bu esa yirik shaharlarimizda toza ichimlik suvining isrofini keskin kamaytirishga olib keladi

Adabiyotlar:

1. The Water Deficit Solution in Central Asia: Rrainwater Using, EUROPEAN JOURNAL OF LIFE SAFETY AND STABILITY (EJLSS) ISSN 2660-9630 www.ejlss.indexedresearch.org

2. Гадаев, А. Н., Жумамуратов, Д. Қ., Ясаков, З. Х., & Саидов, С. С. (2020). Сув ресурсларини тежаш мақсадида мукобил ёғингарчилик сувларидан фойдаланишнинг умумлашган технологияси. Journal of Advances in Engineering Technology, (2), 51-53

3. Ясаков, З. Х., & Ачилов, А. М. (2022). Ўзбекистонда сув ресурлари хавфсизлиги ва уларни барқарор

бошқариш. Zamonaviy fan, ta'lim va ishlab chiqarish muammolarining innovatsion yechimlari, 112-114.

4. Fleckenstein, J.H.; Krause, S.; Hannah, D.M.; Boano, F. Groundwater-surface water interactions: New methods and models to improve understanding of processes and dynamics. Adv. Water Resour. 2010, 33, 1291–1295.

5. Harter, T.; Hopmans, J.W. Role of vadose-zone flow processes in regional-scale hydrology: Review, opportunities and challenges. In Unsaturated-Zone Modelling: Progress, Challenges and Applications; Feddes, R.A., de Rooij, G.H., van Dam, J.C., Eds.; Springer: Springer: Dordrecht, The Netherlands, 2004; Volume 8, pp. 179–208. 6. Sophocleous, M. Interactions between groundwater and surface water: The state of the science. Hydrogeol. J. 2002, 10, 52–67.

7. Leong E.C.; Rahardjo H. Review of Soil-Water Characteristic Curve Equations. J. Geotech. Geoenviron. 1997, 123, 1106–1117.

8. Malaya C.; Sreedeep S. Critical Review on the Parameters Influencing Soil-Water Characteristic Curve. J. Irrig. Drain. Eng. 2012, 138, 55–62.

9. Gadaev, A. N., & Juraev, A. K. (2022, June). Sustainable groundwater using by water well rehabilitation. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030032). AIP Publishing LLC. https://doi.org/10.1063/5.0092795

10. Gadaev, A., Juraev, A., & Boboeva, G. (2019). Sustainable water resources management in Uzbekistan: Transboundary issues. https://rep.bntu.by/handle/data/63112

11. Zhang, S.; Gao, X. Effects of selective withdrawal on temperature of water released

12. Gadaev A.N., Yasakov Z.Kh. The Aral Sea Disaster as a National Disaster. Disaster by Design: The Aral Sea and its Lessons for SustainabilityEmerald, UK. 2012

13. Corwin, D.L.; Hopmans, J.; de Rooij, G.H. From Field- to Landscape-Scale Vadose Zone Processes: Scale Issues, Modeling, and Monitoring. Vadose Zone J. 2006, 5, 129–139.

14. Gadayev A.N., Ganiyeva D.U. "Study of the influencing factors to the water well capacity". "Theoretical Applied Science" journal Philadelphia, USA, November 30, 2019. PP. 601-604. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=S6EHCP8AAAAJ&citation_for_view=S6EHCP8AAAAJ:u5HHmVD_uO8C

ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ, ЕР КАДАСТРИ
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ, ЗЕМЕЛЬНЫЙ КАДАСТР

UO'K: 631.6

ELOLOGIK HOLATNI BAHOLASH XARITALARINI TUZISH (QARSHI SHAHRI MISOLIDA)

Avilova N.F. assistent
"TIQXMMI" Milliy tadqiqot universitetining Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar instituti.

Annotatsiya. Ekologik muammolar davrimizninng dolzarb muammolaridan biri bo'lib kelmoqda. Insoniyat XXI asrda yashar ekan uning oldida olamni asrash, kelajak avlodning barqarorligini ta'minlash, turli ekologik muammolarning oldini olishdek dolzarb masalalar ko'ndalang turibdiki, bu hech kimni tashvishga solmay qolmaydi. Natijada iqlimning o'zgarishi, tabiiy resurslarning tobora kamayib borishi oqibatida turli kasalliklarning paydo bo'lishi, fasllarning o'zgarib borishi kabi salbiy oqibatlar kelib chiqmoqda. Atrof tabiiy muhitni ifloslanishi, tabiiy resurslarni ishdan chiqishi, ekotizimdagi ekologik aloqalarni buzish global muammo bo'lib qoldi. Ekologik holatni baholash xaritalarini tuzish orqali ekologik vaziyatni baholash va ekologik muammolarni bartaraf etish ko'zda tutilgan.

Kalit so'zlar: Ekologik muammolar, dolzarb muammolar, XXI asr, iqlimning o'zgarishi, tabiiy resurslar, kasalliklarning paydo bo'lishi, fasllarning o'zgarib borishi, salbiy oqibatlar, atrof tabiiy muhitni ifloslanishi, tabiiy resurslar, ekotizimdagi ekologik aloqalar, global muammo, ekologik holat, baholash xaritalari, ekologik vaziyat, baholash.

Аннотация. Экологические проблемы являются одной из актуальных проблем современности. Человечество живет в 21 веке, и перед ним стоят актуальные вопросы, такие как защита мира, обеспечение стабильности будущего поколения, предотвращение различных экологических проблем, которые никого не беспокоят. В результате возникают такие негативные последствия, как изменение климата, возникновение различных заболеваний, смена времен года из-за постепенного истощения природных ресурсов. Загрязнение природной среды, истощение природных ресурсов, нарушение экологических отношений в экосистеме стали глобальной проблемой. Предназначен для оценки экологической ситуации и устранения экологических проблем путем составления карт оценки экологической ситуации.

Ключевые слова: Экологические проблемы, текущие проблемы, 21 век, изменение климата, природные ресурсы, возникновение болезней, смена времен года, негативные последствия, загрязнение окружающей среды, природные ресурсы, экологические отношения в экосистеме, глобальная проблема, экологическая ситуация, карты оценки, экологическая ситуация, оценка .

Abstrakt. Environmental problems are one of the urgent problems of our time. As humanity lives in the 21st century, it faces urgent issues such as protecting the world, ensuring the stability of the future generation, and preventing various environmental problems, which does not leave anyone worried. As a result, there are negative consequences such as the change of climate, the occurrence of various diseases, and the change of seasons due to the gradual decrease of natural resources. Pollution of the natural environment, depletion of natural resources, disruption of ecological relations in the ecosystem has become a global problem. It is intended to assess the ecological situation and eliminate environmental problems by drawing up maps of the ecological situation assessment.

Key words: Environmental problems, current problems, 21st century, climate change, natural resources, emergence of diseases, changing seasons, negative consequences, environmental pollution, natural resources, ecological relations in the ecosystem, global problem, ecological situation, assessment maps, ecological situation, assessment.

Kirish

Ekologik muammolar davrimizninng dolzarb muammolaridan biri bo'lib kelmoqda. Insoniyat XXI asrda yashar ekan uning oldida olamni asrash, kelajak avlodning barqarorligini ta'minlash, turli ekologik muammolarning oldini olishdek dolzarb masalalar ko'ndalang turibdiki, bu hech kimni tashvishga solmay qolmaydi . Natijada iqlimning o'zgarishi , tabiiy resurslarning tobora kamayib borishi oqibatida turli kasalliklarning paydo bo'lishi, fasllarning o'zgarib borishi kabi salbiy oqibatlar kelib chiqmoqda. Atrof tabiiy muhitni ifloslanishi, tabiiy resurslarni ishdan chiqishi, ekotizimdagi ekologik aloqalarni buzish global muammo bo'lib qoldi. Hozirgi paytda dunyoning qaysi bir mintaqasini olib qaramaylik, inson hayoti uchun katta xavf tug'dirayotgan ekologik vaziyatni bartaraf qilishdek og'ir muammolar o'z yechimini kutib turganligining guvohi bo'lamiz [4,7,9].

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2021- yil 2-noyabrda o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida belgilangan ustuvor vazifalardan kelib chiqib, mamlakatimizda "Yashil makon" umummmilliy loyihasi ishlab chiqildi va yurtimizda keng ko'lamli obodonlashtirish ishlari amalga oshirilmoqda. Prezidentimiz tashabbusi bilan o'tkazilishi an'anaga aylangan ushbu ekologik loyiha doirasida har yili 200 million tup daraxt va buta ko'chatlarini ekish va shu orqali mamlakatimiz yashil maydonlarini amaldagi 8 foizdan 30 foizga oshirish reja qilingan [1,2].

Mazkur umumxalq tadbirini amalga oshirishning huquqiy asoslari 2022-2026–yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi maqsadlaridaprezidentimizning 2021-yil 30-dekabrdagi "Respublikada ko'kalamzorlashtirish ishlarini jadallashtirish, daraxtlar muhofazasini yanada samarali tashkil etish chora–tadbirlari to'g'risida"gi farmonida mustahkamlangan.

Shu bois, yangilangan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 49-moddasida **"**Har kim qulay atrof-muhitga, uning holati to'g'risidagi ishonchli axborotga ega bo'lish huquqiga ega.Davlat fuqarolarning ekologik huquqlarini ta'minlash va

atrof-muhitga zararli ta’sir ko‘rsatilishiga yo‘l qo‘ymaslik maqsadida shaharsozlik faoliyati sohasida jamoatchilik nazoratini amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratadi.Shaharsozlik hujjatlarining loyihalari qonunda belgilangan tartibda jamoatchilik muhokamasidan o‘tkaziladi. Davlat barqaror rivojlanish prinsipiga muvofiq, atrof-muhitni yaxshilash, tiklash va muhofaza qilish, ekologik muvozanatni saqlash bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshiradi. Davlat Orolbo‘yi mintaqasining ekologik tizimini muhofaza qilish hamda tiklash, mintaqani ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan rivojlantirish yuzasidan choralar ko‘radi.” Va 68-moddasida “Yer, yer osti boyliklari, suv, o‘simlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy resurslar umummilliy boylikdir, ulardan oqilona foydalanish zarur va ular davlat muhofazasidadir.” deb ifoda etilgan [3,5,6,8].

So‘nggi yillarda mamlakatimizda ekologik xavfsizlikni ta’minlash, ekologik vaziyatni yaxshilash, chiqindilarning insonlar sog‘lig‘iga zararli ta’sirini oldini olish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, sanitariya va ekologik holat sifatini oshirish uchun qulay sharoitlar yaratish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar izchil amalga oshirilmoqda. Bu borada O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 21-apreldagi “2017-2021 yillarda maishiy chiqindilar bilan bog’liq ishlarni amalga oshirish tizimini tubdan takomillash tirish va rivojlantirish chora tadbirlari to’g’risida” gi PQ-2916-sonli qarori qabul qilindi.Bu qonunlarning qabul qilinishi u yoki bu darajada tabiatni muhofaza etish munosabatlarni takomillashtirishga, tabiiy resurslarni muhofaza etishning huquqiy vositalari samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Xususan bozor iqtisodiyoti munosabatlarini talablariga javob beruvchi, xalqimizning milliy boyligini hisoblangan har bir tabiat obyektining yangicha huquqiy holatini belgilovchi yer kodeksi, O’zbekiston Respublikasining “Tabiatni muhofaza qilish to’g’risida”, “Suv va suvdan foydalanish to’g’risida”, “Yer osti boyliklari to’g’risida”, “O’simliklar dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish to’g’risida”, “Atmosfera havosini muhofaza qilish to’g’risida”, “O’rmon to’g’risida”, “Ekologik ekspertiza to’g’risida”, “Chiqindilar to’g’risida”, “Aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to’g’risida”, “Yer kadastri to’g’risida”, “Muhofaza etiladigan tabiiy hududlar to’g’risida”gi qarorlarning qabul qilinishi moddiy boyligimiz asosi bo’lgan tabiiy resurslarni muhofaza qilish va ulardan oqilona foydalanishga oid munosabatlarini huquqiy tartibga solishda yangicha kasb etdi. [1,2].

Ishonch bilan aytish mumkinki , tabiat – biosferani saqlab qolish va uni o’zgartirish ko’p jihatdan inson faoliyati, ayniqsa ekologik-huquqiy savodxonlik, ekologik huquqiy ta’lim va tarbiya bilan ham bog’liq.

Tadqiqotni amalga oshirish usuli.

Bizga ma’lumki neft va gaz iste’mol qilinish darajasi ularning tabiatda hosil bo’lish tezligi bilan taqqoslab bo’lmaydigan jarayon hisoblanadi. Shuning uchun, atrof-muhitda yuz berayotgan jarayonlarining salbiy oqibatlari sezilarli inertsiya bilan tavsiflanishligini hisobga olish kerak.

Qashqadaryo viloyati statistika boshqarmasi ma’lumotlariga ko’ra atmosfera havosini ifloslovchi 46600 dan ortik transport vositalari va 6700 dan ortiq ishlab chiqarish korxonalari mavjud bo’lib, ulardan yiliga o’rtacha 320.0 ming tonnadan ortiq turli zararli moddalar atmosferaga chiqariladn. Ishlab chiqarishga, 108.2 ming tonna harakatlanuvchi manbalarga to’g’ri keladi. Jumladan:

1-jadval **Atmosferaga chiqarilgan ifloslantiruvchi moddalar, tonna**

	2014-y.	**2015- y.**	**2016-y.**	**2017- y.**	**2018- y.**	**2019- y.**	**2020- y.**	**2021-y.**	**2022- y.**
Qashqadarvo viloyati	**171762,4**	**176 258,8**	**167850,4**	**165673,2**	**152209,4**	**140444,4**	**128075,8**	**131946,1**	**115722,5**
Qarshi sh.	3 123,4	3097,6	2538,5	1 203,4	1 982,9	2 263,7	2121,2	1969,9	5917,9
Shahrisabz sh.	-	-	-	37,9	66,7	61,7	47,3	50,6	56,8
tumanlar:									
G‘uzor	22895,9	18581,3	19608,2	19340,0	14406,1	14664,6	9971,0	9605,2	9286,5
Dchqonobod	1970,9	1413,9	1446,6	2591,3	3737,8	3075,8	2462,5	2729,1	2727,6
Qamashi	149,3	100,2	102,6	6,4	4,0	4.0	22,5	13,3	14,7
Qarshi	202,0	171,6	179,3	72,8	45,2	31.7	28,6	0,0	48,5
Koson	844,1	867,9	865,2	1 056,5	941,4	754,1	452,6	299,4	245,9
Kitob	27,2	27,9	28,5	40,8	90,0	46,8	26,5	0,0	20,0
Mirishkor	238,2	240,5	88,0	1,8	3,8	9,0	9,7	5.1	8,9
Muborak	137756,4	147627,1	138560,1	136464,9	125 040,2	111625,8	107267,3	110199,3	93885,8
Nishon	3972,5	3680,2	3648,5	4063,0	5178,4	7460,6	5227,5	6919,3	2674,0
Kasbi	138,1	77,3	174,8	176,4	209,9	103,4	62,7	18,0	64,7
Ko‘kdala	-	-	-	-	-	-	-	-	25,8
Chiroqchi	59,3	2,0	236,7	256,1	205,2	243,2	225,8	85,5	71,0
Shahrisabz	148,8	141,2	153,6	133,5	74,9	73,2	64,9	38,8	46,0
Yakkabog‘	236,3	230,1	219,8	228,4	222,9	26,8	85,7	12,6	628,5

Yuqoridagi ko’rastkichlar asosida tabiatga chiqarilayotgan zararli va ifloslovchi moddalarning Qashqadaryo viloyatining tumanlar kesimidagi miqdorini ko’rishimiz mumkin [8]. Bu jadvalda asosiy atmosferaga chiqariladigan ifloslovchi moddalarning birgina 2022-yil mobaynida 93885 tonna bilan Muborak tumanini ko’rishimiz mumkin. Bunda Qashqadaryo viloyatining atmosfera havosini

ifloslovchi asosiy neft va gaz konlari va ularni qayta ishlash sanoat korxonalari quyidagilarni misol qilib ko'rsatish mumkin; 1) Muborak gazni qayta ishlash zavodi 2) Muborak gaz konlari unitar shuba korxonasi 3. Sho'rtan neft-gaz unitar shuba korxonasi 4) Sho'rtan gaz kimyo majmuasi 5) Muborak issiqlik elektr markazi. Bu obyektlardan atmosfera havosiga chiqadigan turli zaharli moddalar havza atmosferasiga chiqariladigan ifloslovchi moddalarning 65% ni tashkil etadi. Hozirgi kunda atmosfera havosini ifloslanishida sanoat va avto transport chiqindilari muhim o'rin tutadi. Eng ko'p chiqindi neft va gazni qayta ishlash sanoatga hamda avto transportga tog'ri keladi. Qashqadaryo viloyatida neft va gaz sanoati ekologik xavfli sohalardan biridir. Quduqlarni burg'ulash, hom ashyoni qazib olishda, tayyor mahsulot ishlab chiqarishda turli kimyoviy reagentlar, shuningdek, texnologik jarayon vaqtida ishlab chiqarilgan uglevodorodlar hamda ularning aralashmalari o'simlik va hayvonot dunyosiga, shuningdek insonlarga salbiy ta'sir ko'rsatishi isbotlangan. Neft va gaz sanoati korxonalarini ishlab chiqarish faoliyatining barcha turlarida, tabiiy muhit ifloslanishi yuqori. Lekin, shuni ham ta'kidlash kerakki, tabiatni o'z-o'zini tiklash uchun imkoniyatlar yetarlicha katta, fakat tabiatni bu xususiyati ma'lum me'yorgacha amal qiladi va ifloslanish darajasi ushbu me'yordan oshsa geokomp-lekslar o'zini-o'zi tiklay olmaydi. Hozirgi vaqtda Qashqadaryo viloyatida qidiruv-geologik ishlari olib borilayotgan umumiy maydon 7174 kv. km ni tashkil qiladi. Ammo shu hududlarda 700 dan ortiq quduqlar qazilgan. R.I.Usmonov va B.G.Azimovlarning ma'lumotiga ko'ra, 1 ta burg'ulash qudug'i 5,3-0,4 kv km maydondagi litogen asosning mexanik buzilishiga asos bo'ladi.

Yuqoridagilarni umumlashtirgan holda shuni ta'kidlash kerakki har bir neft va gaz sanoat korxonasi faqatgina ishlab chiqaruvchi manba bo'lib qolmasdan, o'zining tevarak-atrofga sezilarli ta'sir o'tkazadi va shu bilan birga u tevarak-atrofi bilan murakkab texnogen geotizim sifatida namoyon bo'ladi. Hozirgi globallashuv davrida dunyo iqtisodiyotini asosiy tayanchi bu neft va gaz sa'noat korxonalari, zavodlar, fabrikalar hisoblanadi. Yer resurslari atrof muhitning ajralmas qismi bo'lib, undagi arzimas bir o'zgarish ham atrof muhitga, dunyo iqtisodiyotiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Bunda tadqiqotni asosan Qashqadaryo viloyatining sa'noatlashgan va asosiy kimyoviy korxonalari mavjud bo'lgan Muborak tumani, G'uzor tumani hamda Qarshi shahri misolida qamrab olish lozim. Sababi mazkur uch hududda viloyatdagi umumiy sa'noat ishlab chiqarish hajmining 62,3 foizi ishlab chiqariladi. Shu bilan birga, texnogen omilning tabiatga ta'sirini shartli ravishga tasniflab olish maqsadga muvofiq: a) yer resusrlari va tuproqqa ta'sir b) suv resurslariga ta'sir c) o'simlik olamiga ta'sir d) hayvonot olamiga ta'sir.

Viloyatning kimyo sa'noati rivojlangan hudud-larida neft va gaz sa'noatidagi texnogen omilning atrof muhitga ta'sirini tadqiq yetish kelajakda kelib chiqishi mumkin bo'lgan global ekologik muammolarni oldini olishda muhim hisoblanadi.

Hozirgi kunda yurtimizda daraxt ko'chatlarini ekish va turli ekologik tadbirlar o'tkazish maqsadida "Yashil makon" umummilliy loyihasi tashkil etilmoqda va bu asosda Qashqadaryo viloyatida ham bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan Qashqadaryo viloyati Ekologiya boshqarmasi matbuot xizmati bergan ma'lumotlarga ko'ra joriy 2024-yilning 27-mart kuniga qadar qariyb 7 mln 700 ming 150 dona mevali va manzarali daraxt ko'chatlari ekildi. Bu asosda ushbu ekilgan daraxt ko'chatlari viloyatimizning ekologik holatiga va atrof muhit muhofazasiga o'z ta'sirini ko'rsatadi.

Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi.

Qashqadaryo viloyati ekologik kartasini tuzishda viloyat ekologiya boshqarmasidan olingan ma'lu-motlar hamda tumanlarning sa'noat korxonalaridan atmosferaga chiqariladigan chiqindilar, zararli tutunlar va boshqalar orqali ekologiyaga yetkazilayotgan zararlarni sifat rang usulidan foydalangan holda ekologik karta ArcGIS dasturida tuzildi.

Yuqoridagi tahlillardan ko'rinib turibdiki Qashqa-daryo viloyati atmosferaga chiqariladigan zararli moddalar va chiqindilar 2022-yil ma'lumotlar ko'ra 115722.5 tonnani tashkil etmoqda. Bunda eng yuqori ko'rsatkich Muborak tumanida 93885.8 tonnani, G'uzor tumanida 9286.5 tonnani, Qarshi shahri 5917.9 tonnani, Dehqonobod tumani 2727.6 tonnani, Nishon tumani 2674.0 tonnani tashkil etmoqda. Nisbatan o'rtacha ko'rsatkichlarni Yakkabog' tumani 628.5 tonnani, Koson tumani 245.9 tonnani tashkil etmoqda. O'rtachadan yuqori ko'rsatkichlarni Chiroqchi tumani 71 tonnani, Kasbi tumani 64.7 tonnani, Qarshi tumani 48.5 tonnani, Shahrisabz tumani 46 tonnani, Ko'kdala tumani 25.8 tonnani, Kitob tumani 20 tonnani ,Qamashi tumani 14.7 tonnani tashkil etmoqda. Ekologik holati eng yaxshi hudud esa 8.9 tonna bilan Mirishkor tumani joy oldi.

Qarshi shahrida ekologik holat hozirgi kunda juda yomon hisoblanadi, sababi Qarshi shahri Qashqadaryo viloyati markazi hisoblanadi. Shu sababdan Qarshi shahrida turli oliy ta'lim muassasalari borligi, respub-lika ahamiyatidagi viloyat ahamiyatidagi avtomobil yo'llaring o'tganligi, yirik sanoat korxonalarining joylashganligi va shu asosda Qarshi shahrida ko'p qavatli uylarning ko'payishi va turli tumanlardan Qarshi shahriga ishlash uchun, o'qish uchun keladigan aholining ortib borishga sabab bo'lmoqda. Keyingi jarayonda esa aholi sonining ortib borishi va turli maishiy chiqindilarning chiqarilishiga va ularni qayta ishlash sohasidagi kamchiliklar natijasida atmosferaga zararli moddalarning ko'p miqdorda chiqarilishiga sabab bo'lmoqda. Bu kamchiliklarni va tabiatda bo'layotgan o'zgarishlarni inobatga olgan holda tatqiqod hududimizda ekologiya va atrof muhitga bo'layotgan o'zgarishlarni keng yoritish maqsadida turli ekologik tadbirlarni o'tkazishimiz kerak. Bunda turli ta'lim muassasalarida, davlat tashkilotlarida atmosferani tozaligini saqlash hamda yashil belbog'larni yaratish maqsadida daraxt ko'chatlarini ekishimiz kerak hamda turli hujjatli filmlar asosida odamlarni ekologiyaga, tabiatning bebaho boyliklariga

asrab avaylashga targ'ib qilishimiz lozim.

Hozirgi kunda muhtaram Pezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan butun mamlakatda "Yashil makon" umummilliy loyihasi amalga oshirilmoqda. Shu asosda Qashqadaryo viloyati Ekologiya boshqarmasi matbuot xizmati ma'lumotlar asosida obodonchilik, bunyotkorlik, hududlarni ko'kalamzorlashtirish ishlari amalga oshirish jarayonida birgina 2024-yil 27-mart kuniga qadar 7 mln 700 ming 150 dona daraxt ko'chatlari ekildi.



1-rasm.Bu kartadan 14 ta tuman va Qarshi shahridagi ekologik holat yoritib berildi.



2-rasm. Ushbu kartada ham ArcGIS dasturida tuzildi va maydonli qatlamlarga ishlov berish natijasida Qashqadaryo viloyati14 ta tuman va Qarshi shahrida "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasida 2024-yil 27-mart holatida qancha daraxt ko'chatlari ekilganli haqida ma'lumotlarni olishimiz mumkin.

Yuqoridagi tahlillar natijasida "Yashil makon" umummilliy loyihasi doirasida Qashqadaryo viloyatida eng past ko'rsatkich Dehqonobod tumanida 272 ming 820 dona, Qarshi shahrida 365 ming 350 dona daraxt ko'chatlari ekilgan. Undan yuqoriroqda Chiroqchi tumani 398 ming 960 dona, Ko'kdala tumanida esa

Также в настоящее время актуальной задачей является кардинальное изменение существующих методов и средств обучения, получение знаний путем интерактивного общения профессорско-преподавательского состава и студента, повышение эффективности обучения для предоставления в установленные сроки необходимых знаний студентам всех учебных заведений, а также для формирования у них навыков самостоятельного освоения новых достижений научно-технической науки.

При положительном решении этой задачи важно использовать современные компьютерные технологии.

Если ранее студенты изучали информацию по искомой теме через учебники, справочную литературу, конспекты, то на сегодняшний день они в основном осваивают информацию по телевидению и радио, электронным учебникам, через интернет. Поэтому педагогу необходимо при правильном подходе к современной реальности, привнести новые методы передачи информации в образовательный процесс. [3]

Внедрение современных информационных технологий
в образовательный процесс приобретает важное значение в:

- овладении студентами профессиональных знаний;
- углубленном освоении научных областей путем моделирования изучаемых явлений и процессов;
- расширении сфер самостоятельной деятельности студента за счет разнообразной организации учебной деятельности;
- индивидуализации и дифференциации учебного процесса на основе внедрения интерактивных возможностей общения;
- овладении стратегией усвоения обучающими материалами, используя возможности системы искусственного интеллекта;
- формировании информационной культуры как члена информационного общества;
- представлении изучаемых процессов и явлений посредством компьютерных технологий, повышении интереса и активности учащихся к основам науки.

При интерактивном использовании в системе образования компьютерных технологий в преподавании и изучении дисциплин по специальности, информатизация образования требует компьютерной грамотности профессорско-преподавательского состава и студентов. Для этого от профессоров-преподавателей требуются следующее:

- знать основные понятия информатики и информационных технологий;
- освоить внутренние и внешние устройства и функциональные возможности средств компьютерной техники;
- знать современные операционные системы и программы оболочки (Windows, Total Commander и т. д.), а также уметь использовать их основные команды;
- уметь самостоятельно работать с программами в папке Microsoft Ofiss (Microsoft Word, Microsoft Excel, Microsoft Access, Microsoft PowerPointи т. д.);
- уметь получать информацию, ориентированную на специальность;
- уметь сравнивать и анализировать полученные результаты.

Использование компьютерных технологий в преподавании специальных дисциплин целесообразно на всех этапах обучения, т. е. при проведении лекционных, практических, лабораторных и прохождении новой темы в семинарских занятиях, ее укреплении, повторении, контроле, самостоя-

тельном обучении и тестировании знаний студентов.

К примеру, при выполнении лабораторных занятий по изучению физико-механических свойств строительных материалов, на кафедре “Технология строительных материалов, изделий и конструкций” Джизакского политехнического института, профессорско-преподавательский состав и студенты приобрели значительные навыки и опыт при анализировании полученных результатов с использованием программы Microsoft Excel.

Это создает широкие возможности для выявления и анализирования с помощью компьютерной техники влияния одного свойства строительных материалов на второе, зависимости механических свойств материалов от физических.

Кроме этого, профессорско-преподавательским составом кафедры широко используются компьютерные технологии при решении примеров и задач, при сопоставлении и анализировании полученных результатов и выполнении курсовых проектов по предметам “Технология бетонных и железобетонных изделий,” “Технология бетонных заполнителей“, “Вяжущие вещества“, “Строительные конструкции”, “Строительные конструкции, изготовленные на предприятиях” и в целом достигнута высокая эффективность занятий.

Таким образом, целью доведения проводимых занятий до уровня требований времени и обучения студентов современным компьютерным технологиям является:

Таким образом, одной из актуальных проблем современности доведение проводимых занятий до уровня требований времени и обучения студентов современным компьютерным технологиям является:

- использование интерактивных методов;
- повышение степени знаний каждого студента на более высокий уровень;
- повышение способностей каждого студента до уровня полного соответствия всем мировым требованиям;
- научно-экономическое развитие нашей независимой страны;
- формирование зрелых кадров, совершенной личности, способного внести свой весомый вклад в духовное и воспитательное развитие.

Литература:

1. Каримов И.А. Высокая духовность-непобедимая сила. Маънавият, 2008 г. 112-с.
2. Ашурова Х.Х. Пути эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в системе образования. "Бизнес-ЭКСПЕРТ" 30.07.2017 Номер: № 7 (115)
3. Ядгарова Л.Ж. Применение интерактивных методов обучения молодежи компьютерным технологиям БухГУ.

MUHANDISLIK OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA ELEKTRON TA’LIMNI TASHKIL QILISHNING METODIK ASOSLARI

Shodmonqulov Mirolim Turanovich, dotsent PhD
Samarqand davlat arxitektura – qurilish universiteti

Annotatsiya. Jahon ta’lim va ilmiy tadqiqot muassasalarida intellektual rivojlanishning elektron resurslarni shakllantirish, muhandislik va arxitektura sohalarida axborot texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini oshirish, kompyuterda raqamli loyihalash dasturiy vositasida loyihalashtirish bo’yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Virtual ta’lim texnologiyalari, elektron darsliklar, multimediali elektron o’quv majmualari hamda online ochiq kodli plotformalardan o’quv jarayonida keng foydalanilishi hamda faoliyat sohalari bo’yicha talabalarga innovatsion bilim berish, kasbiy ko’nikma va malakalarni doimiy takomillashtirib borish integrativ yondoshuv asosida ta’lim jarayonida malakali va zamonaviy mutaxassislar tayyorlash, bo’yicha ilmiy tadqiqotlarga alohida e’tibor berilmoqda. Shu bois ushbu maqolada elektron ta’limni tashkil qilish hamda virtual ta’lim texnologiyalari asosida electron axborot-ta’lim resurslari yaratish bosqichlari va ular asosida o’qitishni tashkil etish masalalari tadqiq etilgan.

Kalit so’zlar: Elektron ta’lim, imitatsion modellar, integrativ yondashuv, elektron resurs, IT, o’qitish metodikasi, multimediya, ochiq kodli platforma.

Аннотация. В Мировых образовательных и научно-исследовательских учреждениях проводятся научные исследования по формированию электронных ресурсов интеллектуального развития, повышению эффективности использования Информационных технологий в областях инженерии и архитектуры, проектированию в программном средстве цифрового проектирования на базе ЭВМ. Особое внимание уделяется широкому использованию Виртуальных образовательных технологий, электронных учебников, мультимедийных электронных образовательных комплексов и онлайн-сюжетных форм с открытым исходным кодом в образовательном процессе, предоставлению инновационных знаний студентам в сферах деятельности, постоянному совершенствованию профессиональных навыков. и квалификации на основе интегративного подхода, подготовка квалифицированных и современных специалистов в образовательном процессе. Поэтому в данной статье исследованы этапы организации электронного обучения и создания электронных информационно-образовательных ресурсов на основе виртуальных образовательных технологий и организации обучения на их основе.

Ключевые слова: электронное обучение, имитационные модели, интегративный подход, электронный ресурс, ИТ, методика обучения, мультимедиа, платформа с открытым исходным кодом.

Annotation. In World educational and scientific research institutions, scientific research is carried out on the formation of electronic resources of intellectual development, improving the effectiveness of the use of Information Technology in the fields of engineering and architecture, designing in a computer-based digital design software tool. Special attention is paid to the extensive use of Virtual educational technologies, electronic textbooks, multimedia electronic educational complexes and

online open-source plotforms in the educational process, the provision of innovative knowledge to students in the fields of activity, the continuous improvement of professional skills and qualifications on the basis of an integrative approach, the training of qualified and modern specialists in the educational process. Therefore, this article explores the stages of the organization of e-learning and the creation of electron information and educational resources on the basis of virtual educational technologies and the organization of training on their basis.

Keywords: e-learning, imitation models, integrative approach, electronic resource, it, teaching methodology, multimedia, open source platform.

Kirish

Elektron ta’lim avvalo zamonaviy ilm-fan yutuqarining ta’lim sohasiga tadbiqi bilan ta’limga zamonaviy yondashish asosida vujudga keldi. Bugungi kunda elektron ta’lim vujudga kelishi va ommalashishiga rivojlangan davlatlar ta’limining, ishlab chiqarish va sanoat, ta’lim muassasalarida texnologik imkoniyatlardan keng foydalanish va ta’lim oluvchilarga o’zlarining bilimlarini rivojlantirishni ta’minlash asos bo’ldi. Bu kontseptsiya 20-asr boshlarida internetning rivojlanishi va texnologik uskunalarning o’sishi bilan birga rivojlangan.

Muhandislik oliy ta’lim muassasalarida elektron ta’limni tashkil qilishning metodik asoslari quyidagilardan iborat:

➢ O’quv jarayonining modullashtirish:

Modulli tuzilmaga ega elektron kurslar yaratish.

Har bir modul uchun tegishli o’quv materiallari, interaktiv topshiriqlar, testlar tayyorlash.

Modullar o’rtasidagi mantiqiy bog’lanishni ta’minlash.

➢ Masofaviy o’qitish texnologiyalaridan foydalanish:

Masofaviy o’qitish platformalarini (LMS) samarali qo’llash.

Onlayn virtual sinf, videokonferentsiya kabi interfaol vositalarni joriy etish.

Talabalar bilan individual va guruhiy muloqotni ta’minlash.

➢ Multimedia va simulyatsiya texnologiyalarini joriy etish:

Animatsiyalar, 3D-modellar, virtual reallik texnologiyalarini o’quv jarayoniga singdirish.

Muhandislik loyihalarini modellashtirish va simulyatsiya qilish imkoniyatlarini yaratish.

Talabalarning ijodiy, tadqiqotchilik faoliyatini rag’batlantirish.

➢ Nazorat va baholash tizimini takomillashtirish:

O’quv faoliyatini onlayn monitoring qilish, real vaqt rejimida nazorat o’tkazish.

Uzluksiz reyting tizimini yaratish, shu jumladan, oraliq va yakuniy nazorat turlarini takomillashtirish.

Talabalarning o’z-o’zini nazorat qilish va baholash ko’nikmalarini shakllantirish.

➢ Elektron kutubxona va axborot resurslari bazasini shakllantirish:

Elektron darsliklar, o’quv-uslubiy qo’llanmalar, ma’ruzalar, video darslar bazasini yaratish.

Elektron adabiyotlar, tibbiy-biologik axborotlar, patentlar, standartlar va boshqa manbalarga kirish imkoniyatlarini ta’minlash.

Talabalarning mustaqil ta’lim olishini rag’batlantiruvchi resurslarni yaratish.

Ushbu metodik asoslar asosida muhandislik oliy ta’lim muassasalarida samarali elektron ta’lim tizimini tashkil etish mumkin. Bu esa, kadrlar tayyorlash sifatini oshirishga, ta’lim jarayonining moslashuvchanligi va resurs-tejamkorligini ta’minlashga xizmat qiladi.

Adabiyotlar taxlili va metodologiya

Arxitektura va qurilish sohasida elektron ta’limni tashkil qilishning pedagogik asoslarini o’rganishga qaratilgan oldingi tadqiqotlarni qisqacha tahlil qiladigan bo’lsak, quyidagi asosiy yo’nalishlarni ajratish mumkin. Elektron ta’lim resurslarini yaratish va ularning samaradorligini baholash, arxitektura va qurilish yo’nalishlariga moslashtirilgan elektron darsliklar, multimediali materiallar, simulyatsiyalar, virtual laboratoriyalar ishlab chiqish hamda ularni ta’limga joriy qilish. Bunday resurslar o’quv samaradorligini, o’quvchilarning qabul qilish darajasini va motivatsiyasini baholash kabi ko’rsatgichlarini shakillantiradi.

Aralash ta’lim modellarini joriy etish, auditoriya mashg’ulotlari va masofaviy o’quv komponentlarini maqsadli ravishda birlashtirib, arxitektura va qurilish yo’nalishlarida aralash ta’lim modellarini qo’llash maqsadga muvofiqdir.

➢ Adaptiv o’quv tizimlarini qo’llash:

Arxitektura va qurilish yo’nalishlarida individual ehtiyojlarga moslashtiriladigan adaptiv test, topshiriq va ta’lim yo’nalishlarini ishlab chiqish.

Adaptiv yondashuvning o’quv samaradorligiga ta’sirini o’rganish.

➢ Loyiha-asoslangan yondashuv va virtual laboratoriyalardan foydalanish:

Arxitektura va qurilish sohasidagi real amaliy muammolar asosida loyihalar yaratish.

Virtual laboratoriyalar orqali loyihalarni amalga oshirish va amaliy ko’nikmalarni rivojlantirish.

Bu yondashuvlarning o’quv samaradorligi va o’quvchilar mamnuniyatiga ta’sirini baholash.

➢ Elektron hamkorlik va masofaviy muloqot vositalaridan foydalanish:

Forum, chat, video-konferensiyalar orqali o’quvchilar va o’qituvchilar o’rtasidagi masofaviy hamkorlik va muloqotni tashkil etish.

Bunday yondashuvlarning o’quv jarayoniga va o’quvchilar motivatsiyasiga ta’sirini o’rganish.

Ushbu tadqiqotlar natijasida arxitektura va qurilish yo’nalishlarida elektron ta’limni samarali tashkil etishning pedagogik modellar, yondashuvlar va texnologiyalari ishlab chiqilgan. Biroq bu sohada yangi texnologiyalar, yondashuvlar va innovatsion yechimlarni doimo izlash va sinash lozim bo’ladi.

Arxitektura va qurilish sohasidagi elektron ta’lim tizimini rivojlantirish masalasida bir qator yetuk olimlar va tadqiqotchilar tomonidan keng qamrovli ilmiy ishlar olib borilgan. Quyida ushbu mavzuda xorijiy olimlarining ayrim ishlarini keltirib o’tamiz:

Rod Ellis (Yangi Zelandiya) [1]:

Talabalarning mustaqil va masofaviy o'rganish xususiyatlarini hisobga olgan holda elektron ta'lim dasturlarini ishlab chiqish.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida talabalarning kommunikativ kompetensiyalarini shakllantirish.

Diana Laurillard (Buyuk Britaniya) [2]:

Raqamli ta'lim muhitida o'quv jarayonini loyihalash va tashkil etishning nazariy asoslarini ishlab chiqish.

Elektron ta'lim resurslarini yaratish va ulardan foydalanish metodologiyalarini tavsiya etish.

Mauri Collins (AQSh) [3]:

Qurilish sohasida virtual reallik va simulyatsiya texnologiyalaridan foydalanish orqali amaliy ko'nikmalarni shakllantirishni o'rganish.

Masofaviy o'qitish dasturlarida mutaxassislik fanlarini integratsiyalash yondashuvlarini tadqiq qilish.

Kinshuk Sharma (Hindiston) [4]:

Arxitektura va qurilish sohasida adaptiv elektron ta'lim tizimlarini ishlab chiqish va imtihon olish usullarini takomillashtirish.

Talabalarning kognitiv xususiyatlarini hisobga olgan holda individual o'rganish uslublarini tadbiq etish.

Tina Seelig (AQSh) [5]:

Kreativlik va innovatsiyalarni rivojlantirishda elektron ta'lim imkoniyatlarini o'rganish.

Qurilish loyihalash jarayonida virtual amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish usullarini takomillashtirish kabi ilmiy tadqiqot ishlarini olib borgan.

Ushbu olimlar va boshqa ko'plab tadqiqotchilarning izlanishlari elektron ta'lim tizimini arxitektura va qurilish ta'limiga moslash, uning samaradorligini oshirish hamda zamonaviy kadrlar tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Arxitektura va qurilish sohasida elektron ta'limni tashkil qilishdagi tadqiqotlarda qo'llaniladigan usul, metod va yondashuvlar quyidagicha bo'lishi maqsadga muvofiq:

➢ Aralash ta'lim (Blended learning) yondashuvidan foydalanish:

Auditoriya mashg'ulotlari va masofaviy o'qitish komponentlarini maqsadli ravishda birlashtirib, samarali aralash ta'lim modeli yaratish.

Auditoriya mashg'ulotlari orqali nazariy bilimlarni berib, masofaviy komponentlar orqali amaliy ko'nikmalarni mustahkamlash.

➢ Interaktiv yondashuvlar:

Multimediya, animatsiya, virtual reallik kabi interaktiv texnologiyalardan foydalanish.

Loyihalash, tanlovlar, munozaralar, virtual laboratoriyalar kabi interaktiv o'quv faoliyatlarini tashkil qilish.

Onlayn muloqot, forum, chatlar orqali o'quvchilar o'rtasidagi hamkorlikni rag'batlantirish.

➢ Kontekstual o'qitish:

O'qitish mazmunini realistik va real hayotiy vaziyatlarga yaqinlashtirish.

Loyihalash, modellashtirish, imitatsiya kabi kontekstual o'qitish usullaridan foydalanish.

O'quvchilarning oldingi bilim va tajribalarini inobatga olish.

➢ Adaptiv va individuallashtirilgan yondashuv:

O'quvchilarning individual ehtiyojlari, qiziqishlari va bilim darajalarini hisobga olish.

Adaptiv test va topshiriqlar, individual ta'lim yo'nalishlari yaratish.

O'qitishning shaxsiylashtirish imkoniyatlarini ta'minlash.

➢ Amaliy ko'nikma va kompetentsiyalarni rivojlantirish:

Arxitektura va qurilish sohasidagi amaliy ko'nikma va kompetentsiyalarni rivojlantirishga e'tibor berish.

Loyihalash, BIM, BIM-asoslangan simulyatsiyalar, virtual laboratoriyalar kabi amaliy-yo'naltirilgan yondashuvlarni qo'llash.

➢ Pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish:

O'quv materiallarini strukturalashtirish, navigatsiya tizimlarini rivojlantirish.

Onlayn baholash, monitoring va qayta aloqa mexanizmlarini joriy etish.

O'qituvchilarning professional rivojlanishini qo'llab-quvvatlash.

Ushbu usul, metod va yondashuvlardan foydalanish elektron ta'lim tizimining arxitektura va qurilish sohasidagi samaradorligini oshiradi hamda o'quvchilarning bilim, ko'nikma va kompetentsiyalarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Elektron ta'lim tizimida o'quvchilar bilim va kompetentsiyalarini rivojlantirish uchun quyidagi usullardan foydalanish maqsadga muvofiq:

➢ Interaktiv o'quv materiallari:

Multimediya, animatsiya, simulyatsiyalardan foydalanish o'quv mazmunini jonli va interaktiv qiladi.

Modellashtirish, loyihalash va tajriba o'tkazish imkoniyatlari beradi.

O'quvchilarni faol o'rganishga undaydi.

➢ Virtual laboratoriyalar:

Haqiqiy laboratoriya sharoitlarini virtual muhitga ko'chirish orqali amaliy ko'nikmalarni rivojlantirish.

Xavfli, qimmat yoki mavjud bo'lmagan holatlarni modellashtirish imkoniyati yaratadi.

O'quvchilarning mustaqil va takrorlangan tajribalar o'tkazish imkoniyatini beradi.

➢ Aralash ta'lim (Blended learning):

Auditoriya mashg'ulotlari va masofaviy o'qitish elementlarini maqsadli ravishda birlashtirish.

Auditoriya mashg'ulotlarida nazariy bilimlarni o'rgatish, masofaviy komponentlarda esa amaliy ko'nikmalarni mustahkamlash.

O'quvchilarni mustaqil ishlar, loyihalar, onlayn muloqot orqali faollashtirish.

➢ Adaptiv o'quv tizimi:

O'quvchilarning individual ehtiyojlari, qiziqishlari va bilim darajalarini hisobga olish.

Adaptiv test va topshiriqlar, individual ta'lim yo'nalishlari yaratish.

O'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini doimiy monitoring qilib, individual yondashuvni ta'minlash.

➢ Loyiha-asoslangan o'qitish:

O'quvchilarni real hayotiy vaziyatlarni ifodalovchi

loyihalar ustida ishlashga jalb qilish.

Loyihalarni bajarish jarayonida bilim va ko'nikmalarni integratsiya qilish.

Muammoni aniqlash, tahlil qilish, yechim yaratish va amalga oshirish ko'nikmalarini rivojlantirish.

- Onlayn hamkorlik va muloqot:

Forum, chat, video-konferentsiyalar orqali o'quvchilarni guruhlarda ishlashga undash.

Hamkorlikda loyihalar bajarish, munozaralar o'tkazish, fikr-mulohazalar almashish.

O'quvchilar o'rtasida hamda o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasidagi bilim va tajriba almashuvini rag'batlantirish.

Ushbu usullarni elektron ta'lim tizimida qo'llash o'quvchilarning bilim, ko'nikma va kompetensiyalarini samarali rivojlantirish imkonini beradi.

Natijalar

Arxitektura va qurilish sohasida elektron ta'lim tizimlarining samaradorligi bir qator tadqiqotlar va amaliy loyihalar orqali ko'rsatib berilgan. Ushbu sohada elektron ta'limning asosiy afzalliklari quyidagilardan iborat:

- O'quv jarayonining moslashuvchanligi va individuallashtirish:

Talabalarning individual xususiyatlari, ehtiyoj va qiziqishlarini hisobga olgan holda elektron ta'lim resurslarini yaratish va ulardan foydalanish imkoni mavjud.

Masofaviy va mustaqil o'rganish tizimi orqali talabalar o'zlariga mos makon va zamonda ta'lim olish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

- Amaliy ko'nikmalarni shakllantirish:

Virtual reallik, simulyatsiya va 3D modellashtirish texnologiyalari yordamida talabalar qurilish va loyihalash jarayonlarini bevosita tajriba qilish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Masofaviy o'rganish sharoitida ham amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga erishish mumkin.

- Resurs-tejamkorlik:

Elektron ta'lim resurslaridan foydalanish orqali o'quv jarayonining sarflari kamaytirilib, samaradorligi oshadi.

Ko'p talabalarni bir vaqtda masofaviy ta'lim olishiga imkon berish orqali o'quv jarayonining resurs-tejamkorligi ta'minlanadi.

- O'quv natijalarining yaxshilanishi:

Elektron ta'lim orqali talabalar bilim va ko'nikmalarini yaxshiroq o'zlashtiradi, o'quv sifati oshadi.

Simulyatsiya va virtual tajribalar orqali talabalarning ijodiy va yechimni topish qobiliyatlari rivojlanadi.

- Innovatsion yondashuvlar:

Elektron ta'lim tizimlarida zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari keng.

Talabalarni innovatsion fikrlash va yechimlar topishga yo'naltirish elektron ta'limning muhim vazifalaridan biri.

Yuqorida keltirilgan afzalliklar, shuningdek, turli xalqaro va milliy miqyosdagi tadqiqotlar natijalariga ko'ra, arxitektura va qurilish ta'limida elektron ta'lim tizimlaridan foydalanish o'quv jarayonining samaradorligini sezlarli darajada oshirishi ta'kidlangan. Arxitektura va qurilish sohasida elektron ta'limni tashkil qilishning pedagogik asoslarini o'rganish bo'yicha olingan tadqiqot natijalarini va ularning tahlillarini quyidagicha tushuntirish mumkin:

- Elektron ta'lim resurslarining samaradorligi:

Arxitektura va qurilish yo'nalishlariga moslashtirilgan multimediali darsliklar, simulyatsiyalar, virtual laboratoriyalar o'quvchilarning bilim olish motivatsiyasi va qabul qilish darajasini oshirgan.

Bunday resurslar nazariy bilimlarni yaxshiroq o'zlashtirish va amaliy ko'nikmalarni rivojlantirish imkonini bergan.

Elektron resurslarning dizayni, interaktivligi, qulayligi va mazmunining samaradorlikka sezilarli ta'siri aniqlangan.

- Aralash ta'lim modellarining afzalliklari:

Auditoriya mashg'ulotlari va masofaviy komponentlarni maqsadli ravishda birlashtirib, aralash ta'lim modeli qo'llangan.

Bunday yondashuvda nazariy bilimlar auditoriyada, amaliy ko'nikmalar esa masofaviy usullar orqali rivojlantirilgan.

Aralash ta'lim modeli o'quvchilarning mustaqil ishlash ko'nikmalarini, o'quv motivatsiyasini va akademik yutuqlarini oshirgan.

Ayni paytda, aralash ta'limni tashkil etish uchun o'qituvchilarni tayyorlash, resurs va infratuzilmani yaratish masalalari hal qilinishi lozim.

- Adaptiv o'quv tizimlarining samaradorligi:

Arxitektura va qurilish yo'nalishlariga moslashtirilgan adaptiv testlar, topshiriqlar va ta'lim yo'nalishlari ishlab chiqilgan.

Adaptiv yondashuv o'quvchilarning individual xususiyatlari, bilim darajalari va ehtiyojlarini hisobga olgan holda samarali ta'lim olishlariga imkon bergan.

Adaptiv tizimlar orqali o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini doimiy monitoring qilish va individual yondashuvni ta'minlash mumkin bo'lgan.

Adaptiv tizimlarni joriy etish uchun yuqori texnologik va pedagogik kompetentsiyalar talab etilishi aniqlangan.

- Loyihaga-asoslangan yondashuvlar va virtual laboratoriyalarning samaradorligi:

Arxitektura va qurilish sohasidagi real muammolar asosida loyihalar yaratish va ularni virtual laboratoriyalarda amalga oshirish o'quvchilarning bilim va amaliy ko'nikmalarini rivojlantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatgan.

Loyihalar ustida ishlash jarayonida o'quvchilar muammoni aniqlash, tahlil qilish, yechim yaratish va amalga oshirish kabi ko'nikmalarni rivojlantirgan.

Virtual laboratoriyalar o'quvchilarning mustaqil tajribalar o'tkazish, modellashtirish, fikr almashish imkoniyatlarini yaxshilagan.

Bunday yondashuvlarni samarali joriy etish uchun zarur moddiy-texnik bazani takomillashtirish, o'qituvchilarni tayyorlash zarur bo'lgan.

- Elektron hamkorlik va masofaviy muloqotning ta'siri:

Forum, chat, video-konferensiyalar orqali o'quv-

chilar o'rtasidagi hamkorlik va muloqot rag'batlantirilgan.

Elektron hamkorlik va muloqot orqali o'quvchilarning bilim, fikr va tajriba almashuviga, jamoa bo'lib ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishga erishilgan.

Masofaviy muloqot vositalari o'quvchilarning motivatsiyasi, faol ishtirokini oshirgan.

Biroq, texnologik va pedagogik jihatdan bunday yondashuvlarni samarali tashkil etish masalalari hal qilinishi lozim.

Ushbu tadqiqot natijalaridan ko'rinib turibdiki, arxitektura va qurilish sohasida elektron ta'limni tashkil etishning zamonaviy pedagogik yondashuvlari va texnologiyalaridan foydalanish o'quv samaradorligini oshirish, o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini rivojlantirish imkonini beradi. Biroq ushbu yondashuvlarni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun pedagogik, texnologik va moddiy-texnik jihatdan tayyorgarlik ko'rish muhim ahamiyatga ega.

Arxitektura va qurilish sohalaridagi elektron ta'limni tashkil qilishning pedagogik asoslari bo'yicha olingan tadqiqot natijalarining ilmiy va amaliy ahamiyatini quyidagicha yoritish mumkin:

Ilmiy ahamiyati – nazariy bilimlarni boyitish. Ushbu tadqiqot natijalariga ko'ra, elektron ta'lim resurslarining, aralash ta'lim modellarining, adaptiv tizimlarning, loyihaga asoslangan yondashuvlar va virtual laboratoriyalarning samaradorligini isbotlash orqali arxitektura va qurilish sohasidagi elektron ta'limning nazariy asoslari chuqurroq ochib berildi. Pedagogik yondashuvlarning takomillashtirilishi tadqiqotda elektron hamkorlik va masofaviy muloqotning ahamiyati, bu jarayonlarni amalga oshirishning pedagogik usullari ilmiy asoslandi. Bu esa elektron ta'lim texnologiyalarini takomillashtirish imkonini beradi.

Ilmiy-uslubiy ishlanmalarni boyitish. Olingan natijalar asosida elektron ta'lim resurslarini, aralash ta'lim modellarini, adaptiv tizimlarni, loyiha-asoslangan yondashuvlar va virtual laboratoriyalarni yaratish uchun ilmiy-uslubiy tavsiyalar ishlab chiqish mumkin.

Amaliy ahamiyati: O'quv jarayonini takomillashtirish. Tadqiqot natijalaridan foydalanish orqali arxitektura va qurilish sohasidagi elektron ta'lim tizimini takomillashtirish, o'quv samaradorligini oshirish, o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini rivojlantirish imkoniyatlari yaratiladi. Elektron ta'lim infratuzilmasini yaxshilash tadqiqot natijalarida aks etgan pedagogik yondashuvlar va texnologik yechimlar elektron ta'lim infratuzilmasini takomillashtirish, zarur moddiy-texnik bazani yaratish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

O'qituvchilarni tayyorlash tizimini yaxshilashda tadqiqot natijalari asosida elektron ta'lim texnologiyalari va ulardan samarali foydalanish metodikasini o'rgatuvchi o'quv kurslarini va dasturlarini ishlab chiqish mumkin. Sohaga oid ilmiy-uslubiy adabiyotlarni boyitish. Ushbu tadqiqot natijalaridan foydalanish orqali arxitektura va qurilish sohasiga oid elektron ta'limning ilmiy-uslubiy bazasi rivojlantiriladi.

Xulosa

Arxitektura va qurilish sohasidagi elektron ta'limni tashkil qilishning pedagogik asoslari mavzusidagi tadqiqotlar asosida quyidagi xulosalarni keltirib o'tish mumkin: Elektron ta'limning afzalliklari, arxitektura va qurilish sohasida elektron ta'lim yordamida o'quvchilarni zamonaviy bilimlar, ko'nikmalar va kompetensiyalar bilan qurollantirish imkoni yaratiladi. Masofaviy va mustaqil o'rganish imkoniyatlari tufayli o'quv jarayonini moslashtirilgan va individual tarzda tashkil etish mumkin. Multimedia, simulyatsiya va virtual reallik texnologiyalari yordamida nazariy va amaliy mashg'ulotlarning samaradorligini oshirish imkoni mavjud. Pedagogik yondashuvlar, Elektron ta'lim sharoitida an'anaviy pedagogik yondashuvlar bilan bir qatorda, zamonaviy raqamli pedagogika usullari hamda o'zlashtirish usullari qo'llanilishi kerak. O'quv jarayonining murakkabligi va ko'p qirrali xususiyatlarini hisobga oluvchi integrallashgan yondashuvlar samarali hisoblanadi. O'qituvchilarning elektron ta'lim sohasidagi kompetensiyalarini doimiy oshirib borish lozim. Tejamkorlik va samaradorlik, elektron ta'lim resurslari, platformalar va xizmatlaridan foydalanish orqali o'quv jarayonining resurs-tejamkor va samarali tashkil etilishi mumkin. Masofaviy, modulli va individual ta'lim yondashuvlari orqali o'quv jarayonini osonlashtirish hamda qulaylashtirishga erishish mumkin. Elektron ta'lim orqali o'quv sifati va natijalarining yaxshilanishi, shu bilan birga xarajatlarning kamayishi kuzatiladi.

Innovatsion yechimlar, elektron ta'lim jarayonida turli xil axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o'quv sifatini oshirish imkonini beradi. Zamonaviy multimedia, simulyatsiya, virtual reallik va boshqa innovatsion texnologiyalar qo'llanilishi o'quvchilarning bilim, ko'nikma va kompetensiyalarini yaxshilashga xizmat qiladi. Elektron ta'lim tizimlariga o'zgartirishlar va yangilanishlar kiritish orqali ularning samaradorligini oshirish va rivojlantirish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, elektron ta'lim arxitektura va qurilish sohasida zamonaviy pedagogik yondashuvlar, innovatsion texnologiyalar va samarali tashkiliy yechimlar asosida tashkil etilishi lozim. Bu esa o'z navbatida, sifatli kadrlar tayyorlash hamda ushbu sohani jadal rivojlantirishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Ellis, R., & Shintani, N. (2013). Exploring Language Pedagogy through Second Language Acquisition Research (1st ed.). Routledge. https://doi.org/10.4324/9780203796580

2. Bonfield, C. A., Salter, M., Longmuir, A., Benson, M., & Adachi, C. (2020). Transformation or evolution?: Education 4.0, teaching and learning in the digital age. *Higher education pedagogies*, *5*(1), 223-246.

3. Berge, Z. L., & Collins, M. (1993). Computer conferencing and online education. *UMBC Graduate School*.

4. Sharma, K., Schoorman, F. D., & Ballinger, G. A. (2023). How can it be made right again? A review of trust repair research. *Journal of Management*, *49*(1), 363-399.

5. Shodmonqulova, N. U. (2022, January). METHODOLOGY OF TEACHING THE SUBJECT"

CONSTRUCTION MECHANICS" ON THE BASIS OF INTEGRATIVE APPROACH IN ELECTRONIC EDUCATIONAL ENVIRONMENT. In *Conference Zone* (pp. 155-158).
6. Lutfullaev, M. H., & Shodmonkulov, M. T. Methods Of Teaching The Subject «Information Technologies» Based On Computer Simulation Models. Journal of Multidisciplinary Engineering Science and Technology (JMEST) ISSN, 2458-9403.

TALABALARNI QURILISHDA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH MASALALARIGA O'RGATISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Meliev Baxtiyor Uktamovich, k.t.n., dotsent (DjizPI)
Germanova Tatyana Vitalevna, k.t.n., dotsent (TIU, Tyumen, Rossiya)
Xoljigitov Bekzod Murotqosim o'g'li , magistrant (DjizPI)

Annotatsiya: maqolada texnik mutaxassislik – atrof-muhitni muhofaza qilish uchun ekologik profilning amaliy fanini o'qitishning o'ziga xos xususiyati muhokama qilinadi. Talabalarni o'qitishda axborot texnologiyalaridan foydalanish va professional bazalardan qo'shimcha materiallarga bo'lgan ehtiyoj asoslanadi.
Kalit so'zlar: axborot texnologiyalari, atrof-muhitni muhofaza qilish, sanitariya muhofazasi zonasi chegarasi, ochiq ta'lim resurslari, professional ma'lumotlar bazalari.

Abstract: the article considers the peculiarity of teaching applied discipline of environmental profile for technical specialty. The use of information technologies in teaching students is justified and the necessity of additional materials from professional databases is justified.
Key words: information technologies, environmental protection, sanitary protection zone boundary, open educational resources, professional databases.

Axborot texnologiyalarining insoniyat taraqqiyotidagi roli, ayniqsa so'nggi o'n yilliklarda ortib borayotganining ahamiyati shubhasizdir [1]. Bugungi kunda yangi ta'lim texnologiyalari tobora keng tarqalmoqda. So'nggi o'n yilliklarda zamonaviy dunyoda sezilarli o'zgarishlar insoniyat uchun ko'plab muammolarni keltirib chiqardi. Ushbu muammolarni faqat ko'pchilik chuqur ilmiy bilimlarga ega bo'lgan jamiyat hal qilishi mumkin. Bunday jamiyatni shakllantirish zamonaviy ta'lim tizimining asosiy vazifasidir [2]. Progressiv dunyo axborot jamiyatini shakllantirish yo'lidan boradi. Ushbu maqolaning materiallari hozirgi vaqtda Tyumen sanoat universitetining o'quv jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish tajribasi bo'lib, atrof-muhitni muhofaza qilish fanlari bo'yicha materiallar taqdim etishda va ushbu tajribani boshqa universitetlarga, shu jumladan Jizzax politexnika institutiga qo'llash imkoniyati bilan tavsiflanadi.

Shuni ta'kidlash kerakki, talabalarning muammolarni hal qilish usullarini tushunishi, yangi vaziyatda bilimlarni qo'llash qobiliyatini rivojlantirish ko'p jihatdan uning aqliy faoliyati, fikr-mulohazalarning samaradorligi va o'quv jarayonining kasbiy yo'nalishiga bog'liq. Ta'lim vositalaridagi mavjud yutuqlar: multimedia darslari, elektron kutubxonalar va Internet ta'limi bilish jarayonini o'zgartirmadi. Bundan tashqari, bu jarayon inson hayotining kam o'rganilgan jarayonidir [3].

Hozirgi vaqt - hududlarning chegaralari, jamiyatlar, hukumatlar, vazirliklar, qonunchilik va ijtimoiy-iqtisodiy dasturlarning o'zgarishi vaqti bo'lib, ta'limning vazifasi faqatgina bilimlarni berishda emas, balki ma'lumotlarni bir-biriga bog'lash, ma'lum bir sohaga xos bo'lgan muammolar ro'yxatini tuzish, ularni hal qilishning mumkin bo'lgan usullarini va boshqa fanlar bilan aloqalarini tushuntirib berishdan iboratdir. Qurilish sohasida bu vazifa qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalari uchun ham, turli xil ob'ektlarni qurishda ish olib borishda ham muhim masaladir. Ob'ektni loyihalash bosqichida tabiat va atrof-muhitga uning ta'sirini baholash ob'ektni qurish davri uchun ham, uning ishlab chiqarish jarayoni uchun ham eng maqbul qarorlarni qabul qilishga imkon beradi [5-10].

Ochiq ta'lim resurslarini yaratish va rivojlantirish milliy va xalqaro miqyosda faol qo'llab-quvvatlanmoqda. Hozirgi kunda ta'lim va ilmiy tashkilotlar tomonidan yaratilgan ochiq ta'lim va ilmiy manbalarga kirish tizimlari mavjud. Masalan, Rossiya milliy ta'lim platformasi – "ochiq platforma" va xalqaro platforma – nazariy va amaliy materiallarni o'z ichiga olgan "Soigsega" kabi platformalar keng tarqalgan.

Tyumen industrial universitetining o'quv jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish elektron manbalar bilan keng ifodalanadi, masalan: elektron katalog (TIU elektron kutubxonasi), TIU ilmiy jurnallari, elektron kutubxona tizimlari (EBS): IPR BOOKS, "talaba maslahatchisi", "Lan", "Book.ru, Yurayt elektron kutubxonasi; ilmiy elektron kutubxonalar: ELIBRARY.RU, milliy elektron kutubxona (Neb); professional ma'lumot va axborot tizimlari va ma'lumotlar bazalari: "Maslahatchi", "Kafil", "Texnik ekspert"; ochiq turdagi elektron resurslar, Rospatent ma'lumotlar bazasi, OnePetro, ONLINE universitet kutubxonasi, B. N. Yeltsin nomidagi prezident kutubxonasi, Rossiya oliy o'quv yurtlari kutubxonalari [4]. Shunday qilib, universitetda yangilangan zamonaviy ma'lumotlardan foydalanish maqsadida Internetda keng foydalangan holda yagona ta'lim muhiti shakllanmoqda.

Atrof-muhitni muhofaza qilish fanining o'quv materiallarini tushuntirib berish va mustahkamlash uchun har qanday bilim dargohida o'qituvchilar va talabalar uchun ma'lum energiya va vaqt talab etiladi. Shu bilan birga, ushbu fan jarayonlarni tavsiflash va ta'sirni baholash bo'yicha professional bazalardan

havodan foydalanish, suvdan foydalanish, yerdan foydalanish, chiqindilar, elektromagnit va shovqinning ta'siri to'g'risidagi ma'lumotlar bilan ta'minlashni talab etadi [5-10]. Talabalar ularning atrof-muhitga ta'siri darajasini aniqlash, kurs ishlari, diplom loyihalari va magistrlik dissertatsiyalarini bajarish bo'yicha muammolarni hal qilishadi.

Jizzax politexnika institutida magistrlik dissertatsiyasini bajarish doirasida, agar loyihalashtirilayotgan ob'ekt uchun kompleks ekologik ruxsatnoma bajarilgan bo'lsa, atrof-muhitga ta'sirini baholash, atrof-muhit holati to'g'risidagi ma'lumotlarni to'plash va qayta ishlash, shuningdek tabiiy va rejalashtirilgan antropogen omillar ta'siri ostida uning holatidagi o'zgarishlarni bashorat qilish va tahlil qilish [11-15]. Dissertatsiyalarning asosiy vazifasi atrof-muhit holati to'g'risidagi ma'lumotlarni to'plash va qayta ishlash, shuningdek, loyihalashtirilayotgan ob'ektning tabiiy va antropogen omillar ta'siri ostida holatidagi o'zgarishlarni bashorat qilish va tahlil qilishdan iboratdir.

TIUda bu mutaxassislar uchun professional materiallar, shu jumladan me'yoriy hujjatlar va ma'lumotlarining eng katta to'plamlarini, shuningdek noyob xizmatlar va servislarning butun majmuasini (faqat universitet hududida kirish) o'z ichiga olgan "Tehexpert" va "Garant" ma'lumotlar bazalaridan foydalanish talabalarning o'quv materiallari bilan ishlashi auditoriya va o'qish zali (elektron zal) orqali osonlikcha ta'minlanadi.

Ushbu imkoniyatlar talabalarni loyihalashtirilgan yoki mavjud ob'ekt uchun sanitariya muhofazasi zonasining hajmini aniqlash bo'yicha qonunchilik, me'yoriy-texnik adabiyotlar va hujjatlar bilan tanishtirishga imkon beradi. Qaror taqdim etilgan ma'lumotlar va talablarni tahlil qilish asosida amalga oshirilishi kerak. Bundan tashqari ta'sir etuvchi omillar ob'ekt atrofida yashovchi aholining va uning avlodlarining sog'lig'iga salbiy ta'sir ko'rsatmaydigan chegarani aniqlash kerak. Korxonalar, inshootlar va boshqa ob'ektlarning sanitariya-muhofaza zonasining hajmini aniqlash ularning aholi salomatligiga potentsial ta'sirini atrof-muhit ob'ektlariga ta'siri orqali ustuvor (cheklovchi) omillar yoki ularning kombinatsiyalarini aniqlash orqali har tomonlama baholash asosida amalga oshirilishi kerak. Uning sog'likka ta'sirini baholash, birinchi navbatda, inson atrof-muhitining ifloslanish darajasini gigiena standartlari bilan taqqoslash orqali amalga oshiriladi. Agar kerak bo'lsa, birinchi va ikkinchi darajali xavfli korxonalar uchun (kamaytirish, sanitariya muhofazasi zonasi hajmini optimallashtirish va boshqalar) ushbu baholash xavfni baholash metodologiyasini qo'llash orqali kengaytirilishi mumkin [5-8]. Shuni ta'kidlash kerakki, individual masofaviy rejimda darslarga tayyorgarlik ko'rish va ulardan foydalanish uchun barcha ma'lumotlar bazalari mavjud emas. Professional ma'lumotlar bazalarida mavjud bo'lgan ma'lumotlarning aksariyati ma'lum miqdordagi mablag'ni , ya'ni to'lovni talab qiladi va usbu masala hozirgi kunda ko'pchilik tarmoq foydalanuvchilari: talabalar va o'qituvchilar uchun qiyin bo'lib qolmoqda.

Ushbu fanni TIUda o'qitish natijalari shuni ko'rsatadiki, o'quv jarayonining samaradorligi nafaqat axborot elektron tizimlari, elektron o'quv kurslari va o'qituvchilar faoliyati mazmuniga, balki axborot elektron tizimlari va elektron ta'lim tizimlarining interfeysi va funktsional imkoniyatlari samaradorligiga ham bog'liq ekan.

Bundan tashqari, elektron ta'lim jarayonining sifatiga bevosita ta'sir qiluvchi muhim omil - bu universitet xizmatlari tomonidan amalga oshiriladigan dasturiy va qurilmalar ta'minotining ishonchliligi, ya'ni axborot tizimlariga buyurtma berish va ularni texnik qo'llab-quvvatlashdan iborat. Axborot resursining yangilanishi, to'ldirilishi va mavjudligi ushbu xizmatlarning harakatchanligi va tezkorligiga bog'liq.

Adabiyotlar:

1. Гринченко С.Н. Метаэволюция (систем неживой, живой и социально-технологической природы) – М.: ИПИРАН, 2007. – 456 с.
2. Стандарты и рекомендации для гарантии качества высшего образования в европейском пространстве. – Йошкар-Ола: Аккредитация в образовании, 2008. –58 с.
3. Богачев С. От образовательной системы к когнитивной индустрии / С. Богачев // Качество образования. – 2009. – С. 54-56.
4. Германова Т.В. Использование современных технологий обучения в преподавании экологических дисциплин в техническом ВУЗе/ В сборнике: Актуальные вопросы инженерного образования: содержание, технологии, качество. Материалы ВИИИ Всероссийской научно-методической конференции. В 3-х томах. 2018. С. 169-173.
5. Федеральный закон «Об охране окружающей среды» от 10 января 2002 г. № 7-ФЗ (с изм. от 19 марта 2024 г.).
6. Федеральный закон от 13.06.2023 г. № 255-ФЗ «О внесении изменений в Федеральный закон «Об охране атмосферного воздуха»».
7. Федеральный закон "Об охране атмосферного воздуха" от 04.05.1999 Н 96-ФЗ.
8. Федеральный закон от 25.12.2023 № 657-ФЗ внес изменения в Водный кодекс РФ и другие законодательные акты (действует с 25 декабря 2023 г., за исключением отдельных положений).
9. "Водный кодекс Российской Федерации" от 03.06.2006 Н 74-ФЗ (ред. от 25.12.2023) (с изм. и доп., вступ. в силу с 30.12.2023).
10. Земельный кодекс Российской Федерации от 25.10.2001 Н 136-ФЗ (ред. от 14.02.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.04.2024).
11. “Tabiatni muhofaza qilish to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasining Qonuni, 09.12.1992 yil, № 754-XII.
12. “Atmosfera havosini muhofaza qilish to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasining Qonuni, 27.12.1996 yil, № 353-I.
13. “Suv va suvdan foydalanish to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasining Qonuni, 06.05.1993 yil, № 837-XII.
14. O’zbekiston Respublikasining “Yer Kodeksi”, 01.07.1998 yil.

СВЕРТКАЛИ НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЁНҒИН ЖАРАЁННИ АНИҚЛАШ

Хамдамов Р.Х., Сокиев Т.Р.
Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти

Аннотатция: Ёнғинлар инсон ҳаёти, мулки ва атроф-муҳит учун хавфли оқибатларга олиб келадиган энг жиддий ва ҳалокатли табиий ва техноген офатлардан биридир.Ушбу мақоланинг асосий мақсади ёнғинга ўхшаш артефактларни таниб олиш нуқтаи назаридан мавжуд ёнғинни аниқлаш моделини таклиф этишдан иборат. Шунингдек ушбу ишда ёнғин ҳолатини сверткали нейрон тармоқларидан фойдаланган ҳолда аниқлаш модели таклиф этилади. Ушбу модел ёнғинларни дастлабки босқичларда автоматик равишда аниқлашга, шунингдек, фойдаланувчиларга ёрдам берадиган тизимга ҳизмат қилади. Таклиф қилинган методология ва тадқиқот натижаларининг батафсил кўриниши тақдим этилади.

Калит сўзлар: сверткали нейрон тармоқлари, тасвирларга ишлов бериш, моделлаштириш, ёнғинни аниқлаш, ўқитиш модели

Кириш

Бугунги кунда Фан, технология ва ишлаб чиқаришдаги асосий соҳалар асосан маълумотлар тасвирлар шаклида тақдим этиладиган тизимларни ишлаб чиқишга қаратилмоқда. Бундай ахборотларни қайта ишлаш жараёнида бир қатор мураккаб илмий-техникавий ва технологик муаммолар юзага келади. Ҳозирги вақтда уларнинг энг мураккабларидан бири тасвирни таҳлил қилиш ва таниб олишдир. Контурни аниқлашда тасвир ва нутқ таҳлили бўйича бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар жаҳон миқёсида фан-техника ва муҳим технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади бу эса муаммонинг муҳимлигидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда таҳлил қилинаётган тасвирлар шаклни тавсифлаш ёки улардан метрик ёки семантик маълумот олиш учун мўлжалланган интеллектуал тизимларга таянган ҳолда маълумотлар олинмоқда.

Ёркинлик шаклини алмаштириш рақамли тасвирларни қайта ишлашда катта аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида экспозиция хатосини тузатиш ҳамда тасвирнинг қора ёки ёруғ соҳаларини ажратиш мумкин. “Ёркинлик” тушунчасининг бир нечта кўринишда таърифи мавжуд бўлиб, ушбу ишда баъзиларига тўхталади. Калориметрик таърифга кўра [1] ёркинлик – кўриш сезгисининг қандайлир характеристикаси ҳисобланади. Бундай таъриф рақамли тасвирларни қайта ишлаш учун яроқли эмас. Фотометрияда ёруғлик оқими (луминоус флухПв) энергиянинг спектрал тақсиманиши функцияси бўлиб (радиант поwер) $P_e(\lambda)$ нинг $V(\lambda)$ (спестраллуминоус еффисиенсй фунстион) функциясига скаляр кўпайтмаси сифатида аниқланади [3].

Ҳозирги вақтда ёнғин ҳолатини аниқлашда свёрткали нейрон тармоғи ва унинг модификацияларидан фойдаланиш оммалашмоқда чунки свёрткали нейрон тармоғи аниқлиги ва тезлиги бўйича энг яхши алгоритмлар ҳисобланади. 2012 йилдан бошлаб нейротармоқлар тимсолларни таниб олиш бўйича машҳур ИмагеНет халқаро танловида биринчи ўринларни эгаллаб келмоқда [2].

1. Масалнанинг қўйилиши

Ёнғинни аниқлаш тизимлари хавфсизликни таъминлаш ва турли соҳаларда зарарни камайтириш учун муҳим ҳисобланади. Компютерли кўриш ва машинали ўқитиш ёрдамида ёнғинни аниқлаш сезиларли даражада яхшиланади ва бу тизимларда ёнғин хавфини тезроқ ва аниқроқ аниқлашга имкон беради.

Катта маълумотлар тўпламидан фойдаланиб свёрткали нейрон тармоғи моделини ишлаб чиқиши долзарб масалалардандир. Баъзи ёнғинни аниқлаш моделлари яхши аниқликни кўрсатади [4-7]. Кутилган натижаларга қарамай, моделлар жиддий чекловларга эга айниқса баъзи ҳолатларда, масалан, қоронғи тунги тизим ёки оловга ўхшаш ёруғликни ҳақиқий олов билан адашиш каби баъзи вазиятларда ҳақиқий оловни оловга ўхшаш тасвирлардан ажратишда. 1-2-расмларда кўрсатилган.

Ушбу муаммони ҳал этиш ўтиш учун маълумотлар тўплами қайта таҳлил этилади ва такомиллаштириладиб шунингдек, свёрткали нейрон тармоғи моделини яхшилаш учун ранг ва контур таҳлил усулларидан фойдаланилади. Нотўғри жараённи камайтириш ва аниқликни оширишда моделнинг асосий хусусияти тасвирларни оловли ва оловсиз эканлигини фарқлашни англатади.

Ушбу мақола замонавий свёрткали нейрон тармоғи модели ишлаб чиқилади ва бу эса маълумотлар тўпламини ишлаб чиқариш тартибини ва ранг ҳамда контурни баҳолашни бирлаштиришни таклиф қилинади.

2. Материал ва метод

2.1. Тасвирдаги ўзгаришни аниқлаш

Тасвирларнинг тузилишини ўзгартиришда структуравий ўзгаришлар жойларини топиш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда тузилмавий ўзгаришлар соҳаларини топиш алгоритмидан фойдаланилади. Вазифанинг моҳияти ўзгаришларни излаш учун иккита тасвирнинг хусусиятларини солиштиришдир (3-расм).



1-расм. Тунги вақтда ёнғинга ўхшаш тасвирлар



2-расм. Хақиқий ёнғин жараёнлари тасвирлари



